



---

ОР-НОМУС ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ АСОСИЙ  
ҚОИДАЛАРИДАН БИРИ ШУНДАН ИБОРАТКИ,  
ҲАР БИР ОДАМ КИМ БЎЛИШИДАН ҚАТЪИ  
НАЗАР, ЎЗ ХАТТИ-ҲАРАКАТИ БИЛАН ЎЗГАЛАР  
УНДАН УСТУН БЎЛИШИГА ЙЎЛ  
ҚЎЙМАСЛИГИ ЖОИЗ.





ТАҚДИРЛАР

ҲИКМАТЛАР

АФОРИЗМЛАР



ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ ТАҲҚИҚОТИ

ТОШКЕНТ  
2017

# 100 МУМТОЗ ФАЙЛАСУФ

---

**УЎК: 808.5:1(450)**

**КБК: 87.3(0)**

**Ж - 96**

**Жўраева, Саида**

Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф / Тўпловчи ва таржимон: Саида Жўраева. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 416 б.

ISBN 978-9943-27-366-5

Қўлингиздаги китобда жаҳон фалсафасининг ХХ асргача яшаб ижод қилган мумтоз вакиллари ҳаёти ва қуйма фикрлари имкон даражасида жамланган. Мажмуа нафақат фалсафа ихлосмандлари, балки ўқувчиларнинг кенг оммаси учун ҳам тушунарли, фойдали ва қизиқарли бўлади деб умид қиламиз. Чунки мажмуадаги ибратли ҳаёт йўллари ҳақидаги маълумотлар ва пурмаъно фикрлар ўзини ўзи ислоҳ қилиш истагида бўлган, ҳақиқатнинг ранг-баранг манзараларидан завқ олишга қодир ҳеч бир кимсани бефарқ қолдирмайди. Дунё тафаккур хазинасидан бир заррасига китоб жавонингиздан ва, албатта, қалбингиздан жой ажратиш қарорини қабул қилганлигингиз муборақ бўлсин!

**УЎК: 808.5:1(450)**

**КБК: 87.3(0)**

**Тўпловчи ва таржимон:**  
**САИДА ЖЎРАЕВА**

ISBN 978-9943-27-366-5

© С.Жўраева, «Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф». «Янги аср авлоди». 2017 йил.

## **ДОНИШМАНДЛИК ДУРДОНАЛАРИ**

*(Сўзбоши ўрнида)*

Қўлингиздаги ушбу ноёб китоб ҳали ўз ўқувчиларига етиб бормасданоқ оғизга тушган, унинг кўпгина боблари «Қалб кўзи» ҳафтаномасида бир неча йил мобайнида чоп этилиб, минглаб муштарийларнинг қизиқиши ва эътиборига сазовор бўлганди.

Иқтидорли журналист Саида Жўраева тўплаб, таржима қилиб, нашрга тайёрлаган ушбу китобни асил маънода «Тафаккурнинг минг бир жилоси» дея номлаш ҳам мумкин. Илло, биз унда башарият тарихида бундан минг ва юз йиллар муқаддам яшаб ижод қилган улўф файласуфлар, ўз даврининг буюк алломалари таржимаи ҳоллари билан боғлиқ энг муҳим маълумотлар ҳамда жами фанлар отаси – фалсафанинг мумтоз намояндалари қаламларига мансуб афоризмлар, «теша тегмаган» фикр-мулоҳазалар, ўғитлар, дунёқарашлар, огоҳлантиришлар ва тавсияларга рўпара келамиз. Ҳақиқатан ҳам китоб инсон ақл-заковатининг минг бир сабоқларидан ташкил топган ва донишмандлик нурлари ила йўғрилгандир.

Афоризмлар, ҳикматли сўзлар ва мақоллар ўзига хос адабий жанр бўлиб, аввало маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига дахлдордир. Мазкур жанрга қизиқиш кучлилигининг боиси шундаки, улар фикрни қисқа ва лўнда ифодалашни талаб қилувчи шиддатли давримиз руҳига мос тушади.

Мутолаа жараёнида турли давр, турли халқ ва турлича йўналиш вакиллари бўлган, ҳатто баъзи ўринларда бир-бирини инкор этган файласуфларнинг фикрлари силлиқ қабул қилинади ва енгил ҳазм бўлади. Ўқувчи гўёки улкан бир ҳақиқатни турли нуқталар, турлича ракурслардан туриб кўзатади. Бу ҳол фалсафанинг қудрати ва гўзаллиги янада ёрқинроқ намоён бўлишини таъмин этади. Натижада фалсафага, ушбу китобдан ўрин олган кўплаб донишмандларнинг ҳикматларига азалдан ошно бўлган ўқувчи-да фалсафанинг ҳам, айтини донишмандларнинг ҳам янги қирралари, жозибасини ўзи учун кашф этиш имкониятига эга бўлади.

Китобнинг аҳамияти ҳақида гапириш ортиқча. Чунки жаҳон тафаккур оламининг дурдоналарини она тилимизда ўқиш бизга бутунги ҳаётимиз, мақсад ва вазифаларимизни инсониятнинг мумтоз мутафаккирлари нигоҳи билан тафтиш этиш, англаш имкониятини беради. Бу эса ҳар қандай халқ ва ҳар қандай давр учун жуда муҳим.

«Ҳақиқат манзаралари» мажмуаси китобхоналаримизнинг жавонидаги энг севимли ва исталмиш китоблардан бирига айланишига шахсан мен шубҳа қилмайман.

**Ҳожиакбар ШАЙХОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
раисининг биринчи муовини,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими**

## ҲАЗРАТ СУЛАЙМОН

*(Тахминан милоддан аввалги  
960–935 йилларда ҳукмронлик қилган)*

Ҳазрат Довуднинг ўғли. Иудея ва Исроил давлатига ҳукмронлик қилган. Қуддус шаҳрида Яхва ибодатхона-сини қурдирган. Замондошлари Сулаймоннинг донолигидан завқланишган. У ўзининг ўтқир ақли ва ғайриодатий фикрлаш тарзи билан шуҳрат қозонган.



\* \* \*

Ривоятларда айтилишича, Ҳазрат Сулаймоннинг: «Бу дунёдаги ҳамма нарса ўтқинчи», – деган сўзлар ўйиб ёзилган узуги бўлган. Сулаймон ҳаётининг қайғули онларида узукдаги ана шу ҳикматли битикни ўқиб, таскин топган.

Бир куни унинг бошига шундай бахтсизлик тушадикки, узукдаги сўзлар дардига малҳам бўлолмайди. Сулаймон ғазаб билан узукни ечиб, отиб юборади ва думалаб бораётган узукнинг ички томонида ҳам аллақандай битик борлигига ногаҳон кўзи тушади. Ўрнидан туриб, узукни қўлига олади-да, битикни ўқийди. Узукнинг ички томонида: «Бу ҳам ўтиб кетади», – деган ёзувлар бор эди. Сулаймон аччиқ кулимсираб, узукни бармоғига тақади ва умрининг охиригача уни ечмайди.

\* \* \*

Авлодлар келиб-кетаверадилар, Ер эса абадий  
қолаверади.

\* \* \*

Донолик ортганда қайғу ортади, билимнинг  
кўпайиши эса ғамгинликни кўпайтиради.

\* \* \*

Баъзан кулганда ҳам юраклар зирқирайди,  
қувонч эса қайғу билан якун топади.

\* \* \*

Мен довюрракликдан кўра донишмандлик афзал  
деган ўйда эдим. Аммо камбағалнинг донолигидан  
нафратланишар ва унинг сўзларини тингламас  
эканлар.

\* \* \*

Эртанги кун билан мақтанма, чунки у нималарни  
тақдим этишини билмайсан.

\* \* \*

Ақлли одам кулфатни олдиндан кўради ва ўзини  
панага олади. Тажрибасизлар эса олға юриб жазо-  
ланадилар.

\* \* \*

Шундай йўллар борки, улар инсонга тўғри кўри-  
нади. Аммо бундай йўлларнинг ниҳояси – ўлим.



## МИЛЕТЛИК ФАЛЕС

(Милоддан аввалги 625–547 йиллар)

Милетлик Фалес ўз замонасидаги етти донишманднинг бири бўлган. Айтишларича, Фалес шу етти донишманднинг ичида етакчилик қилган. У биринчилардан бўлиб табиат ҳақида фикр юритган. Қуёш тугилиши унинг ой билан тўсилиши туфайли юз беришини биринчи бўлиб Фалес англаган, диаметр айланани тенг иккига бўлишини исботлаб берган. Фалес фалакиётшунослик билан ҳам шуғулланиб, қуёш тугилишини олдиндан айтиб берган.



Фалес Миср эҳромларининг баландлигини уларнинг соясига қараб ўлчаган. У ёлғизликда ҳаёт кечириб, давлат ишларига аралашмаган. Унинг қўйидаги асарлари маълум:

«Қуёшнинг ҳаракати ҳақида».

«Тенгкунлик ҳақида».

Цицерон шундай гувоҳлик беради:

«Фалсафа Фалесдан бошланади, у биринчи эди».

\* \* \*

Кўхна қўлёмаларда Фалеснинг ҳаचери билан содир бўлган мана бу воқеа ҳикоя қилинади:

«Устига бир неча қоп туз ортилган ҳачир дарёни кечиб ўтаётганда беҳосдан тойиб кетади. Натижада ивиган қоплардаги туз эриб, ҳачирнинг юки енгиллашиб қолади. Шундан сўнг ҳачир дарёдан кечиб ўтаётганда ҳар сафар атайин сувга бир шўнғиб

олишни одат қилади. Ниҳоят Фалес хачирнинг бу найрангини сезиб қолиб, унинг устига юнг солинган қопларни ортишни буюради. Хачир ноилож айёрликдан воз кечиб, одатини тарк этишга мажбур бўлади».

\* \* \*

Фалес шундай деб ёзади:  
Ҳамма нарсанинг ибтидоси сувдир.

\* \* \*

Тангри ҳамма нарсадан кўҳнароқдир. Чунки у яратилмаган.

\* \* \*

Ер сувда сузади.

\* \* \*

Худонинг на ибтидоси, на интиҳоси бор. У – Коинотнинг тафаккури. Коинот жонли ва айни дамда илоҳиётга тўлиқдир.

\* \* \*

- Энг гўзал нарса нима?
- Одам. Чунки у Тангрининг маҳсулидир.
- Энг тез нарса нима?
- Ақл. У ҳамма нарсани ортда қолдиради.
- Ҳаммадан донороқ нарса-чи?
- Вақт. Чунки ёлғиз вақтгина ҳамма нарсани ойдинлаштиради.
- Ҳамма учун энг умумий нарса нима?
- Умид. Чунки у ҳеч вақоси йўқларда ҳам мавжуддир.
- Энг кучли нарса нима?
- Зарурият. Чунки у ҳамма нарсанинг устидан ҳукмронлик қилади.

- Энг қийин нарса нима?
- Ўзни англаш.
- Энг осон нарса-чи?
- Ўзгаларга маслаҳат бериш.
- Кимни бахтли санаш мумкин?
- Жисмоний соғлом, руҳий хотиржам ҳамда истеъдодини ўстира олган кишини.
- Бахтсизликка дош беришнинг осон йўли нима?
- Ғанимларнинг сендан-да ёмон аҳволга тушиб қолганига гувоҳ бўлиш.

\* \* \*

Мен уч нарса учун тақдирдан миннатдорман: биринчидан, ҳайвон эмас, инсон бўлиб туғилганим учун; иккинчидан, аёл эмас, эркак бўлиб туғилганим учун; учинчидан эса варвар эмас, элликлик бўлганим учун.

## ЭЗОП

(Тахминан милоддан аввалги  
640–560 йиллар)



Фригиялик донишманд Эзопнинг пешонасига тақдир қулик қисматини битган эди. Эзоп ижодининг энг гуллаган дамлари милоддан аввалги 600 йилларга тўғри келади. Тарихий манбаларга кўра, Эзоп 400 га яқин масал битган.

Эзопнинг номи биринчи марта Ҳеродот (V аср) асарларида йўл-йўлакай тилга олинади. Ҳеродот Эзопни етарлича машҳур бўлган тарихий шахс сифатида тасвирлайди ва қуйидаги 4 сифатни келтиради:

1. Эзоп масалчи эди.
2. У Самос оролида яшаган ва Иадмон исмли кишининг қули бўлган.
3. Эзоп тахминан милоддан аввалги 560 йилларгача яшаган.
4. Уни қандайдир сабабга кўра Дельфада ўлдиришган.

### **«ЭЗОПНИНГ ТИРИКЛАРГА ВАСИЯТИ»**

Энг аввало Тангрини муносиб тарзда улуғла. Кейин эса подшоҳни иззат қил. Чунки подшоҳ ва Тангри ҳукми тенгдир. Устозингни ота-онанг қаторида ҳурматла. Ота-онани сенга табиат ато этган бўлса, устозинг сени ўз ихтиёри ила севади. Шунинг учун ундан икки карра миннатдор бўлмоғинг жоиз.

\* \* \*

Эртанги ишлар учун саломатлигинг яроқли ва куч-қувватинг етарли бўлишини истасанг, кундалик таоминг сифатли ва етарли бўлсин.

\* \* \*

Бевақт ўлим топмаслигинг учун шоҳ саройида эшитганларингнинг ҳаммаси ичингда ўлсин.

\* \* \*

Ёшинг ўтиб қолганда илм олишдан уялма. Зеро, ҳечдан кўра кеч илм олмоқлик афзалдир.

\* \* \*

Пулинг кўп бўлса қувонма, кам бўлса куйинма.

## **ЭЗОП МАСАЛЛАРИ**

Эмишки, олов санами Прометей лойдан одам ясаётганда сув ўрнига кўзёшлардан фойдаланган. Шу боис инсонга куч билан таъсир ўтказишга уриниш бефойда экан. Инсонни бўйсундириш учун имкон борича уни яхши сўзлар билан тинчлантириб, кўнглини юмшатмоқ ва ишонтирмоқ даркор. Ана шунда ҳар қандай кишида раҳм-шафқат ва меҳрибонлик туйғулари уйғониши шубҳасиздир.

\* \* \*

Бир ҳукмдор Эзопдан сўради:

«Не сабабдан донишмандлар бойларнинг ҳузурига келадилар-у, бойлар донишмандларнинг ҳузурига бориш-майди?»

Эзоп шундай жавоб берди: «Бунинг боиси шундаки, донишмандлар ўзларига нима кераклигини яхши биладилар. Давлатмандлар эса билишмайди.

Агар билишганда мол-дунё ғамида яшамасдан, до-нишмандлик пайида бўлардилар».

### **ЗЕВС ВА ИЛОН**

Зевс тўй қилаётган эди. Ҳамма ҳайвонлар топ-ганларини унга совға қилиб келтиришди. Илон ҳам гул тишлаган кўйи судралиб келди. Зевс илонни кўриб шундай деди: «Мен бошқаларнинг совғасини қабул қиламан. Аммо сенинг тишингдаги тухфани олмайман».

Масалдан хулоса шуки, ёмон одамларнинг яхши-лигида ҳам хатар бор.

### **ҚАРИЯ ВА АЖАЛ**

Бир қария ўрмонда ўтин кесиб, уни уйи томон судрай бошлади. Йўл жуда олис эди. Қария ҳолдан тойиб, ўтинни ташлади-да, Яратгандан ўзига ўлим тилаб ёлворди. Шунда Ажал ҳозир бўлди ва қария-дан нима учун йўқлаганини сўради. Қария Ажалга шундай жавоб берди: «Ўтинимни кўтаришиб юбо-ришинг учун сени чорлагандим».

Қиссадан ҳисса шуки, инсон қанчалар бахтсиз бўлмасин, ҳаёт барибир ширин.

\* \* \*

Шоҳларга ё умуман яқинлашмаслик керак, ё фақат уларга ёқадиган сўзларни айтмоқ лозим.

## ПРИЕНАЛИК БИАНТ

(Милоддан аввалги VI аср)

Қадимги юнон файласуфи Биант Юнонистондаги етти етакчи файласуфнинг бири эди.

Биантнинг она шаҳри саркарда Кир лашкарлари томонидан забт этилади. Шаҳар аҳолиси энг қимматбаҳо буюмларини олиб қоча бошлайди. Фақат Биантгина ҳеч нарса олмай, бўш қўл билан шаҳардан чиқиб кетади. Буни кўрган ҳамшаҳарлари ундан: «Сен нега ҳеч нарса олмадинг?» – деб сўрашади. Шунда Биант: «Ҳамма нарсамни ўзим билан олиб юраман», – деб жавоб беради.



\* \* \*

Дўстларинг орасидаги баҳсга ечим топишдан кўра, душманларинг ўртасидаги низони ҳал қилиш афзалдир. Чунки дўстларинг ўртасига тушсанг, бири сенинг душманингга айланади, душманларинг баҳсини ҳал қилсанг, улардан бири сенга дўст бўлиб қолади.

\* \* \*

Умринг мезонини шундай олки, гўёки яшашингга ҳам оз, ҳам кўп фурсат қолган бўлсин.

\* \* \*

Бирор ишга қўл уришга ошиқма. Қўл урдингми, қатъий бўл.

\* \* \*

Ҳовлиқмасдан сўзла: шошилиш ақлсизлик белгисидир.

\* \* \*

Ёмонлар ҳамма ерда кўпчиликни ташкил қилади.

\* \* \*

Нима мушкул? – Ишнинг чаппа кетишини хотиржам кузатиш.

Инсон учун тотли нарса нима? – Умид.

Инсон қайси ишдан завқ олади? – Фойда олишдан.

Энг яхши маслаҳатчи ким? – Вақт.

\* \* \*

Бахтсизликка дош беролмайдиган одам бахтсиздир.

\* \* \*

Кемада сузиб бораётганлар на тириклар ва на ўликлар қаторига кирадилар.

\* \* \*

Куч билан эмас, ишонч билан забт эт.

\* \* \*

Ёшлигингда кексалик учун доноликни тўпла. Чунки ундан ишончлироқ бисот йўқ.



## КРИТЛИК ЭПИМЕНИД

(Милоддан аввалги VI аср)

Афсонавий юнон донишманди Эпименид Крит оролида туғилган. У донишманд Солон билан яқин дўст бўлган. Солонга қонунларни тузишда кўмаклашган. Милоддан аввалги 596 йилда Эпименид Афина шахрини вабо эпидемиясидан сақлаб қолган. Манбаларда ёзилишича, файласуф 300 йилдан ортиқ умр кўрган.



\*\*\*

Эпимениднинг ёлғон сўзлаган критлик ҳақидаги мантиқий зиддияти неча асрлардан буён донишмандлар учун ечиб бўлмас муаммолигича қолаётир. Бу зидламанинг мазмуни шундай: «Бир критлик сўзлай туриб: «Мен алдаяпман», дейди ёки: «Ҳозир мен айтадиган сўзлар ёлғон», дейиши мумкин. Ё бўлмаса бундай дейди: «Айтган сўзларимнинг бари ёлғон». Агар сўзловчи чинданам ёлғон гапирган бўлса, унинг иқрори – ҳақиқат. Аксинча, сўзловчининг айтганлари чин бўлса-ю, «ёлғон гапирдим», деса, у ростдан ҳам ёлғон гапирган. Шундай қилиб, агар сўзловчининг иқрори рост бўлса, у ёлғон гапираётган бўлади, аксинча, унинг иқрори ёлғон бўлса, гаплари ростдир.

Ушбу мантиқий зиддиятнинг қасф этилиши кўплаб файласуфларни боши берк кўчага киритиб қўйди. Файласуф Христипп (милоддан аввалги

281-208-йиллар) ана шу зидламага бағишланган учта китоб ёзди. Косслик Филет исмли донишманд эса бош қотира-қотира, зиддиятни ечолмагач, алам устида ўз жонига қасд қилди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, таниқли юнон олими, мантиқ илмининг билимдони Диодор Кронос (милоддан аввалги 307 йилда вафот этган) ҳаётининг сўнгги йилларида ушбу зидламани ечишга бел боғлаган. У ечимни топмагунча овқат емасликка онт ичган ва охир-оқибат бандаликни бажо келтирган.

## МИЛЕТЛИК АНАКСИМЕН

*(Тахминан милоддан аввалги  
585–525 йиллар)*

Қадимги юнон файласуфи Анаксимен милетлик Эвристратнинг ўғли ва файласуф Анаксимандрнинг яқин дўсти бўлган.



\* \* \*

Анаксимен шогирди билан қалин дарахтзорда сайр қилиб юрарди. Суҳбат орасида шогирди ундан сўраб қолди: «Устоз, мана сиз буюк эллинлардан сабоқ олган, кўп йиллик ҳаётий тажриба ортириб, донишмандлик мақомига эришган инсонсиз. Лекин негадир ҳали кўп нарсани билмайман, деб нолийсиз. Наҳотки, сиздек донишманд учун ҳам ечилмаган саволлар бўлса бу дунёда?» Файласуф ўйланиб қолди ва таёқ олиб ерга иккита доира чизди. Бу доираларнинг бири кичкина, иккинчиси каттароқ эди. «Мана бу кичкина доира сенинг билимларинг, каттаси эса меники, – деди Анаксимен. – Ушбу доиралардан ташқаридаги майдон эса ҳали биз англаб етмаган илмлардир. Энди бир эътибор бергин-а, доира қанчалик кичик бўлса, ундан ташқаридаги майдон ҳам шунча кичик, яъни ҳали биз тушуниб етмаган илмлар камроқдир. Доира катта бўлса, бунинг акси, яъни инсоннинг билим доираси қанчалар кенг бўлса, бу доирага туташ номаълумлик майдони ҳам шунчалар кенгдир.

## ЛАО ЦЗИ

(Миләддан аввалги 579–499 йиллар)



Хитойлик файласуф Лао цзи Чу подшоҳлигининг фуқароси бўлиб, асл исми Ли Эр эди. Лао цзи «устоз Лао» деган маънони англатади. Лао эса лақаб бўлиб, «қария» деганидир.

Лао цзи Чжоу саройида архив ходими бўлиб хизмат қилган. Конфуций билан учрашган. Лао цзи Чжоу салтанатининг инқирозга юз тутганини кўриб, «истеъфога» чиқади ва тарки дунё қилиб, ғарбга қараб йўл олади. Чегарага етиб келганда чегара бошлиғи ундан ўз ватанига нимадир қолдириб кетишни сўрайди. Ли Эр чегара бошлиғига 5000 белгидан иборат қўлёмани топширади. Бу тарихда «Даодэцзин» («Эзгулик йўли ёки Куч ва ҳаракат ҳақидаги китоб») номи билан машҳур китоб эди. Бу китобда Дао таълимотининг моҳияти ҳақида сўз боради. Дао иероглифи икки қисм: «Шоу» – бош ва «Цзоу» – бормоқ деган сўздан иборат. Бу «одамлар юрадиган йўл», деган маънони билдиради. Ҳозирга келиб «Дао» қонуният, қонун деган кўчма маънони англатади.

\* \* \*

Дао замин ва осмоннинг илдизидир. Дао ҳамма нарсанинг онаси, оламнинг асосидир.

\* \* \*

Даонинг на сийрати, на овози, на шакли бор.  
Унга қарайсан, аммо кўрмайсан. Қулоқ тутасан-у,  
эшитмайсан. Қувлайсан-у, тутолмайсан.

\* \* \*

Осмон остидаги ҳамма нарса омонатдир.

\* \* \*

Мустаҳкам ва кучли нарсалар ўлим хизматкор-  
ларидир.

\* \* \*

Оҳ, бахтсизлик! У бахтнинг таянчидир. Оҳ, бах-  
тиёрлик! Унда бахтсизлик яширин.

\* \* \*

Буюк ишлар, албатта, майда ишлардан бошла-  
нади.

\* \* \*

Мўрт ва ожиз нарсалар мустаҳкам ва кучли  
нарсалар устидан ғалаба қозонади. Ер юзида сув-  
дан юмшоқроқ ва заифроқ ҳеч нарса йўқ. Аммо у  
мустаҳкам ва кучли нарсаларга ҳужум қилади. Ҳеч  
қандай куч уни енголмайди.

\* \* \*

Билгувчи сўзламайди, сўзлагувчи билмайди.

\* \* \*

Нафратга яхшилик билан жавоб қайтармоқ ке-  
рак.

\* \* \*

Ғанимни тўғри баҳолай билмасликдан кўра оғир-  
роқ кулфат йўқ.

\* \* \*

Мени қанча кам билсалар, шунча қадрлиман. Шу туфайли доноликда комил одамлар қалин, дағал либосларга бурканиб, қўйнида яшма тошни яширган одамга ўхшайдилар.

\* \* \*

Одамлар ортингдан эргашишини истасанг, уларнинг ортидан юр.

\* \* \*

Ўз хоҳиш-истакларининг чегарасини билмасликдан ортиқ бахтсизлик бўлмайди.

\* \* \*

Фикрларингизга эҳтиёт бўлинг – улар қилмишларингиз ибтидосидир.

\* \* \*

Буюк тўғрилиқ эгриликка, буюк заковат аҳмоқликка ўхшайди.

\* \* \*

Одамлар гўзалликни англаган ондан бошлаб хунуклик пайдо бўлади.

Бани башар эзгулик нелигини англаган лаҳзаларда эса ёвузлик ҳам мавжудлигини тушунди. Демак, борлик йўқликни, мушкулот енгилликни юзага келтиради. Юксаклик ва тубанлик бир-бирига қайишади, узунлик ва қисқалик бирини-бири тўлдиради. Товушлар ўзаро қўшилиб уйғунликни ҳосил қилади. Ўтмиш ва келажак ўзаро ўрин алмашади. Шу боис доно одам фаолиятсизликни афзал кўриб, сукутда мутолаа билан машғул бўлади.

\* \* \*

Инсон илк бор дунё юзини кўрганда – нозик ва заиф, ўлими олдидан эса саботли ва кучлидир. Барча тирик мавжудотлар ва ўсимликлар мавжудликнинг илк палласида нозик ва заиф, ўлим лаҳзаларида эса қуруқ ва чиркиндир. Демак, бардошлилик ва кучлилик ўлим нишонаси, нозиклик ва нимжонлик эса ҳаёт белгисидир. Шу боис қудратли кўшин зафар кучолмайди ва бақувват дарахт нобуд бўлади. Демак, нозиклик ва заифлик доим куч-қувватдан устундир.

\* \* \*

Буюк донишмандлар ҳукмронлик қилган юртда фуқаролар уларнинг борлигини сезишмайди. Қаердаки буюк бўлмаган донишмандлар ҳоким бўлса, омма уларга қаттиқ боғланган бўлади ва уларни шарафлайди. Қаердаки пастроқ донишмандлар ҳукмронлик қилишса, халқ улардан кўрқади. Янада заифроқ донишлар ҳоким бўлган жойда эса халқ улардан ҳазар қилади.

## ПИФАГОР

(Милоддан аввалги 576–496 йиллар)



Жанубий Италиянинг Регия шаҳрида туғилиб ўсган қадимги юнон файласуфи Пифагор Мнесарх исми кишининг фарзанди бўлган. Отаси уни хизмат сафарига доимо ўзи билан олиб юрган. Оқибатда Пифагор қизиқувчан ва янги нарсаларни билишга интилувчан бўлиб ўсади.

У файласуфлар Анаксимандр ва Ферекиднинг шогирди бўлган.

Пифагор узоқ вақт давомида Мисрда таҳсил олган. Зардуштийлик динига жуда қизиққан. У Мисрда илм сирларини ўрганиш учун ҳатто хатна қилдиришга ҳам рози бўлган. Акс ҳолда уни китобларга яқинлаштиришмасди. У ҳеч қачон йиғламаган ва умуман эҳтирос ҳамда ҳис-ҳаяжонга берилмаган.

Пифагорнинг қуйидаги асарлари маълум: «Табият ҳақида», «Давлат ҳақида», «Тарбия ҳақида», «Жон ҳақида», «Олам ҳақида», «Илоҳий калом». Пифагор милоддан аввалги 496 йилда душманлари томонидан ўлдирилган. Пифагор ҳаётнинг мазмунига оид қарашларга «фалсафа», деб ном берган биринчи донишманд эди.

\* \* \*

Ривоят қилишларича, Флиунт шаҳрига сафари чоғида ҳоким Леон Пифагордан сўради: «Сен қайси илм билимдонисан?» – «Ҳеч қайси, – деб жавоб берди Пифагор. – Мен шунчаки бир файласуфман». – «Фалса-



фа дегани нима ўзи?» – таажжубланиб сўради ҳоким. Пифагор шундай жавоб берди: «Инсон умрини бозор ва олимпия ўйинларига қиёслаш мумкин. Бозордаги сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам доимо ўз фойдаларини кўзлайдилар. Олимпия ўйинлари иштирокчилари эса шон-шуҳрат ва машҳурлик пайида бўладилар. Ўйингоҳдаги томошабинлар эса уларни диққат билан кузатадилар. Ҳаётда ҳам шундай. Одамларнинг катта бир гуруҳи бойлик ва шон-шуҳрат орттириш мақсадида елиб-югурадилар. Ана шу оломон орасида камчиликдан иборат бир гуруҳ борким, улар четдан туриб атрофдагиларни жимгина кузатадилар. Воқеа-ҳодисаларни, инсон табиатини тадқиқ этадилар. Ҳақиқатни англаш уларнинг энг севимли амалидир. Ана шу тоифадаги одамлар файласуфлар – доноликни севувчилар, деб аталади. Улар софослар, яъни донишмандлар эмас. Чунки том маънодаги донишмандлик ёлғиз Аллоҳга хос сифат. Бандалар эса донишмандликка интилиш билан кифояланадилар, холос».

\* \* \*

Донишмандлик ибтидоси: фикрлашни ўрганиш, вайсақиликка барҳам бериш.

\* \* \*

Ўтган кун ҳақидаги: «Мен уни қандай ўтказдим, нималар қилдим-у, нималарга улгуролмадим?» – деган саволларга жавоб топилмагунча кўзларинг уйқуга кетмасин.

\* \* \*

Одамлар! Энг аввало эзгу ахлоққа эга бўлишга ҳаракат қилинг, зеро ахлоқ қонуннинг асосидир.

\* \* \*

Тартиб сенинг муқаддас мақсадинг бўлсин. Сен бу мақсад йўлида астойдил хизмат қил. Чунки тар-

тиб ҳамма нарсанинг мажмуасидир. Табиатнинг мавжудлиги асосида ҳам тартиб ётади.

\* \* \*

Агар сендан эзгулик нима, деб сўрасалар: амалда фойдаланилган донишмандликдир, деб жавоб бер.

\* \* \*

Тинглаш ва сукут сақлаш сени доноликка етаклайди. Сукут – доноликнинг бошланиши.

\* \* \*

Билимлилик ва донишмандликни айтиб бир нарса деб ҳисобламанг.

\* \* \*

Хусусий мулки бўлмаган фуқаро беватандир.

\* \* \*

Эй, оддий халқ орасида яшашга маҳкум донишманд! Сен мойга ўхшашинг лозим. Мой сувга аралшиб кет-май, унинг юзида қалқиб туради.

\* \* \*

Сен ўз-ўзингга ҳоким бўл. Ўзингга ўзинг шоҳ бўлиб, одилонга бошқарув асносида юксак ҳукмронлик ва энг муҳим лавозимга эришсан.

\* \* \*

Рафиқаси билан мурасага келолмаган одамни дўст тутма.

\* \* \*

Жонзотларни ўлдиришдан сақланинг, чунки одам ўлдириш жониворларни ўлдиришдан бошланган.

## БУДДА ШАКЪЯ МУНИ

*(Милоддан аввалги 556–476 йиллар)*

Будда дунёда энг кенг тарқалган динлардан бири – буддизмнинг асосчисидир. У Ҳиндистондаги Шакья қабиласи ҳукмдорининг ўғли бўлган.

Будда Ҳимолай тоғининг этагида дунёга келган. Унинг асл исми – Гаутама бўлган. Шакья Муни унинг лақаби бўлиб, «шакья қабиласининг зоҳиди» деган маънони билдиради.



Гаутама муҳташам саройда, гуллар ва дур-жавоҳирлар ичида, раққосалар, мусиқачилар қуршовида яшаган. Шунинг учун у ҳаёт ҳамма ерда гўзал ва завқли деган хулосага келган...

Бироқ бир кун оғзида битта ҳам тиши йўқ, қартайиб қолган қарияни учратгач, кексалик муқаррар эканлигини тушунади. Бемор одамни учратиб, саломатлик омонатлигини англади ва ўлим тўғрисида ўйлай бошлайди. Шу тариқа зоҳидликни ихтиёр қилади. Етти йил таркидунёчиликда, очлик ва саргардонликда яшайди. Кунлардан бир кун у катта дарахт остида чордона қуриб чуқур ўйга толганча ўтирганда мўъжиза юз бериб, онги тиниқлашади ва донишмандлик сари юз тутаяди. Шу пайтдан бошлаб уни Будда деб аташади. Будда – санскритча хотиржам, осойишта, деган маънони билдиради. Будда Ганг дарёси бўйидаги Банорас шаҳрида ўз таълимоти асослари бўйича дарс берган.

\* \* \*

Будда Шакья Муни шундай деганди: «Инсон ҳаёти азоб-уқубатлардан иборатдир. Бироқ доимо тўғри сўзлаб, эзгуликка интилиш, ўзгаларнинг ҳақиқага хиёнат қилмаслик, ғазаб ва ҳасадни енгиш орқали уни енгилатиш мумкин. Шунингдек, инсон беҳуда югур-югурлардан, мол-дунё орттириш ҳаваси ва ҳаддан зиёда ҳузур-ҳаловат истагидан озод бўлмоғи лозим. Ана шунда ҳар бир бой ва камбағал, шоҳ ва қул, руҳоний ва оддий кимсалар дунёга қайта-қайта келиш азобидан халос бўладилар».

\* \* \*

Будда шогирдлари толиқиб қолган кезларда уларга кутилмаган саволлар бериб, тезлик билан жавоб қайтаришларини сўрарди. Масалан, гоҳида оддий бир буюмни кўрсатиб, уни кўпи билан учта сўз ва камида юз сатр орқали таърифлаб беришларини буюрган. Баъзан талабалардан бирини танбаланган эшик қаршисига турғазиб қўйиб: «Эшикни нима билан очасан?» – деб савол берган, гоҳо муסיқачиларни дераза тагига тизиб, бирор қўшиқни тескари мазмунда қуйлашга мажбур этган. Баъзида шогирдлари сафидан ўта туриб, нечта қадам ташлаганини сўраб қоларди. Бирор жонивордан ёки табиат ҳодисаларидан чўчиган талабалардан эса ўзларидаги қўрқувни енгишни талаб қилган.

\* \* \*

Уч шогирд Буддадан унинг мўъжизаларини кўриш учун ижозат сўрадилар. Донишманд уларнинг ҳар бирини қоронғи хонага киритиб, устларидан қулфлаб қўйди. Орадан бир оз вақт ўтиб, уларни ҳузурига чақирди ва кўрганларини сўзлаб беришларини сўради. Талабалар бирин-кетин кўр-

ганларини ҳикоя қилишди. Будда уларнинг ҳикояларини тинглаб бўлгач, деди:

– Энди сиз мўъжиза ўзингиз учун фойдасиз эканига ишонч ҳосил қилмоғингиз лозим. Негаки, сиз асосий мўъжизани сезишга ожизлик қилдингиз. Зеро, ботиний борлиқни ҳис эта олганингизда эди, бу туйғу сизни ўзга оламларга йўллаган бўларди. Аммо сиз ўзингизнинг ерда ўтирганингизни ҳис этишда давом этдингиз. Сизнинг фикрларингиз ерга турли кулфатлар ёғдирди. Сиз қояларни вайрон қилиб, тўфонда кемаларни парчалаб ташладингиз.

Шу сўзлардан сўнг Будда бир оз тин олиб талабаларнинг бирига сўз қотди:

– Мана, сен бошига алангадан тож кийган алвон тусли жониворни кўрдинг. Сен тубсизликдан олиб чиққан бу олов ҳимоясиз одамларнинг бошпаналарини ўз домига олиб, куйдириб юборди. Зудлик билан уларга ёрдам бер!

– Сен эса қиз қиёфасидаги калтакесакни кўрдинг, – деди иккинчи талабага. – Ва тўлқинларни балиқчиларнинг қирғоқдаги қайиқларини ювиб кетишга мажбур қилдинг. Сен ҳам ёрдамга шошил!

Учинчи шогирдига юзланди:

– Сен парвоз этаётган лочинни кўрдинг ва кучли довул деҳқонларнинг ҳосилини учуриб кетди. Энди сен бориб, уларга товон тўламоғинг лозим!

Шогирдларим! Айтинг-чи, сиз атрофдагиларга қандай наф келтирддингиз. Зеро, кавакдаги бойқуш ҳам вақтини сиздан кўра фойдалироқ нарсаларга сарфлайди! Сиз ё тер тўкиб, ерда меҳнат қилмоғингиз ёхуд ёлғизликда ердан юксакликка кўтарилишга ўзингизда руҳий қувват топмоғингиз даркор. Донишманд одам бемаъни фикр тўлқинини кўзғатишдан доимо сақланмоғи зарур.

Шу нарса ҳақиқатки, миттигина қушнинг қанотидан тушган патнинг зарбидан узоқларда мо-

мақалди роқ ҳосил бўлади. Инсон нафас олганда бутун олам билан қоришиб кетади.

Донишманд доимо юксаклик сари интилади. Зеро, одамлар доимо бир-бирига донолик сифатларини очгусидир.

\* \* \*

Будда Қонун ғилдираги ҳақида шундай ривоят қилади:

Бир моҳир хаттот ҳузурига муҳтарам зот келиб, Тангрига мурожаатнома ёзиб беришни сўрайди. Ва шунга лойиқ тери (қадим замонда қоғоз ўрнида ишлатилган) ташлаб кетади. У кетгач, яна бир одам келиб, таҳдид ва ғазабга тўла мактубини зудлик билан кўчириб беришни буюради. Хаттот унинг ҳожатини чиқариш мақсадида мактубни кўчиришга киришади ва шошилишда адашиб, биринчи киши келтирган терини ишлатиб юборади. Жанжалкаш одам қувониб, мактубни олиб кетади. Сўнгра биринчи буюртмачи келади-да, терини кўриб:

– Мен ташлаб кетган тери қани? – деб сўрайди. Хаттотдан юз берган англашилмовчиликни эшитиб, шундай деди:

– Эзгу тилаклар битиш учун сенга келтирилган терига оқ фотиҳа берилганди. Таҳдид ва ифво битилиши лозим бўлган тери эса ўз таъсир кучидан маҳрум этилганди.

Сен муддатлар қонунини инсофсизларча бузиб, бир беморга ёрдам берувчи дуонинг кучини йўқотдинг. Бунинг устига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ёвузликни, зуғумни ҳаракатга келтирдинг. Мен келтирган терига оқ фотиҳа берган авлиёнинг меҳнати бир пул бўлди. Ёвузликнинг кучини кесган авлиёнинг меҳнати зое кетди. Сен оламга ёвуз дуо-

ибадни «чиқариб» юбординг ва у бир кун албатта ўзингга қайтиб келажак. Сен Қонун филдирагини издан чиқардинг. Энди сен унга чиқа олмайсан, у йўлингни кесиб ўтади.

Бу воқеадан хулоса шуки, қонунларни биринчи дуч келган ўғри олиб кетадиган ўлик терига ёзманг. Қонунларни қалбингизда сақланг. Ана шунда бахт-саодат сизга йўлингизни енгиллаштиргувчи Қонун филдирагини ҳадыя этади.

\* \* \*

Бир софдил одам Буддани кўрмоқлик ниятида атрофдаги турфа буюмларга бир-бир назар солди. Бироқ унинг қўллари доно тимсолларни тута олмади, кўзлари эса мўътабар буюмларни тешиб ўтишга ожизлик қилди – у Буддани кўролмади.

Ниҳоят, ибодат қилаётган чоғида пешонасига ўргимчак ини тегаётганини сезиб, уни қўли билан сидириб ташлади. Шунда ғойибдан дона-дона овоз келди:

– Нега менинг қўлимни итараяпсан? Менинг нурим сени қучишига ижозат бер.

Сўнг атроф бирдан ёришиб кетди. Ҳалиги одам ўзи сидириб ташлаган ўргимчак ипини қўлига олди. Ип ҳар бирида Будда сиймоси акс этган қирқта марварид дона-сига айланди. Марварид доналарининг ўртасида бир тош бўлиб, унга: «Жасорат, умидсизлик, шодлик», деган сўзлар битилганди. Будда муҳиби шодликни танлади. Негаки, у шодликка олиб борувчи йўлни топганди.

\* \* \*

Будданинг ҳузурига бир талаба келиб:

– Мўъжиза кўрсатганингиздан кейингина сизга ишонишим мумкин, – деди.

Будда ғамгин жилмайди-да, унга ғаройиб мўъ-жиза кўрсатди. Талаба ўзини тутолмай ҳайқириб юборди:

– О, Будда! Энди мен сенинг раҳнамолигингда илм олишга розиман.

Бироқ Будда унга эшикни кўрсатиб, деди:

– Энди менга сенинг керагинг йўқ!

\* \* \*

Будда шундай деганди: камчилик ва нуқсонларингни кўрсатиб, сени койиган донишманднинг этагидан маҳкам тут. Зеро, у зот хазинага элтаётган йўлбошчига ўхшайди ва сен сира кам бўлмайсан.



## КОНФУЦИЙ

*(Милоддан аввалги 551–479 йиллар)*

Конфуций Хитойнинг шарқидаги Лу князлигида туғилди. У аслзодалар хонадонига мансуб бўлиб, отаси Шулян Хэ Лу князлигидаги Цзоу музофотини бошқарган. Конфуций туғилганда отаси 70 ёшга тўлган эди. Уч ёшга тўлганда отасидан, 17 ёшида онасидан айрилди. Оилада Конфуцийдан ташқари 9 қиз ва бир ногирон ўғил бўлган.



Унинг асл исми Кун Цю бўлиб, мухлислари Кун Фу-цзи, деб аташган. Бу исм бора-бора Кун Фу-цзи, деган фахрли лақабга айланган. Бу исм «хурматли устоз Кун», деган маънони англатади. XVII асрда Хитойга келган иезуит-миссионерлар хитойлик донишманд таълимоти билан танишиб, уни Европа маданиятининг ҳам вакилига айлантириш мақсадида Конфуций деб атай бошлашган.

Конфуций Пифагор ва Сукрот каби фақат оғзаки таълим берган. Шунинг учун ундан бир сатр ҳам қўлёзма қолмаган. Бизга маълум асарларининг ҳаммаси шогирдлари томонидан ёзилган.

Конфуций даосизм асосчиси Лао-Цзи билан учрашган, ундан маслаҳатлар олган. Файласуфнинг 3000 нафар шогирди бўлган. Улардан 72 нафари эса ҳеч қачон устозларини тарк этишмаган. Конфуций 66 ёшига қадар мамлакатни кезиб, ўз таълимотидан сабоқ берган. У мазкур амални 30 ёшида бошлаганди.

\* \* \*

Ягона ва энг мудҳиш хато аввалги хатоларни тузатмасликдир.

\* \* \*

Кунлардан бир кун хитой донишманди Конфуцийнинг севимли шогирди Цзи-Гунга бир таниши: «Сен Конфуцийдан кўра билимлюроқ ва ақллироқсан», – деганда Цзи-Гун унга шундай жавоб берди: «Донолик мисли бир девор бўлса, менинг деворим одам бўйидан ошмайди. Шунинг учун ҳар бир одам осонгина бу девор ортига мўралаб, нималар борлигини билиб олиши мумкин. Устоз эса мисли бир неча саржин (бир саржин – 2,13 метр) баландликдаги девордир.

Бу деворнинг дарвозасини тополмаган киши унинг ортидаги гўзал эҳром ва муҳташам қасрларни ҳеч қачон кўролмайди».

\* \* \*

Конфуцийнинг ўзи билан деярли тенгдош Цзи-Лу исмли барваста, жиззаки ва ўтакетган шуҳратпараст шогирди бўлган. Бу йигит Цюйфуга чекка қишлоқдан омад излаб келиб, ўзининг қўпол қилиқлари билан пойтахт аҳлининг эътиборини тортган эди.

Бир куни у одоб ва назокатни унутиб, Конфуцийга лўқма ташлади: «Муҳтарам зот, сиз шунчалар доно экансиз, ҳийла-найранг ишлатмай саволимга жавоб берсангиз: қандай қилиб кишиларни кўркувга солмай бўйсундириш мумкин?» Конфуций шундай жавоб берди: «Бунинг учун сен меҳнатинг билан уларга ўрнак бўлмоғинг лозим». Цзи-Лу бу сўзларни эшитиб, хижолат тортди. Чунки жавоб айланиб келиб, ўзига тақалганди-да. Лекин бўш келмай яна савол берди: «Дейлик, мен бунга эриш-

дим. Кейин-чи?» – «Бўшашмасдан, меҳнат қилишда давом эт», – деди Конфуций. Цзи-Лу жавобни эшитиб, паришон ҳолда жим қолди. Шунда Конфуций яна сўзида давом этди:

– Энди савол бериш учун менга ижозат эт. Айтчи, муסיқани севасанми?

– Мен узун шамширимни севаман, – дағаллик билан жавоб берди Цзи-Лу.

– Мен сендан бошқа нарсани сўрадим. Ўзингдаги истеъдодни илм билан бойитиш пайти етмадимикан?

– Билим олишдан қандай фойда бор? – деди қайсарлик билан шогирд.

– Ўз фуқароларини ўқитмаган подшоҳ ҳақиқий ҳукмдор бўлолмайди. Дўстига насиҳат қилиб, тўғри йўлга солишга уринмаган мард эр олижаноблик хислатидан маҳрумдир. Тинмай илм олган виждонли инсон, албатта, буюк донишмандлик даражасига етмоғи тайин. Ва илмни севган инсон ҳеч қачон воқеликка зид иш қилмайди.

– Жанубдаги тоғларда ўсадиган эгилмас, тикка бамбукдан ясалган камон ўқи ҳатто каркидон терисидан ясалган совутни ҳам тешиб ўтар экан. Ваҳоланки, бу ўсимлик илмдан беҳабардир, – деди Цзи-Лу ўзининг топқирлигидан яйраб.

– Бу камон ўқининг бир учига қуш патини улаб, иккинчи учига темир найза ўрнатсанг, у нишонни яна ҳам чуқурроқ ёриб киради, шундай эмасми? – деди Конфуций.

Бу сўзлардан лол қолган Цзи-Лу шундагина ўзига беқиёс устоз топганини англаб етиб, ўз устунлигини исботлашга қанчалар ғайрат билан киришган бўлса, шунчалар шижоат билан Конфуцийга хизмат қилишга бел боғлаган экан.

\* \* \*

Конфуцийдан сўрадилар:

– Жэн нимани англатади?

Донишманд жавоб берди:

– Ўзингга раво кўрмаган нарсаларга ўзгани ҳам нолойиқ, деб бил. Ана шунда салтанат ва оиладаги нафрат ҳамда адоват барҳам топади. Қадимий ҳинд ривоятларидан бирида ҳикоя қилинишича, ўта сабр-сиз ва қизиқувчан ёш йигит олимлардан муқаддас китобларни қисқартириб, бир нафасда ўқиб чиқса бўладиган сатрларга жамлаб беришларини сўрайди. Йигит ниҳоят қонун илмининг билимдони Хилелга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Олим йигитнинг илтимосини эшитиб, мийиғида кулади-да:

– Нимани ўзингга номуносиб деб билсанг, ўшани ўзгага ҳам раво кўрма, – деб жавоб беради.

\* \* \*

Олижаноб эр тўққиз нарса ҳақида ўйлашни канда қилмайди. Булар равшан кўрмоқлик, аниқ эшитмоқлик, одоб билан муомала қилмоқлик, самимий сўзлашмоқлик, эҳтиёткорлик ила ҳаракатда бўлмоқлик, қаҳру ғазаб оқибатини ёдда тутмоқлик, одилликни унутмаслик ҳамда имконият туғилганда фойда олмоқлик.

\* \* \*

Сима Нью Конфуцийдан инсонпарварлик ҳақида сўради.

Донишманд:

– Инсонпарварлик ҳақида сўзламоқлик мушкул, – деди.

– Демак, нимаики тўғрисида сўзламоқ мушкул бўлса, шу инсонпарварлик экан-да? – деб сўради Сима Нью.

– Уни амалга оширмоқ мушкул-у, у ҳақда сўзла-  
моқ мушкул бўлмайдими?! – жавоб берди Конфуций.

\* \* \*

Конфуций ҳукмдор ва халқ ўртасидаги ўзаро муносабатни шундай қиёслайди: подшоҳ мисли бир чавандоз бўлса, амалдорлар ва қонунлар юган ва жилов, фуқаролар эса отдир. Отни енгил бошқар-моқ учун уни пухта юганламоқ ва жиловни тўғри бошқармоқ лозимдир.

Шунинг билан бирга отларнинг кучини бир-бири-га мувофиқлаштириб, ортда қолганларини назорат қилмоқ жоиздир. Ана шу шартларга амал қилган чавандоз овоз чиқармаса, ниқталамаса ҳам отлар ўз-ўзидан чопиб кетаверади.

\* \* \*

Инсонни севиш сув ва оловдан ҳам муҳимроқдир, – дейди Конфуций. – Чунки мен сув ва олов одам-ларни ҳалок этганига кўп гувоҳ бўлганман. Бироқ инсонни ардоқлаганларнинг ҳалокатга учраганини сира кўрмаганман.

\* \* \*

Бир куни Конфуций Чжэ исмли қароқчини ин-софга келтириш мақсадида унинг уйига борди. Чжэ Конфуцийни шундай сўзлар билан қувиб чиқарди:

– Энг узоқ умр – юз йил, ўртача умр – саксон, умрнинг энг паст чегараси эса 60 йилдир. Тинка-ни қуритувчи хасталик, жудолик азоблари ҳамда ғам-ташвишлар чиқариб ташланганда, инсон ҳаётининг бир ойида атиги 4-5 кунлик қувончли дамлар бўлади, холос.

\* \* \*

Туғма билим соҳиблари барчадан баландда тура-дилар. Тинмай ўқиш йўли билан илм олганлар эса

улардан кейин юрадилар. Қийинчиликлар сабаб бўлиб илм олишга чоғланганлар ундан ҳам пастроқ поғонани эгаллайдилар. Машаққатга учраганда ҳам билим олишни истамаганлар энг паст поғонадаги кишилардир.

\* \* \*

Конфуций Цзи-Чун исмли шогирдининг «Давлатни қандай бошқармоқ даркор?» деган саволига қисқагина жавоб берганди: «Давлатни тўғри бошқармоқ учун ҳукмдор – ҳукмдорлигича, амалдор – амалдорлигича, ота – оталигича, ўғил – ўғиллигича қолмоғи лозимдир».

\* \* \*

Устозидаги барча илм сирларини билишга чанқоқ талабалардан бирининг наздида Конфуций энг асосий билимларини фақат танланган шогирдигагина ўргатаётгандек туюлади. Ва ўйлай-ўйлай, бу бахтли шогирд Устознинг ўз ўғли, деган хулосага келади. Бир куни шогирд Конфуцийнинг ўғлига дуч келиб, шундай савол беради: «Отанг сенга ҳеч кимга айтмаган сирларини ошкор қилганми?» Ўғил шундай жавоб қилади: «Йўқ. Лекин бир куни Устоз ёлғиз ўтирардилар. Мен эса ҳовлида ўйнаб юрардим. У зот мени ёнларига чорлаб: «Шеърларни ёд олдингми?» – деб сўрадилар. Мен: «Йўқ, ҳали», – дегандим, Устоз: «Агар сен шеърларни ёд олмасанг, бошқаларга айтадиган сўзинг бўлмайди», – дедилар. Мен ўтириб шеърларни ёд олдим. Бошқа сафар яна шу ҳол такрорланди. Мен ўйнаб юрганимда Устоз сўрадилар: «Қоидаларни ёд олдингми?» – «Йўқ», – дедим мен. «Агар қоидаларни ёд олмасанг, ҳеч қачон қатъий фикр айтиб, сўзингни исботлай олмайсан», – дедилар. Мен дарҳол қоидаларни ёд олдим. Отамдан эшитганларим ана шулар, холос».

## ПАРМЕНИД

*(Тахминан милоддан аввалги 540 йилда туғилган.  
Вафот этган санаси номаълум)*

Юнон файласуфи Парменид жанубий Италияда истиқомат қилувчи аслзода, бой-бадавлат хонадонда дунёга келди. У файласуф Ксенофан ва Пифагорнинг издоши Аминийдан сабоқ олган.



\* \* \*

Ҳамма нарсанинг асосида икки ибтидо – олов ва ер ётади.

\* \* \*

Йўқликнинг мавжудлиги ҳақидаги фикр хатодир.

\* \* \*

Борлиқ муштарак, узлуксиз, яхлит, бўлинмас ва бир жинсли воқелиқдир.

\* \* \*

Йўқ нарсаларнинг борлигини ҳеч қачон исботлаб бўлмайди. Тадқиқотнинг бу йўлидан фикрингизни қайтаринг. Чунки йўқликни на англаб ва на ифодалаб бўлади. Йўқлик етиб бўлмас воқелиқдир.

\* \* \*

Кўпинча: «Биз ўз камчиликларимизни кўрамиз», – дейишади. Шундай савол туғилади: қандай қилиб ниманидир эмас, айнан камчиликни кўриш мумкин? Камчилик сўзи йўқ нарсани ифодалайди.

Ахир, моҳиятан, бу сўз мавжуд бўлмаган нарсани ёки номавжудликнинг ўзини англатади-ку!

Аслида йўқ нарсани қандай кўриш мумкин?! Демак, кўраётганларимиз биз учун кўринмиш сифатида кам, етарли эмас. Биз кўпроқ ёки бошқачароқ кўришни, яъни муайян нарсада мавжуд бўлмаса-да, бошқа бир нарсада бор бўлган ниманидир кўришни хоҳлаймиз.

Демак, қатъий қилиб айтганда, биз нафақат кўрмаймиз – ахир «номавжудлик»ни қандай кўриш мумкин – балки кўрганларимиз билан келиша олмаймиз.

\* \* \*

Қарама-қаршилик ҳақиқатга номувофиқдир.

\* \* \*

На ўтмиш ва на келажак мавжуд. Чунки ўтмиш эндиликда йўқ, келажак эса ҳали етиб келмаган.

\* \* \*

Бемаъни маърузаларга қулоқ осма.

\* \* \*

Парменид Сукрот билан учрашиб, кўп суҳбатда бўлган. Бир куни у ёш Сукротга шундай маслаҳат беради:

– Фикрлашга интилиш мақтовга жуда лойиқ ишдир. Аммо сен кўпчилик қуруқ сафсата, деб ҳисоблайдиган фикрлар устида бош қотиришга интил! Акс ҳолда, ҳақиқатни қўлдан бой бериб қўясан.



## ЭФЕСЛИК БУҚРОТ (ГЕРАКЛИТ)

*(Тахминан милоддан аввалги 535–475 йиллар)*

Юнон донишманди Буқрот Кичик Осиёдаги Эфес шаҳрида туғилди. У подшоҳ хонадонига мансуб бўлиб, акасининг фойдасига шоҳлик мартабасидан воз кечган.

У «космос» сўзини биринчи бўлиб қўллаган юнон файласуфи эди. («Космос» сўзи «тартиб» деган маънони англатади. Бу сўз дастлаб давлат тизими ва ҳатто аёлларни «тартиб»га келтирувчи пардоз-андоз анжомларига нисбатан ҳам қўлланилган. «Косметика» сўзи шундан келиб чиққан).

Буқрот жанжалкашлиги туфайли ватандошлари билан чиқишмаган. У тарки дунё қилиб, умрининг охирини тоғу тошларда ўтказган. Бизгача унинг «Табиат ҳақида»ги достонидан 130 та парча етиб келган.

\* \* \*

Ҳамма нарса ўткинчи ва ўзгарувчандир. Буқротнинг бу фикрида Питтакнинг: «Яхши инсон бўлиш мушкулдир», деган ақидаси ўз ифодасини топган. Олимларнинг айтишича: «Ҳамма нарса ўткинчи ва ўзгарувчан» иборасида асосий урғу «ҳамма нарса» сўзига берилиши лозим. Зеро «ўткинчи» сўзи ҳамма нарсага, бутун борлиққа хос сифатдир. Буқрот ўзининг бу фикри орқали: «Борлиқ ҳаракатсиз ва сокин эмас, аксинча, у ўзининг



бўлақларга ажралиши билан бир бутунликни ташкил этади ва ўзгарувчанлиги билан доимийдир», қабилдаги фикрни илгари сурмоқчи бўлган, деб тахмин қиладилар.

Баъзи манбаларга кўра, Буқрот бу иборани «Ҳамма нарса илгарилама ҳаракат қилади» тарзида ифода этган экан.

\* \* \*

Донишмандлик, – дейди Буқрот, – ҳақиқатни сўзламоқ ва табиатга қулоқ тутиб, унга бўйсунмоқликдан иборатдир.

\* \* \*

Ўзини англаш ва фикрлаш ҳамма одамларга хосдир.

\* \* \*

Ғазаб билан курашиш мушкул: унинг истаклари учун ҳаётинг қурбон бўлади. Лаззат билан курашиш эса ундан ҳам қийин.

\* \* \*

Табиат яшаришни севади.

\* \* \*

Кўз қулоққа нисбатан ишончлироқ гувоҳдир.

\* \* \*

Токи биз тирик эканмиз, руҳимиз ўликдир. Ўлганимиздан кейин улар тирилади.

\* \* \*

Агар сўқир кишидан «кўриш нима?» деб сўраганларида у, «сўқирлик» деб жавоб қайтарган бўларди.

\* \* \*

Фалсафа билан шуғулланувчилар кўп нарсалардан яхши хабардор бўлишлари керак.

\* \* \*

Буқрот доимо: «Ташрифда ўрин алмашиш, ўзгаришда доимийлик, янгиланишда бир хиллик, пайдо бўлишда меъёр, иккига бўлинишда бирлик, ўткинчиликда мангулик зоҳирдир», – дея таъкидлаган.

\* \* \*

Олтин товарларга, товарлар олтинга алмаштирилганидек, ҳамма нарса оловга, олов эса ҳамма нарсага алмаштирилади.

\* \* \*

Милоддан аввалги V асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган юнон файласуфи Кратил шундай деганди:

«Буқрот айтганидек, оқаётган сувга икки марта эмас, ҳатто бир марта ҳам шўнғиб бўлмайди. Чунки нима ҳақда гапирмайлик, биз тугал фикр айтиб улгурмасимиздан узлуксиз ўткинчилик қонунига бўйсунувчи ҳар қандай воқеликнинг моҳияти ўзгариб кетади».

## МЕЛИСС

*(Милоддан аввалги V аср ўрталари)*

Қадимги юнон файласуфи Мелисс Жанубий Италиянинг Элея шаҳрида туғилиб ўсган. Файласуф Парменид қўлида таҳсил олган. У: «Нарсаларнинг чексиз даражада кўплиги бир бутунлик демакдир», деган ғояни исботлашга уринган. Мелисснинг «Табиат ҳақида» асари бизгача етиб келмаган. Бу асар ундан кейин яшаган муаллифлар асарларида келтирилган айрим парчалар орқали маълум, холос.

\* \* \*

Мелисс шундай таълим беради: «Ибтидоси ва интиҳоси мавжуд нарсалар ҳеч қачон мангу ва ҳадсиз бўлолмайди...»

\* \* \*

Сув, ер, олов ва ҳаво деб аталмиш тўрт унсурнинг замирида пайдо қилиб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайдиган бир умумий моҳият борким, уни муштараклик деб атамоқ жоиздир.

### **БЎШЛИҚ ЙЎҚ ЭКАНЛИГИГА ИСВОТ**

Бўшлиқ умуман йўқ нарса. Чунки бўшлиқ ҳеч нарсадир. Ҳеч нарса эса мавжуд бўлолмайди.

### **БОРЛИҚ МАНГУ ЭКАНЛИГИГА ИСВОТ**

Агар борлиқни пайдо бўлган деб ҳисобласак, унда у пайдо бўлгунига қадар умуман мавжуд бўлмаган. У мавжуд бўлмаган экан, демак, ҳеч нарса

бўлмаган. Ҳеч нарсадан борлиқнинг пайдо бўлиши мумкин эмас.

### **БОРЛИҚ ЧЕКСИЗ ЭКАНЛИГИНИНГ ИСБОТИ**

Агар борлиқ чексиз бўлмаганда, у ўзидан фарқли нима биландир чегарадош бўларди. Борлиқдан фарқ қилувчи нарса нима бўлиши мумкин? У йўқлик, яъни бўшлиқдир. Бўшлиқ эса йўқдир.

### **ҲАРАКАТ ЙЎҚ ЭКАНЛИГИГА ИСБОТ**

Агар бўшлиқ мавжуд эмас экан, демак, ҳаракат ҳам йўқ. Чунки борлиқнинг ўзи ҳамма ёқни тўлдирган, у ҳеч қаерга сурилмайди. Бас, шундай экан, борлиқ учун ҳаракат қилишга эҳтиёж қолмайди.

## МЕЛИСС

*(Милоддан аввалги V аср ўрталари)*

Қадимги юнон файласуфи Мелисс Жанубий Италиянинг Элея шаҳрида туғилиб ўсган. Файласуф Парменид қўлида таҳсил олган. У: «Нарсаларнинг чексиз даражада кўплиги бир бутунлик демакдир», деган ғояни исботлашга уринган. Мелисснинг «Табиат ҳақида» асари бизгача етиб келмаган. Бу асар ундан кейин яшаган муаллифлар асарларида келтирилган айрим парчалар орқали маълум, холос.

\* \* \*

Мелисс шундай таълим беради: «Ибтидоси ва интиҳоси мавжуд нарсалар ҳеч қачон мангу ва ҳадсиз бўлолмайди...»

\* \* \*

Сув, ер, олов ва ҳаво деб аталмиш тўрт унсурнинг замирида пайдо қилиб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди-ган бир умумий моҳият борким, уни муштараклик деб атамоқ жоиздир.

### **БЎШЛИҚ ЙЎҚ ЭКАНЛИГИГА ИСБОТ**

Бўшлиқ умуман йўқ нарса. Чунки бўшлиқ ҳеч нарсадир. Ҳеч нарса эса мавжуд бўлолмайди.

### **БОРЛИҚ МАНГУ ЭКАНЛИГИГА ИСБОТ**

Агар борлиқни пайдо бўлган деб ҳисобласак, унда у пайдо бўлгунига қадар умуман мавжуд бўлмаган. У мавжуд бўлмаган экан, демак, ҳеч нарса

бўлмаган. Ҳеч нарсадан борлиқнинг пайдо бўлиши мумкин эмас.

### **БОРЛИҚ ЧЕКСИЗ ЭКАНЛИГИНИНГ ИСБОТИ**

Агар борлиқ чексиз бўлмаганда, у ўзидан фарқли нима биландир чегарадош бўларди. Борлиқдан фарқ қилувчи нарса нима бўлиши мумкин? У йўқлик, яъни бўшлиқдир. Бўшлиқ эса йўқдир.

### **ҲАРАКАТ ЙЎҚ ЭКАНЛИГИГА ИСБОТ**

Агар бўшлиқ мавжуд эмас экан, демак, ҳаракат ҳам йўқ. Чунки борлиқнинг ўзи ҳамма ёқни тўлдирган, у ҳеч қаерга сурилмайди. Бас, шундай экан, борлиқ учун ҳаракат қилишга эҳтиёж қолмайди.

## КЛАЗОМЕНЛИК АНАКСАГОР

*(Милоддан аввалги 500–428 йиллар)*



Юнон файласуфи Анаксагор туфилганидан сўнг унинг на кулгани ва на табассум қилганини кўришган. У файласуф Анаксимендан таҳсил олган.

Анаксагор фалсафага шу қадар шўнғиб кетганки, хўжалик ишлари қаровсиз қолиб, бутун ер-мулки пода боқилар

диган яйловга айланган.

Анаксагор ҳур, ноанъанавий фикрлаш тарзи туфайли таъқибларга дучор бўлган. Бир қанча муддат турмада ўтирган. Анаксагорнинг фақат «Табиат ҳақида» номли асари бизгача етиб келган.

\* \* \*

Анаксагор шундай деганди: «Туйғуларимизнинг ожизлиги боис ҳақиқат хусусида мушоҳада этмоққа қурбимиз етмайди».

\* \* \*

Анаксагордан сўрадилар:

– Не сабабдан бу дунёга келмасликдан кўра, ёруғ олам юзини кўрмоқлик афзал саналади?

Анаксагор деди:

– Чунки биз бу оламда осмон ва Коинотнинг қандай тузилганлиги хусусида мушоҳада юритмоқ имконига эга бўламиз.

\* \* \*

Анаксагор жамоат ишларидан воз кечиб, бутун куч-қувватини табиатни ўрганишга бағишлаган.



Шу сабабли ундан кўпинча ўз мамлакати учун қайғуриш-қайғурмаслиги хусусида сўрашарди. Донишманд эса қўли билан осмонга ишора қилиб:

– Мен ўз Ватаним ҳақида ҳаддан ортиқ қайғураман! – деб жавоб берарди.

\* \* \*

Ақл нафақат тирик мавжудотларда, балки табиатда ҳам мавжуддир. Ва у бутун оламдаги фаровонлик ҳамда мавжуд тартиб-қоидаларнинг сабабкоридир.

\* \* \*

Ҳар бир нарсада барча нарсаларнинг маълум бўлаги, қисми мужассамдир. Фақат Ақлгина бундан мустасно. Ақл ҳар қандай бўлак ва қисмлардан холи, ўзига-ўзи ҳукмрон ҳамда ўз ҳолича мавжуддир. Борди-ю, Ақлга бирон нарса қоришиб кетганда, у ҳеч нарсага ҳокимлик қилолмасди. Ақл мавжуд нарсаларнинг энг енгил ва мусаффоси бўлиб, жамики билимларни ўзида жо этган ва шунинг учун ҳам у бениҳоя қудратлидир. Ана шу қудрати ила у барча тирик жонларни бошқариб тургусидир.

\* \* \*

«Ўсимликлар тирик мавжудотлардир. Улар ҳам ҳис қиладилар, гам чекадилар, қувонадилар. Бу туйғулар уларнинг япроқларида зоҳир бўлади. Шунингдек, ўсимликлар ақл ва билимга ҳам эгадилар», – деганди Анаксагор.

\* \* \*

«Анаксагор олов ва Қуёш айна бир нарсадир, деб ҳисоблаганда қаттиқ янглишганди, – дейди Сукрот. – Чунки у одамлар оловга бемалол қарай олишлари-

ни, Қуёшга эса ҳеч қачон тик боқолмасликларини назардан қочирган. Шунингдек, Анаксагор инсон териси Қуёш нури таъсирида қорайишини, олов эса бундай қудратга эга эмаслигини; ўсимликлар Қуёш ҳароратисиз яшай олмасликлари, олов тафтидан эса ҳалок бўлишларини унутган. Анаксагор Қуёшни оловда тобланган тош, деб таърифлаган. Аммо тош қанча қиздирилмасин, ҳеч қачон Қуёш каби ёғду тарата олмаслиги кундек равшандир. Қуёш эса доимо энг порлоқ ёритгич бўлиб қолажак».

\* \* \*

Ҳар бир нарса таркибида ниманингдир устун даражада кўплиги билан бошқа нарсалардан ажралиб туради. Масалан, гарчи таркибида ҳамма нарса бўлса-да, аммо олтин миқдори устун маъдан биз учун олтиндир.

\* \* \*

Ҳамма нарсалар биргаликда мавжуд эди. Ақл уларни ажратди ва тартибга келтирди.

\* \* \*

Ҳаракат ибтидога эгадир. Ҳамма нарсани ҳаракатга келтирган Илоҳий Тафаккур учун уларнинг ҳаракатини тўхтатиб қўйишга нима тўсқинлик қилади?

## ЭЛЕЯЛИК ЗЕНОН

*(Тахминан милоддан аввалги 490–430 йиллар)*

Зенон Италияда жойлашган Элея шаҳарчасида туғилган. У файласуф Пармениднинг маърузаларини тинглаб, сабоқ олган. Баъзи маълумотларга қараганда у Пармениднинг тутинган ўғли бўлган. У биринчи бўлиб «Диалектика»ни кашф этди. Яъни фикрларидаги қарама-қаршиликларни фош этиш орқали рақибнинг сўзларини рад этиш усулига асос солди. У бутун ҳаётини «кўплик»нинг йўқлигини исботлашга бағишлаган. Айниқса, ҳаракатнинг мавжудлигига қарши далил-исботлари билан шуҳрат қозонган.



Зеноннинг қуйидаги асарлари маълум: «Табиат ҳақида», «Баҳслар», «Файласуфларга қарши», «Эмпидокл қарашларига шарҳ».

Зенон ҳукмдор Нархга қарши фитнага қўшилгани учун қатл қилинган.

\* \* \*

Зенон: «Фалсафа инсонга ўлимга нисбатан нафрат туйғуларини инъом этади», деб ёзганди.

\* \* \*

Зенон ҳаракатга оид фалсафий фикрини қатъий ҳимоя қилган. Унинг бу ақидаси «Чопқир Ахиллес» деб ном олган. «Ахиллес қай даражада чопқир бўлмасин ва оралиқдаги масофа қанча бўлишидан қатъи назар, у ҳеч қачон тошбақани қувиб етол-

майди, – дейди Зенон. – Чунки бизнинг ҳаракат хусусидаги тасаввурларимиз ёлғондир.

Исбот: Ахиллес тошбақагача бўлган масофани босиб ўтаркан, бу вақтда тошбақа ҳам юришдан тўхтамайди. Бу ҳолат чексиз давом этиши мумкинлигини инобатга олсак, чексиз масофани босиб ўтиш учун чегарасиз вақт керак бўлади. Шундай экан, ҳаракат ҳақида сўзлашга ўрин қоладими?

Бундан ташқари, табиийки, Ахиллес ва тошбақа ўртасида бир неча газ ва чақиримлик «масофа» мавжуд. Ана шу оралик масофа Ахиллес ва тошбақани бир-биридан ажратиб туради. Агар Ахиллес қувиб етиб олса-ю, тошбақа билан унинг орасидаги масофа атиги бир неча микронга ёхуд молекулалар узунлигидаги ўлчамга тенг бўлиб қолса, буни масофа, деб аташ мумкинми?

Зенон бу борада шундай фаразни илгари суради: «Тасаввур қилинг: ҳаракатдаги жисм олға бораркан, қаршисидаги ҳавони ҳам олдинга итаради. Демакки, у худди тиқин (поршен) каби рўпарасида учраган барча буюмларни ҳам илгари суриб кетаверади. Бундан кўриниб турибдики, Ахиллес ҳам тошбақага яқинлаша бориб, уни озгина бўлса-да, олдинга итаради. Ахиллес қанчалар тез югурса, тошбақага шунча кучли таъсир этади. Натижада тошбақа ҳамма вақт Ахиллесдан илгариде кетаверади. Хўш, бу қандай ҳаракат бўлдики, чопқир Ахиллес лоақал имиллаган тошбақани ҳам қувиб етолмаса?»

\* \* \*

Зенон «жой»нинг мавжудлигини инкор этиб, шундай фикрни ўртага ташлайди: «Агар жой мавжуд экан, айти дамда у ҳам қайсидир жойда мавжуд бўлиши керак-ку? Ҳар қандай жойнинг ўзига тегишли қандайдир жойи бўлиши табиий ҳолдир.

Бу ҳолат узлуксиз давом этаверади. Демак, жой мавжуд эмас».

\* \* \*

Зенон бир бутун нарсанинг бўлинмаслигини тасдиқлайди. У айтадики, бутун нарса бўлингач, кўплаб бирликларга эга бўламиз. Бу бирликларнинг ҳар бири ўз навбатида бирликларга бўлинади. Бу жараён чексиз давом этаверади.

Аммо чексиз кўпликларнинг чексиз кўплиги бемаъниликдир.

## АКРАГАНТЛИК ЭМПЕДОКЛ

*(Тахминан милоддан аввалги 490–430 йиллар)*



Эмпедокл Сицилиянинг Акрагант шаҳрида туғилиб ўсган. У бадавлат ва таниқли оиланинг фарзанди бўлган. Эмпедокл фалсафа билан шуғулланиш мақсадида шоҳ саройидаги мансабни рад этган. Эмпедокл биринчи бўлиб нотиқлик илмини ривожлантиришга киришди.

Файласуф оёқларига мис бошмоқ ва бошига олтин тож кийиб Юнонистон шаҳарларини айланиб чиққан. Унинг жами 5000 та шеърдан 450 тасигина бизгача етиб келган. Эмпедоклнинг икки асари маълум: «Табиат ҳақида», «Покланиш».

Унинг машҳур ибораси қуйидагича ифодаланади: «Йўқ, йўқ, биз ҳеч нарсани сезмаймиз ва ҳеч нарсани кўрмаймиз. Барча нарсалар биз учун пинҳондир, оламда бирон нарса йўқки, биз унинг нима эканлигини аниқлашга қодир бўлсак».

\* \* \*

Муҳаббат ва Адоват! Уларнинг ҳар иккиси абдийдир. Яралиш ва ибтидо ташбеҳлари бу икки туйғуга бегона. Чунки улар аввалдан охир қадар яшайдилар. Шунингдек, Муҳаббат ва Адоват доимо биргалликда мавжуддир.

Борди-ю, Муҳаббат ва Адоват буткул маҳв этилиб, йўқликка юз тутганида, Коинот қандай пайдо бўларди?

\* \* \*

Аҳмоқлар – унсурлари енгил ва сийрак жойлашган кимсалардир. Улар калтафаҳм ва сусткаш бўладилар. Унсурлари мўл, аммо майда бўлақлардан иборат одамлар эса таъсирчандирлар. Улар ҳар ишга ўзларини ураверадилар-у, бироқ қизиққонликлари боис ишларини охирига етказолмайдилар. Маълум турдаги унсурлар меъёрида жойлашганлар эса бирор-бир билим закийларидир. Яъни бундай одамларнинг баъзиси яхши нотик, бошқа бирови уддабурондир. Чунки унсурлар улардан баъзисининг қўлида бўлса, бошқа бировининг бўғзида макон топган. Энг ақлли одамларда эса ҳамма унсурлар аралаш ҳолда бир текис тақсимланади. Ва бу унсурлар катта ҳам, кичик ҳам эмасдир.

\* \* \*

Муҳаббат ҳамма нарсани бирлаштиради. Адоват эса ажратади.

\* \* \*

Ҳисларга ишонма ва фикрла.

## ҲОРГИЙ (ГОРГИЙ)

*(Тахминан милоддан аввалги 483–375 йиллар)*



Юнонистонлик файласуф, нотик Ҳоргий Сицилиядаги Леонтин шаҳрида туғилган. У файласуф Эмпедоклнинг шогирди. 427 йилдан бошлаб Афина шаҳрида яшаган. Ҳоргийнинг қуйидаги асарлари маълум: «Еленага мақтовлар» (маъруза), «Табиат тўғрисида», «Паламедни ёқлаб...»

\* \* \*

Дори-дармон жисмимизга қандай таъсир ўтказса, сўз ҳам руҳимизга шундай таъсир этади. Дориларнинг баъзиси танадаги турли хилтларни ҳайдаса, бошқалари гоҳо ўлимга сабаб бўлади. Худди шунга ўхшаш баъзи бир нотиклар тингловчиларни қайғуга ботирса, бошқалари уларга ҳузур-ҳаловат, кўтаринкилик бахш этадилар. Айрим нотиклар эса инсонлар қалбига қутқу солсалар, яна бировлари тингловчиларда мардонаворликни жўш урдирадидлар. Бошқа бир тоифа нотиклар ёвуз сўзлари билан тингловчиларни ром этиб, қалбларни заҳарлайдилар.

\* \* \*

Санъат одамларни бошқа ҳунарлардан кўра кўпроқ ишонтиради. Санъат мажбурлаш орқали эмас, балки ихтиёрий равишда ҳаммани ўз қулига айлантиради.



## ПРОТАГОР

*(Тахминан милоддан аввалги 480—410 йиллар)*

Қадимги юнон файласуфи, моҳир нотик Протагор Абдера шаҳрида туғилган. У софистлардан бўлиб, талабаларга фалсафа, нотиклик ва баҳс санъати (эристика)дан сабоқ берган. «Софист» – қадимий юнонча сўз бўлиб, уста, яратувчи, ихтирочи, донишманд деган маъноларни англатади. Аммо милоддан аввалги V асрнинг иккинчи ярмидан бу сўз алоҳида маъно касб эта бошлади. Яъни фалсафа, нотиклик ва баҳс санъатидан пуллик сабоқ берувчилар софистлар деб атала бошлади.



Протагорни 411 йилда даҳрийликда айблашди, унинг «Тангрилар ҳақида» деб номланувчи китоби ёқиб юборилди, ўзи ўлим жазосига ҳукм этилди. Аммо ҳукм бекор қилиниб, Протагор авф этилди ва Афинадан бадарға қилинди. Протагор 410 йилда Жанубий Италиядан Сицилияга кетаётиб, Мессин бўғозидан сувга чўкиб ҳалок бўлди.

Унинг қуйидаги асарлари маълум: «Тангрилар ҳақида», «Баҳс илми», «Нарсаларнинг ибтидоий тартиби тўғрисида», «Давлат тўғрисида», «Буюк сўз», «Моҳият ҳақида» ва бошқалар.

\* \* \*

Ирландиянинг «Хэйн энд сонне» деб аталувчи кема қатнови бирлашмасининг тамғасида қўл панжаси ва уч томчи қон суврати тасвирланган.

Бу белги замирида Протагор учун муаммо ҳисобланган «масала»нинг моҳияти акс этган тарихий воқеа ётади.

Айтишларича, бир одамнинг икки ўғли ва бисотида биттагина кемаси бўлган. У ана шу кемани қайси ўғлига мерос қилиб қолдиришини билмай боши қотади. Ўйлай-ўйлай охир-оқибат, икки ўғлига бир хил шарт қўяди. Яъни, қайси бири кеманинг ён чеккасига биринчи бўлиб

қўлини теккизса, кема ўшанга насиб этишини маълум қилади. Белгиланган куни икки ўғил икки қайиққа ўтириб, кема томон зўр бериб эшкак эша бошлайдилар... Акаси анча илгарилаб кетганини кўрган кенжа ўғил болтани олиб, бир қўлининг панжасини чопади. Сўнг кесилган панжани кема томон улоқтиради. Натижада кема зукко кенжа ўғилга насиб этади...

\* \* \*

Инсон барча нарсаларнинг: мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини ва номавжуд нарсаларнинг номавжудлигини белгиловчи омиддир.

\* \* \*

Мана бу нақд файласуф Протагор тафаккурининг мевасидир: «Тимсоҳ бир аёлнинг боласини ўғирлаб кетди. Онаизор тимсоҳдан жигарбандини қайтариб беришини ўтиниб сўради.

Шунда тимсоҳ:

– Майли, болангни қайтариб бераман. Фақат бир шартим бор. Сен менга ҳақиқатни айтишинг керак! – деди.

Аёл бир оз ўйланиб, деди:

– Лекин, барибир, сен менга боламини қайтармайсан.

– Демак, сўзингдан кўринадики, ҳақиқатни айтиш-айтмаслигингдан қатъи назар, болангни қайтаролмайман. Негаки, агар сенинг ҳозиргина оғзингдан чиққан сўзлар ҳақиқат бўлса, унга мувофиқ болангни сенга қайтармаслигим керак. Борди-ю, сўзларинг ҳақиқатлигини инкор этсанг ҳам фарзандингни қайтариб беролмайман. Чунки сен менинг шартимни бажармаган бўласан!»

Протагор шогирди Эватл билан шартнома тузади. Бу шартномага мувофиқ Эватл ўзи олиб борган суд жараёнида ғолиб чиқса, Протагорга пул бериши лозим эди. Лекин шогирд бирор суд жараёнини бошлашга шошилмайди. Тоқати тоқ бўлган устоз шогирдига: «Сени судга бераман», – деб пўписа қилади. Эватл эса ҳали битта ҳам суд жараёнида ғолиб чиқмаганини рўкач қилиб, пул беришдан бош тортади.

Шунда Протагор:

– У ҳолда судга мурожаат қиламиз. Агар ажрим менинг фойдамга ҳал бўлса, сен менга пул берасан. Борди-ю, сен ғолиб чиққан тақдирингда ҳам мендан қарздор бўлиб қоласан. Чунки аввал шундай шартлашганмиз, – дейди.

Ўз устозига муносиб шогирд бўлган Эватл Протагорни мана бу жавоб билан лол қолдиради:

– Агар судда мен мағлуб бўлсам, сизга пул бермаслигим аниқ. Чунки келишувимизга мувофиқ мен ғолиб бўлсамгина тўлов тўлашим лозим. Суд жараёнида ғолиб чиқсам ҳам пул бермайман. Чунки мен ғалаба қозонган бўламан.

(Устоз ва шогирд ўртасидаги бу муаммоли мунозара жаҳон тарихи саҳифаларида «Эватл сафсата-си» номи билан муҳрланиб қолган).

## МО-ЦЗИ (МО ДИ)

(Тахминан милоддан аввалги 480–400 йиллар)



Қадимий Хитой файласуфи Мо-цзи майда мулкдор оила-сида туғилди. У филдираклар ва қуроолар учун сўлоқ ясовчи моҳир уста бўлган. Конфуций таълимотини чуқур ўрганган. У хитой фалсафасига биринчи бўлиб ГУ (сабаб) ва ЛЭЙ (тур) даражалари тушунчасини олиб кирди ҳамда асослаб берди.

Мо-цзи қарашлари унинг шогирдлари томонидан тўп-ланган «Мо-цзи» китобида жамланган. Мо-цзининг замондошларига таъсири шунчалар кучли бўлганки, у худди Конфуций каби шуҳрат қозонган.

\* \* \*

Одамзот эндигина пайдо бўлган қадим замонларда инсонлар жазо нима эканлигини билишмас, адолатни ҳар ким ўзича тушунарди. Адолат ҳақида ўнга одам ўн хил ўйлар ва ҳар бири ўзича ҳақ эди. Оқибатда одамлар ўртасида кучли адоват пайдо бўлди. Тартиб-сизлик ва ўзаро адоватнинг сабаби бошбошдоқлик эканини англаган одамлар ораларидан энг адолатли ва доно кишини ҳукмдорликка танлаб олишди ва уни Само фарзанди, деб эълон қилишди.

\* \* \*

Мо-цзининг шогирди Пэн Цин устозига деди:

– Ўтмишни билиш мумкин, аммо келажақда нималар юз беришини аввалдан билиб бўлмайди.

Мо-цзи шогирдига жавобан шундай деди:

– Фараз қилгинки, юз ли узоқликда яшовчи яқин кишиларинг бошига офир кулфат тушди. Вазият шундайки, бир кунда уларнинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлади. Агар сен ана шу бир кун ичида уларнинг қошига етиб боролсанг, тирик қоладилар, акс ҳолда ҳалокатга маҳкум бўладилар. Қаршингда эса манзилга элтувчи икки арава турибди. Аравалардан бири ўта мустаҳкам ва бақувват отлар қўшилган, иккинчисининг эса филдираклари синган ва бир жуфт ориқ от қўшилган. Қани, айт-чи, сен қай бирини танлайсан?

– Албатта, бақувват аравани танлайман-да! – деди шогирд ўйлаб ўтирмай.

Шунда Мо-цзи истехзо билан деди:

– Хўш, унда нима сабабдан келажакни олдиндан кўриб бўлмайди, деяпсан?

\* \* \*

Инсонлар ўртасидаги ўзаро меҳр-муҳаббат ўзгалар мулкига, хонадонига худди ўзиники каби муносабатда бўлиб, ҳар бир кишини ўзини тушунгандек тушунишга ўргатади.

\* \* \*

Одамлар орасида ўта ноёб фазилатлари туфайли ҳаётдан кўз юмганлар кўпроқ учрайди. Чунки ҳаддан ортиқ юкни асраш доимо ранжу алам чекишга сабаб бўлади. Зотан, баланд дарахтга энг аввал болта урадилар, оҳу ва тошбақанинг йиригини ҳам дарров қўлга туширадилар, катта илонни эса биринчи бўлиб маҳв этадилар.

\* \* \*

Девор қандай тикланади? Бунинг учун ҳар ким қўлидан келган ишни бажаради: кимдир гишт те-ради, бошқа бир одам лой ташиб туради, яна биров гиштининг бир текис терилишини ўлчаб боради. Шу

тахлит девор қуриб битказилади. Адолат пойдевори ҳам шу йўсинда тикланади. Бу йўлда фикрлай олишга лаёқати бўлганлар, майли фикрласинлар. Тарихий китобларни баён эта олувчилар эса тарихий китобларни талқин этаверсинлар, қўлидан бошқа иш келадиганлар, шу хизматларини бажараверсинлар. Ана шунда адолат йўлидаги барча ишлар албатта амалга оширилади.

\* \* \*

Мо-Цзи яна қуйидаги фикрларни олға суради: «Само адолатни севади. Адолатсизликдан эса нафратланади. У инсонлар бир-бирини севиб, бир-бирига доимо ёрдам беришини тилайди».

\* \* \*

Донишмандларни давлат ишларига кўпроқ жалб этиб, мартабаларини оширмақ, уларнинг бадавлат ва эътиборли бўлишларини, амалдорлар устидан назорат ўрнатишларини таъминламоқ жоиздир.

\* \* \*

Мамлакатнинг бутун бойлиги жам этилганда ҳам қиммати жиҳатидан донишмандлар ва давлат ишига жалб этилган заковат соҳибларига тенглашолмайди.

\* \* \*

Камбағаллик – мамлакатдаги тартибсизликлар илдири.

\* \* \*

Инсонга баҳо беришда унинг ниятлари мажмуини ва ҳаракатлари натижасини кўриб чиқиш керак.

\* \* \*

Доно ҳукмдор халққа фойда келтирмайдиган харажатлардан воз кечади.

## СУҚРОТ

*(Милоддан аввалги 469–399 йиллар)*

Машхур юнон файласуфи Суқрот Аттика шаҳрида ҳайкалта-рош Софроникс ва доя Фенаретта оиласида дунёга келди. У жуда кўримсиз қиёфага эга бўлган. Паст бўйли, қорни осилган, калта бўйинли, кенг ва дўнг пешонали, япалоқ, танқайган бурунининг тешиклари катта, лаблари дўрдоқ Суқротнинг укки кўзлари кишига зимдан боқишга мойил эди. У доим эски либосларда, ялангоёқ юрган.



Аёллар борасида ҳам Суқротнинг омади юришмаган. Гарчи икки марта уйланган бўлса-да, оилавий бахтга эришолмаган.

Суқрот асосий вақтини мунозара ва баҳсларда ўтказган. Баҳсларда доим унинг қўли баланд келган. Шунинг учун кўпинча унинг сочидан тортиб калтаклашган, устидан кулиб, ҳақоратлашган. Суқрот ҳаммасига дош берган. Ҳатто бир куни тепки еганда ҳам чидаб тураверган. Одамлар бундан ажабланишганда уларга қарата шундай деган: «Эшак тепса, уни судга беролмайман-ку!»

Суқрот моҳир раққос бўлган ва бундай машқни жисмининг саломатлиги учун фойдали деб билган.

У талабаларга оғзаки сабоқ берган ва ҳеч қандай ёзма манба қолдирмаган. Тимей исмли шогирди: «Эй устоз, нима сабабдан доно фикрларингизни қоғозга туширмайсиз?» – деб сўраганда, Суқрот: «Эй Тимей, ўлик ҳайвонларнинг терисига ишончинг ва тирик, барҳаёт фикрларга ишончсизлигинг жуда мустаҳкам экан», – деб жавоб берган.

399 йил Суқрот бир юртдошининг фитнаси туфайли фуқаролик меъёрларини бузганликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган ва қатл этилган. Судда Суқротнинг оғзидан чиққан сўнги сўзлар шундай бўлган: «Менга ўлиш учун, сизга эса яшаш учун бу ерни тарк этиш фурсати етди. Фақат бунинг қай бири афзаллиги Худодан ўзга ҳеч кимга аён эмас».

Судда 220 нафар одам Суқротнинг айбсизлигини ёқлаб, 280 нафар киши эса унга қарши овоз берган.

Ўша даврдаги қоидага кўра, ўлимга маҳкум этилганларга белгиланган вақтда заҳарли цикута (заҳарли сув ўсимлиги, бодиёни руми, зангпоя деб ҳам аталади) ўсимлигини эзиб ичиришган. ... Суқрот руҳининг эсон-омон боқий дунёга рихлат этишини Тангридан фикран сўраб, хотиржамлик ва осонлик билан заҳар тўлдирилган идишни бўшатади. Теграсидаги дўстлари йиғлаб юборишади. Файласуф уларни тинчлантириб, сукунатда ҳаёт билан видолашиши кераклигини уқтиради. У бир оз юриб, оёқлари оғирлашгач, турма бурчагидаги ёғоч чорпояга чўзилади. Кейин: «Критон, биз Асклепийдан хўроз қарзмиз. Хўрозни қайтаринг, ёдингиздан чиқмасин», – дейди шогирдига. Бу Суқротнинг сўнги сўзлари эди. Қадимги юнонлар одатига кўра, беморларнинг тузалиши учун Аполлоннинг ўғли, табиблар Тангриси Асклепийга хўроз сўйиб, қурбонлик қилинган. Суқрот ўз руҳини поклаш ва хаста жисмдан халос бўлишни назарда тутиб, шогирдига юқоридаги васиятни айтган.

Суқротни бутун умри давомида Овидийнинг «Эврилиш» асарида тилга олинган инсон хулқ-атворидаги бир ноқислик безовта қилган. Овидий шундай ёзганди: «Эзгуликка дуч келсам, мақтайман-у, аммо ёмонликнинг таъсирига бериламан».



\* \* \*

Сукрот оила ҳақидаги қарашларини мана бу ҳик-  
матга жо этганди: «Уйланасанми, уйланмайсанми  
– барибир пушаймон ейсан».

\* \* \*

«Навқиронлик чоғларимда табиатни кузатиш  
менинг энг севимли машғулотим эди, – дейди  
Сукрот. – Ҳар бир ҳодиса мени ажаблантирар,  
хайратга соларди: туғилиш, ўлиш, мавжудликнинг  
боиси не?.. Мен оламнинг бир бурчидан кириб,  
иккинчи бир бурчидан чиқарканман, ўзимга ўзим  
биринчи навбатда шундай саволлар берардим:  
«Тирик мавжудотлар, баъзи одамлар ўйлагани-  
дек, иссиқлик ва совуқликнинг бир-бирига ўзаро  
таъсир этиб, чириш жараёни юзага келиши оқи-  
батада пайдо бўлмасмикан? Инсон қай тарзда  
фикр юритади? Қон ёрдамидами, ҳаво ёки олов  
воситасидами?»

Бундан ташқари, ўзимнинг бу тахлит тадқиқот-  
ларга яроқсиз эканимни англаш учун бутун борлиқ,  
фазо ва Ердаги ўзгаришлар ҳақида тинимсиз ўй  
сураверардим».

\* \* \*

Сукротнинг баъзи ҳаракатлари атрофдагиларни  
хайратга солган. Бир куни у кўчада ўспирин Ксе-  
нофантга дуч келиб қолди. Йигитчадаги ботиний  
истеъдодни илғаган файласуф қўлидаги ҳассаси  
билан унинг йўлини тўсди.

– Менга айт-чи, – сўради Сукрот, – унни қаердан  
сотиб оладилар?

– Бозордан, – жавоб берди Ксенофант.

– Ёғни-чи?

– Уни ҳам бозордан харид қиладилар.

– Донишмандлик ва эзгулик истаб қаерга борадилар?

Ксенофант ўйланиб қолди.

– Ортимдан юр, мен сени ўша ерга олиб бораман, – деди Суқрот шунда.

... Шу тариқа Ксенофант Суқротнинг бир умрлик йўлдоши ва ҳамсухбати бўлиб қолди. У Суқротнинг ўлимидан сўнг Афлотун каби янги авлодларга устози ҳақидаги хотираларини эсдалик қилиб қолдирди.

\* \* \*

Бир куни Алкивиад Суқротга уй қуриш учун ер майдони инъом этиш ниятида эканлигини айтди. Суқрот унга жавобан шундай деди: «Айтайлик, менга бор-йўғи биттагина шиппак керак бўлса-ю, сен менга бутун бошли бир буқанинг терисини инъом этсанг, ҳаммага кулгу бўлиб қолмайманми?»

\* \* \*

Кунлардан бир кун Суқротнинг рафиқаси Ксантиппа аввалига эрини обдан койиб, сўнг устидан сув қуйиб юборди. «Айтгандим-а, – дея фўлдиради шўрлик файласуф, – Ксантиппа аввалига момақалди роқ бўлиб гумбурлайди-да, сўнг ёмғир бўлиб савалайди». Буни кўрган Алкивиад Ксантиппанинг жанжалига дош бериб бўлмаслигини эътироф этади. Суқрот Алкивиадга:

– Мен бу жанжалларга филдиракнинг тўхтовсиз фирчиллаши каби кўникиб кетганман. Масалан, сен розларнинг рағиллашига тоқат қиласан-ку!

– Шундайку-я, лекин бунинг эвазига мен розлардан тухум ва гўшт оламан, – дейди файласуфга жавобан Алкивиад.

– Ксантиппа эса менга фарзанд туғиб беради, – дейди Суқрот.

\* \* \*

Жанжалкаш рафиқам мен учун гўё чавандознинг асов оти кабидир. Асов отни бўйсундирилган чавандоз ҳар қандай тулпорни бемалол минолганидек, мен ҳам Ксантиппа билан муроса қилиш воситасида ўзга кишилар билан осонгина муомалада бўла оламан.

\* \* \*

Таажжубки, ҳайкалтарошлар тошни инсонга ўхшатиш йўлида ўлиб-тириладилар-у, аммо ўзларининг тошга ўхшаб қолмасликлари ҳақида қайғурмайдилар.

\* \* \*

Салтанат ҳассасини қўлида тутган ҳар қандай киши ҳам ҳукмдор бўлавермайди. Шунингдек, эътиборли амалдорлар томонидан сайланган, қуръа ташлаб ёки зўравонлик, ёинки алдов йўли билан давлат тепасига келиб қолган кимса ҳам ҳақиқий ҳукмдор бўлолмагай, фақатгина салтанатни бошқариш уқуви бўлган зотларгина подшоҳлик ва ҳукмдорликка лойиқдирлар».

\* \* \*

Сукрот файласуфларга таъриф берар экан: «Файласуф донишманд ҳамда жоҳил оралиғидаги мавқени эгаллайди», – дейди.

\* \* \*

Мен бу одамдан кўра донороқман. Сабаби, ҳар иккимиз ҳам баъзи бир жоиз ва зарур нарсаларни билмасак-да, у манманлик қилади, мен эса манманликдан ўзимни тияман.

\* \* \*

Адолат ва эзгуликдан айри тушган ҳар қандай билим доғулиликка айланади. Уни донолик, деб аташ ножоиздир, – дейди Сукрот.

\* \* \*

Ўзини англаган инсон ўзи учун нима фойдалилиги ва нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. У қўлидан келадиган иш билан шуғулланиш асносида ўз эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликлардан холи бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у ўзга одамларни қадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана билади. Оқибатда ўзини кулфатлардан асрайди.

\* \* \*

Пул эзгуликни туғдирмайди, аксинча, эзгулик туфайли одамлар шахсий ҳаётда ҳам, жамиятда ҳам пул ва бошқа бойликларга эга бўладилар.

\* \* \*

Ривоят қиладиларким, Аполлодор Сукротга ўлими олдидан қимматбаҳо либос кийишни таклиф этади.

– Нега? – дейди Сукрот Аполлодорга жавобан. – Бундан чиқди эгнимдаги фақирона либосим тиригимга яроқлигу, ўлигимга яроқсиз экан-да?!

\* \* \*

– Сукрот, афиналиклар сени ўлимга ҳукм этдилар, – дедилар файласуфга.

Сукрот хотиржамлик билан деди:

– Уларни эса табиат ўлимга маҳкум этди.

\* \* \*

Суд чоғида Суқротга сўз берилди. Суқрот нутқида ўзини сўнага, афиналикларни эса катта, олижаноб, аммо семиз ва ялқов отга менгзайди. «Бундай отларни бирорта сўна чақиб, чоптириб туриши лозим, – дейди у ва бу ўхшатишни шундай яқунлайди: – Фикримча, Тангри мени кун бўйи бутун шаҳарни кезиб, ҳар бирингизни уйғотиш ва тинмай танбеҳ бериб, тўғри йўлга бошлаш учун юборган. Сўзларимга ишонинг, афиналиклар. Мен кабиларни топиш сизларга осон бўлмайди. Менга ишонсангиз, ҳаётимни сақлаб қоласиз. Бироқ сиз сўна чақиб туйқусдан уйқудан уйғонган ва ғазабга минган одамлар каби мени осонлик билан уриб ўлдиришингиз ҳам мумкин. У ҳолда Тангри яна кимнидир йўллагунга қадар қолган умрингизни ғафлатда ўтказасиз».

\* \* \*

«Қандай одамни бахтли санамоқ мумкин?» – деган саволга Суқрот шундай жавоб берди:

– Ўткир ақл ва теран, ҳалол фикрлар эгаси бахтиёрдир.

\* \* \*

Ёшларга кўзгуга кўпроқ боқишларини маслаҳат бераман, – дейди Суқрот, – токи уларнинг хушсуратлари ўз ҳуснларини шарманда этмасинлар, бадбашаралари эса хунукликларини одоблари билан безасинлар.

## ДЕМОКРИТ

*(Миллоддан аввалги 460–360 йиллар)*



Қадимги юнон файласуфи Демокрит Абдера шаҳрида туғилиб ўсган. У бадавлат оиланинг фарзанди эди. Аммо бойликдан кечиб, бутун умрини камбағалликда ўтказди. Бор умрини донишсеварликка бағишлади. Миср, Эрон, Ҳиндистон, Ҳабашистонга саёҳат қилган.

Демокрит шаҳар ташқарисида жойлашган ер остидаги сағанада кечаю кундуз тинмай ижод билан машғул бўлган.

У элликка яқин асар ёзиб қолдирган. «Инсон табиати тўғрисида», «Фоялар ҳақида», «Мақсад ҳақида» ва бошқалар шулар жумласидандир. Пифагорнинг ўғли Аримнест Демокритнинг устози бўлган.

\* \* \*

Эзгулик адолатсизлик қилмаслиқкина эмас, уни истамаслик ҳамдир.

\* \* \*

Сўз – амалнинг сояси.

\* \* \*

Ўзида йўқ нарсалар учун ғам чекмайдиган, боридан қувонадиганлар ақлли кишилардир.

\* \* \*

Демокритнинг юз-кўзидан сира табассум аримаган. Чунки одамлар бажараётган барча жиддий амаллар унга кулгили туюларди.

Демокрит ғайриоддий нарсаларни дарров илғаб олиш ва улардан ҳайратланишнинг ҳадисини олган эди. Ривоят қилишларича, Демокрит бир ўтинчининг саржинларни мукамал ҳандасавий шаклда тахлаётганини кўриб ва бу ишни мутлақо онгли равишда, мустақил бажараётганини билиб ҳайратга тушади. Тахминларга қараганда, бу ўтинчи бўлғуси файласуф Протагор эди.

\* \* \*

Не тонгки, ҳар қандай одам қанча қўйи борлигини ҳеч бир қийинчиликсиз айта олади-ю, лекин ҳамма ҳам нечта дўсти борлигини санаб беролмайди. Наҳотки, дўстлар шунчалик қадрсиз бўлса?

\* \* \*

Демокрит мисдан ясалган ялтироқ қалқонни куёшга тутиб, ўз кўзларини кўр қилган.

Файласуфнинг бу қилмишини турлича изоҳлайдилар. Масалан, баъзи манбаларга кўра, Демокрит Куёшнинг табиатини тадқиқ этаркан, XIX асрда ҳаётини электромагнит тўлқинларини ўрганишга бағишлаган Хенри Херс тақдирини такрорлаган. Бошқа бир ривоятда айтилишича, Демокрит оламни «номукамал асбоблар» ёрдамида кўриш имконидан ўзини атайин маҳрум этиб, тафаккур кўзини очиш учун кўзларини «дарча»га айлантирган. Цицерон эса айтадики: «Демокрит ўзини-ўзи сўқирликка маҳкум этди. Чунки файласуф кўзнинг алдамчи манзаралари ва тўсиқларидан халос бўлган онг воситасида фикр юритиб, табиатни мушоҳада этиш ва англаш кишига кўпроқ завқ бағишлайди, деб ҳисобларди».

\* \* \*

Нафақат ёвни енгганлар, балки ўз нафси устидан ҳукмронлик қила олганлар ҳам марддирлар, – деб ёзади Демокрит. – Баъзилар бутун бошли шаҳарларга ҳокимлик қилиш баробарида аёлнинг қулига айланадилар.

\* \* \*

Битта илмий исботу далилни қўлга киритиш мен учун форс салтанатига ҳокимлик қилишдан аъло-роқдир, – деганди Демокрит.

\* \* \*

Ҳамма нарсанинг ўртамиёнаси аъло. Мўл-кўлчилик ҳам, етишмовчилик ҳам мен учун бегонадир, – дейди Демокрит.

\* \* \*

Яқинларининг бахтсизлигидан қувонувчилар тақдир чархпалаги ҳаммага ўз таъсирини ўтказишини тушунмайдилар.

\* \* \*

Ҳаддан ортиқ тиламоқлик гўдакларга ярашади. Эрларга эмас.

\* \* \*

Мардлик тақдир зарбаларини писанд этмайди.

\* \* \*

Бир куни Демокрит тушлик чоғида асал иси уфуриб турган роят ширин анжирни ея туриб, ўйга толади: «Бу анжирлар нега ҳаддан ортиқ ширин?»

Файласуф саволига жавоб топиш учун туйқусдан ўрнидан туради-да, анжир дарахти ўсадиган боғ томон йўл олади. Хизматкор аёл соҳибининг но-



гаҳон бесаранжом тортиши сабабини билгач қулиб, анжирларни асалнинг идишига солиб келтиргани, шу боис улар ҳаддан ортиқ ширали эканини маълум қилади. Аёлнинг гапларини эшитиб, анжирни тадқиқ этишга бел боғлаган файласуфнинг ҳафсала-си пир бўлади ва шаштини қайтаргани учун ундан қаттиқ ранжийди. «Бу ердан кет, – дейди аёлга. – Сен менинг таъбимни хира қилдинг. Лекин бари бир бу ҳодисанинг тагига етмагунча тинчимайман». Шундан сўнг чиндан ҳам Демокрит асоссиз ва ёлғон анжир ҳодисасини изоҳлашга қатъий киришади.

\* \* \*

Демокрит шундай деганди: «Коинотнинг ибтидо-си – атомлар ва бўшлиқдан иборат. Қолган барча нарсалар фақат фикран мавжуддир».

\* \* \*

Бу оламда ё ҳеч наrsa чинакам эмас, ёхуд чинакам нарсаларни биз илғай олмаймиз, – дейди Демокрит.

\* \* \*

Билишнинг икки кўриниши мавжуд. Уларнинг бири туйғулар воситасида билиш, иккинчиси тафаккур ила билишдир.

\* \* \*

Бахт яхши кайфият, фаровонлик, уйғунлик, му-таносиблик ва вазминликдир.

\* \* \*

Демокритнинг донолиги, зукколиги ва ўткир башоратчилик қобилияти ҳақида кўплаб ривоятлар яратилган. Улардан бирида ҳикоя қилинишича, Эрон шоҳи Доронинг соҳибжамол ва суюкли ра-

фиқаси вафот этади. Ҳукмдорнинг чуқур қайғуга ботганини кўрган Демокрит ҳамма айтганларини сўзсиз бажариш шарти билан маликани тириштиришга ваъда беради. Доро сарой аъёнларига Демокрит истаган нарсани муҳайё қилиш ҳақида фармойиш беради. Ҳамма айтганлари бажо бўлгач, Демокрит фақат биргина нарса етишмаётганини, яъни маликанинг қабрига ҳаёти давомида сира ҳам чекмаган учта одамнинг исмини ёзиш кераклигини, шунда малика ўша заҳоти тирилишини айтади. Табиийки, қудратли ҳукмдор битта ҳам ҳамсиз одамни тополмайди. Шунда Демокрит одатдагидек кулиб, Дорога қарата шундай дейди: «Ана шунақа ношукур зот, ҳам-ташвиш фақатгина сенинг бошингга тушгандек эртаю кеч йиғлаганинг-йиғлаган. Ахир, ақалли битта ҳам ҳамсиз одамни тополмадинг-ку!»

\* \* \*

Оламлар сон-саноксиздир, – деб ёзади Демокрит. – Улар турлича катталиқда бўлиб, сарҳадсиз бўшлиқдан вужудга келади, яшайди ва ҳалок бўлади. Уларнинг баъзисида Қуёш ҳам, Ой ҳам йўқ. Баъзиларида эса Қуёш ва Ой бизникидан каттароқ, айримларида уларнинг сони бир нечтадир. Оламлар орасидаги масофа турлича бўлиб, баъзи жойларда улар ғуж-ғуж, бошқа ерларда сийрак жойлашган. Баъзи оламлар ўсиш жараёнини, айримлари тараққиётининг энг гуллаган даврини кечираётган бўлсалар, бошқалари ҳалокатга юз тутганлар. Бир жойда оламлар туғилса, иккинчи жойда ғойиб бўлади. Улар бир-бирлари билан тўқнашиб, ҳалокатга учрайдилар. Баъзи оламларда жонзотлар ҳам, ўсимликлар ҳам, сув ҳам бўлмайди.

\* \* \*

Сарҳадсиз фазода мен каби саноқсиз демокритлар мавжуддир.

\* \* \*

Ўта қўпол сўзлаётган бир одамни кўриб, Демокрит шундай деган экан: «Бу одам сўзлай олмасликни удаларкан-у, аммо сукут сақлашни эплай олмас экан».

\* \* \*

Билимлар мўллигига эмас, фикрлар мўллигига интилмоқ жоиз, – дейди Демокрит.

\* \* \*

Очиқ-ойдин сўзламоқлик – озод руҳнинг сифатидир. Бироқ уни бевақт ижро этиш хатарли.

\* \* \*

Ўзгалар устидан ҳукмронлик даъво қилувчи одам аввало ўзини бошқара билмоғи лозимдир.

\* \* \*

Виждонли ва инсофсиз одамларни нафақат бажарётган амалларидан, балки хоҳиш-истакларидан ҳам билиб олиш мумкин.

## АНТИСФЕН

*(Милоддан аввалги 444–366 йиллар)*



Антисфен – милоддан аввалги V–IV асрларда яшаб ўтган юнон файласуфидир. У аввалига файласуф Хоргийнинг шогирди бўлган. Кейинчалик Сукротдан илм ўрганган. Антисфен чекка Пирея шаҳрида яшасада, ҳар куни 40 стадия (1 стадия – 184,75 газ) йўл босиб, Сукротнинг ҳузурига қатнаган. Кейинчалик Антисфен киниклар мактабига

асос солган. Файласуф Диоҳен Антисфеннинг энг иқтидорли шогирдларидан эди. Антисфен ўлимга ҳукм этилган устози Сукрот билан қатл олдидан ҳамсуҳбат бўлган. Антисфен биринчилардан бўлиб қўллар ва озод қашшоқларга хос буюмлар ҳамда либосларни ўзига раво кўрди. Шу йўл билан ўзи асос солган киник мактабининг бошқалардан ажралиб туришини таъминлади. Киниклар эгниларига калта жомакор камзул кийиб, қўлларида гадойларнинг тўрваси ва дарбадарларнинг таёғини кўтариб юрганлар. Эҳтиёжларни ҳар томонлама чегараламоқ Антисфен ҳаётининг мазмуни саналган. У ўзини «зотсиз кўппак» деб атаган. 77 ёшида ўпка силига чалиниб, вафот этган.

Антисфеннинг қуйидаги асарлари маълум: «Ҳақиқат», «Фикр ва билим ҳақида», «Савол ва жавоб ҳақида», «Севги, никоҳ ва фарзандларнинг дунёга келиши ҳақида», «Геракл».

\* \* \*

Антисфендан энг зарур илм қайси эканлиги хусусида сўраганларида: «Илмларнинг энг зарури нокерак нарсаларни унутиш илмидир», – деб жавоб берганди.

\* \* \*

Фалсафа менга ўз-ўзим билан суҳбат қуришни ўргатди, – дейди Антисфен.

\* \* \*

Яхши ва ёмон одамларни ажратиш лаёқатини бой берган ҳукумат ҳалокатга маҳкумдир.

\* \* \*

Адолатли зотларни туғишганингиздан ҳам аъло кўринг, – деганди Антисфен.

\* \* \*

Донишмандлик мақомига эришганлар кераксиз буюм ва фикрларга чалғимасликлари учун бошқа илмларга қизиқмасликлари жоиз.

\* \* \*

Антисфеннинг ўз шогирдларига ўта қаттиққўллиги сабабини сўрашганда, у шундай жавоб беради: «Ҳақимлар ҳам беморларга қаттиққўлдирлар».

\* \* \*

Бир одам Антисфенга деди:  
– Сени кўпчилик мақтаяпти.  
Антисфен ундан ажабланиб сўради:  
– Нима, бирор номаъқул иш қилиб қўйдимми?

\* \* \*

Ўзгалардан кўрқувчи кимса, гарчи ўзи буни сезмасада, қулдир.

## КИРЕНАЛИК АРИСТИПП

*(Милоддан аввалги 430–355 йиллар)*



«Фалсафанинг фойдаси шундаки, у ҳар қандай одам билан сўзлаша олиш имкони-ни беради», – деган эди файласуф Аристипп. Юнонистоннинг Кирена шаҳрида туғилиб ўсган бу файласуфни невараси билан чалкаштириб юбормаслик учун Катта Аристипп, деб аташган. Аристипп аввал Протагор, кейинчалик Сукрот қўлида таҳсил олган. У роҳату ҳаловат инсон учун энг олий бахт, деб ҳисобловчи

киреналиклар ёхуд гедонистлар мактабини яратган. Аристиппнинг энг садоқатли издошлари орасида унинг қизи Арета алоҳида ажралиб турарди. Арета отасининг ишини давом эттириб, муаллималик қилган ва ўғли Кичик Аристиппга ҳам фалсафа илмини ўргатган.

Аристипп Сукротнинг шогирдлари орасида биринчилардан бўлиб, тингловчилардан пул олиб устозига жўнатиб турган.

Ҳашамдорлик ва башанг кийинишни хуш кўрган нозиктаъб Аристипп олам кезиб, киборларча ҳаёт кечирган. Афсуски, унинг бирорта ҳам асари бизгача етиб келмаган.

\* \* \*

Аристипп Коринф денгизида кемада сузиб юрган чоғида қаттиқ бўрон туради. Файласуфнинг қаттиқ

қўрқувга тушганини кўрган йўловчилардан бири Аристиппга дейди:

– Биз – оддий одамлар унчалик қўрқмаяпмиз-ку, сиз файласуф бўла туриб, нега бунча даҳшатга тушяпсиз?

Аристипп унга шундай жавоб қайтаради:

– Сиз ҳам, мен ҳам ҳеч шубҳасиз, айнан бир нарса хусусида – ширин жонимиз учун қайгураяпмиз-у, бироқ ҳар иккимизнинг жонимиз турлича қимматга эгада.

\* \* \*

Бир куни Аристипп ҳукмдор Дионисий ҳузурида дўстини ҳимоя қилди. Бирор наф чикмагач, ўзини ҳукмдорнинг пойига ташлади. Буни кўрган сарой аъёнларидан бири уни мазах қилиб кулди.

Шунда Аристипп деди: «Айб менда эмас, балки кулоқлари оёқларида жойлашган Дионисийда».

\* \* \*

Файласуф Ксенофант Аристипп ҳақида шундай деганди: «Аристипп доимо ўзини бегона ҳис этиб яшашни севарди».

\* \* \*

Аристиппдан сўрадилар:

– Файласуфлар ўзгалардан қай жиҳатлари билан устунлар?

Файласуф жавоб берди:

– Борди-ю, барча қонунлар бекор қилинса, фақат файласуфларгина аввалгидек яшайверадилар.

\* \* \*

Бир куни ҳукмдор Дионисий қандайдир сабаб билан Аристиппнинг бетига тупуради. Аристипп бу таҳқирга чидаб, бир амаллаб ўзини босади. Амал-

дорлар Аристиппнинг устидан куладилар. Аристипп эса уларга қарата шундай дейди:

– Балиқчилар митти балиқчаларни овлаш учун ўзларини денгиз томчиларига рўпара қиладилар. Мен эса катта балиқ тутиш истагида сачраган тупукларга дош бераман.

\* \* \*

Аристиппга бир масалани тақдим этиб:

– Ечиб бер-чи, – дедилар.

Файласуф уларга хитоб қилди:

– Эй нодон, боғланган ҳолида кишиларни шунчалик ташвишга қўювчи бу тугунни ечмоқ нечун?

\* \* \*

Кимдир файласуфларни доимо бадавлат зотлар бўсағасида кўришини айтганда, Аристипп деди:

– Ҳақимлар ҳам беморларнинг хонадонларига кўпинча ўзлари борадилар. Зеро, ҳамма ҳам беморлар ўрнида эмас, балки ҳақимларнинг ўрнида бўлмоқни истайди.

\* \* \*

Ўзининг ўта билимдонлиги билан мақтанувчи бир кимсага Аристипп деди:

– Таомларнинг зарурини меъёрида еган одам ҳаддан зиёд овқат тановвул қилувчилардан кўра соғломроқ бўлганидек, кўп ўқиган ҳар қандай одам олимга айланавермайди. Бунинг учун ҳар ким ўқиганларидан ўзига фойда ола билмоғи лозимдир.

\* \* \*

Аристипп судда ўз ишини ҳимоя қилмоқ мақсадида нотик ёлади. Кўпчилик унинг бу ишини қоралади. Шунда Аристипп деди: «Ахир, зиёфат бераётган чоғимда ҳам ошпаз ёллайман-ку!»



\* \* \*

Аристиппдан донишмандлар билан оддий одамларни фарқлаш йўлини сўрадилар. У шундай жавоб берди: «Уларни ажратиш учун яланғоч ҳолда нота-ниш одамлар орасига қўйиб юборинг».

\* \* \*

– Жоҳил бўлиб яшагандан қашшоқликда кун кечирган аълороқдир, – дейди Аристипп. – Чунки қашшоқлар пулдан, нодонлар эса одамгарчиликдан маҳрумдирлар.

\* \* \*

Бир куни мева-чева арчиб ўтирган файласуф Диоҳен йўлдан ўтаётган Аристиппга:

– Агар сен ҳам мана шу сабзавотларни еб қаноат қилганингда, мустабид ҳукмдор саройида хизмат қилишга мажбур бўлмас эдинг, – деди кинояли кулиб.

– Ўзинг эса, – деди Аристипп, – одамлар билан муомала қилмоқни билганингда сабзавот арчиб ўтирмасдинг.

## АФЛОТУН (ПЛАТОН)

(Милоддан аввалги 428–347 йиллар)



Қадимги юнон файласуфи Афлотун Афина шаҳрида туғилиб ўсди. Унинг асл исми Аристотокл бўлган. «Платон» унинг лақаби бўлиб, юнонча «кенг елкали», «бўлали» деган маънони англатади. Бу лақабни унга Суқрот берган. Афлотуннинг оиласи бадавлат бўлмаса-да, аслзодалар насабидан эди. Отаси Аристон Афинанинг охирги шоҳи Кодр авлодига мансуб бўлган. Афлотун аслзода афиналикларга хос бўлган риёзиёт, мусиқа, грамматика ва гимнастикадан таълим олган. Гераклит, Парменид, Зенон фалсафаси билан танишган. Милоддан аввалги 407 йилда Суқрот билан учрашган. Суқротнинг ўлимигача унинг энг яқин шогирдлари қаторида бўлган.

Кўп вақтини шеърятга бағишлаган. Манбаларга кўра, у қатор дostonлар, лирик асарлар, фожиа ва комедияларнинг муаллифи бўлган. Унинг 25 га яқин шеърый усулда битилган миниатюра-эпиграммалари бизгача етиб келган. Бундан ташқари, унинг 23 та асл нусхадаги ва 11 та унинг қаламига мансуб дея тахмин қилинадиган суҳбати, «Суқрот мадҳи» деб номланган нутқи, шунингдек, 13 та мактуби маълум. Афлотуннинг суҳбатлари қуйидагилардан иборат: «Протагор», «Федон», «Парменид», «Тезтет», «Тимей», «Критий», «Лахет», «Менон», «Давлат», «Сиёсатдон», «Қонунлар», «Федр», «Филеб» ва бошқалар.

Афлотуннинг Атлантида тўғрисидаги ҳикояси кейинги маданиятларнинг ҳаловатини бузиб, авлодларнинг ичига гулғула солди. Унинг ёзишича,

12 минг йил олдин Гибралтар яқинида сирли қитъа мавжуд бўлиб, бир кеча-кундуз ичида денгиз қаърига чўкиб кетган. Афлотун ҳалокатнинг аниқ ўрнини кўрсатмаган, аммо файласуфнинг обрўи шу қадар баланд эдики, дарҳол ғойиб бўлган атлантлар мамлакатини излашга киришилган. Уни ҳозир ҳам излашмоқда...

\* \* \*

Ботинийликдан зоҳирийликка ўтишга олиб келувчи ҳамма нарса ижоддир.

\* \* \*

Афлотун ўлиmidан олдин тушида оққушга айланиб, дарахтдан-дарахтга учиб юрганини, қуш оловчилар эса уни тутолмай сарсон эканликларини кўради. Суқротнинг шогирди бўлмиш Симмий бу тушни таъбирлаб, қуш оловчилар ўтмишдаги даҳоларнинг фикрларини шарҳловчи кимсалар эканини, Афлотуннинг бир йўла ҳам табиий, ҳам ахлоқий, ҳам илоҳий сифатларини жам этган фикрларини изоҳлашга уларнинг қурби етмаслигини айтади.

\* \* \*

Афлотун келгуси авлодларга ҳеч қачон эскирмайдиган мана бу ўғитни мерос қолдирган: «Ҳақиқий ва тўғри фикрлай олувчи файласуфлар давлат тепасига келмагунча ёхуд ҳукмдорлар илоҳий иқтидорлари ила том маънодаги файласуфлик мақомига кўтарилмагунларига қадар инсоният ёвузликдан қутулолмайди».

\* \* \*

Бошига кулфат тушган мустабид ҳукмдор Дионисийдан Афлотуннинг донишмандлиги унга нима

бергани ҳақида сўрашди. Сицилия ҳукмдори шундай жавоб берди:

– Наҳотки мен Афлотундан ҳеч нима олмаганга ўхшасам?! Ахир, тақдир зарбасини хотиржамлик билан қарши олдим-ку!

\* \* \*

Афлотун Катта Дионисийнинг мустабид ҳокимиятини аслзодалар ҳукуматига айлантириш мақсадида унинг ҳузурига борди.

Унинг мақсадидан хабар топган Дионисий сўради:

– Айт-чи, Афлотун, энг бахтли одам ким?  
– Суқрот, – деб жавоб берди Афлотун.  
– Сенингча, ҳукмдорнинг энг асосий вазифаси нимадан иборат? – яна сўради Дионисий.

Афлотун деди:

– Қўл остидагиларни яхши хулқли қилиб тарбиялашдан иборат.

Дионисий учинчи саволини берди:

– Айт-чи, наҳот одил суд ҳеч нарсага арзимаса?  
Ўша даврларда Дионисийнинг ҳукумат суди ўз одиллиги билан донг таратганди. Бироқ Афлотун сир бой бермай, бу саволга шундай жавоб қайтарди:  
– Арзимади. Чунки одил ҳакамлар йиртилган кўйлакни тикиб қўядиган ямоқчига ўхшайди.  
– Сенингча, мустабид ҳукмдор бўлиш учун жасурлик сифати зарурми? – сўнгги саволини берди Дионисий.

– Асло, – деди Афлотун, – мустабид ҳукмдор аслини олганда энг қўрқоқ одамдир. У ҳатто саргарошнинг устарасидан ҳам чўчийди.

Бу жавобдан ғазабга келган Дионисий Афлотунга шу куниёқ Сицилияни тарк этишни буюрди.

\* \* \*

Афлотун фалсафага таъриф бериб, қуйидаги мисраларни ёзиб қолдирганди:

– Оламда билимдан кучли нарса йўқдир. Билим ҳар қандай ҳузур-ҳаловатдан ҳам, бошқа нарсалардан ҳам зўрроқдир.

\* \* \*

Фалсафа билан машғул бўлинг. Шунингдек, ёшларда ҳам фалсафага рағбат уйғотинг.

\* \* \*

Ҳақиқатни англашга интилувчилар чин файласуфлардир.

\* \* \*

Ҳайрат файласуфларга хос сифат. Ана шу сифат фалсафанинг ибтидоси саналади.

\* \* \*

Донишмандлар ҳам, жоҳиллар ҳам фалсафа билан машғул бўла олмайдилар. Донишмандлар билан жоҳиллар оралигидаги одамларгина ҳақиқий файласуф бўла оладилар.

\* \* \*

Қанчалик ноёб қобилиятли ва ўткир зеҳнли бўлмасин, фалсафага мойиллик ҳиссини туймаган одам у билан яқинлашолмайди. Зеро, фалсафа бегона қалбларда илдиз отолмайди.

\* \* \*

Фалсафа билан ёшликда, меъёрида машғул бўлмоқлик жоиз. Бу қоидага амал қилмаганларни ҳалокат кутади. Ҳар қанча заковатли бўлманг, ёшингиз

бир жойга бориб қолганда умрингизни фалсафага бағишласангиз, ҳурмат-эътиборли инсон бўлиш тажрибасидан айрилиб қоласиз. Бундай ҳолатда одамлар билан бирор иш юзасидан суҳбатлашишга қийналасиз, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлолмай, умуман, оддий инсоний муомала ва одобни ўзлаштиролмай азият чекасиз. Натижада қандай ишга киришманг ва қандай амални бажарманг – хоҳ шахсий, хоҳ давлат миқёсидаги фаолиятингизда худди фалсафий суҳбат ва мунозарага аралашган ҳукумат кишиси каби барчага кулги бўласиз.

\* \* \*

Афлотун билим инсоннинг аввалги ҳаётида кўрганлари ва орттирган тажрибаларини эслаши эканини таърифлаб шундай деганди: «Қоҳинлар инсон руҳи барҳаёт эканини таъкидлайдилар. Руҳ ердаги ҳаётни тарк этганидан сўнг, – буни одатда ўлим, деб атайдилар, – яна қайта туғилади ва ҳеч қачон ўлмайди. Шунинг учун инсон ҳаётини тақводорликда, эзгулик билан ўтказмоғи даркор. Башарти руҳ барҳаёт экан, у қайта-қайта туғилаверади. Ерда ва ўзга оламларда ҳамма илмлардан, воқеалардан бохабар бўлиб, комиллашиб бораверади. Натижада оламда у билмайдиган ҳеч қандай илм қолмайди. Бу илмлар инсоннинг эзгулиги, саховати ва бошқа шу каби яхши сифатлари эвазига ёдга тушади.

Модомики, табиатда ҳамма нарса бир-бирига алоқадор ва руҳ ҳамма илмлардан бохабар экан, инсон биргина нарсани эслай олса, қолганларини ҳам дадиллик ва ғайрат билан излаб топиб, билиб олади. Зеро, изламоқ ва билмоқ эсламоқнинг айнан ўзидир.

\* \* \*

Афлотун муҳаббат ҳақида шундай деганди: «Менимча, одамлар муҳаббатнинг асл қудратини англаб етмаганлар. Агар улар буни тушунганларида эди, севгига атаб улуғвор ибодатхоналар ва меҳроблар қуриб, қурбонлик келтирган бўлардилар. Лекин биринчи галда бажарилиши лозим бўлган бу вазифаларни ҳозиргача ҳеч ким адо этмади. Ахир, Эрос – энг инсонпарвар маъбуда. У одамларга ёрдам беради, шунингдек, инсониятни дарду аламлардан фориғ этиб, буюк саодатга нойил этади».

\* \* \*

Турфа одамларнинг турлича фикр юритиши натижасида ҳамфикрлик йўқолади ва натижада ҳар бир одам бошқа бир одамдан унинг фикрлаш тарзи учун нафратлана бошлайди.

\* \* \*

Ҳеч ким аввалги амалларини қайтармайди. Чунки тез орада яхши кунлар келишига ишонади. Инсоннинг ўзлигидан тубан кетиши жоҳилликдир, ўзликдан юқори бўлмоқ эса доноликдир.

\* \* \*

Кулгисиз жиддий нарсаларни англаб бўлмайди. Умуман, идрокли бўлишни истаган инсон қарама-қаршилиқни фақат қарама-қаршилиқ ёрдамидагина англаб олиши лозим.

\* \* \*

Шоир – агар у ҳақиқий шоир бўлишни истаса, шунчаки фикр эмас, афсоналар яратмоғи лозим.

\* \* \*

Ҳар қандай саволга жавоб бериш мумкин, фақат у тўғри берилса бас.

\* \* \*

Ўтакетган жоҳиллик у даражада даҳшатли айб эмас, катта ёвузлик ҳам эмас. Нотўғри йўналтирилган билимдонлик ва бойлик унга нисбатан хавфлироқ ва жазога лойиқдир.

\* \* \*

Тафаккур ягона муносиб тангадир. Фақатгина ана шу тангага ҳамма нарсани алмашиш мумкин. Шунда мардлик, одиллик, мулоҳазакорлик – бир сўз билан айтганда, эзгулик – сохталикдан фориф бўлади. Бу эзгуликка ҳузур-ҳаловат, қўрқув ва бошқа нарсалар хоҳ йўлдош бўлсин, хоҳ бўлмасин, у доимо тафаккур билан ҳамқадамдир.

\* \* \*

Яхши инсон ҳаётлик чоғида ҳам, ўлимидан сўнг ҳам завола топмайди.



## ДИОҶЕН (ДИОГЕН)

(Милоддан аввалги 400–323 йиллар)

Юнон файласуфи синоплик Диоҳен киниклар мактаби асосчиси Антисфеннинг шогирди эди. Антисфеннинг ўлимидан сўнг Диоҳен Коринфга кўчиб ўтади. Чунки Синопда Диоҳен ўзи билан мулоқот қилгулик бирор одам тополмай қолганди. У Коринфда ўзига бошпана сотиб олмайди. Меҳ-



мондўст танишлариникига ҳам бормай, очиқ осмон остида яшай бошлайди. Анчайин дарз кетган сопол хум унга бошпана вазифасини ўтади.

Диоҳен ҳаммага заҳархандалик ва нафрат билан муносабатда бўлган.

Унинг «Севги ҳақида», «Давлат» («Полития»), «Эдип», «Фиест» (фожиа) номли асарлари маълумдир. Диоҳен пиширилмаган саккизоёқни еб, вабо касали билан оғриб қолган ва вафот этган. Баъзи манбаларда ёзилишича, у нафас қисилиши оқибатида ҳаётдан кўз юмган.

Искандар Зулқарнайн 70 ёшли Диоҳен билан Коринфда, шаҳар четидаги сарв дарахтларидан иборат Кранеон ўрмонида учрашиб қолиб, ҳамсуҳбат бўлган. У ўзини файласуфга буюк шоҳ Искандар деб танитганда, Диоҳен тап тортмасдан: «Мен эса кўппак Диоҳенман», – деган экан.

\* \* \*

«Мен муттаҳам бўлмаган одамни излаяпман».  
(Бир куни Диоҳенни кундуз куни кўлида ёниб

турган фонус кўтариб олиб, ниманидир излаётган ҳолда кўрадилар. Одамлар ундан нима қилаётганини сўраганларида, юқоридагича жавоб қайтарган экан).

\* \* \*

Искандар Зулқарнайн Диоҳен ҳақида шундай деган: «Шоҳ бўлмаганимда, Диоҳеннинг ўрнида бўлишни истардим».

\* \* \*

Антон Павлович Чехов Диоҳен ҳақида: «Эркин ва чуқур фикрлаш орқали ҳаётни англашга интилиш ва оламдаги аҳмоқона югур-югурлардан нафратланиш – булар инсон зоти ҳеч қачон тушуниб етолмаган икки эзгуликдир. Сиз уч қаватли темир қафас ичида ётган чофингизда ҳам уларнинг ҳар иккисига эгалик қила оласиз. Диоҳен сопол хумда яшаса-да, оламдаги барча султонлардан кўра бахтлироқ эди».

\* \* \*

Ватандошлари Диоҳенга атаб кўплаб мисдан ишланган ёдгорликлар бунёд этдилар. Файласуф туғилиб ўсган шаҳар – Синопда тикланган ана шундай ёдгорликлардан бирида қуйидаги мазмундаги ёзувларни ўқишингиз мумкин: «Диоҳен! Йиллар тўфони тош ва бронзаларни ҳам емириб ташлайди. Аммо сенинг таълимотинг мангу қолажак. Сен бизни қаноат қилишга ўргатдинг ҳамда бахтга элтувчи йўлни кўрсатдинг».

\* \* \*

Диоҳен ўз ватанидан қувилгач, Афинага йўл олади. Бу шаҳарда у Сукротнинг шогирдлари – Афлотун, Аристипп, Эсхин, Антисфен ва Эвклид Мегарянин билан учрашади. Кўп ўтмай Антисфендан

бошқа ҳаммасидан кўнгли совийди. Диоҳен Антисфен билан жон-дилдан суҳбатлашар, унинг ўзини эмас, таълимотини мақтар, ҳақиқатни очиб берувчи фикрларгина инсонларга фойда келтиришини доимо таъкидларди. Диоҳен Антисфенни етарли даражада қаттиққўл эмасликда айблаб, уни кучли шовқин кўтариб, ўзини ўзи эшитмайдиган жанг карнайига ўхшатарди. Антисфен эса Диоҳеннинг феъл-атворидан завқланганча, сабр-тоқат билан унинг танбеҳларига қулоқ тутарди.

\* \* \*

Антисфен мени озод қилган кундан бошлаб мен қулликдан қутулдим.

Бу қандай рўй берди? Антисфен менга ўзимга тегишли ва бегона нарсаларни ажрата билишни ўргатди. Бойлик, мол-давлат меники эмас; туғишганларим, қариндош-уруғларим, дўст ва қадрдонларим, шон-шуҳрат, шунингдек, дўстлар билан мулоқот – барчаси менга бегона.

«Хўш, сен нимага эгалик қилишинг мумкин? Шунинг билгилки, фақат тасаввурларинггина ўзингга тегишлидир, – деганди Антисфен. – Улар мутлақо озод ва эркин. Ҳеч кимга бўйин эгмайди. Ҳеч ким уларга ҳалақит бериб, сени истагингдан ўзгача ҳаракат қилишга мажбур этолмайди».

\* \* \*

Афлотундан «Инсон – патлардан холи икки оёқли жонивордир», деган таърифни эшитган Диоҳен хўрознинг патини юлиб ташлайди-да, Академияга келтиради ва шундай хитоб қилади: «Мана, Афлотуннинг одами!» (Шундан сўнг одамнинг таърифларига «Энли тирноқли жонивор», деган ибора ҳам қўшилган экан).

\* \* \*

Севгини очлик енгади, агар оч қолишга кучингиз етмаса, сиртмоқни бўйнингизга илинг, тамом-вас-салом.

\* \* \*

Рисоладагидек яшамоқ учун ё ақлга, ё сиртмоққа эга бўлмоқ лозим.

\* \* \*

Диоҳен муҳим нарсалар ҳақида мулоҳаза юритганда одамлар унга қулоқ солмай ўтиб кетаверадилар. Шунда у қушга ўхшаб чуғурлай бошлайди. Атрофида беҳисоб одамлар тўпланади. Шунда файласуф тўпланганларнинг бўлмағур нарсалар кетидан югуриб, муҳим нарсалар учун эса ҳатто жойларидан жилмасликларини айтиб, изза қилади.

\* \* \*

Диоҳен бир хасисдан садақа сўради. Унинг икки-ланиб турганини кўрган файласуф деди: «Муҳтарам зот, мен сендан нон учун садақа сўраяпман, сағана учун эмас!»

\* \* \*

Диоҳендан фалсафадан қандай наф кўргани ҳақида сўраганларида, у қуйидагича жавоб берди: «Ҳеч бўлмаганда тақдирнинг ҳар қандай бурилишларига тайёр туришни ўргандим!»

\* \* \*

«Менинг фалсафа билан ишим йўқ», дегувчи кимсага Диоҳен шундай деганди: «Яхши яшаш ҳақида қайғурмас экансан, яшашдан не мақсад?»

\* \* \*

Диоҳенни тилшуносларнинг Одиссей мусибатини тадқиқ этиб, ўзлариникидан воқиф эмасликлари, муסיқачилар асбобларининг торларини созлаб, ўз ахлоқларини тузата олмасликлари, риёзиётчиларнинг эса осмондаги Ой ва Қуёшни кузатиб, оёқлари остида нима борлигини кўрмасликлари ҳайратга соларди.

\* \* \*

Бир боланинг ҳовучлаб сув ичаётганини кўрган Диоҳен халтасидан пиёласини олди-да: «Бола оддийлик бобида мендан ҳам ўзиб кетди», – деб ташлаб юборди.

\* \* \*

Бир одам қоғозга ёзилган узундан-узоқ маърузасини ўқиб берарди. Қоғоз ўрамининг охиридаги ёзувсиз жойга кўзи тушган Диоҳен хитоб қилди: «Бардам бўлинглар, биродарлар, соҳил кўринаяпти!»

\* \* \*

Қайси вақтда нонушта қилмоқлик лозимлиги хусусида савол берган одамга Диоҳен шундай жавоб беради: «Агар бадавлат бўлсанг, истаган вақтингда, қашшоқ бўлсанг, қурбинг етган вақтда нонушта қилишинг мумкин».

\* \* \*

Кимдир Диоҳеннинг қувғин қилинганини юзига солиб камситганда, у шундай деди: «Эй, бадбахт. Ахир, ана шу қувғин туфайли мен файласуф бўлолдим-ку!»

\* \* \*

Диоҳен бир ҳайкалнинг қаршисига келиб тилана бошлади. Ундан нега бундай қилаётганини сўрашганда: «Ўзимни рад жавобига кўниктирмоқчиман», – деб жавоб қилди.

\* \* \*

Диоҳендан нима сабабдан одамлар фақат қашшоқларга хайр-эҳсон беришлари, файласуфларга эса ҳадяни раво кўрмасликлари ҳақида сўрашди. Файласуф шундай жавоб берди: «Чунки одамлар қачонлардир оқсоқ ёки сўқир бўлиб қолишларини, лекин ҳеч қачон донишмандга айланмасликларини яхши билишади-да!»

\* \* \*

Искандар Зулқарнайннинг отаси Македония ҳукмдори Файлакус (Филпп) Коринфга қарши юриш бошлаганини ва у ерда ўзига қарши тайёргарлик кетаётганини эълон қилди. Шунда Диоҳен ўзи яшайдиган хумни у ёқдан-бу ёққа юмалата бошлади. «Нега бундай қилаяпсан, Диоҳен?» деб сўраганларида: «Ҳозир ҳамма ўзига яраша ташвиш билан югуриб юрибди. Ана шундай бир пайтда менинг бекор ўтиришим яхши эмас. Хумни думалатишимнинг боиси, бисотимда шундан бошқа нарсам йўқ!»

\* \* \*

Бир «сакровчи» Диоҳенга деди: «Эҳ, эсиз, шундай бақувватлигинга қарамай, Олимпия беллашувларида қатнашмайсан-да. Агар қатнашганингда, албатта, биринчи ўринни олган бўлардинг».

– Мен Олимпия беллашувларидан ҳам муҳимроқ мусобақаларда қатнашаман, – деди файласуф.

– Қандай мусобақа у? – тушунолмай сўради «сакровчи».

Диоҳен таънаомуз бош чайқаб деди:

– Ахир, яхши биласиз-ку, мен ёмон хулқлар билан беллашаман.

\* \* \*

Диоҳеннинг шундай ҳикматли ривояти бор:

– Беҳисоб бойлик эгаси бўлган бир одам ер юзидаги барча давлатлардан мансаби, ёши, жинси, тили турлича бўлган меҳмонларни чорлаб, катта зиёфат берди. Бу сахий зот меҳмонларнинг ҳар бирини ўз дидига мос тансиқ таомлар билан сийлади. Меҳмонлар роҳатланиб овқатланиб, уй соҳибига миннатдорчилик билдиришди. Аммо меҳмонлар орасидан бир одам олдига қўйилганига қаноат қилмай, қўшнилариининг, ожиз ҳамда заиф кимсаларнинг, ҳатто гўдакларнинг овқатига чанг солди. У бурнидан чиққунча оғзига овқат тикиштираверди...

Қиссадан ҳисса шуки, беҳисоб бойликлар эгаси ва мурувватли одам – табиатдир, зиёфатга келган меҳмонлар – ер юзидаги барча халқлар, очкўз одам эса ўзидан ожизларнинг барча нарсасини тортиб олгувчи бадавлат кимсалардир.

## ШАН ЯН

*(Милоддан аввалги 390–338 йиллар)*



Хитой файласуфи Шан Ян камбағаллашган аслзода оиладан бўлиб, ҳақиқий исми Гуньсунь Ян эди. Шан Ян Вэй салтанати ҳукмдори Вэн-хо унинг биринчи вазири файласуф Ли Куй (424–386 йиллар)нинг қўлида таҳсил олди. Кейинчалик у саройда маслаҳатчи ва ислоҳотчи вазифаларида хизмат қилди. Шан Ян легистлар мактабининг вакилларидан эди. Унинг «Шан вилояти ҳукмдорининг китоби» номли асари бизга маълум.

Цинь ҳукмдори Сяо Гун (милоддан аввалги 361–388 йиллар) Шан Ян таълимоти билан қизиқиб, унга давлат ислоҳотларини ўтказишни ишониб топширди. Бу воқеа қадимий Хитойда янги фалсафий таълимотнинг илк бор ҳаётга татбиқ этилиши сифатида тарих саҳифаларига битилди. Ва бу иш катта муваффақиятлар билан амалга оширилди.

Шан Ян ўта юксак фаросат соҳиби эди. У ўз ислоҳотлари баъзи гуруҳлар томонидан қаршиликка учрашини аввалдан кўра билди. Шу боис барча шубҳа ва гумонларнинг олдини олиш, жамоатчиликда давлат қонунларининг кучига ишонч туйғуларини уйғотиш учун аввалдан махсус фармон чиқарди. Бу фаройиб фармонда кимда-ким катта ёлани елкасига ортиб, мамлакат пойтахтининг шимолий дарвозасидан жанубий дарвозасига қадар олиб борса, ўша одамни 10 тилла танга билан мукофотлаш ваъда қилинганди. Ўша вақтларда 10 тилла танга жуда катта бойлик саналарди. Шу



туфайли фармонни эшитган фуқаролар ишонишни ҳам, ишонмасликларини ҳам билмай ҳайрон қолдилар. Ҳеч ким бу ишни бажаришга журъат этмади. Шунда пойтахтнинг марказий майдонида мукофот 50 тилла танга қилиб белгилангани ҳақидаги фармойиш ўқиб эшиттирилди. Бир фуқаро бу ишни амалга оширишга розилик билдириб, ғўлани ҳаманинг кўз ўнгида елкасига ортди-да, шаҳарнинг бир бурчидан иккинчи бурчига олиб борди. Ҳукумат вакиллари халойиқ гувоҳлигида 50 тилла тангани санаб, эгасига топширдилар. Бу тадбир одамларни давлат қонунларига ишонтириш мақсадида атайин ўйлаб топилганди. Шан Ян шунга ўхшаш амалий тадбирлар ёрдамида жамоатчиликни давлат қонунларига ишонишга ва ҳурмат қилишга ўргатган.

\* \* \*

«Агар билимлар мунтазам рағбатлантирилаверса, тинимсиз кенгая боради. Ва натижада мамлакатни идора этиш мушкуллашади, чунки макр-ҳийла кучайиб кетади. Билимларга тўсиқ қўйиб, рағбатлантирилмаса, одамлар самимий ва оддийликларича қоладилар», – деб ёзади Шан Ян.

\* \* \*

Давлат ё деҳқончилик ва ё уруш туфайли оёйишталикка эришиши мумкин, ҳукмдор ҳам ё деҳқончилик, ёки уруш туфайлигина обрў-эътибор қозонади.

\* \* \*

Агар мамлакат қашшоқ бўлса-ю, урушга қарши бутун кучини сафарбар этса, унга душман мамлакатда оғу пайдо бўлади. Қашшоқ мамлакатда эса олти турдаги текинхўрлик барҳам топади. Борди-ю,

мамлакат бадавлат бўлиб, ҳеч ким билан уришмаса, оғу шу мамлакат ичида пайдо бўлиб, олти кўри-нишдаги текинхўрлик юзага келади. Натижада бундай давлат заифлашади.

Текинхўрликнинг олти кўриниши куйидагилардир:

1. Кексайганда лоқайд яшашга интилиш.
2. Донни ўйламай-нетмай сарфлаш.
3. Гўзал либос ва лаззатли таомларга ружу қўйиш.
4. Серҳашам буюмларга муҳаббат.
5. Ўз вазифасига совуққонлик билан қараш.
6. Таъмагирлик.

\* \* \*

«Бир лаҳза ҳам қонунни ёддан чиқармаслик даркор, – дейди Шан Ян. – Тарафкашларни кучсизлантириш, гапга чечанларни қўлга олиш ва ҳар қандай мулоҳазакорликка чек қўйиб, мамлакатни фақат ва фақат қонунга таяниб бошқариш жоиздир».

\* \* \*

Қаттиқ жазо чораларини қўллаб, жинойт учун ўзаро жавобгарлик тизими жорий этилганда одамлар ўзларида қонун кучини синаб кўришга журъат қилолмайдилар.

\* \* \*

Нодон халқни бошқариш осон. Тентак одамларни оғир меҳнатга мажбурлаш осон. Ақлли кишиларни эса машаққатли меҳнатга жалб этиш мушкулдир.

\* \* \*

Жазо куч-қувватни пайдо қилади, куч-қувват қудратни, қудрат эса ларзага солгувчи улуғворликни, улуғворлик ўз навбатида эзгуликни юзага келтиради. Демак, эзгуликнинг ибтидоси жазодир.

\* \* \*

Мутлақо доно ҳукмдор донишмандликка эмас, қонунга таяниб иш кўради. Агар у қонундан воз кечиб, илмни афзал кўрса, унинг фуқаролари ўз ишларини ташлаб, шуҳрат кетидан қува бошлайдилар.

\* \* \*

Одатда, ҳукмдор эзгулик, ақл-фаросат, жасурлик ва куч-қувват бобида фуқаролардан фарқ қилмайди. Шунга қарамай халқ орасидаги донишманд зотлар ҳукмдорга қарши ҳийла-найранг ишлатишга журъат этолмайдилар; фуқаролар ичидаги жасур ва кучли одамлар ҳукмдорни ўлдиришга жазм қилолмайдилар; фуқаролар сон жиҳатдан кўпчилиқни ташкил этсаларда, ўз ҳукмдорларини тахтдан ағдаришга кўрқадилар; баъзи одамлар юксак мукофотлар эвазига беҳисоб бойлиқни қўлга киритишга қодир бўлсалар-да, бунинг учун курашиб ўтирмайдилар; ва ниҳоят, фуқаролар кескин жазо чоралари қўлланган чоғда ҳам норозилиқ билдиролмайдилар. Буларнинг барисига сабаб битта. У ҳам бўлса – қонун.

\* \* \*

100 нафар одам бир қуённи қувар экан, жониворни 100 бўлакка ажратиб, бўлашиб олиш учун эмас, балки ҳали ҳеч ким бу қуёнга эга бўлмагани боис бу ишни бажарадилар. Ва аксинча, агар бутун бозор қуён сотувчилар билан тўлиб-тошиб кетса ҳам ҳеч ким қуённи ўғирлашга журъат қилолмайди. Чунки бу қуёнларга эгалик ҳуқуқи ўрнатиб бўлингандир.

\* \* \*

Аслзодалиқ мартабаси ва маош билан рағбатлантириш усули мамлакатни ё яшнатади, ё ҳалокатга маҳкум этади.

\* \* \*

Ҳукмдорга бирон-бир катта мансабдорнинг қилмишлари ҳақида хабар етказган киши насл-насабидан, одамлар орасида тутган даражасидан қатъи назар, ўша мансабдорнинг амали, аслзодалиқ мартабаси, ер-мулки ва маошига тўла ворислик қилади.

\* \* \*

Агар уруш ёрдамида уруш оловини ўчириш мумкин бўлса, унга йўл очиб бермоқ лозим. Борди-ю, қатл этиш орқали қотилликка барҳам бериш имкони бўлса, қатлга ҳам рухсат этиш жоиздир.

\* \* \*

Инсонлардаги бойликка ва аслзодалиқка интилиш ҳаваси қабр ичидагина барҳам топади.

\* \* \*

Сув оқими доимо пастга интилганидек, одамлар бойликка талпинадилар. Шу боис ҳукмдорнинг фармойишидан ўзларига фойда тегишини кўзлаган одамлар унинг ҳар қандай буйруғини сўзсиз бажарадилар.

\* \* \*

Инсонпарвар киши бошқа одамларга нисбатан инсонпарвар бўлиши мумкин, аммо бу ўзгаларни инсонпарвар бўлишга мажбур этолмайди. Инсонпарвар киши ўзга одамларни севиши мумкин. Аммо у одамларни бир-бирларини севишга мажбур қилолмайди. Бундан кўриниб турибдики, оламни бошқариш учун фақат одамсеварлик ва адолатнинг ўзигина кифоя қилмайди.

## АРАСТУ (АРИСТОТЕЛЬ)

*(Милоддан аввалги 384–322 йиллар)*

Қадимий юнон файласуфи Арасту Фракиянинг Стагира шаҳрида туғилган. Шу туфайли баъзан Арастуни Стагирит деб ҳам аташади.

Арастунинг отаси Никомах Македония ҳукмдори Аминт II нинг шахсий табиби бўлган. Арасту Македониянинг бўлғуси ҳукмдори Филипп билан болалигиданоқ бирга ўйнаб катта бўлган. У 17



ёшидан 37 ёшигача (367–347 йиллар) файласуф Афлотуннинг Академиясида таҳсил олган.

Милоддан аввалги 343 йилдан бошлаб Арасту Искандар Мақдуний (Александр Македонский)га мураббийлик қила бошлайди. Искандар Мақдуний ҳукмдорлик тахтига ўтиргач, ўз устози ва дўстига атаб ҳайкал барпо этади. Бу ҳайкалнинг пойида шундай ёзувлар бор эди: «Искандар ушбу ёдгорликни Никомахнинг ўғли, буюк донишманд ва авлиё Арасту хотирасига ўрнатди».

Шарқ асотирларида ёзилишича, бир куни Искандар Зулқарнайндан сўрайдилар:

– Не сабабдан устозинг Арастуни отанг Султон Файлақус (Филипп)дан ҳам аъло кўрасан?

Шоҳ Искандар шундай жавоб қайтаради:

– Отам менинг жисмимни тарбиялаб, осмондан ерга олиб тушди. Устозим Арасту эса менинг руҳимни тарбия қилиб, ердан осмон қадар юксалтирди.

Арасту пешонасига сочини тушириб, калта соқол қўйиб юрган. Замондошларининг гувоҳлик бери-

шича, лаблари четидаги доимий кинояли табассум натижасида пайдо бўлган ажинлар Арасту ўзини файласуф Афлотуннинг шогирди, деб билишидан дарак берарди. Арасту юнон илм-фани қўлга киритган билимларни эгаллаш борасида Афлотунни ҳатто шоҳ Искандардан ҳам устун қўйган.

Милоддан аввалги 336 йилда Арасту Афина шаҳрида ўзининг хусусий мактабини очди. Бу илмоқ кураш мактаблари қаторида ва Афинанинг шимолий дарвозасидаги Ликей майдонларига ту-таш ерда жойлашганди.

Арастунини ҳаяжонга солувчи муаммолар фавқулодда қизиқарли ва теран эди. Масалан, инсон энг аввало ўзини севиши керакми ё бошқаними, деган савол уни кўп ўйлантирарди. Ўзини кўпроқ севган одамни худбинликда айблайдилар. Бошқа томондан олиб қаралганда эса, инсон аввало ўзининг энг яқин дўсти бўлган кимсани кўпроқ қадрлаши ва севиши лозим, дейилади. Ваҳоланки, ҳар бир одамнинг ўзидан ўзга садоқатли дўсти борми оламда? Демак, инсон аввало ўзини ҳурмат қилиши ва севиши лозим, деб фикр юритади Арасту.

Агар файласуф Зенон Элейский Арастуга замондош бўлганида шу сўзлари учун унга таъзим қилиши турган гап эди.

Арасту ҳавас қиларли даражада ўткир зеҳн соҳиби бўлган.

У 445270 сатрдан иборат 28 та китоб ёзган. Файласуфнинг «Методика», «Метафизика», «Жон ҳақида», «Поэтика», «Осмон ҳақида», «Физика», «Риторика», «Севги ҳақида», «Уйқу ва бедорлик ҳақида» асарлари шу китоблар сирасига киради.

\* \* \*

Арастуға бир одам унинг ортидан ғийбат қилганини айтишганда, у:

– Ҳечқиси йўқ. Ортимдан калтаклашса ҳам майли, – деб жавоб берган экан.

Файласуфдан тез кексайиб бораётганининг боисини сўрашганда:

– Бу олижанобликдандир, – деб жавоб берган.

Ундан яна фалсафадан қандай наф олгани ҳақида сўрашганда эса қуйидагича жавоб қайтарган:

– Бошқалар қонун қаршисидаги қўрқув туфайли мажбуран бажарадиган ишларни мен ўз ихтиёрим билан адо этишни ўргандим.

\* \* \*

Арастунинг орзуси тарки дунё қилган бахтиёр файласуфларнинг афсонавий оролидаги академия боғининг шийпонида назарий фикрлар билан банд бўлиб, осойишта ҳаёт кечиришдан иборат эди.

\* \* \*

Арастунинг шиори: файласуф имкон қадар ўт-кинчи нарсалардан узоқроқ туриши ва ўзининг «ватани» – чин ҳақиқатлар салтанати томон интиломи лозим.

\* \* \*

Арасту ўз устози Афлотунни танқид қилиш даражасига етгач, «яғриндор Аристокл» (Афлотун) буни: «Бу тойчоқ ўзини дунёга келтирган бияни аллаламоқда», – деб шарҳлаган экан.

\* \* \*

Арасту жисм ўзининг овирлигига мутаносиб тезликда ерга қулашига қаттиқ ишонган. Унинг нима

сабадан бундай деб ўйлашини ҳеч ким тушунолмаган. Чиндан ҳам тошнинг момик патга нисбатан ерга тезроқ тушиши кундек равшан ҳақиқат-да. Шу боис файласуф ҳеч иккиланмай фикрида қатъий турган.

Биринчи бўлиб Ҳалилео Ҳалилей (1564-1642 йиллар) бу фикрга шубҳа билан қараб, Италиядаги машҳур «қулаётган» Пиза минорасидан бирининг оғирлиги бир фунт, иккинчисиники эса 100 фунт бўлган икки тошни баравар пастга ташлаган. Буни қарангки, ҳар икки тош ҳам бир вақтда, баравар ерга келиб тушган.

\* \* \*

Афсоналарга қараганда, Арасту Эвбей оролини Беотиядан ажратиб турувчи Еврип бўғозидаги сувнинг кучли қайтиши ва кўтарилиши муаммосини ечолмай, ўзини сувга ташлаган.

\* \* \*

Арастунинг ўлимидан сўнг унинг илмий асарлари уйи яқинидаги ғорда сақланган. Кейинчалик Искандариядаги мозийгоҳга топширилган. Бу қўлёмалар орасида асл нусхалар йўқ эди. Уларни милоннинг 70 йилида Сулла исми саркарда Румга ўлжа сифатида келтириб, бир неча нусхада кўпайтирган. Арасту 200 йиллик унутилишдан сўнг фалсафа оламида шу тариқа қайта қад ростлади.

\* \* \*

«Ҳақиқатни излаш ҳам осон, ҳам мушкул, – деганди Арасту. – Чунки ҳеч ким унга тўлиқ эришолмайди. Шунинг баробарида, ҳеч ким уни умуман пайқамаслиги ҳам мумкин эмас. Аммо ҳар бир одам табиатни англашимиз учун озгина бўлса-да,



ўз ҳиссасини қўшади, ушбу ҳиссалар йиғиндиси натижасида эса улуғвор манзара пайдо бўлади».

(Арастунинг бу сўзлари Вашингтондаги миллий фанлар академияси биноси пештоқига ўйиб ёзилган).

\* \* \*

Фарангистон президенти генерал Шарл де Голл (1890-1970) Арасту ҳақида шундай фикр билдирганди: «Чуқур фикрлар, енгил таҳлил ва ишончли мулоҳазалардан холи бўлган ҳар қандай касбга доир илм беҳуда ҳийла-найрангга айланади. Оз бўлса-да, ушбу сифатларни ўзида жо этган, аммо уларни тарбиялай олмаган, шунингдек, улардан фақат ҳарбий соҳада фойдаланганлар янглишадилар. Ақл муайян касб маҳоратидан топиб бўлмайдиган хилма-хилликни талаб этади. Умумий маданият ҳақиқий бошқарув мактабидир. Оламда битта ҳам саркарда йўқки, ўз ҳарбий санъатини инсон тафаккури хазинаси эвазига юксалтирмаган бўлсин. Биз буюк саркарда Искандар Мақдунийнинг ғалабалари асосида, албатта, Арастуни кўрамиз...»

\* \* \*

Инсон фалсафа билан шуғулланиши керакми? Бу саволга шуғулланиши керак ва ёки керак эмас, деб жавоб қайтариш мумкин. Агар «инсон фалсафа билан шуғулланиши лозим» дейилса, ҳаммаси тушунарли. Ҳеч қандай савол туғилмаслиги табиий. Борди-ю, одамлар «фалсафа билан машғул бўлмасликлари даркор» деб жавоб қайтарилгудек бўлса, буни исботлаш учун ҳам (яъни машғул бўлмаслиги даркорлигини) фалсафий фикрлашга тўғри келади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, инсон ҳар қандай вазиятда фалсафа билан шуғулланмоғи керак.

\* \* \*

Ҳайрат фалсафанинг ибтидосидир.

\* \* \*

Ҳар куни Қуёшнинг осмон тоқини айланиб ўтишини, тунда эса ўзга ёриткичларнинг бир текис жилваланишини кузата туриб, бу ҳаракат ва уй-ғунликларнинг сабабкори Худонинг мавжудлигига иймон келтирмаслик мумкин эмас.

\* \* \*

Кемалар учун унинг ҳаракатини бошқарувчи одам, арава учун аравакаш, қўшиқ учун бошловчи, кўшин учун саркарда ва давлат учун қонун қандай ўрин тутса, Худо ҳам олам учун шундай ўрин тутади.

\* \* \*

Табиат ўзини ўзи даволовчи одамга ўхшайди.

\* \* \*

Ҳеч нарса тасодифан содир бўлмайди. Биз тасодиф деб атайдиган ҳамма нарсанинг ўз сабаби бор.

\* \* \*

Сезги буюмларнинг шаклини уларнинг моддиятисиз қабул қилиш қобилиятидир. Бу худди темир ва олтиндаги тасвирнинг мумга жо бўлишига ўхшайди. (Яъни мум сезги бўлса, темир ва олтин – буюмлар. С.Ж.)

(Буни яна шундай тушунтириш мумкин. Биз кўриб турган тошнинг айнан ўзи эмас, балки унинг шакли қалбимиздан ўрин олади).

\* \* \*

Ҳаракатнинг пайдо бўлиши ёки ғойиб бўлиши асло мумкин эмас.

\* \* \*

Сафсатабозлик ва диалектика ҳам фалсафа машғул бўлган масалалар билан шуғулланади. Фалсафа диалектикадан ўзига хос қобилиятлари билан, сафсатабозликдан эса танлаган йўли билан фарқланади. Яъни диалектика бирор жабҳани донишмандлик нуқтаи назаридан билишга уринади. Сафсатабозлик эса ўткинчи донишмандликдир, холос.

\* \* \*

Руҳ танасиз эмас, тана ҳам эмас, дегувчилар тўғри йўл тутадилар. Чунки руҳ тана эмас ва айти вақтда танада макон топган бир нарсадир.

\* \* \*

Руҳ қўлга ўхшайди. Қўл – қурооларнинг қуроли, ақл – шаклларнинг шакли, сезиш – ҳис қилинаётган нарсанинг шаклидир.

\* \* \*

Руҳни танадан ажратиб бўлмайди.

\* \* \*

... Вақт «ҳозир»сиз мавжуд бўлолмайди ва бутун маъносини йўқотади. Зеро, «ҳозир» ўзида ҳам ибтидони, ҳам интиҳони жо этгувчи ўрталикдир.

\* \* \*

Тафаккур ва фикрлаш айнан бир нарса бўлиб, ҳар иккиси ҳам моддиятдан айридир.

\* \* \*

Табиийлик ва инсон... Агар биз ёғоч курсини ерга кўмиб, унинг ўсиб чиқиши учун йўл тополганимизда ҳам ундан бари бир янги курсилар эмас, балки дарахтлар ўсиб чиқаверади.

\* \* \*

Табиат эркин одамларнинг жисмоний уюшмаси билан қўлларнинг жисмоний уюшмаси ўртасидаги фарқни ҳам таъминлаб қўйган. Қўлларнинг жисми бақувват бўлиб, зарур жисмоний юмушларни бажаришга мослашган. Эркин одамлар эса қаддиларини тик тутиб юрадилар ва оғир жисмоний меҳнатга ярамайдилар. Аммо улар сиёсий фаолиятга яроқлидирлар.

\* \* \*

Шон-шуҳратга интилишда ҳам, ундан қочишда ҳам меъёрни сақлай билинг.

\* \* \*

Ҳурматли одамнинг қандайлигига одатда унинг ишига қараб баҳо берилади. Бусиз унинг мақсадини билиб бўлмайди. Агар инсоннинг виждонини ва гўзалликка интилишларини бевосита кўриш мумкин бўлганда, бу одам бажараётган ишисиз ҳам олижаноб зот саналаверарди.

\* \* \*

Худбинлик ўзини ўзи севиш билан эмас, бу севгининг меъёрдан ортиб кетиши билан белгиланади.

\* \* \*

Шуҳратпарастлар бу сифатдан холи бўлган одамларга нисбатан ҳасадгўйроқдирлар.

\* \* \*

Қашшоқликдан, хасталиқдан, умуман, иллат саналмайдиган ва инсоннинг ўзига боғлиқ бўлмаган нарсалардан асло чўчимаслик даркор.

\* \* \*

Истақларини енга олганлар буқилмас инсонлардир. Ўзини мағлуб эта олганлар жасур ва мардонадирлар.

\* \* \*

Эзгулик қилишдан чўчидиганларни ахлоқий гўзал одамлар тоифасига қўшиб бўлмайди. Ҳамма яхши нарсаларни яхши деб билган, бойлик ва амал ҳам буза олмайдиган одамлар энг олижаноб инсонлардир.

\* \* \*

Биз бўш вақтни қўлга киритиш учун бўш вақтдан маҳрум бўламиз, тинч яшаш учун эса уришамиз.

\* \* \*

Виждон олижаноб инсоннинг одил ҳақамидир.

\* \* \*

Ранж ва алам чекмай, ҳузурланмай эзгу ишларни амалга ошириш мумкин эмас.

\* \* \*

Маълум бир ахлоқий сифатларга эга бўлмай туриб, чунончи, муносиб инсон бўлмай туриб, ижтимоий ҳаётда ҳаракат қилиб бўлмайди.

\* \* \*

Мақсад эмас, балки унга етиш воситалари ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

\* \* \*

Ошна-оғайнилари мўл одамнинг дўсти бўлмайди.

\* \* \*

Ҳар бир ишнинг бошланиши шу ишнинг деярли ярми бажарилгани билан баробардир.

\* \* \*

Жиддийлик кулги билан, кулги эса жиддийлик билан енгилади.

\* \* \*

Арасту ўз фалсафасини ҳеч қачон метафизика деб атамаган. Умуман, унинг замонасида бундай атама бўлмаган. Бу янги сўзни милоддан аввалги 1 асрда Искандария кутубхонасининг қўриқловчиси родослик Андроник тасодифан «ўйлаб топган». Яъни бир куни Арастунинг қўлёзмалари ўрамини жавонга тахлаш чоғида у аввал табиёт ҳақидаги «китоб»ларни, кейин эса фалсафий мазмундаги асарларни тартиб билан жойлаштиради. «Кейин» сўзи юнонча «мета» деган маънони англатади. Шу тариқа метафизика сўзи пайдо бўлди («мета» – кейин, «фюзик» – лотинча табиёт маъносини билдиради). Бир қарашда тасодифан юзага келган бу сўз буюк тақдир «эгаси» бўлди.

## МЭН-ЦЗИ

*(Тахминан милоддан аввалги 372–289 йиллар)*

«Мен Коинот фуқаролариданман», деган экан Мэн-цзи. У Хитойнинг ҳозирги Шандун вилояти ҳудудида жойлашган Лу хонлигида туғилиб ўсди. Мэн-цзи Конфуцийнинг невараси Цзи Си қўлида таҳсил олган. Бу файласуф мамлакатни муваффақиятли идора этишнинг 12 қондасини ишлаб чиққан.



Ўзининг ана шу ғояларини амалга татбиқ этиш ниятида у ҳукумат тизимига ишга кириш учун Хитойнинг турли хонликларини кезиб, қисқа муддат Ци хонлигида маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Инсонпарварликка таянган ҳолда давлатни бошқариш ғояларини ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги беҳуда уринишлардан сўнг Мэн-цзи ватани Луга қайтади ва ғоявий қарашларини ўзи ташкил этган мактаб, шогирдлари, китоблари орқали тарғиб ва ташвиқ қилади.

Мэн-цзининг асосий асари «Мэн-цзи» деб аталади. Людвиг Фейербах: «Мэн-цзи Хитойнинг Конфуцийдан кейинги энг буюк файласуфидир», – деб ёзганди.

### **Мамлакатни муваффақиятли идора этишнинг 12 қондаси**

1-қонда. Эзгулик ва олижанобликка таяниш. Инсонпарвар ҳукмдорнинг мухолифи бўлмайди.

\* \* \*

Фуқароларни куч билан бўйсунтиришга мажбур этиш мумкин. Аммо қалбларини бўйсундириб бўлмайди. Одамлар давлат куч жиҳатидан устун бўлгани боис бўйсунтиришдан ўзга илож тополмайдилар. Эзгулик ва олижаноблик воситасида фуқароларни бўйсундириш эса қалбларда қувонч туйғуларини уйғотади ва одамлар ҳақиқий итоатгўйликни намойиш этадилар.

\* \* \*

Донишмандликда камолга етган ҳукмдорлар дуккакли донлар ва тариқни худди олов ва сув каби мўл бўлишини таъминлайдилар. Ана шунда фуқаролар орасида инсонпарварликни ўзига касб этмаган битта ҳам одам қолмайди.

\* \* \*

Олижаноб эр ўз бурчини, пасткаш эса ўз фойдасини яхши тушунади.

Ривоят қилишларича, Лян хонлиги ҳукмдори Мэн-цзини ҳузурига чорлаб: «Ота! Сиз ҳойнаҳой орадаги минг ли масофани менинг салтанатимга бирон фойда етказиш мақсадида босиб ўтиб келгандирсиз?» – дейди.

Шунда Мэн-цзи қуйидагича жавоб қайтаради: «Эҳ, ван! Нима учун гапни албатта фойдага бурасиз? Ҳукмдор салтанатга қандай фойда келтириш керак, деб қайғурса, дафу оилага қай йўл билан наф етказиш мумкин, деб бош қотирса, оддий фуқаролар ва ши эса қаердан ва қандай йўл билан ўзим учун фойда орттирсам экан, дея ғам чексалар... Ахир, олий ва қуйи табақалари фойда учун ўзаро курашга киришган давлат ҳалокатга маҳкум бўлади-ку!.. Агар фойда биринчи ўринга чиқиб, бурч кейинда



қолиб кетса, бу кураш ҳеч қачон тугамайди. Агар жэн бўлмаса, ҳамма ўз қадрдон ерини ташлаб кетади. Бурч бўлмаса, ҳамма ўз ҳукмдорини унутиши аниқ. Эҳ, ван! Нима учун албатта фойда ҳақида гапириш керак?

\* \* \*

2-қоида. Фуқароларни доимий мулк билан таъминлаш.

Доимий мулкка эга бўлмаган фуқаролар доимий туйғулардан ҳам маҳрум бўладилар. Доимий туйғулардан маҳрум фуқаролар эса парокандаликка учраб, тубанлашадилар ва хоҳлаган ишларини қиладилар.

\* \* \*

3-қоида. Донишмандларни ҳурматлаш ва қобилият эгаларидан фойдалана билиш.

Аҳли донишлар ҳурматланиб, қобилият ва истеъдод эгаларидан фойдалана билинган ҳукуматда нодир шахслар фаолият кўрсатадилар.

\* \* \*

4-қоида. Солиқ ва ўлпонларни камайтириш.

Фуқаролардан матолар ва арқонлар, тариқ ва гуруч, муддатли оғир жисмоний меҳнатга мажбурлаш каби турли кўринишдаги солиқлар ундириб олинади. Санаб ўтилган оғир солиқларнинг фақат биттасидан фойдаланиш мумкин. Иккинчисини бир оз юмшатиш лозим. Бир вақтнинг ўзида иккинчи турдаги ўлпондан ҳам фойдаланмаслик даркор. Учинчи тур солиқлар ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Чунки у очликдан ўлиш ҳамда ота ва боланинг айрилиққа маҳкум бўлиши каби оғир оқибатларга олиб келади.

\* \* \*

Токи олий ва қуйи табақалар ҳаддан ортиқ фойдага интилаверар эканлар, давлат ҳалокатга учрайди.

\* \* \*

5-қоида. Фуқародан фойдаланиш, аммо уни бажараётган ишидан чалғитмаслик.

Агар фуқародан бажараётган ишидан чалғитмай фойдаланилса, у меҳнат билан банд бўлишига қарамай, норозилик билдирмайди; ўзгаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун одамлар қатл этилганда ҳам халқ норозилик эълон қилмайди.

\* \* \*

Омборхоналар тўлиб-тошган тақдирдагина хатти-ҳаракат қойдалари ва бурч нима эканлигини англаб етиш мумкин; кийим-кечак ва озиқ-овқатлар етарли бўлганда, обрў-эътибор ва шармандаликнинг моҳиятини тушуна олиш мумкин.

\* \* \*

6-қоида. Фуқаронинг кўнглини олмоқлик.

Фуқарони қўлга олмоқлик осмони фалакни эгаллаш билан тенг. Фуқарони қўлга олиш унинг қалбини забт этиш демакдир. Фуқаронинг кўнглини олиш учун унинг истаган нарсасини муҳайё этиш ҳамда унга маъқул бўлмаган ишларни бажаришдан тийилмоқ лозим.

\* \* \*

7-қоида. Халқни қадрлай билиш.

Мамлакатнинг асосий бойлиги унинг халқидир. Ер ва дон-дун халқдан кейинги мавқени эгаллайди.

\* \* \*

Ҳукмдорлар учта қимматбаҳо бойликка эгадирлар. Булар ер, фуқаро ва бошқарув ишлари.

\* \* \*

8-қоида. Ҳурматли кишиларга эътибор кўрсатиш. Нуфузли зотларга қаҳр-ғазаб кўрсатилмаса, мамлакатни бошқариш осон бўлади.

\* \* \*

Ақл билан иш юритувчилар одамларни бошқарадилар, куч билан иш кўрувчилар эса ўзгалар томонидан бошқариладилар. Фуқаролар ўз бошқарувчиларини боқадилар. Фуқароларни бошқарувчилар фуқаролар томонидан таъминланадилар.

\* \* \*

9-қоида. Инсон табиатидаги эзгуликнинг йўқолишига йўл қўймаслик.

Ҳосил мўл бўлмаган йил кўплаб ўғил фарзандлар ва укалар бағритош бўлиб қоладилар. Бу бағритошлик Коинот томонидан уларга берилган табиий сифатларга боғлиқ эмас. Балки очлик уларнинг қалбларида ёвузликнинг уйғонишига сабаб бўлади.

\* \* \*

10-қоида. Фуқарони эзгуликка йўллаш.

Инсон томонидан содир этилган ёвузлик унинг табиий сифатларига боғлиқ эмас.

\* \* \*

Қадимги Хитой файласуфларидан яна бири Гаоцзи: «Инсон табиати жўш урган сув оқимиға ўхшайди. Унга шарқдан йўл очсанг – шарққа томон оқади, ғарбга бурсанг, ғарб томон шошади. Сув оқими

шарқ ва ғарбнинг фарқиға бормаганидек, инсон табиатини ҳам эзгулик ва ёруғлик каби сифатларға ажратиб бўлмайди», – деганди.

Мэн-цзи бу фикрға шундай эътироз билдиради: «Чиндан ҳам сув шарқ ва ғарбни ажратолмайди. Аммо у паст-баланднинг фарқиға боради-ку! Сув пастга қараб оққанидек, инсон ҳам табиатан эзгуликка интилади.

Куйига томон оқишни истамайдиган сув бўлмаганидек, инсонлар орасидан ҳам эзгулик тиламайдиган одамни топиш мумкин эмас. Агар сувни уриб, ҳаракатга келтирсангиз, у бошингиз узра кўтарилади. Борди-ю, йўлини тўсиб ҳаракатга келтирсангиз, у тоғлар қадар юксалади. Бу ҳолатлар сувнинг табиатига боғлиқ ҳолда содир бўладими? Йўқ. Улар ташқи куч таъсири остида, сунъий равишда юз беради. Инсонга ҳам таъсир ўтказиб, ёвузликка ундаши мумкин. Чунки унинг табиати ҳам сувга ўхшайди.

\* \* \*

Инсон табиатан олижанобдир.

\* \* \*

11-қоида. Бой берилган нарсаларни идрок орқали излаш.

Маърифатнинг йўли битта. У ҳам бўлса йўқотилган нарсаларни идрок ила қидиришдан иборатдир. Ички идрок амрига бўйсунсанг, катта инсон бўласан, иккинчи даражали (яъни кўз ва қулоқ сезгилари) туйғуларга амал қилсанг, майда одамга айланасан.

12-қоида. Адолатни ёдда тутмоқлик.

Мэн-цзидан сўрадилар:

– Адолат туйғусининг замирида нима ётади?

Файласуф деди:

– Бу ҳақда гапириш мушкул. У жуда улуғ ва фавқулодда мустаҳкам туйғудир. Бу туйғуни тарбиялаб, тўсиқ қўйилмаса, ердан осмон қадар юксалади... Тафаккурингиз бу туйғуни унутмасин. Аммо унинг ўсишига сунъий равишда ёрдам берманг. Яъни Сун салтанатининг фуқаросига ўхшаб йўл тутманг. Бу одам майсаларим яхши ўсмаяпти, деган ўйда уларни бир-бир чўзғилаб чиқади. Ва уйга келиб: «Бугун жуда чарчадим. Майсаларга ўсишлари учун ёрдамлашдим», – дейди. Унинг ўғли дарҳол майсалар томон чопади ва уларнинг сўлиб ётганини кўради:

«Ер юзида майсаларнинг ўсишига ёрдамлашмайдиганлар озчиликни ташкил этади. Адолат туйғуларини тарбиялашни кераксиз ҳисоблаб, ундан бўйин товловчилар майсаларга ишлов бермайдиган кимсаларга, майсаларнинг бўй чўзишига ёрдамлашувчилар эса, уларни чўзғилаган сунлик фуқарога ўхшайди».

## ЧЖУАН-ЦЗИ

*(Тахминан милоддан аввалги 369–286 йиллар)*



Хитой файласуфи Чжуан-цзи Сун ўлкасининг Мэн вилоятида таваллуд топди. Аввалига майда амалдор бўлиб ишлади. Кейинчалик хизматни тарк этиб, ёлғизликда яшай бошлади.

Чжуан-цзи бир куни тушида гуллар орасида шодон қанот қоқаётган кичкина капалакни кўради. Файласуф уйғонгандан кейин боши қотди, у аслида ким – тушида ўзини капалак қиёфасида кўрган Чжуан-цзими ёки ўзини Чжуан-цзи қиёфасида кўрган капалакми?

Чжуан-цзи таълимоти кўпчиликка (замондошларига ҳам, улардан кейин яшаганларга ҳам) омадсизларнинг фалсафаси бўлиб туюлган.

Унинг асосий асари «Чжуан-цзи» деб аталади (бизгача бу китобнинг 33 бўлими етиб келган).

\*\*\*

Ривоят қилишларича, Чжуан-цзи Пу дарёсида балиқ овлаётганда Чу салтанатининг икки амалдори келиб, ҳукмдорнинг номасини топширадилар. Номада: «Зиммангизга давлат ишларини юкламоқчиман» деган сўзлар бор эди. Файласуф қармоқни сувдан олмай ва ҳатто бошини ҳам ўгирмасдан амалдорларга шундай деди:

– Эшитишимча, Чу салтанатида бундан уч минг йил муқаддам ўлган муқаддас тошбақанинг жасади сақданар экан: Чу ҳукмдорлари уни ўраб, сандиқчада асрашар ва эъзозлашаркан. Айтайлик, тошбақа учун икки йўл бор. Ё суякларини эъзозлашлари учун жасадлигича қолиши керак, ё бўлмаса, тирилиб, думини балчиқда судраб яшаши керак. Сизнингча, у қайси йўлни танлаган бўларди?

– Албатта, тирик қолиб, думини балчиқда судраб яшашни афзал кўрарди, – деб жавоб бердилар ҳар икки амалдор.

Шунда Чжуан-цзи деди:

– Кетаверинглар! Мен ҳам думимни балчиқда судраб яшашни истайман.

\* \* \*

Чжуан-цзи бир куни Чу ўлкаси томон йўл олибди. У ерга яқинлашганда бўзариб кетган, аммо ҳали бутун бош чаноғига дуч келади. Файласуф қўлидаги таёқ билан калла суягини туртиб:

– Сен қандай қилиб бу аҳволга тушиб қолдинг? Яшашга бўлган телбаларча иштиёқинг сени шу кўйга солдими ёки кунда устидаги ойболтами? Балки ота-онанг, хотин, бола-чақангни шарманда этган ножўя ишларинг ёхуд қаҳратон совуқ ва очлик азоби сени шу аҳволга солгандир? Ё бўлмаса, кўп йиллик ҳаёт йўлинг шу даражага олиб келгандир? – деди. Кейин бошини калла суягига қўйиб, уйқуга кетди.

Ярим тунда бошчаноқ файласуфнинг тушига кириб, деди:

– Сен худди сафсатабозларга ўхшаб вайсақилик қилдинг. Сўзларинг азобда қолган барҳаёт инсоннинг ташвишлари билан тўлиб-тошган... Сен марҳумнинг сўзларини тинглашни истайсанми?

– Истайман, – деди Чжуан-цзи.

– Марҳумнинг тепада ҳукмдори, қуйида эса хизматкори бўлмайди, – дея сўз бошлади бошчаноқ. – Унинг учун йилларнинг алмашинуви ҳам йўқ. Марҳум хотиржамлик билан осмон ва ернинг йиллик даврийлигига амал қилади. Бундай эркинлик ва бахт ҳатто подшоҳларга ҳам насиб этмайди.

Чжуан-цзи унинг сўзларига ишонқирамай шундай деди:

– Хоҳдайсанми, мен Яратгандан сенга жон, эт ва руҳ ато этиб, ота-онанг, хотининг, бола-чақанг, дўст-ёрларингни қайтаришини илтимос қиламан.

Бошчаноқ файласуфга бир дам тикилиб қолди-да, сўнг хўмрайиб жавоб берди:

– Мен шоҳона бахтни инсоний азоб-уқубатларга алмаштиришни истамайман.

\* \* \*

Дунёда икки буюк тушунча бор. Буларнинг бирламчиси – тақдир, иккинчиси – адолат.

\* \* \*

Бир одам Чжуан-цзига мурожаат қилиб:

– Ичи ковак қамишдан ясалган най каби Ернинг найи ҳам ундаги ёриқлардан бунёдга келади. Айтинг-чи, Коинот найи нима? – деб сўради.

– Коинотда сон-саноксиз пардалардан оҳанглар таралади. Бу оҳангларнинг ҳар бири ўзича мустақил янграйди. Умуман барча буюмлар ўзича оҳанг чиқаради. Уларга кимдир таъсир ўтказармикан?

\* \* \*

Ҳақиқат ва ёлғон борасида баҳс юритиш бемаънилик бўлиб, машҳур масалдаги маймунлар тортишувига ўхшайди. Нақд этишларича, маймун боқувчи бир одам бўлган экан. Бир куни у маймун-



ларга шундай дейди: «Эрталаб сизларга учтадан, кечқурун эса тўрттадан ёнғоқ бераман». Бу гапни эшитиб, маймунлар норози бўлишибди. Шунда маймунбоқар: «Майли, ундай бўлса, эрталаб тўрттадан, кечқурун учтадан ёнғоқ бераман», – дебди. Маймунлар қувониб, розилик билдиришибди.

Бу ҳикоядан кўриниб турибдики, баҳсда ном ҳам, моҳият ҳам ўзгармай қолди, аммо у қувонч ва норозиликка сабаб бўлди.

\* \* \*

Тузоқ қуёнларни овлаш учун зарур. Қуёнлар овлангандан кейин тузоқни умуман унутиб юбордилар. Сўзлар фикрни тутиш учун керак. Фикр тутилгандан сўнг, сўзни унутадилар. Қанийди, сўзни унутган одамни топиб, у билан суҳбатлашсам.

\* \* \*

Агар сиз ва мен – иккимиз қай биримиз ҳақ эканлигимизни билмасак, буни ким аниқлай олиши мумкин? Дейлик, сизнинг фикрингизни қўллаб-қувватловчи одамларни тўпладик. Аммо фақат сизгагина ҳамфикр бўлган бу одамлар масалани одил ҳал эта оладиларми? Ё бўлмаса, менинг фикрларимни қўллаб-қувватловчи одамларни йиғдик, дейлик. Улар ҳам фақат менга ҳамфикр бўлганлари боис масалани тўғри ҳал қилишга қодир эмаслар... Борди-ю, сизнинг ҳам, менинг ҳам фикрларимизга қўшилмайдиган одамларга мурожаат этсак-чи? Бизга хайрихоҳ бўлмаган одамлар қандай қилиб бир қарорга келадилар? Агар ҳар иккимизга ҳамфикр одамларни чақирсак-чи? Улар масалани қандай ҳал қилардилар? Кўрдингизми? Сиз ҳам, мен ҳам, бошқалар ҳам ким ҳақ, ким ноҳақлигини аниқ айтолмаймиз. Хўш, яна кимдан ёрдам кутишимиз мумкин?

\* \* \*

Бир куни файласуф Чжуан-цзи ва Хуй Ши Хао дарёси устида қурилган кўприк устида кезиб юришарди. Чжуан-цзи сувга тикилиб, ҳамроҳига деди:

– Балиқлар сувда маза қилиб ўйнашяпти. Улар шундан завқ олишади-да.

– Сен балиқ эмассан-ку. Уларнинг нимадан завқ олишини қаердан биласан? – деб сўради Хуй Ши қувлик билан.

– Сен мен эмассан-ку. Уларнинг нимадан завқ олишларини билмаслигимни қаердан биласан? – деди файласуф ҳам бўш келмай.

– Тўғри, мен сен эмасман, – деб жавоб берди Хуй Ши. – Сўзсиз мен сени билмайман. Лекин сенинг балиқ эмаслигинг аниқ. Шундай экан, сен ҳеч қачон уларнинг нимадан завқ олишларини билолмайсан.

Файласуф деди:

– Марҳамат қилиб, баҳсимизнинг бошланиш нуқтасига қайтсак. Сен менга: «Балиқларнинг нимадан завқ олишини қаердан биласан?» дединг. Демак, сен бунинг менга маълумлигини яхши билган ҳолда шу саволни бергансан. Мен балиқларнинг нимадан завқ олишини Хао дарёси устидаги кўприкда юрганамда билиб олдим.

\* \* \*

Чжуан-цзининг бир ривоятида шахснинг дао таълимотига мувофиқ узлатга чекиниши борлиқнинг турли шаклларида босқичма-босқич бегоналашишига олиб келиши тасвирланган.

«Донолик йўли»га кирган бир аёл етарли даражада иқтидорга эга бўлган, аммо ҳали бу йўлдан беҳабар Бу исмли кишини тарбиялай олиши мумкинлигини шундай ҳикоя қилади: «Мен уни бир дам тўхтатиб, керакли сўзни айтсам, уч кун ўтгандан

кейин осмону фалақдан бегоналашганини англаб этади. Мен яна у билан суҳбатлашаман. Ва етти кундан кейин у буюмларга нисбатан бегоналикни ҳис этади. Шундан кейин яна у билан учрашаман. Орадан тўққиз кун ўтиб, бу ҳаётга нисбатан бегоналикни фаҳмлаб этади.

Ҳаётдан бегоналашгандан кейин у тонг каби тиниқлашади. Тонг каби тиниқ бўлгандан кейин эса у ягоналикни кўра олиш қобилиятини қўлга киритади. У ягоналикни кўргач, ўтмиш ва ҳозирги воқеликни унутади. Ўтмиш ва ҳозирги воқеликни унутгандан сўнг у ҳаёт ҳам, ўлим ҳам бўлмаган бир оламга қадам қўяди.

\* \* \*

Эзгулик қилувчи бир одам Чжуан-цзига деди: «Менинг қўланса шумтол деб аталувчи дарахтим бор. Унинг танаси шу қадар ғурраларга тўлиб кетганки, йўниб текислаш амримаҳол. Шохлари эса шу қадар эгри-бугри ва чигалки, улардан чизғич ёки паргар ҳам ясаб бўлмайди. Шу боис дурадгорлар йўлдаги бу дарахтга ҳатто қайрилиб қарамайдилар ҳам. Сизнинг сўзларингиз ҳам буюк, аммо бефойдадир. Уларнинг ҳеч кимга кераги йўқ».

Чжуан-цзи унинг бу сўзларига шундай жавоб қайтарди:

– Ерга ётиб олиб, ўз ўлжасини пойлаётган тулки ёки ёввойи мушукка ҳеч эътибор берганмисиз? Аммо улар гоҳ шарқ томон, гоҳ ғарб томон, баъзан пастга, баъзан эса юқорига салчиб, ўлжага ташланадилар ва кўпинча ўзлари тузоққа илиниб, тўр ичида ҳалок бўладилар. Осмонни қоплаган қора булут каби улкан қўтос эса ўта қудратли бўлса-да, ҳатто сичқонга ҳам азоб бермаслигини биласизми? Сизни катта дарахтнинг ҳеч қандай фойда келтир-

маслиги ташвишга солаяптими? Бу сизнинг ғам чекишингизга арзимаёди. Ахир, дарахтни бепоён чўл бағридаги ҳосилсиз ерга кўчириб ўтқазиш мумкин-ку. Хўш, нега энди унинг теграсида сайр қилиб, сояси остида мизғимаслик керак? Дарахт ҳеч кимга фойда келтирмасдан кесилиб кетиши мумкин. Аммо унинг бировга зарари ҳам тегмайди.

\* \* \*

Нарсаларнинг чегарасини сўз билан ҳам, сукут билан ҳам ифодалаб бўлмайди.

\* \* \*

Қоронғу зулматда кўрмоқликни, сукунатда эшитмоқликни ўрганинг. Шунда сиз зулмат аро нурни кўрасиз, сукунат аро уйғунликни тинглайсиз.

\* \* \*

Баъзилар бир умр сўзлайдилар-у, ҳеч нарса айтолмайдилар. Баъзилар эса бир умр сукутда бўладилар-у, аммо айтилмаган сўз қолмайди.

\* \* \*

Фикрламаслик ва хаёл сурмаслик Даони англашнинг бошланишидир. Ҳеч ерда бўлмаслик ва ҳеч нарсага тиришмаслик осойишта Дао оламига киришнинг бошланиши демақдир. Ҳеч нарсага амал қилмаслик ва ҳеч бир йўлга кирмаслик эса Даони эгаллашнинг бошланишидир.

\* \* \*

Ҳақиқат изловчи зулмат аро дайдиб юради.

\* \* \*

Меъёридан ортиқ ахлоқийлик нарсаларнинг табиатига соя ташлайди. Чунки бундай ахлоқий

сифатлар эгаси ўзини сурнай ва дўмбира садолари остида ноёб намуна сифатида кўкларга кўтариб мақташларини, машҳур бўлишни истайди:

Ахир, бу қалбакилик эмасми?

\* \* \*

Камарнинг иллагини ўғирлаган кимса қатл этилади, салтанатни ўғирлаганлар эса ҳукмдорликка эришадилар.

\* \* \*

Мукаммал маънавий сифатлар эгаси ҳеч нарсага эга бўлмайди. Бундай улуғ инсон ҳатто ўзидан ҳам маҳрумдир.

\* \* \*

Вақт етиши билан Устоз туғилди; кетар вақти келганда – Устоз бунга ҳам бўйсунди. Тақдирга тан бериб, муқаррар қисматга бўйсунсангиз, сизга на қувонч ва на қайғу йўл топа олади. Мозийда буни «дор остидан қайтиш» деб атаганлар.

\* \* \*

Инсоннинг қувонч билан яшашига халақит қилиш, уни кийиниш, тикиш-бичиш, ерга ишлов бериш ва овқатланиш имкониятидан маҳрум этиб, эзгулик ва адолатпарварлик билан безаш – донишмандларнинг бор-йўқ жиноятидир.

## ПИРРОН

*(Тахминан милоддан аввалги 365–275 йиллар)*

Қадимги юнон файласуфи Пиррон Пелопоннеседаги Элида шаҳрида туғилиб ўсган. Пиррон дастлаб мусаввирлик билан шуғулланган. Кейинчалик абдералик файласуф Анаксархнинг мулоҳазаларини тинглаган Пирронда фалсафага қизиқиш уйғонади.

У Искандар Мақдунийнинг Осиё юришларида иштирок этиб, гимнасофистлар билан учрашди. Пиррон ҳатто Искандарнинг жанг чоғида асир олинган гимнасофистлар билан бўлиб ўтган суҳбатида ҳам иштирок этган. Гимнасофистларни юнонлар «яланғоч донишмандлар» деб аташган. Бу ҳинд зоҳидлари жуда ориқ ва яшовчан бўлиб, қоп-қора баданларида белбоғдан ўзга ҳеч қандай кийимлари бўлмаган. Искандар шоҳ уларни ўлдиришга қарор қилади. Бироқ аввал уларнинг донолигини синаб кўриш учун ҳар бирига саволлар билан мурожаат этади. Искандарнинг: «Тириклар кўпми, ўликларми?» деган саволига биринчи зоҳид шундай жавоб қайтаради:

«Тириклар ҳам, ўликлар ҳам мавжуд эмас». «Жониворларни кўпроқ ер боқадими ёки денгизми?» – деган саволга иккинчи гимнасофист: «Жониворларни асосан ер боқади. Денгиз эса ернинг бир қисми, холос», – деб жавоб берди.

Бирин-кетин берилаётган тагдор маъноли саволлар ҳар қанча мураккаб бўлишига қарамай, гимнасофистлар бўш келмайдилар.

Искандар шоҳ деди:

– Жониворларнинг энг айёри қайси?

– Инсонга нотаниш бўлган жонивор энг айёридир.

Савол:

– Кун аввал пайдо бўлганми ё тун?

Жавоб:

– Кун бир кун аввал пайдо бўлган.

Савол:

– Энг суюкли инсон бўлиш учун нима қилмоқ керак?

Жавоб:

– Бунинг учун энг қудратли ҳамда жасоратли инсон бўлмоқ лозим.

Савол:

– Ҳаёт кучлими ё ўлим?

Жавоб:

– Ҳаёт кучли.

Ушбу тарихий воқеадаги сўнгги саволнинг жавоби Мақдуния ҳукмдорини қаттиқ ҳаяжонга солди. Унинг: «Инсон Тангри бўла оладими?» деган саволига: «Инсонлар бажаришга қодир бўлмаган ишни бажарган кимса Тангри бўлади» деб жавоб қайтаради гимнософист. Искандар ўзи ҳақида шундай юксак фикрда эди. Шу боис асирларнинг бу жавоби унга жуда маъқул бўлади ва тангилик қилиб, гимнософистларни озод этади. Улуғ саркарданинг бу ғайриоддий ҳаракати дунёга яна бир ажойиб инсонни – файласуф Пирронни туҳфа қилади.

\* \* \*

Пиррон Элиданинг олий қоҳини эди. Файласуфнинг хулқ-атвори, табиати сирли ва ўзига хос бўлиб, у ҳеч нарса севмас, ҳеч нарсадан таъсирланмасди. Шунингдек, ҳеч ким у каби нарсаларнинг моҳиятига ишонч билан қарамасди. Пиррон сўзлаётганда атрофдагиларнинг тинглаш ёки тингламасликлари билан қизиқмасди. Борди-ю, тингловчилар тарқаб кетишса ҳам у нутқини давом эттираверади.

\* \* \*

Пиррон ўзини ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи кишилар қаторига қўшар, нарсаларнинг моҳиятига оид ҳар қандай қатъий фикр айтишдан тийилишни афзал кўрарди. (Пьер Бейль: «Пиррончилик – барча масалаларни уларнинг моҳиятини четлаб ўтган ҳолда муҳокама қилиш санъатидир», деб ёзганди).

\* \* \*

Бир куни Пиррон очиқ денгизда кетаётганда бўрон туради. Файласуфнинг кемадаги ҳамроҳлари ваҳимага тушадилар. Фақат Пирронгина мутлақо хотиржамликни сақлаган ҳолда, ўзини йўқотмай ниманидир кавшаётган чўчқага ишора қилади-да: «Донишманд ҳар қандай шароитда ана шундай бепарқликни сақлаб қолмоғи лозим», – дейди.

\* \* \*

Қадимий юнон файласуфлари Суқрот ва Пифагор каби Пиррон ҳам фақат оғзаки тарзда таълим берган. Унинг дунёқараши ҳақида шогирди флиунтлик Тимон (милоддан аввалги 320–230 йиллар) ёзиб қолдирган манбалар орқали тасаввурга эга бўлиш мумкин.

\* \* \*

Тимон ўз устозини Қуёшга нисбат этган. Ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи Секст Эмпирик ўз дунёқарашига содиқ қолган ҳолда шундай деганди: «Қуёш кўздан ғойиб нарсаларни ёритиб, равшан қилади. Пиррон эса аксинча, ҳар қандай кимса учун аниқ-равшан бўлган нарсаларни мавҳумлаштиради».



\* \* \*

Бир куни Пирронга қитмирларча шундай савол бердилар:

– Пиррон, сен ўлмаганмидинг?

Ўз таълимотига содиқ Пиррон учун:

– Билмайман, – деб жавоб беришдан ўзга йўл қолмаганди.

\* \* \*

Агар тирик мавжудотлар ўртасидаги хилма-хилликка боғлиқ равишда муҳокама этиб бўлмайдиган турли қарашлар мавжуд экан, у ҳолда нарсалар ҳақида ҳукм чиқаришдан тийилмоқ зарур. Масалан, инсонлар денгиз сувини ичганларида худди заҳар каби ёқимсиз туюлади. Балиқлар эса шу сув ичида яшайдилар.

\* \* \*

Агар бир нарса ҳамма учун бирдек гўзал ва оқилона кўринганда, инсонлар ўртасида ғаразли баҳс пайдо бўлмас эди.

\* \* \*

Нарсалар бизга номаълум сифатларга эга бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Сабаби бизда бу сифатларни ҳис этиш аъзоларининг йўқлигидадир... агарки, сезгилар ташқи оламни қабул қилишга қодир эмас экан, демак, тафаккур ҳам у ҳақда етарлича мушоҳада юритолмайди. Шунинг учун ҳам биз ташқи олам хусусида ҳукм чиқаришдан тийилишимиз жоиз.

\* \* \*

Агар ҳар қандай ҳодиса маълум шароитлар, масофалар ва ҳолатларда намоён бўлиб, тасаввурларимизда катта ўзгариш ясаган тақдирда ҳам биз

уларни муҳокама қилмаслигимиз жоиз. Чунки қандайдир тасаввурни далил-исботсиз чамаламоққа бизнинг ҳаққимиз йўқ. Дейлик, биз далил-исботни ҳам топдик. Аммо у ҳам ўз навбатида далил-исбот талаб қилади.

\* \* \*

Нарсаларнинг табиати ҳақида ҳукм чиқариш ножоизлигини тасдиқловчи далиллар кўп. Масалан, эчки шохининг қипиқлари оқ рангда кўринади, лекин бутун шохининг ранги қорадир. Худди шунингдек, кумушнинг кукуни қора тусли бўлиб туюлади, аммо у яхлит ҳолга келтирилганда оппоқ рангга киради. Шу боис уларни қора ҳам, оқ ҳам деб хулоса чиқариб бўлмайди... Қум заррасини ушлаганингизда қаттиқ туюлса-да, уни тўдалаганингизда юмшоқлигини ҳис этасиз. Меъёрида истеъмол қилинган мусаллас жисмни бақувватлаштиради, керагидан ортиғи эса уни бўшаштириб юборади.

Зилзилага биринчи марта дуч келганлар ва ер силкинишига кўникиб қолганлар ундан турлича таъсирланишади. Денгизни илк марта кўрган одам қанчалик кучли ҳаяжонга тушиши маълум. Худди шунга ўхшаш илк марта ва тасодифан учраганимиз инсоннинг жисмоний гўзаллиги бизни унинг одатий кўринишига нисбатан кўпроқ ҳаяжонга солади. Умуман, камёб нарсалар қимматли бўлиб туюлади. Осонлик билан етишишимиз мумкин бўлган ва сон жиҳатдан кўп миқдордаги нарсалар эса қимматини йўқотади. Демак, айнан бир нарса бизга ўта ғаройиб ёки қимматли бўлиб туюлади. Ёхуд биз нарсаларни кўплиги ёки камёблигига қараб баҳолаймиз. Шундай экан, биз нарсаларнинг асл кўриниши қандайлигини аниқлашга қодир эмасмиз.

## ЭПИКУР

*(Милоддан аввалги 341–270 йиллар)*

Юнон файласуфи Эпикурнинг ватани – Лампаска шаҳри бўлиб, Афинадан Самос оролига кўчиб ўтган оилада туғилган. Эпикур Афлотуннинг шогирди Памфил қўлида таҳсил олган. Донишманд милоддан аввалги 310 йилда Лесбосдаги Митилен шаҳрида, 306 йилдан ўлимига қадар Афинадаги ўз «Боғ»ида талабаларга фалсафадан сабоқ берган. Бу боғ эпикурчиларнинг



муқаддас даргоҳига айланган. Эпикур умри давомида ҳеч қачон ўзгаларнинг фикрига таянмасликка ҳаракат қилган. Жами 300 га яқин асар ёзган, бироқ улар бизга қадар етиб келмаган. Эпикурнинг таълимоти асослари баён этилган учта мактуби ва баъзи қўлёзмаларидан парчаларгина сақланиб қолган.

Донишманд умрининг сўнгги 14 куни давомида буйрагидаги тошдан қаттиқ азоб чеккан. Ривоятларга қараганда, у иссиқ сув тўлдирилган жомга ётиб ўткир шаробни симирган-да, дўстларига сабоқларини унутмасликни васият қилиб, ҳаётдан кўз юмган.

\* \* \*

«Фалсафа ёхуд донишмандликка меҳр қўйиш ақлни чарклаш демакдир, – деб ёзади Эпикур. – Бу меҳр фикрлаш ва суҳбатлашиш ёрдамида бахтли ҳаётнинг моҳиятини очиб беради. Зеро, фалсафа фанининг бошқа илмлардан фарқи ҳам шундаки,

бунда мақсадга меҳнатнинг сўнгида етилади ва шу билан қаноат ҳосил қилинади».

\* \* \*

Навқиронлик чоғларида фалсафани бир четга суриб қўйишдан, кексайганда эса ундан безиб қолишдан сақланинг. Ахир қалб сиҳатлигига эришмоқ учун ёшнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ-ку.

\* \* \*

Фалсафа билан шуғулланишга ҳали эрта ёки бунинг вақти ўтди дегувчилар худди бахтиёрлик онлари ҳали етиб келмади ёки у ўтиб кетди дегувчилар кабидир. Шу боис фалсафа кексалар учун ҳам, ўспиринлар учун ҳам бирдек зарур. Кексаларга шунинг учун зарурки, фалсафа туфайли улар ўтмишларидан қувонадилар ва эзгуликдан баҳраманд бўлишади. Ўспиринлар эса фалсафа туфайли кекса донишмандлар сифатларига эришиб, келажакдан чўчимайдилар.

\* \* \*

Коинот чексиздир. Аслида интиҳога эга бўлган нарсаларнинг чегараси бўлади. Чегара эса четдан туриб кузатиш мумкин бўлган нарсадир. Коинот чегарасиз, демак, унинг интиҳоси йўқ. Интиҳосиз нарса эса бепоён ва чексиздир.

Олам қачон пайдо бўлганидан қатъи назар, йилнинг баҳор кезларида яралганига шубҳа йўқ. Айнан баҳорда ҳамма нарса илк марта куртак очиб гуллаган ва мева туккан.

\* \* \*

Эпикур жон ҳақида шундай деганди: «Жон ўта даражада латиф тўқималардан таркиб топган. Аммо шунга қарамай, у тўрт хил табиатли нарсалар

аралашмасидан иборатдир. Уни бир улуш олов, бир улуш ҳаво, бир улуш нафас ва ҳис этиш қобилиятига эга бўлган тўртинчи номсиз улуш қўшилмаси сифатида тасаввур қилиш лозим. Сўнгги номсиз улуш жоннинг жонига ўхшайди. Чунки у туфайлигина жон жонга айланади».

\* \* \*

Жон ўз ҳолича, жисм ўз ҳолича ҳис этиш қобилиятидан маҳрумдир. Улар иккиси биргаликдагина ҳис эта оладилар.

\* \* \*

Файласуфнинг инсон азоб-уқубатларига малҳам бўлолмайдиган сўзлари қуруқ сафсатадан ўзга нарса эмас. Жисмдаги касалликни йўқотолмайдиган табобатдан ҳеч қандай наф бўлмаганидек, қалбдаги хасталикка даво тополмайдиган фалсафа ҳам бефойдадир.

\* \* \*

Сезги ҳеч қачон алдамайди. (Эпикур беқарор ва юзаки сезгини барқарор ва умумий саналмиш фикрга қарама-қарши қўювчи қадимий фалсафа ақидаларини рад этган. У сезгини ҳақиқатнинг мезони деб ҳисоблаган.)

\* \* \*

Ақл-фаросатдан маҳрум ҳолда бахтли яшагандан, ақл-фаросат билан бадбахт бўлган аълороқдир.

\* \* \*

Ўтган саодатли онларини унутганлар қарияга айланадилар.

\* \* \*

Ўлим – энг даҳшатли ёвузлик. Аммо бунинг бизга ҳеч қандай даҳли йўқ. Чунки биз тирик эканмиз, ўлим ҳам бўлмайди, ўлим етиб келгач, биз ғойиб бўламиз.

\* \* \*

Бизга керакли нарсаларни енгил, керакмасларини эса офир қилиб яратган доно табиатга таҳсинлар айтамиз.

\* \* \*

Эркинлик истакларни жиловлаш натижасида эришиладиган энг олий неъматдир.

\* \* \*

Зарурият кулфатдир. Аммо зарурият билан яшашнинг ҳеч қандай зарурати йўқ.

\* \* \*

Ақлли, ахлоқли ва адолатли бўлмай туриб, кўнгилдагидек яшаш мумкин эмас. Ва аксинча, кўнгилдагидек яшамай туриб, ақлли, ахлоқли ва адолатли ҳаёт кечириб бўлмайди.

\* \* \*

Навқиронларни эмас, балки ҳаётини яхши яшаб ўтган кекса одамларни бахтли санамоқ лозим.

\* \* \*

Барча истаклар олдига шундай саволни кўндаланг қўймоқ керак: хўш, истагим амалга ошгач, мен нимага эришаман? Истагимга эришолмасам-чи?

\* \* \*

Донишманд ҳеч қачон бефаҳмга айланолмайди.

\* \* \*

Донолик ҳамма нарсанинг ибтидоси ва буюк эзгуликдир. Шу боис у ҳатто фалсафадан ҳам қимматлироқ.

\* \* \*

Инсонлар ё ҳасад, ё кўролмаслик, ёки нафрат туфайли бир-бирининг дилини оғритадилар. Доно киши эса ақл-идрок ила буларнинг барчасидан устун туради. Доноликка эришган одам ҳатто ата-йин уринса ҳам бунинг аксини қилолмайди.

\* \* \*

Ҳатто энг бўлмағур қонун ҳам инсонлар учун зарурдир. Акс ҳолда одамлар бир-бирини ражиб ташлайди.

\* \* \*

Ўзингга бино қўймай, доно, ақл-заковатли бўлишга инти.

\* \* \*

Йиқилганни турғизмоқ учунгина эгил.

\* \* \*

Ўзгаларга кўрқинчли туюлган одамнинг қалби ҳам кўрқинч ҳисларидан холи эмас.

\* \* \*

Инсон ё кўрқув, ёки интиҳосиз ва беҳуда эҳтирос туфайли бахтсиз бўлади.

\* \* \*

Донишмандгина шеърят ва мусиқага тўғри баҳо бера олади.

## КИТИЙЛИК ЗЕНОН

(Милоддан аввалги 346–264 йиллар)



Қадимий юнон файласуфи Зенон кўхна Кипрнинг тўққиз асосий шаҳарларидан бири бўлмиш Китий шаҳрида туғилиб ўсди. Унинг отаси Мнасей савдогарлик билан шуғулланган. Зенон киниклардан бири – файласуф Кратетдан ва Мегар мактабининг намояндалари Стийпон ва Диодордан, кейинроқ Афлотуннинг издоши Полемондан таҳсил олди.

Зенон ёқимсиз ташқи қиёфага эга бўлган. Манбаларда ёзилишича, унинг бўйни қийшиқ, ўзи эса ўта ориқ ва новча бўлиб, оёқлари гавдасига нисбатан йўғонроқ эди. У ўзининг нотавон ва мажруҳ қиёфасидан доимо уялиб яшаган. Файласуфнинг синчков чехраси, жиддий нигоҳи ва ажинлар кесиб ўтган манглайи ҳар қандай одамнинг диққатини тортарди. У доимо хомуш қиёфада юрар, чехрасидан аччиқ истехзо аримасди. У доимо одамлардан ўзини олиб қочар, лоақал бир томондан бўлса-да, одамлардан холи қолиш учун кўчадаги ўриндиқнинг ҳам энг чекка қисмига бориб ўтирарди.

Зенон фалсафанинг нозик жиҳатлари ҳақида ўзича тасаввурга эга эди. У Кафисий исмли найчининг имкон борича қаттиқроқ овоз билан куй чалишга уринаётган шогирди елкасига қоқиб: «Эзгулик кучда эмас, балки куч эзгуликдадир», дегани ҳақидаги воқеани сўзлаб беришини хуш кўрарди.

Зенон алоҳида бир теран заковат эгаси эди. Унинг асарларидан бизгача фақат сарлавҳалару



қўлёмалар парчаларигина етиб келган. У фалсафа фанига биринчи бўлиб «каталепсис» (тушунча) атамасини олиб кириб, оламни икки асосий нуқтаи назардан англаш ғоясини ишлаб чиқди ва уларни қуйидагича атади:

1. Бизнинг ҳукмимиздаги нарсалар.
2. Ҳукмимиздан ташқаридаги нарсалар.

Зенон фалсафий қарашларга ойдинлик кириштида номаълум нарсаларни аслида маълум, аммо тушунарсиз нарсалар воситасида тушунтириш усулидан фойдаланди.

Масалан, у вақтнинг моҳиятини шундай тушунтиради:

Вақт – ҳаракатнинг масофасидир.

Зенон ғайриоддий тарзда ҳаётдан кўз юмган. Бир куни у қоқилиб, ерга йиқилади-да, бу ҳолни юқоридан юборилган огоҳлантириш ва чақирув деб ҳисоблайди ҳамда ўша заҳоти ўзини ўзи бўғиб ўлдиради.

\* \* \*

«Донишманддан ўзга ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди», деб ёзганди Зенон. У ўзининг бу фикрини ҳаракат орқали тушунтирган. Яъни, бармоқлари ёзилган қўлига ишора қилиб: «Бу тимсол аломати» дейди. Кейин бармоқларини сал букиб, шундай дейди: «Бу ризолик аломати», ниҳоят бармоқларини мушт қилиб туғиб: «Бу эса англаш аломати» дейди ва ўзининг бу ўхшатмасига каталепсис деб ном беради. Сўнгра чап қўлини узатиб, ўнг муштини қаттиқ сиқиб: «Мана бу донишманддан ўзга ҳеч ким эришолмайдиган билимдир», – деб сўзини тугатади.

\* \* \*

Фалсафани тирик мавжудотга қиёслаш мумкин, – деб ёзади Зенон. – Чунончи, суяклар ва асаб тизими

мантиқ илми бўлса, эт ахлоқ таълимотидир. Жон эса табиёт (физика)дир. Фалсафани яна тухумга ҳам ўхшатиш мумкин: пўсти – мантиқ, ичидаги оқ суюқлик қатлами – ахлоқ, ўртадаги сарифи эса – табиёт. Фалсафа илмини яхши муҳофазаланган ва ақл билан бошқариладиган бир шаҳарга ҳам қиёсламоқ ўринли бўлур эди.

\* \* \*

Ҳеч бир ёвузлик ҳурматга сазовор бўлолмайди. Ёвузлик – бизда қудрат, юксалиш, эзгулик туйғуларини уйғонишига бир тўсиқ, холос.

\* \* \*

Худо мангудир. У оламдаги ҳар бир нарсани жамияти моддият воситасида яратган.

\* \* \*

Бизнинг руҳимизга кўплаб тасаввурлар жо этилган.

\* \* \*

Жон саккиз қисмдан таркиб топган. Унинг беш қисми кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш ва сезиш ҳисларидан иборатдир. Олтинчиси – овоз, еттинчиси – насл қолдириш қисмлари бўлиб, саккизинчиси эса бошқарувчи қисм деб аталади. Бу қисм худди саккизоёқ сингари қолган етти қисмини бошқаради ва улардан фойдаланади.

\* \* \*

Табиат билан тотувликда яшамоқлик, эзгулик билан яқдил бўлмоқлик демакдир.

\* \* \*

Биз ташқи оламни туйғуларимиз ила қабул этиб, ақлимиз ила англашга қодирмиз.

\* \* \*

Сўз буюмларни белгилаш учун одамлар ўзаро келишиб қабул қилган ифода бўлмай, сўзларнинг ўзи буюмлар ва буюмларнинг табиатига кўра белгилангандир.

\* \* \*

Эркинлик – донишмандларгина етишиши мумкин бўлган бир ҳолат. Қолганлар учун эса у номаълум ва етиб бўлмас манзилдир.

\* \* \*

Манманликдан ортиқ адабсизлик бўлмайди.

\* \* \*

Илм эгаллаш асносидаги энг кераксиз нарса димоғдорлик, энг зарур нарса эса вақтдир.

\* \* \*

Дўст бизнинг иккинчи «мен»имиздир.

\* \* \*

Бир эзма одамга Зенон шундай деган экан: «Бизга кўпроқ эшитиб, камроқ сўзлаш учун иккита қулоқ ва биттагина оғиз ато этилган».

\* \* \*

Файласуф ўз нутқини ақли билан безаб сўзламоғи жоиздир.

\* \* \*

Фалсафа турли-туман мевали дарахтлар билан тўлиқ боғга ўхшайди. Мантиқ бу боғнинг девори бўлса, табиёт (физика) унинг дарахтлари, ахлоқ эса пишиб этилган меваларидир.

## СЮН-ЦЗИ

*(Тахминан милоддан аввалги 313–235 йиллар)*

Қадимий Хитой файласуфи Сюн-цзи Чжао хоқонлигида дунёга келди. Милоддан аввалги 266 йилда Чжаони тарк этиб, Цин салтанатига жўнади ва бу ерда хоқон Чжао-ван ҳамда унинг бош вазири Суй билан ҳамсухбат бўлди.

Милоддан аввалги 264 йили файласуф Ци хоқонлигига келиб, «Цзися» академиясида дарс бера бошлайди ва тез орада салтанатдаги энг кўзга кўринган аёнлар қаторидан жой олиб, олимларга бошчилик қилади.

Ўта мустақилликка ва фикрларини очиқ-ойдин айтишга одатлангани боис Сюн-цзи 255 йилда туҳматга учрайди. Натижада Ци хоқонлигидан Чу салтанатига қараб йўл олади ва бу ерда Ланлин туманига ҳоким қилиб тайинланади.

Милоддан аввалги 250 йилда Сюн-цзи вазифасидан озод этилади ва Чжао хонлигига қайтиб боради. Орадан кўп ўтмай у Чу хоқонлиги Ланлин вилояти ҳокимлиги вазифасига қайта тикланади.

Милоддан аввалги 238 йили файласуфнинг ҳомийси бўлмиш Чун-шэн вилоятининг ҳукмдорига суиқасд қилинади. Сюн-цзи ноилож давлат хизматидан кетади. У Ланлин вилоятида муқим қолиб, шогирдлари билан биргаликда «Сюн-цзи» деб номланган асарини ёзишга киришади.

Ҳукмдорлару вазирлар билан дадил мулоқотда бўлиб, ўз фикрини тап тортмай айта олган Сюн-цзи ҳаётини қашшоқлик ва фақирликда ўтказди... Замондошлари унинг фалсафий салоҳиятини муносиб қадрлай олмайдилар. У ҳаётдан шу тариқа кўз юмади.

\* \* \*

Ўтмишга сажда қилманг, келажак учун гам чекманг ва ташвишли хаёлларга берилманг! Кези келганда, фурсатни қўлдан бермай ишга киришинг!.. – деб ёзади Сюн-цзи.

\* \* \*

Мен кун бўйи ўй сурдим-у, аммо ҳатто энг қисқа фурсатли таҳсилчалик наф ололмадим. Оёғимнинг учида кўтарилиб, узоқларга кўз тикдим. Бироқ юксакликдан яққол намоён бўлгувчи сарҳадларни кўролмадим. Чунончи, баланд жойга чиқиб қўл силкиганча бирор кимсани чақирганингизда қўлингиз узайиб кетмаса-да, ўша одам уни узоқдан кўра олади. Товушингизни шамолнинг йўналишига мослаб қичқирганингизда, бундан товушингиз кучайиб қолмаса-да, тингловчилар сизни аниқ эшитадилар. Отлар қўшилган аравага тушганингизда оёқларингиз чопағон бўлиб қолмайди. Бироқ сиз бир неча минг чақирим масофани қисқа фурсатда босиб ўтасиз. Қайиқда кетаётганингизда сузиш борасидаги маҳоратингиз ошмаса-да, катта ва кичик дарёларни бемалол сузиб ўтасиз. Хулоса шуки, мукаммал, комил инсон дунёга келганда гўё ўзгалардан фарқ қилмайдигандек туюлади. Аммо у қачон ва қандай нарсага таянишни яхши билиши билан бошқалардан ажралиб туради.

\* \* \*

Инсон бақувватлик борасида ҳўкиздан ожизлик қилиб, чопқирликда отдан ортда қолса-да, бу жониворларнинг ҳар иккисини ўз измига бўйсундириб, ишлата билади. Бунинг боиси нимада? Чунки инсонлар ҳўкиз ва отдан фарқли ўлароқ ҳамжиҳатликда яшаш иқтидорига эгадирлар. Хўш, инсонлар

ниманинг эвазига ҳамжиҳатликда яшайдилар? Бунинг сири инсонлар ўртасидаги вазифаларнинг ўзаро тақсимланишидир. Хўш, бу тақсимланиш ниманинг эвазига амалга оширилади? У бурч туйғуси эвазига амалга оширилади.

\* \* \*

Минг йил аввал юз берган нарсалар албатта такрорланади. Бу такрорланиш доимийликдир.

\* \* \*

Ибтидо интиҳодир, аини вақтда интиҳо ибтидодир. Бу ҳолат на боши ва на охири бўлмаган айланага ўхшайди. Агар у бузилса, Коинот ҳалокатга учрайди.

\* \* \*

Деҳқон ўзининг бор куч-қувватини экин-тикин ишларига сафарбар этгани билан далаларга ҳоким бўлиб қололмайди. Савдогар бор ғайратини олди-сотди ишларига бағишласа-да, бозорнинг ҳукмдорига айланолмайди. Ҳунарманд бор кучини турли асбоб-ускуналар ясашга қаратса-да, ишлаб чиқаришни идора қилолмайди. Бироқ шундай одамлар борки, улар биз тилга олган касбларнинг биттасини ҳам эгалламаган бўлишларига қарамай, деҳқонларни ҳам, савдогарлар ва ҳунармандларни ҳам бошқара оладилар. Бунинг боиси шундаки, улар бутун диққат-эътиборларини буюмларга эмас, дао таълимотига қаратадилар. Ўз диққат-эътиборини буюмларга жалб этган одам фақатгина бир туркум нарсаларни бошқара олади. Ўз диққатини даога қарата олган одам эса бир вақтнинг ўзида барча даражадаги нарсаларни бошқаришга қодир бўлади. Комил инсон бутун диққатини дао фалсафасига қаратади ва шу аснода буюмларни тадқиқ этади.

\* \* \*

Қалбнинг табиий туйғулар ила ҳақиқатни ёлғондан ажрата олишимизга кўмаклашуви ўйлаш деб аталади.

\* \* \*

Қалб тананинг соҳиби ва доноликнинг ҳокими-дир. У танага буйруқ беради.

\* \* \*

Инсон қалбини идишдаги сувга қиёслаш мумкин. Идишдаги сув ҳаракатсиз, тинч турганда лойқалар тубига чўкади ва сув тиниқлашади. Бу сувдаги аксингизда қошларингизни, киприкларингизни ва ҳатто юзингиздаги ажинларни ҳам кўришингиз мумкин. Аммо салгина эпкин эсиб, идишдаги сув чайқалса, тубидаги лойқа чўкинди ҳаракатга келади. Натижада сув хиралашади. Энди бу сувга тикилиб, ҳеч нимани ажратиб бўлмайди. Инсон қалби ҳам шундай. Тамойиллар ёрдамида тўғри йўналтирилиб, хотиржамлик ва осудалик кўмагида тарбияланган қалбни ҳеч бир нарса тўғри йўлдан оздиrolмайди. Ана шунда инсон қалби яхши-ёмонни ажратиб, мужмал нарсаларни билмоқликка қодир бўлади.

\* \* \*

Қалби безовта инсон таом қанчалар лаззатли бўлмасин, унинг таъмини сезмайди, қанчалар ёқимли бўлмасин, қўнғироқ жарангини ҳис этолмайди, кўзлари ажойиб нақшлар билан безалган либосни кўриб турса-да, бу гўзалликдан завқ ололмайди.

Агар инсон қалби осуда ва шод бўлса, гуллар одатдагидек мафтункорлик касб этмаса ҳам кўзи қувнайверади, оҳанглар одатдагидек ёқимли жарангламаса-да, дили ором олаверади.

\* \* \*

Агар бирор нарса барчага баравар тақсим этилса, ҳаммага етмай қолиши мумкин. Борди-ю, ҳокимият тепасидагиларнинг мавқеи тенглаштирилса, ҳамжиҳатлик барҳам топади. Агар ҳамма теппа-тег бўлса, меҳнат қиладиган одам қолмайди. Токи осмон ва ер мавжуд экан, юқоридагилар ва қуйидагилар ўртасидаги фарқ ҳам йўқолмайди.

\* \* \*

Ҳукмдорлар бадавлат ва сахий бўлмасалар, мамлакатни идора этолмайдилар.

\* \* \*

Халқнинг даромадини қийиб, боз устига борини тортиб олгандан кўра, аввал даромад қилиш имкониятини яратиб, сўнг унинг бир қисмини олган аълодир.

\* \* \*

«Бобокалонларимиз одамлар устидан ҳукмронлик қилувчи зот хушсурат ва гўзал либосли бўлмаса, халқни ҳамжиҳатликда ушлаб туrolмаслигини яхши билганлар», – деб ёзади файласуф.

\* \* \*

Сюн-цзи доноликни тўрт тоифага ажратади.

1. Хизматкорнинг донолиги: чаққонлик, топқирлик, ақл-фаросат билан йўғрилган, аммо изчилликдан холи нутқ; ҳеч кимга кераги бўлмаган илм билан шуғулланиш; ҳақиқат ва ёлғон билан ҳисоблашишни истамаслик.

2. Қув одамнинг донолиги: иккиюзламачилик, муомаланинг барча тамойилларини бузиш; ҳар бир ишда хатога йўл қўйиш.



3. Маърифатли одамнинг донолиги: оз, тўғри ва қисқа сўзлаш, фикрларни мисоли ипга тизгандек тартиб билан баён этиш; ўзини тута билиш.

4. Комил инсоннинг донолиги: нутқдаги изчилик, бирорта ҳодисанинг сабаблари хусусида бир неча кунлаб мушоҳада юритиш, уларга ҳар тарафлама ёндашиш ва шунинг баробарида изчиликни сақлаб қолиш.

\* \* \*

Давлат бошқарувини қай тарзда амалга оширмақ керак? – деган саволга Сюн-цзи шундай жавоб беради:

– Бунинг учун доно ва истеъдодли одамларнинг кимлиги ва мавқеидан қатъи назар, юқори лавозимларга қўтариб, дангаса ва иқтидорсиз кишиларни вазифасидан четлатиш лозим.

\* \* \*

Чақалоқлар ҳамма ерда бир хил йиғлашади. Катта бўлганларида эса турли қилиқлар қилишади. Бу – тарбиянинг оқибати.

\* \* \*

Ҳаддан ортиқ шафқатсизлик қилганлар муваффақиятсизликка учрайдилар, ўта мулойимлик эса сени занжирбанд этади.

\* \* \*

Фақат ўз шахсий манфаати ҳақида қайғуриб, бурчни унутмоқлик ўтакетган пасткашлиқдир.

\* \* \*

Нақд қилишларича, ҳукмдорни қайиққа, халқни сувга қиёслаш мумкин. Сув қайиқни олиб юриши ҳам, тўнтариб юбориши ҳам мумкин, – деб ёзганди Сюн-цзи.

\* \* \*

Ҳар бир инсон ниманидир тўғри, деб ҳисоблайди. Бу ҳолат донога ҳам, аҳмоққа ҳам бирдек тегишли. Бироқ улар тўғри деб топган нарсалар бир-бирига ўхшамайди. Доно билан аҳмоқ ўртасидаги фарқ ана шундадир.

\* \* \*

Комил инсон текшириб бўлмайдиган сўзларга, илгари учрамаган ҳаракатларга ва фикрларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади.

\* \* \*

Ҳукмдорнинг қудратли, шавкатли бўлиши, мамлакатда осойишталик ўрнатиши ва заифлик, хавф-хатар, шармандалиқдан йироқ туришининг энг осон йўли қандай? – деган саволга Сюн-цзи шундай жавоб беради:

– Бунинг учун ҳукмдор ўзига муносиб вазир танлай билмоғи лозим.

\* \* \*

Орхидея гули ўзига яраша хушбўй. Агар у пешобга ботириб олинса, комил инсон унга яқин йўлолмайди. Оддий одамлар эса уни чаккаларига тақмайдилар.

Бу ҳол орхидея гулининг ҳиди билан эмас, балки у ботириб олинган пешобнинг жирканчилиги билан изоҳланади. Шу боис комил инсон покиза жойда яшаб, илмли кишилар билан дўстлашади, шу йўл билан ўзини ёлғон ва пасткашлиқдан иҳоталаб, ростгўй ва тўғри одамлар билан яқинлашади.

## ХАН ФЭЙ

*(Милоддан аввалги 288–233 йиллар)*

Қадимий Хитой файласуфи Хан Фэй Хан салтанатининг аслзода хонадонларидан бирида дунёга келди. У болалик чоғиданоқ дудуқланиб гапирарди. Кейинчалик Сюн-цзининг қўлида таҳсил олиб, Шан Ян, Шэн Бухай, шунингдек, даосизм (хитойча «дао» – қонун демак) таълимоти билан қизиққан.



Хан Фэй ўзига қадар яшаб ўтган кўплаб йирик донишмандлар каби легистик («легист» – лотинча «қонун» деган маънони англатади) дунёқараш тарафдори бўлиб, давлатни бошқариш муаммолари билан шуғулланган. «Қонунлар халқнинг отаси ва онасидир. Хукмдор ва амалдорлар, олий насаблилару паст табақадагилар – ҳамма қонунга бирдек амал қилмоғи лозим. Бу – буюк бошқариш санъати деб аталади» деган ғояни ёқлаган.

Хан Фэй қонунни биринчи ўринга қўйган Шан Ян («Қонунлар ва фармойишлар – халқнинг ҳаёти ва бошқарувнинг асосидир»), хукмдорлик санъатини биринчи ўринга қўйган Шэн Бухай («Хукмдор қўли остидаги амалдорларни ишлата билади ва ҳаракатларининг натижаси билан ўзгаларни лол қолдиради»), иерархия (қуйи мансабдагиларнинг юқори мансабдагиларга бўйсунуш тартиби) кучини биринчи ўринга қўйган Шэн Дао («Ахлоқсизларни итоатга келтириш учун донишмандликнинг ўзи етарли эмас, аммо донишмандларни эгиб олиш учун

эътиборли мавқенинг ўзи етарли») қарашларига таяниб, бошқарувнинг «уч қуроли» ва «икки таянчи» ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди.

\* \* \*

Қонунга риоя қилиш, ҳокимиятнинг амалда мавжудлиги ва бошқариш санъатидан фойдалана билиш ҳукмдорнинг қўлидаги уч бошқарув қуроли бўлиб, давлатдаги тартиб-интизомнинг гаровидир.

Улардан биттасини ҳам эътиборсиз қолдириш мумкин эмас.

\* \* \*

Ҳар бир қонуннинг икки таянчи бўлиб, бири жазо, иккинчиси мукофотдан иборатдир.

\* \* \*

Хан Фэйдан учта қўлёзма асар қолган, улардан бири «Ёлғиз одамнинг нолиши» деб аталади. Файласуф бу асарига қуйидаги ғояларни сингдирган.

Ҳеч қачон ҳукмдор бўлмаган одамнинг шоҳга ақд ўргатиши ҳар кимга ҳам эриш туюлиши мумкин. Қани айтингчи, фалакиётшунос олим этикдўзнинг маслаҳатига муҳтожми? Этикдўз маслаҳат берди ҳам дейлик, аммо унинг айтганлари фойдали ва ўринли бўлармикан? Бироқ бошқа томондан олиб қараганда, «мушқулингни осон қилувчи сўзни ҳеч қачон ўзинг учун топиб айтолмайсан», деган нақл ҳам барчага маълум-ку. Гўёки ёруғ нурга йўғрилган асл маслаҳатни фақат четдан кутиш мумкин. Хан Фэйнинг бу таълимоти билан танишган азиз ўқувчиларимиз ўткир заковат соҳиби Руставелининг: «Жангни четдан туриб кузатган ҳар бир киши ўзини моҳир лашкарбоши, деб хаёл қилади» деган сўзларини эслашаётгандир. Шунингдек: «Қанчалар узоқлашсанг, шунчалар яхши кўра оласан», деган нақл ҳам мавжуд.

Хан Фэйнинг иккинчи китоби «Беш текинхўр», учинчиси «Хан Фэй-цзи» деб номланади. Файласуф ўз асарларида ҳукмдорларга шундай маслаҳатлар берадики, улар ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

\* \* \*

Ҳукмдор ҳокимиятни ҳеч қачон, ҳеч ким билан бўлишмаслиги лозим. Агар у амалдорларга заррача ҳокимият берса, улар ўша заҳоти бир зарра ҳокимиятни юз зарра ҳокимиятга айлантирадилар.

\* \* \*

Ҳаддан ортиқ фойда олишга интилиш ташвиш келтиради. Ташвиш эса бетобликка сабаб бўлади. Бетоблик доноликнинг кучини қирқади. Доноликнинг кучи қирқилгач, меъёр ҳисси йўқолади. Меъёр йўқолгач, ҳаракатлар тартибсиз тус олади. Тартибсизлик эса бахтсизлик ва азоб-уқубатларни етаклаб келади. Бахтсизлик ва азоб-уқубат етиб келиши билан бетоблик инсоннинг бутун жисму жонини чулғаб олади. Ташқаридан келган бахтсизлик ғам-андухга сабаб бўлади. Агар азоб-уқубат ва оғриқ ички аъзоларга ҳам кириб борса, инсонни шафқатсизларча яралайди ва азобли оғриқ кучаяди. Шафқатсизларча яраланган инсон оғриққа дош беролмай, ўзини айблаб, ўзидан ўпкалайди. Демак, ортга чекиниш ва ўз-ўзидан ўпкалаш фойда ортидан қувишнинг натижасидир. Шу боис: «Инсон учун шахсий манфаат кетидан қувишдан ортиқроқ хавф-хатар йўқ», дейилади.

\* \* \*

Доно ҳукмдор ўз хатти-ҳаракатлари сабабини яширади, токи амалдорлар улардан фойдаланмасин. Ҳукмдор ўзининг донолигини пинҳон тутиб,

истеъдодини паст қилиб кўрсатадики, қўл остидагилар унинг бу сифатларини ҳам сезолмасинлар. Донишманд ҳукмдор амалдорларни ҳукмдор бўлиш умидидан маҳрум этади. У шундай йўл тутадики, амалдорларнинг ўзлари ҳокимиятдан юз ўгирадилар.

\* \* \*

«Ҳар бир давлатнинг ўз «текинхўрлари» бор, – деб ёзади Хан Фэй. – Улар беш тоифага бўлинади. Агар ҳукмдор бундай кимсаларни таг-томири билан йўқотиб, рисоладагидек фуқароларни тарбиялай билмаса, оламда ҳалокатга маҳкум давлатлар ва сулоалар сони кўпаяверади. Давлатга таҳдид солувчи ўша беш тоифа қуйидагилар:

1. Аввалги ҳукмдорларнинг инсонпарварлиги ва бурч туйғусига содиқлигини рўқач қилиб, уларнинг тутган йўлини мақтовчи, уст-бошига зеб бериб, маҳорат билан сўзланган баландпарвоз маърузалари воситасида мавжуд қонунларга нисбатан шубҳа уйғотувчи ва ҳукмдорнинг қалбида иккиланиш туйғусини туғдирувчи олимлар.

2. Турли бўлмағур гап-сўзларни ташувчи, ташқи кучларга таяниб, ўзининг шахсий манфаати йўлида исталган салтанатнинг тимсоли бўлган ер меҳроби ва дон-дун учун фойдали барча юмушлардан бўйин товлаган вайсақилар.

3. Белига қилич тақувчи, оломон бўлиб тўпанувчи, ном чиқариш ва олий мансабдорларнинг тақиқларини бузиш учун ўз сифатларини кўз-кўз қилувчилар.

4. Бор мол-мулкани амалдорларга пора учун сарфлаб, ялиниш йўли билан оғир меҳнатдан ва ҳарбий хизматдан ўзини олиб қочувчи, мажбуриятдан қўрқиб, уйга биқиниб олувчилар.

5. Кўпол ва беўхшов, қалбаки нарсаларга ружу қўйган, ўз уйида беҳисоб захираларни йиғиб олиб,

деҳқонларнинг фойдасини тортиб олиш учун пайт пойлаган, қиш фаслида ёки қаҳатчилик чоғларида маҳсулотларни олиб-сотиш билан машғул бўлган савдогар ва ҳунармандлар».

\* \* \*

«Бутунги кунда қаттиққўл ва ишончли одамларнинг сони ўнтага ҳам бормади. Аммо мамлакатдаги амалдорлик лавозимлари юздан ортади. Шу боис барча лавозимларга қаттиққўл ва ишончли кишиларни тайинлашнинг имкони йўқ. Амалдорлик лавозимларини тўлдириш учун лойиқ одамлар етишмаслиги оқибатида эса тартибни сақлаб, ҳимоя қилувчилар камайиб, эл-юрт орасида фитна уйғутувчилар кўпаяди. Маърифатли ҳукмдор бундан қутилиш учун ақлли кишиларни излаб овора бўлмай, ягона қонун жорий этиши, қўл остидаги ишончли амалдорлар билан фахрланиб юравермасдан, бошқарув санъатини пухта эгаллаб олмоғи лозим. Ана шунда қонунга зарар етмайди, ёвуз ва ёлғончи амалдорларга барҳам берилади».

\* \* \*

Мамлакатда ақлий меҳнат билан шуғуланувчилар кўпайиб кетса, қонун бузилади. Қўл меҳнати билан банд фуқаролар камайганда эса, мамлакат қашшоқликка юз тутаяди.

«Буюмлар энг сўнгги нуқтага етиб боргандан сўнг албатта ортига қайтади. Агар бирор нарсага қаттиқ тикилиб қарасангиз, кўзлар хира тортади; агар қулоқлар ҳаддан ортиқ динг бўлса, аниқ эшитолмай қолади; агар меъеридан ортиқ ўйга толиб, кўп фикр юритилса, билимларда тартибсизлик пайдо бўлади».

Бизнингча, Хан Фэй бу фикри орқали бутун инсониятга хос сифатлардан бирини ифода эт-

ган. Чиндан ҳам бизда, амалларимизда ботинан шафқатсиз ва муқаррар бир нарса борки, зўр бериб бир мақсад сари интиганимизда кўпинча, негадир умуман тескари натижаларга эришамиз. Бунга Илья Илфнинг кундалигидаги мана бу қайдлар ҳам мисол бўла олади: «Имло хатолардан қутилиш учун нашриётга 20 та мусахҳиҳ ёлладик. Бироқ шунга қарамай, китобнинг биринчи бетида «Британия энциклопудияси» деган ёзув турарди».

\* \* \*

Агар инсоннинг бошига кулфат тушса, унинг қалби даҳшат ва қўрқув билан тўлади. Юрак даҳшат ва қўрқувга тўлгач, амалларимиз тўғри, фикрларимиз эса етук бўлади. Фикрлар етуклашгач, ишнинг моҳиятига етиш учун йўл очилади. Амаллар тўғри бўлса, кулфат ва зарарли оқибатлар барҳам топади. Кулфатлар ва зарарли оқибатлардан халос бўлган инсон бемалол ёшини яшаб, ошини ошайди. Ишнинг моҳиятига етган одам муваффақиятга эришади. Ёшини яшаб, ошини ошаган инсон тинчлик-хотиржамликда узоқ умр кўради. Ютуқларга эришган одам, албатта, бойлик ва аслзодаликка нойил бўлади. Тинчлик-хотиржамлик ва умрузоқлик, бойлик ва аслзодалик бахт деб аталади. Бироқ бахтнинг пойдевори бахтсизликнинг устида қад кўтаради. Шу боис: «Эҳ, бахтсизлик! У бахтнинг таянчидир», дейилади.



## КАРНЕАД

(Милоддан аввалги 212–129 йиллар)

Файласуф Карнеад Юнонистоннинг Кирен шаҳрида туғилиб ўсди. У фалсафа мактабига раҳбарлик қилиб, ҳақиқатнинг мезонлари ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Карнеаднинг ўзига хос кучли ва жарангдор овози бор эди. У ўта меҳнаткашлиги, ўткир ақл-фаросати билан замондошларининг таҳсинига сазовор бўлган. Айниқса,



нотиқлик бобидаги маҳоратига ҳамма тан берган. Ҳақиқатнинг мезонларига оид фикрларини дадил айта олганига қарамай, Карнеад ўлимдан қаттиқ қўрққан. Ваҳоланки, у доимо: «Табиатнинг ўзи яратади, ўзи ҳалок қилади», – деган сўзларни такрорлашни хуш кўрарди. Ривоят қилишларича, Карнеад Антипатр исми бир танишининг заҳар ичиб, вафот этганини эшитиб қолади. Унинг жасоратидан ҳаяжонга тушган файласуф:

– Қани, менга ҳам келтиринглар! – дейди қатъийлик билан.

– Нимани келтирайлик? – деб сўрашганида Карнеад каловланиб қолади ва бир лаҳзалик сукутдан сўнг:

– Асал қўшилган майни келтиринг! – деб жавоб беради.

\* \* \*

Ҳар қандай ҳақиқат – «нисбийликка йўғрилган ишончдир. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳақиқат – «эҳтимолик»дир.

\* \* \*

Рўй бераётган ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳам тақдири азал меваси эмас. Уларнинг баъзи бирлари бизнинг ҳукмимиздадир.

## ЦИЦЕРОН МАРК ТУЛЛИЙ

(Милоддан аввалги 106–43 йиллар)



Қадимий Юнонистонда яшаб ўтган файласуф, нотик ва сиёсий арбоб Цицерон римлик бадавлат чавандоз оиласида вояга етди. «Цицерон» сўзи – «цицero», яъни «нўхат» деган маънони англатади.

Цицерон Римда таҳсил олиб, латин тилини ўрганди. Шунингдек, нотиклик санъатини мукамал эгаллаб, Афина, Кичик Осиё ва Родос ороли ҳудудларига хос бўлган фосоҳат илми билан мустақил шуғулланди.

Файласуф милоддан аввалги 64–63 йилларда элчилик лавозимида хизмат қилиб, мустабид тузумнинг янги вориси Катилинга қарши нутқлар ирод этади. Унинг ана шу даврдаги тўртта нутқи нотиклик санъатининг олтин жамғармасидан жой олган.

Суюкли қизи Туллиянинг ногаҳоний ўлими Цицеронни гамга ботиради. Тақдирнинг бу огир зарбасидан сўнг у фалсафа илми билан шуғуллана бошлайди.

Фаол сиёсий курашлар ва тажрибасизлик, қолаверса, машъум тақдир Цицероннинг фожиали равишда ҳалок бўлишига замин ҳозирлаб қўйганди. У Юлий Цезарнинг неvara жияни Антоний ташаббуси билан қатл этилади. Файласуфнинг боши ўзи бир неча марта оташин нутқ сўзлаган жойга михлаб қўйилади.

Цицероннинг 58 та нутқи, нотиклик санъати, сиёсат ва фалсафага бағишланган 19 та асари ва 800 дан зиёд мактублари ҳозирга қадар сақланиб қолган.

\* \* \*

Фалсафанинг кучи шундаки, – деб ёзади Цицерон, – у қалбларга малҳам бўлади, беҳуда ташвишларни бартараф этади, ортиқча ҳаваслардан халос қилиб, қўрқувни ҳайдайди. Шубҳали нарсаларни қўллаб-қувватлашдан ўзини тийган файласуфлар доноларча йўл тутадилар.

\* \* \*

Вақт сохта фикрларни емиради, табиат ҳукмини эса тасдиқлайди.

\* \* \*

Фалсафа қалбга шифо бағишловчи фандир. Аммо бу шифо тан хасталикларидаги каби ташқаридан келмайди. Биз барча ички имкониятларимизни ишга солиш йўли билангина ўзимизни ўзимиз даволамоғимиз даркор.

\* \* \*

Ақл-идроқ ва табиат учун тасодифдан ортиқроқ ров йўқ.

\* \* \*

Фалсафа ақлий маданиятдир.

\* \* \*

Саодатга эришиш йўлини айтишдан аввал ўзимиз кимлигимиз ва табиатнинг моҳияти нимада эканлиги хусусидаги саволларга жавоб топмоғимиз лозим.

\* \* \*

Адашиш ҳар бир инсонга хос сифат. Аммо адашганларнинг қайсарлик билан ўз йўлида давом этавериши – ақсизлик.

\* \* \*

Қоғоз ҳамма нарсага бардошлидир. (Ушбу ҳик-  
матли сўзнинг илк манбаи Цицероннинг «Мактуб»  
рисоласида акс этган. Унда: «Мактуб уятдан қизар-  
майди», – деган ибора ёзилганди).

\* \* \*

Халқ фаровонлиги – олий қонун.

\* \* \*

Овозлар саналмайди, тарозида тортилади.

\* \* \*

Қурол тилга кирганда, қонунлар жим қолади.

\* \* \*

Ҳукумат – сўзловчи қонун, қонун эса гунг ҳуку-  
матдир.

\* \* \*

Донишмадликни эгаллашнинг ўзигина етарли  
эмас, ундан фойдалана билмоқлик ҳам жоиз.

\* \* \*

Ўтиб кетган мусибатни хотирлаш ёқимли.

\* \* \*

Бир зиддият иккинчисини келтириб чиқаради.

\* \* \*

Меҳнат оғриқни ўтмаслаштиради.

\* \* \*

Сўзамоллик – ақлга сайқал берувчи нур.

\* \* \*

Мен ўзим унутишни истамаган нарсаларни унутишга қодир эмасман.

\* \* \*

Шон-шуҳрат келтирувчи қийинчиликларга дош бериш осон.

\* \* \*

Озод бўлиш учун қонунларнинг қулига айланишга тўғри келади.

\* \* \*

Фалсафа билан машғул бўлмоқлик ўзни ўлимга тайёрламоқ демақдир.

\* \* \*

Халоскорликни ўзига касб этганлар Тангрига энг яқин кишилардир.

\* \* \*

Эзгуликнинг асосий белгиси – ҳаракат.

\* \* \*

Ёруғ дунё юзини кўргунингизга қадар бўлиб ўтган воқеалардан беҳабар бўлсангиз, мангу гўдаклигингизча қолаверасиз.

\* \* \*

Ўз бурчини яйраб адо этувчиларгина эмин-эркин яшайдилар.

\* \* \*

Ноҳақ йўлда ғолиб бўлмоқдан кўра, ҳақ йўлида мағлублик афзал.

\* \* \*

Нодонлар сафида саодатмандлар, донолар орасида бахтсизлар бўлмайди.

\* \* \*

Мен ўткир ақл-фаросатли ёки аҳмоқ, кучли ёхуд ожиз бўлиб туғилмоқлик ўз ихтиёримизда эмаслигини тан оламан. Аммо бундан ҳатто ўтириш ёки сайр қилиш каби оддий хатти-ҳаракатлар ҳам бизга боғлиқ эмас экан-да, деган хулоса ясовчилар қаттиқ янглишадилар.

\* \* \*

Биз буюк ва муқаддас мақсадлар учун туғилганмиз. Буни беҳисоб нарсалар ҳақидаги хотиралар ҳам бўлган руҳимиздаги бошқа омиллар ёрдамида ҳам кўриш мумкин. Масалан, бизда ҳар бир амалнинг оқибатларини аввалдан кўра билишдек илоҳий сифатга яқин кароматгўйлик, нафсни тийувчи уят, инсонийлик, жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи адолат, ўлим ва азоб-уқубатларга қарши мустаҳкам ва барқарор нафрат туйғулари мужассамдир. Буларнинг барчаси инсондаги энг афзал маънавий сифатлар. Агарки, инсонларнинг жисмида ҳузур-ҳаловатдан устун қўйиш лозим бўлган куч-қувват, саломатлик, гўзаллик, чаққонликни туғдирувчи сезгилар мавжуд экан, у ҳолда руҳий қобилиятларни қандай баҳоломоқ керак? Ўтмишда ўтган олимлар руҳда қандайдир фазовий ва илоҳий бир нарсанинг иштирокини кўра билганлар.

\* \* \*

Ҳар бир нарса хусусида баҳслашмоқлик ва бирон нарса хусусида аниқ фикр билдирмаслик – энг аъло фалсафа.

## ЛУКРЕЦИЙ ТИТ КАР

(Милоддан аввалги 99–55 йиллар)

Қадимги юнон шоири ва файласуфи Лукрецийнинг туғилган ери, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеи хусусида аниқ маълумотлар йўқ. Унинг асл исми Тит, лақаби Кар бўлган.

Лукрецийнинг таълимоти ва дунёқарашни файласуф Эпикурнинг издоши бўлганидан далолат беради.

Тарихий манбаларга қараганда, Лукреций ўз жонига қасд қилиб, ҳаётдан кўз юмган. У биринчи бўлиб фалсафа фанига материя атамасини киритади. Бу атама латинча mater – «она» сўзидан олинган.



\* \* \*

Бир қарашда улуғвор ва ажойиб кўринган ҳар қандай нарсанинг жозибаси кўзимга вақт ўтиши билан озайгандек кўринаверади.

\* \* \*

Вақт илдамлагани сайин буюмларнинг моҳияти ҳам ўзгара боради.

\* \* \*

Қалбни ҳам жисм каби даволаш мумкин.

\* \* \*

Жисм улғая боргани сайин руҳий сифатлар ҳам такомиллаша боради.

\* \* \*

Сариқ касалига чалинган бемор қаерга қарама-син, ҳамма нарса кўзига сариқ тусда кўринади.

## ИСО АЛАЙҲИССАЛОМ (ЕШУА МАШИАХ)

*(Милоддан аввалги 5 – милоднинг 30 йили)*

Исо алайҳиссалом афсонавий шоҳ Довуднинг авлоди ҳисобланмиш дурадгор Юсуф (Иосиф) оила-сида таваллуд топди. Унинг туғилган йили аниқ эмас. Энг ишонарли манбаларга кўра, Исо алайҳиссалом тахминан милоднинг бошланишидан 4 йил аввал ҳукмронлик қилган шоҳ Август замонида, Вифлеем шаҳрида дунёга келган. Исонинг туғилиши қатор самовий ҳодисалар билан бир вақтга тўғри келганлиги туфайли уни Масих ва яҳудийлар мамлакатининг янги шоҳи деб ҳисоблашган. Қуръони каримда шундай оят келтирилади. «Эсланг (Эй Муҳаммад), Аллоҳ айтган эди: «Эй Исо бинни Марям, сенга ва волиданга берган неъматимни – сени Рухул-Қудус (Жаброил) билан қувватлантирганимда одамларга бешиқда (гўдақлигингда) ҳам балоғатга етган ҳолингдаги каби сўзлаганингни, сенга Китоб – хат ва ҳикмат – илмни, Таврот ва Инжилни билдирганимни ва Менинг изним-ихтиёрим билан лойдан қуш тимсолини ясаганингни, сўнгра унга пуфлаганингда, Менинг изним-ихтиёрим билан ростакам қушга айланганини, Менинг изним-ихтиёрим билан кўр ва песларни тузатганингни ва Менинг изним-ихтиёрим билан ўликларни (тириштириб, қабрлардан) чиқарганингни эслагин!» (Моида сураси, 110-оят).

Исо алайҳиссалом ўз таълимотини кўпроқ ма-саллар орқали баён этган. Унинг чуқур, маънодор ва ўта мукамал тарзда ифодаланган фикрлари, ҳар бир ибораси, сўзлари ҳаммани ҳайратга солиб, мафтун этган. Барча буюк зотлар каби Исо



алайҳиссаломнинг ҳам ғанимлари бўлган. Ана шу ғанимлари орасидан ўрин олган яқини шогирдининг сотқинлиги туфайли Исо халқни ғалаёнга даъват қилганликда айбланган. У Рум ҳукмдори Понтий Пилатнинг фармони билан даҳшатли ва азобли ўлим жазосига ҳукм қилинган.

Исо алайҳиссаломни тириклайин хочга михлаб қатл этганлар.

\* \* \*

Амалсиз эътиқод – ўлим.

\* \* \*

Одамларни айбламанг, шунда сиз ҳам айбланмайсиз, акс ҳолда уларни қандай айблаган бўлсангиз, сиз ҳам шундай айбланасиз. Ўзгаларнинг айбини қайси қаричда ўлчасангиз, сизники ҳам ўша мезонда ўлчанади.

\* \* \*

Сиз сўранг – оларсиз, изланг – топарсиз, эшикни қоқинг ва у очилгусидир. Ҳар бир сўровчи олади, изловчи топади ва келувчига эшик очилади.

\* \* \*

Ким ўзини осмон тутса, ер бўлажак, ўзни ер билганлар эса осмон бўлажак.

\* \* \*

Қўлга шамшир тутганлар унинг тифидан ҳалок бўлғайлар.

\* \* \*

Ким сенга ғаним бўлса, кетингда тургай.

\* \* \*

Сўқир сўқирни етаклаши мумкинми?

Ҳар иккиси чоҳга қуламайдими, ахир?

\* \* \*

Қалбингизни сабр билан қутқаринг.

\* \* \*

Сизга ҳақиқатни ва яна ҳақиқатни айтаман: агар тупроққа тушган буғдой уруғи униб чиқмаса, яккалигича қолаверади, агар тутиб кетса, катта хазинага айланади.

\* \* \*

Ўзингизни билмасангиз, қашшоқликка дучор бўласиз.

\* \* \*

Баланд тоғ устида қурилган мустаҳкам шаҳар қуламайди, аммо сирли бўлолмайди.

\* \* \*

Эшак тегирмон атрофида айланиб, 1000 мил ма-софани босиб ўтибди. Уни бўшатганларида аввалги жойидан қимирламагани кўринди. Шундай одамлар борки, кўп юрадилар-у, аммо турган жойларидан силжимайдилар.

\* \* \*

Ҳаворийлар (Исонинг шогирдлари) Исо алайҳис-саломдан сўрадилар:

– Бизнинг интиҳомиз қандай?

Исо алайҳиссалом шундай жавоб қайтардилар:

– Интиҳони излашдан аввал ибтидони топиб ол-дингизми? Зеро, ибтидо қаерда бўлса, интиҳо ҳам ўша ердадир. Ибтидони топган одам саодатманд-дир. Чунки у интиҳони англайди ва мангуликка дохил бўлади.

## СЕНЕКА КИЧИК ЛУЦИЙ АННЕЙ

*(Тахминан милоддан аввалги 4 йилда тугилиб,  
милоднинг 65 йилида вафот этган)*

Қадимги Рим шаҳрида яшаб ўтган файласуф, шоир ва сиёсий арбоб Сенеканинг ватани Испания эди. Отаси уни гўдаклик чоғида Римга олиб келди. Сенека бу ерда Пифагорнинг издоши Сотсион қўлида таҳсил олди.

Сенека Кичик Агриппиннинг ўғли, 11 ёшли бўлажак император Неронга мураббийлик қилган. У ўз таълимотларида ҳақиқий фалсафада бир-бирига сира ўхшамайдиган назарийчиларнинг ғоялари амалда бир нарсага бориб тақалишини очиб беришга интиланган.

Тақдирни қарангки, Сенеканинг пешонасига телба император Калигула (37–41 йиллар), ақли заиф ҳукмдор Клавдий (41–54 йиллар) ҳамда шафқатсизлик бобида донг таратган император Нерон (54–68 йиллар)нинг хизматида бўлиш ёзилганди (Нерон милоднинг 68 йили 7 июн кунини ўз жонига қасд қилган).

Сенека ўз қарашларини қуйидаги асарларида баён этган:

«Луциллийга битилган ахлоқий мактублар» (Ушбу қўлёзма Сенеканинг энг йирик асари бўлиб, унинг асл нусхаси ҳозирга қадар сақланиб қолган)

«Табиатшунослик масалалари»

«Бахтли ҳаёт ҳақида»

«Тақдири илоҳий ҳақида»

«Қаҳру ғазаб ҳақида»

«Руҳий хотиржамлик ҳақида»



«Раҳм-шафқат ҳақида»

«Юпанч»

Бундан ташқари Сенеканинг «Медея», «Федра», «Эдип», «Агаменон» деб номланувчи фожиавий асарлари ҳам маълум.

Сенека қўл урган мавзулар кенг кўламли бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум мақсадларга йўналтирилгандир. Қуйида биз улардан баъзиларини санаб ўтмоқчимиз:

– руҳий камолотга етиш йўлида вақтдан фойдалана билиш;

– эзгулик ва бойлик ҳақида;

– дўст танлаш хусусида;

– ўлим даҳшати ҳақида;

– сохта ҳамда ҳақиқий фалсафа баёнида;

– чинакам дўстлик ҳақида;

– жисмоний машқлар хусусида;

– фалсафанинг афзалликлари;

– келажакдан қўрқиш ҳақида;

– донишманд назарида бўлмоқлик хусусида;

– кексалик мақтовлари;

– беҳуда саёҳатлар ҳақида;

– Худо ва руҳ ҳақида;

– оламнинг тузилиши ҳақида;

– кундалик хатти-ҳаракатлар ҳақида;

– миш-мишларга нафрат хусусида;

– ўлимни хотиржамлик билан қаршилашга ҳозирлик хусусида;

– эл назари остида яшаш ҳақида;

– инсонларнинг тенглиги;

– шахсий нуқсонларни кўра билиш;

– донишманд ҳар ерда фароғатда;

– шодлик лаззатланишда эмас;

– кулфатларга шай туриш хусусида;

– ичкиликбозлик ҳақида;

- ҳалоллик, ягона бахт ҳақида;
- руҳни чиниқтириш хусусида;
- яхши ном қолдирмоқлик борасида;
- ўз жонига суиқасд қилиш ҳақида;
- қайғу-ҳасрат чекишнинг меъёри хусусида.

Милоднинг 57 йилида Сенека олий лавозимга – элчилик вазифасига тайинланади.

Сенеканинг мол-давлати ва олий мартабасига ҳасади келган кимсалар Нероннинг ожизлиги ва шафқатсизлигидан фойдаланиб, файласуфга қарши фитна кўзгайдилар. Улар Сенекани императорга қарши фитнанинг иштирокчиси сифатида маккорликда айблаб, туҳмат қиладилар. Бўхтонларга лаққа ишонган ҳукмдор Сенекани ўлимга маҳкум этади. Ўз жонига қасд қилиш турини танлаш ҳуқуқи эса Сенеканинг ихтиёрига топширилади. Кекса файласуф ноҳақ ҳукми мардона қарши олиб, томирини кесади ва дунёдан кўз юмади.

\* \* \*

Сенека шундай деб ёзади: «Одамлар менга таълимотим ва дунёқарашларим билан ҳаётим ўртасида тафовут борлиги ҳақида сўзлаб, таъна қиладилар. Улар бир вақтлар Афлотун, Эпикур ва Зенонга ҳам шундай айб тақагандилар. Лекин барча файласуфлар ўзларининг қандай яшашлари хусусида эмас, балки қандай ҳаёт кечириш лозимлиги борасида фикр юритадилар. Мен ҳам ўзим ҳақимда эмас, эзгулик хусусида мушоҳада қилиб, уни изоҳлашга уринаман. Турли иллатларга, шу билан бирга ўзимдаги камчиликларга қарши курашаман».

\* \* \*

Одамлар кўпинча мен ҳақимда: «Нима учун у фалсафани севади-ю, аммо бадавлатликни касб

этган? Нега у одамларни бойликдан нафратланишга ундайди-ю, ўзи мол-давлат тўплайди? У қувфини писанд этмасликни маслаҳат беради-ю, аммо ватанида ҳаёт кечириб, вафот этмоқликни афзал кўради?» – дейишади.

Мен уларга жавобан шундай дейман: «Санаб ўтилган нарсалардан нафратланиш – улардан буткул воз кечиш дегани эмас. Мен айнан ана шу нарсалар хусусида ғам-заҳмат чекиб, ўзни беҳуда қийнамаслик даркор, демоқчиман. Доно одам бойликни севмайди, қашшоқликни афзал кўради. У бойликни қалбига йўлатмайди, бошпанасига эса...»

\* \* \*

Фалсафа муҳокамани эмас, балки амалда бажаришни ўргатади. Сўз билан амалнинг муштараклигини сақлаб қолиш учун эса ҳар бир киши фалсафа қонунларига амал қилиши лозим. Фалсафа беқарорлик ва сўз билан амалиётнинг тарқоқлигини ёқтирмайди.

\* \* \*

Фалсафа оломонга кўз-кўз қилиш учун айёрларча ўйлаб топилган эрмак эмас. Унинг моҳияти оғизда эмас, амалда намоён бўлади. Фалсафа кунни завқ билан ўтказишда ёки бекорчиликдан зерикиш чоғида қўл келувчи оддий восита ҳам эмас. Фалсафа руҳни шакллантиради, ҳаётни тартибга солиб, хатти-ҳаракатларимизни бошқаради ва йўл-йўриқ кўрсатади. У кема бошқарувини қўлга олиб, уни асов тўлқинлардан эсон-омон олиб ўтади. Фалсафа – хотиржамлик манбаи. Турмушда соат сайин шундай беҳисоб воқеа-ҳодисалар юз берадики, биз маслаҳатга муҳтож бўлиб қоламиз. Ана шунда фалсафа ёрдамга келади.

\* \* \*

«Луциллий! – деб ёзади Сенека ўз мактубида. – Сайёҳнинг юки қанчалик қимматли бўлса, у денгизнинг осудалиги ҳақида шунчалик кўп қайғуради. Сувнинг сокинлиги учун илоҳ Нептундан миннатдор бўлади. Файласуф ҳам хотиржамликда фикр юришиш учун юрт тинч бўлишини истайди ҳамда ана шу осойишталикни тухфа этганларга миннатдорчилик изҳор этади...»

\* \* \*

Маънавий қулликдан шармандалироқ мутелик йўқ.

\* \* \*

Мен ҳеч қачон қулларча итоатгўйлик қилмайман ва ҳеч кимга эргашмайман. Кўп ҳолларда буюк одамларнинг фикрларига ишонаман, аммо баъзи масалаларда ўз қарашларимга таянаман.

\* \* \*

Тақдир тан берувчиларнинг қўлидан тутади, қаршилиқ кўрсатувчиларни эса судрайди.

\* \* \*

Ақл-идрок – инсон танасига жо этилган илоҳий руҳ зарраси.

\* \* \*

Инсон қалби буюк ва бепоёндир. У чегара билмайди.

\* \* \*

Биз яшаётган жамият тошдан ясалган гумбазни эслатади. Агар тошлар бир-бирини тутиб турмаса, бу гумбаз шу заҳоти кулаб, вайрон бўлади.

\* \* \*

Жамики нарсалар бир-биридан пайдо бўлади. Масалан: ҳаво сувдан, сув ҳаводан, олов ҳаводан, ҳаво оловдан юзага келади. Шундай экан, нима сабабдан Ернинг сувдан, сувнинг эса ўз навбатида Ердан пайдо бўлиши мумкин эмас?

\* \* \*

Барча унсурлар бир-бирига айланишга маҳкумдир. Яъни ҳалок бўлган унсурлар бошқа унсурларга айланади.

\* \* \*

Сен Худони тақдир деб аташни истайсанми? Янглишмайсан. Чунки бутун олам Унга боғлиқ. У барча сабабларнинг сабабкоридир.

Худони табиат деб атасанг ҳам хатога йўл қўймайсан. Чунки ҳамма нарсани У яратади ва биз Унинг нафасидан баҳра олиб яшаймиз.

Уни дунёи жаҳон деб атамоқчидирсан балки? Алданмайсан. Чунки сен кўриб турган бир бутун олам ҳам Унинг Ўзидир. Бу оламни ташкил этувчи ҳар бир қисмни У мукамал тарзда яратган. У Ўз қудрати билан Ўзини асрайди, ҳимоя қилади.

\* \* \*

Олий бахт туйғуларда эмас, ақл-идроқда яширин. Шунинг учун ҳам инсондаги энг олий сифат – ақл-идроқ. У ақл кучи билан ҳайвонотдан устун туради ва илоҳларга тенглашади.

\* \* \*

Руҳ – олий хилқатлардан узилиб, ўзига бегона унсурга тушиб қолган учқун тажаллиси.



\* \* \*

Мен файласуфларнинг «Нарсаларнинг табиатига мувофиқ яша», – деган қоидаларига амал қиламан. Нарсаларнинг табиатидан чекинмаслик, унинг қонунларига амал қилиб, ўрناق олиш – донишмандлик демак.

\* \* \*

Табиат бизни киришда ҳам, чиқишда ҳам тинтув қилади. Яланғоч келгандик, яланғоч кетамиз. Бу ердан олиб келганингдан ортиқ нарсани олиб кетолмайсан.

\* \* \*

Ким сизга ўлимни даҳшатли деб таърифлади? Ё бирор кимса у дунёдан қайтиб келолганми? Не сабаб ўзингиз билмайдиган нарсадан қўрқасиз? Балки фалакнинг ишораларини англаш афзалроқдир? Эътибор беринг-а: бу дунёда биз мунтазам беморликка маҳкуммиз; гоҳ бир дард билан оғриймиз, кейин яна бошқасига чалинамиз. Гоҳ ошқозонимиз хасталанади, гоҳ оёғимиз оғриб қолади. Бу дунёда бизни доимо бетоблик, ҳайвонлар ва инсонларнинг қаҳру ғазаби ҳар томондан таъқиб қилади. Биз гўёки тўрт тарафдан қувфинга учраганга ўхшаймиз. Бундай ҳолат фақатгина бировнинг уйида яшаётгандагина содир бўлиши мумкин. Шундай экан, нега меҳмондан ўз уйингизга қайтишга қўрқасиз?

\* \* \*

Сиз онангизнинг иссиқ бағрини тарк этиб, ёруғ дунё юзини кўрдингиз. Сизни ўша заҳоти ер юзидаги эркин ҳаво чулғаб олди. Дағал қўллар танангизга ботган заҳоти номаълумлик қаршисида даҳшатга тушиб, чинқириб йиғлаб юбордингиз.

Шундан кейин йиллар ўтиб, бу ёруғ олам бағри-ни тарк этиб, ўзга бир номаълумлик билан рўбарў бўлишга тараддудланар эканмиз, яна даҳшатга тушамиз. Нега шундай? Ахир биз бир вақтлар – ёруғ дунё нафасини илк бор сезганимизда ҳам шундай қўрқувни бошимиздан ўтказмаганмидик? Яна нимадан қўрқамиз? Она бағри тўққиз ой давомида бизни ёруғ оламдаги ҳаётга тайёрлайди. Ёруғ оламда эса биз гўдаклик чоғимиздан то кексайгунизмга қадар яна қандайдир янги туғилиш они учун етилиб борамиз. Нега шуни тушунмайсиз?

\* \* \*

Сиз шуни қайта англайсиз, йўқ, йўқ, биз ўлмаймиз. Биз фақат табиат бағрига беркиниб оламиз. Ахир бизнинг руҳимиз мангу... Эҳ, тезроқ манзилга етиб олсак эди. Ахир биз бу дунёдан яна нима истаймиз? Нимадан кўнгил узолмаймиз? Балки май ва асал таъмидандир? Ё неъматларданми? Бу нарсаларнинг барини биз минг марталаб та-тиб кўрганмиз-ку? Ёки биз худди очиққан итлар каби чайнамасдан, бутун-бутун ютиб, таъмини ҳам сезмай қоладиган омад «луқма»ларидан кўн-гил узолмаймизми? Буларнинг бари бемаънилик... Шошилинг! Меҳмондан қайтадиган фурсат етди! Манзилга! Манзилга!

\* \* \*

... Ахир улар қуллар-ку? Ҳа, аммо улар ўзинг каби қулга айланган дўстларинг. Ўйлаб қаралса, улар ҳам, биз ҳам бирдек тақдир ҳукмига қулмиз.

\* \* \*

Менга дедилар: ахир улар қуллар-ку? Ҳа, аммо мана бу қул озод руҳ эгаси. Қани, менга у ёки бу маънода қулликка маҳкум бўлмаган одамни кўрсатинг-чи? Манави одам – шаҳвоний нафс қули, анавиниси эса – ғаразгўйлик ва очкўзлик қули, бу эса – шуҳратпарастлик қули...

\* \* \*

Кулфат ташқаридан келмайди, у бизнинг ўзимизда, ич-ичимиздадир.

\* \* \*

Эзгуликнинг ҳадисини олган одам уни унутиб қўйиши, эсидан чиқариши мумкин эмас.

\* \* \*

Зоҳирий нуқсонлар хавфли эмас. Зеро, беморларнинг дарди ташқарига ёриб чиққандан кейингина улар соғая бошлайдилар. Шунинг учун атрофдагилар учун хасислик, шуҳратпарастлик каби иллатларнинг инсон ботинига яшириниб олиши ва буни ҳеч ким сезмай қолишидан ҳам ҳалокатлироқ хавф йўқ.

\* \* \*

Кўпчиликка нафи тегадиганларни ва ўзига ўзи фойда келтирувчиларни «яшаяпти» деса бўлади. Ҳаракатсизликда қотиб, ўзини панага олувчилар учун эса уйлари гўё тобутдир. Сиз бундай одамлар яшайдиган уйнинг остонасига мармар тахтача ўрнатиб, уларнинг исмини ёзиб қўйсангиз ҳам бўлади. Чунки улар ўлимидан аввал ўлганлардир.

\* \* \*

Буни қаранг: ғам-ғуссада ҳам шуҳратпарастлик нишонаси бор экан! Чунки биз ғам-қайғуга бўйсунмай, ҳасратимизни кўзёшлар орқали кўз-кўз қиламиз.

\* \* \*

Кичик қайғу кишини сўзлатади. Каттасига эса сўз йўқ.

\* \* \*

Хавотирга тушган одам ўзини бошқара олиш қобилиятини йўқотади.

\* \* \*

Фақат ақл-идрок осойишталикни таъминлай олади.

\* \* \*

Ҳеч бир нарса ўз-ўзидан иллатга айланмайди.

\* \* \*

Озга қаноат қилган меъда кўп нарсадан озод бўлади.

\* \* \*

Ҳар қандай пастқам ердан ҳам осмонга кўтарилиш мумкин.

\* \* \*

Бирор нарсани йўқотишдан даҳшатга тушиш – жудолик ғамини чекиш билан баробардир.

\* \* \*

Ҳар қандай лаззат хавф-хатарни кучайтиради.

\* \* \*

Эзгу ишнинг мукофоти – унинг амалга ошишидадир.

\* \* \*

Мавҳумликдан кўра ортиқроқ азоб йўқдир.

\* \* \*

Фалокат юз берган чоғда қалтис қарорлар қабул қилишга тўғри келади.

\* \* \*

Ҳаддан ортиқ шодлик ҳам инсонни эзиб юборади.

\* \* \*

Ёшлик чоғда илм олиб, кексайганда эса ана шу илмдан завқланиб яшамоқ энг тўғри йўлдир.

\* \* \*

Ҳеч нарса билмагандан кўра керагидан ортиқ билган афзалроқ.

\* \* \*

Ўргатиш асносида ўрганаман.

\* \* \*

Хафагарчиликдан қутулишнинг энг яхши йўли кечиришдир.

\* \* \*

Бир сўзласанг, ўн бор тингла.

\* \* \*

Ҳар бир гапни ўзгаларга сўзлашдан аввал ўзингга айт.

\* \* \*

Элга бош бўлишни истасанг, ўзингда ақл-идрок  
ҳукмронлигини таъминла.

\* \* \*

Инсонлардаги ҳавас улар ўзларини қанчалар  
бахтсиз сезишларидан дарак беради. Ўзгаларнинг  
хатти-ҳаракатларига мунтазам диққат қилиш эса  
зерикишдан далолатдир.

\* \* \*

Инсоннинг феъл-атворини арзимас майда-чуй-  
далал орқали билиб олиш мумкин.

\* \* \*

Буюк тақдир буюк қуликдир.

\* \* \*

Ҳамма тўғри яшаш ҳақида эмас, узоқ умр кўриш  
ҳақида қайғуради. Ваҳоланки, тўғри яшаш ҳамма-  
нинг қўлидан келади, узоқ умр кўриш эса ҳеч кимга  
насиб этмайди.

\* \* \*

Қачонлардир юз берадиган бахтсизликни ўйлаб,  
ўзини доимо бахтсиз ҳис этиш аҳмоқликдир.

\* \* \*

Донишманд бойлик қуршаб олганда қашшоқлик  
ҳақида ҳар вақтдагидан кўпроқ ўйлайди.

\* \* \*

Баъзи амалларнинг улуғворлиги уларнинг кўла-  
ми билан эмас, балки ўз вақтида бажарилганлиги  
билан белгиланади.

\* \* \*

Ақл ожизлик қилган ерда кўпинча вақт ёрдам беради.

\* \* \*

Агар ҳеч нарсадан чўчишни истамасангиз, ҳар бир нарсадан чўчишга асос борлигини ёдда сақланг.

\* \* \*

Ўзгаларнинг нафратидан ҳаддан ортиқ кўрқадиган одам ҳеч қачон ҳукмрон бўлолмайди.

\* \* \*

Баъзи ёзилмаган қонунлар ёзилганларидан кучлироқдир.

\* \* \*

Бахт инсонни ўзга одамларга муҳтожлик сезилмайдиган даражадаги юксакликка ҳеч қачон олиб чиқолмайди.

\* \* \*

Янгилик инсонга улуғворликдан кўпроқ завқ бағишлайди.

\* \* \*

Инсон ўзидаги истеъдодни амалда қўллаш орқалигина англаб олиши мумкин.

## ХЕРОНЕЯЛИК ПЛУТАРХ

(Тахминан 46–127 йиллар)



Юнонистонлик адиб, насиҳатгўй-файласуф Плутарх Беотиянинг Херонея шаҳрида туғилиб ўсди. Плутарх император билан яқин алоқада бўлган аслзода оиланинг фарзанди эди. У болалигиданоқ Афинада таҳсил олди. Вояга етгандан кейин эса шу ердаги Академияга доимий равишда қатнаб турди.

Плутархни кўпроқ қуйидаги мавзулар қизиқтиради:

- дўст билан хушомадгўйни ажратиш;
- ёш болаларга муҳаббат;
- никоҳга оид қўлланмалар;
- кексайганда давлат ишлари билан машғул бўлиш ёки бундан воз кечиш масаласи;
- ўсмирларни шеърят билан таништириш усуллари;
- Сукротнинг ички овози;
- аёлларнинг жасорати.

Плутархнинг ҳаммаси бўлиб 227 та асари маълум. Уларнинг деярли ярмиси ҳозиргача сақланиб қолган.

\* \* \*

Қуёш, Ой, Осмон, Ер ва денгиз бутун инсониятга бирдек тегишли. Инсонлар хоҳ шимолда, хоҳ жанубда яшасинлар, хоҳ юнон, хоҳ ўзга юртлик бўлсинлар, ягона Худога сифинадилар. Инсонлар Яратувчини турлича номлар билан атасалар-да, бу-



тун оламга ёлғиз Худо ҳоқимлик қилади. Ҳамма ерда айни бир куч ҳукмрондир. Фақат қалбни илоҳиёт сари йўлловчи номлар, тимсоллар ва маросимларгина турлича, холос.

\* \* \*

Борлиқ – ҳаракатдир.

\* \* \*

Эшитиш қобилияти инсон қалбини барча сезгилардан кўра осонроқ чалғитиб, тезроқ ҳаяжонга солади ва ақл-идрок билан мулоҳаза юритиш қобилиятидан маҳрум этади.

\* \* \*

Инсоннинг табиати аслида ўзгармасдир. Аммо тақдир ҳар хил янги умидлар туғдириб, янги ташаббуслар сари бошлайди.

\* \* \*

Уруш ёвузликдир. Адолатсизлик ва зўравонлик унга доимо ҳамроҳ. Аммо виждонли одам урушда ҳам муайян қоидаларга амал қилади. У пасткашлик ва жиноят йўли билан қўлга киритиладиган галаба кетидан қувмайди.

\* \* \*

Буюк саркарда бошқалар томонидан содир этиладиган сотқинликка эмас, ўз кучига таяниб, жанг олиб боришни афзал деб ҳисоблайди.

\* \* \*

Йўқотиб қўйишдан қўрқиб, зарур нарсани олишга иккиланган кимса қўрқоқ ва қатъиятсиздир.

\* \* \*

Кичик нуқсонлар, айниқса, ҳокимият ишониб топширилган зотларда катта бўлиб кўринади.

\* \* \*

Тинч-хотиржам бўлишни истовчилар муҳтожликда яшашни ўрганмоқлари лозим.

\* \* \*

Энг зафарли ҳаракатларда ҳам эзгулик ёки ахлоқсизлик очиқ намоён бўлавермайди. Гоҳо қандайдир арзимас бир қилиқ, сўз ёки ҳазил инсон феъл-атворини ўн минглаб одамлар ҳалок бўладиган жангдигдан кўра аниқроқ ва рўй-рост намоён этади.

\* \* \*

Ҳамдардлик – ўзгаларнинг бахтсизлигидан азият чекиш, ҳасад – бировларнинг бахтини кўриб ғамга ботиш.

\* \* \*

Ичиқоралик – ўзгаларнинг мусибатидан лаззатланиш демак.

\* \* \*

Ҳеч бир айтилган сўз айтилмай қолган сўзчалик фойда келтирмаган.

\* \* \*

Ҳар қандай адашиш ҳалокатлидир. Эҳтирос ҳамроҳ бўлган адашиш эса икки карра ҳалокатлироқ.

\* \* \*

Биз кўпинча жавобга муҳтожлигимиз туфайли эмас, балки ўзгаларнинг овозини эшитиб, уларни ўзимизга оғдириб, суҳбатга тортиш учун савол берамиз.

\* \* \*

Кишининг ўзига ортиқча ишониб, кўҳна эътиқод ва урф-одатларни писанд этмаслиги оқибатида хатога йўл қўйганидан кўра, уларга эҳтиёткорона амал қилиш натижасида адашмоқлиги афзалдир.

\* \* \*

Менимча дағалликнинг ҳам, журъатсизликнинг ҳам илдизи илмсизликка бориб тақалади.

## ЭПИКТЕТ

(Тахминан 50–135 йиллар)

Эпиктет Кичик Осиёда жойлашган Гиерполис шаҳрида туғилиб ўсди. Ҳозирги Туркия давлатининг пойтахти Анқарадан 75 чақирим узоқликда жойлашган бу шаҳарда савдо-сотиқ жуда ривожланган эди.

Эпиктет қул оиласида дунёга келди. Болалик чоғида уни Рим шаҳридаги қул бозорига келтирадилар. Эпиктетни ҳукмдор Нероннинг танқўриқчиси Эпафродит сотиб олади.

«Эпиктет» сўзи – «сотиб олинган» деган маънони англатади. Эпафродит Эпиктетни сотиб олаётганда унинг чидамлилигини текшириш мақсадида таёқ билан тиззасининг пастига уради. Эпиктетнинг оёғи синиб, бир умрга оқсоқ бўлиб қолади.

68 йилда 30 ёшли император Нерон вафот этади. Янги ҳукмдор Домициан унинг танқўриқчиси Эпафродитни қатл қилади. Эгасининг ўлиmidан сўнг Эпиктет қуликдан озод бўлади. У файласуфлар Эврат ва Музоний Руф қўлида таҳсил олади.

Эпиктет файласуфларга хос қашшоқликда кун кечиради. У доимо: «Сабр қил ва чида!» – деган нақлни такрорлашни хуш кўрарди. Эпиктет ёддан таълим олиб, нутқини ҳам қоғозга туширмасдан ёдаки баён этган.

\* \* \*

Энг муҳими – Худонинг мавжудлиги ва У бутун Коинотни донишмандлик ила бошқариб турмоғига комил ишонч билан қарамоқлик лозим. Сен Унга бўйсун, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга қаршилик кўрсатмай, барчасига тан бер.

\* \* \*

Мен нимаман? Инсонман. Агар ўзимга бошқа нарсалардан алоҳида ва мустақил бир жон деб қарагудек бўлсам, у ҳолда мен сўзсиз узоқ умр кўришим, бой-бадавлат, бахтиёр ва соғлом ҳаёт кечиришим керак. Агар ўзимга бутуннинг кичик бир зарраси сифатида қарагудек бўлсам, у ҳолда ана шу бутунга нисбатан ҳар қандай хасталикка, муҳтожликка бўйсуним ёки ҳатто бевақт ўлимга ҳам шай турмоғим лозим. Шундай экан, менинг ношукрлик қилишга ҳаққим борми? Ахир мен ношукрлик туфайли юришдан бош тортиб, танадан ажралиб қолган оёқ каби инсонликдан маҳрум бўлиб қолиш мумкинлигини яхши биламан-ку!

\* \* \*

Сен драмада иштирок этаётган бир актёр эканлигини, катта ёки кичиклигидан қатъи назар, муаллиф томонидан топширилган ролни ўйнашинг кераклигини унутма. Агар у сенинг қашшоқ тимсолини ўйнашингни истаса, бу вазифани сидқидилдан бажар. Бирор ногирон кимса ёки ҳукмдор, ё бўлмаса оддий фуқаро тимсолини ҳам астойдил адо эт. Сенинг вазифанг зиммангга юклатилган ролни яхшилаб бажаришдан иборат. Ролларни тақсимлаб бериш эса ўзганинг иши.

\* \* \*

Шуни ёдда тутгилки, агар инсон бахтсиз экан, бунга унинг ўзи сабабчи. Чунки Худо барча одамларни бахт учун яратган.

\* \* \*

Бизнинг қалбимиз сувли идишга, фикрларимиз эса сувга тушаётган нурга ўхшайди. Идишдаги сув

чайқалганда, унга тушаётган нур ҳам чайқалиб, си-наётгандек туюлади. Аслида эса бундай эмас. Қалб ҳаяжондан жунбушга келганда гўёки фикрларимиз ҳам чалкашиб, заифлашгандек бўлади. Аммо қалб осойиш топгач, фикрларимиз ҳам ўша заҳоти ас-лига қайтади.

\* \* \*

Воқеалар ўзинг истаган тарзда содир бўлишини талаб этма. Инсон воқеа-ҳодисаларни бошқара ол-маслигини, аксинча, унга мослашмоғи кераклигини доимо ёдда тут. Ана шунда бахтиёр яшайсан.

\* \* \*

Фалсафа мактаби касалхонага ўхшайди. Сиз уни хуш кайфиятда эмас, балки оғриқ билан тарк этасиз.

\* \* \*

Мавжуд нарсаларнинг баъзи бирлари бизнинг ҳукмимизда бўлса, бошқалари ихтиёримиздан ташқаридадир. Биз хоҳиш-истакларимиз, ирода-миз, интилиш ва тонишларимизга, жамики хат-ти-ҳаракатларимизга ҳукмронмиз.

Бизнинг ҳукмимиздаги нарсалар табиатан эркин бўлиб, тўсиқ ва чеклашлар нималигини билмайди. Ҳукмимиз ташқарисида қолган барча нарсалар заиф, муте, турли тўсиқ ва тазйиқларга маҳкум-дир. Бас, шундай экан, бир ўйлаб кўринг: агар сиз табиатан муте ва тазйиқларга маҳкум нарсаларни ўзингизники қилиб олгудек бўлсангиз, албатта тў-сиқларга, турфа ташвишлару нотинчликларга дуч келасиз. Тангридан ва одамлардан норози бўлаве-расиз. Агар сиз, аксинча, фақат табиатан ўзингизга тегишли нарсаларгагина эгаллик қилиб, тазйиқлар-

га мажжум нарсаларни бегона санасангиз, у ҳолда сизни ҳеч ким ҳеч нарсага мажбурлай олмайди ва мақсадингиз йўлида тўсқинлик қилолмайди. Натижада сизга бирор зиён етказишмагани боис ҳаммадан миннатдор бўлиб яшайсиз.

\* \* \*

Мени кўринг: на фуқаролик ҳуқуқим, на бир бошпанам, на давлатим ва на қулим бор. Тунлари очиқ осмон остида ухлайман. Хотиним, фарзандларим ҳам йўқ. Менинг мана шу ер, осмон ва ёпинчиғимдан ўзга ҳеч вақом йўқ. Хўш, менга яна нима керак? Ҳеч нарса. Чунки мен эркинман. Ўзимга хон, ўзимга бекман. Бадарға?.. Қаерга бадарға қиладилар? Ким мени бу оламдан ташлаб юборишга қодир? Мен қаерни истасам, ўша ерга бораман. Ахир, қуёш, ой, юлдузлар, қушлар хониши ҳамма жойда бир хил-ку...

\* \* \*

Қўлида болта ёки чолғу асбоби ушлаган одамни дурадгор ёки мусиқачи деб аташ мумкин бўлмаганидек, ақлли гапларни сўзловчи ҳар қандай одамни ҳам донишманд деб ҳисоблаш ножоиздир.

\* \* \*

Кимки эркин бўлишни хоҳлар экан, ўзгалар измида бўлган ҳеч бир нарсани қўлга киритишни хоҳламасин ва бу нарсалардан жирканмасин ҳам.

## НАГАРЖУНА

(Тахминан 113–213 йиллар)

Нагаржуна Қадимий Ҳиндистоннинг Куча шаҳрида истиқомат қилувчи аслзода хонадонларнинг бирида дунёга келди. У тўққиз ёшидан бошлаб Шимолий Ҳиндистон, Қашқар, Ёркент ҳамда Куча шаҳарларида будда ақидалари ва таълимотидан сабоқ олди.

Нагаржуна ёшлик чоғида Кашмир-Гандхар вилоятидаги ибодатхонада роҳибликни қабул қилади.

Шуниси қизиқки, бир нечта тарихий шахслар – турли оқимга мансуб файласуфлар, афсунгарлар, кимёгарлар, ҳақимлар ва баъзи қўлёзма асарлар муаллифлари ўзларини Нагаржуна деб аташган.

Афсуски, ҳанузгача «Биринчи Нагаржуна ким эди, у ҳаётий шахсми ёки афсонавий тимсолми?» – деган саволга ойдинлик киритилмаган.

Баъзи тахминларга қараганда биринчи Нагаржуна Ҳиндистоннинг жанубида фаолият кўрсатган.

Нагаржуна ғайритабиий руҳий имкониятлар соҳиби бўлиш билан бир қаторда фаннинг кимё, табобат, илми нужум, табиатшунослик, маъданшунослик каби соҳаларини пухта эгаллаганди.

У умрининг кўп қисмини сайёҳликда ўтказган. Манбаларда ёзилишича, у муҳаббат илми ва ёшариш санъатига оид қатор қўлёзмаларнинг муаллифидир.

Нагаржуна «илм фидирагини иккинчи бор бураб юборган» донишманд сифатида «Иккинчи Будда» деб аталган.

\* \* \*

Бу дунёда «пайдо бўлиш» деган тушунча йўқ. Чунки мутлақ янги нарсани англаб ҳам, тушуниб ҳам бўлмайди. Чинданам ҳар қандай «янгилик» «эски» нарсалар қаторидаги ёки «эскилик»дан яралган



воқелиқдир. Энди айтинг-чи, «эскилик»дан яралган нарсани «янгилик» деб аташ мумкинми? Ахир, у доимо мавжуд бўлган-ку?

\* \* \*

Ўлимнинг муқаррарлиги ва жон таслим қилиш азобини кўрганингизда тириклик ҳаловатига эришиш учун ёвузлик қилмаслик зарурлигини анланг.

\* \* \*

Меҳрибон, маслаҳатгўй устозларни улар нималардан воз кечганларига қараб ажратиб олиш мумкин. Улардаги шукроналик, ҳамдардлик, ахлоқийлик ва қалбан ҳис этиш ғам-ғуссанинг йўлини тўсувчи воситалардир.

\* \* \*

Бойлигингни ҳузур-ҳаловат йўлида сарфласанг, бу дунёда фароғатга эришасан. Агар уни хайр-эҳсонга сарфласанг, у дунёда – ўлимингдан сўнг роҳатини кўрасан. Демак, азоб-уқубат ҳузур-ҳаловатга эришиш ёки хайр-эҳсон қилишнинг имкони йўқлиги туфайли пайдо бўлади.

\* \* \*

Сахийлик ва ахлоқийликдан атрофингдагилар фойда олса, сабр-тоқат ва қатъийлик ўзингга манфаат келтиради.

\* \* \*

Таомни нотўғри танлаб, бемаврид тановул қилган одам ҳалокатга юз тутади, тўғри овқатланиш эвазига эса умрузоқлик, саломатлик, куч-қувват ва ҳузур-ҳаловатга эришади. Илм олиш жараёнини ҳам шунга қийслаш мумкин. Яъни, илмсиз кишиларнинг ҳалокатга учрашлари муқаррар, илм эгалари эса маърифатга юз тутиб, роҳат-фароғатда яшайдилар.

## МАРК АВРЕЛИЙ АНТОНИН

(121–180)



Қадимги юнон файласуфи Марк Аврелий Антонин Римда дунёга келди. 17 ёшга тўлганда қариндоши ва мамлакат императори Антоний Пий уни ўғил қилиб олади. Марк Аврелий саройда мамлакатни идора этиш, нотиклик санъатига доир билимларни ўрганади. 161–180 йилларда у Римни идора этади.

Файласуф сифатида Сенека таълимотини давом эттиради.

Марк Аврелий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳадисини олганди. Қайғули ва шодиёна кунларда унинг чеҳрасида бирон ўзгариш сезилмасди.

\* \* \*

Ҳамма нарса ўзгаришга маҳкум. Жумладан, сен ўзинг ҳам доимий ўзгариш ва қисман ўлим жараёнини бошингдан кечирасан. Бутун олам ҳам шунга маҳкум.

\* \* \*

Узлуксиз вақт оқими доимо мангуликнинг ҳадсиз навқиронлигидан хабар беради.

\* \* \*

Ҳамма нарса бир-бирига чатишиб кетган. Ҳамма ерда илоҳий узвийлик мавжуд. Барча нарсалар умумий тартиб-қоидалар асосида бирлашиб, айнан бир оламни безашга хизмат қилади.

\* \* \*

Инсон умрини белгиловчи вақт лаҳзага тенг. Унинг моҳияти мангу ҳаракатдир. Сизги ноаниқлик, қалб беқарорлик, тақдир сирлилиқ демакдир. Шон-шуҳрат эса ишончсиз нарса. Ҳаёт кураш ва саргардонлик демакдир.

\* \* \*

Ҳозир рўй бераётган нарсалар аввал ҳам бўлиб ўтганини доимо ёдингда тут. Худди шу нарсалар келажақда ҳам қайтарилиши эсингдан чиқмасин. Улар мангу қайтарилaveraди, фақат ижрочилар – одамлар ўзгаради, холос.

\* \* \*

Ҳамма нарсанинг ўткинчилигини ва бутун моддият мангу ҳаракатланувчи оқим эканлигини, шунингдек, юз берган ва келгусида рўй беражак барча нарсалар – мингинчи алмашинув, мангу ўзгаришлар занжири эканлигини унутманг!

\* \* \*

Ҳеч бир нарса мустаҳкам эмас. Олдинда ҳам, ортда ҳам жамики нарсани домига тортувчи чексизлик ҳукмрон. Шу боис манманликка берилиш ёки ўзини ўтга-чўққа уриб, кўзёш тўкиш аҳмоқликдир.

\* \* \*

Ўзгаларнинг қалбида нималар рўй бераётганига бепарволик билан қарагани туфайли бахтсиз бўлган одамларни кўрсатиш қийин. Аммо ўз қалбига қулоқ тутмаган, уни назорат қилолмаганларнинг бахтсизликка учраши муқаррардир.

\* \* \*

Бошингга қандай иш тушмасин – ҳаммаси аввалдан тақдирингга ёзиб қўйилган. Зеро, чигал сабаблар ибтидоданоқ сенинг мавжудлигингни шу ишларга боғлаб туради.

\* \* \*

Ҳар бир нарсага юзаки назар ташлаб қувонишдан сақланинг.

\* \* \*

Бирор нарса ҳақида сўзлашаётганингизда, фикр юритаётганингизда ва бирор ишни бажариш чоғингизда ўзингизни ҳар бир лаҳза ҳаётингизнинг сўнгги они бўлиши мумкиндек тутинг.

\* \* \*

Энг узоқ умрнинг энг қисқа умрдан сира фарқи йўқ. Ҳеч ким ўтмишдан ҳам, келажақдан ҳам ажрала олмайди.

\* \* \*

Шароит сендан нимани талаб қилса, шуни бажар. Афлотун республикасини тузаман деб беҳуда уринма. Олга босган биргина қадамингдан ҳам шод бўл. Ким инсонларнинг фикрлаш тарзини ўзгартиришга қодир? Бундай ўзгаришларсиз кулик, оху нола ва мунофиқлик билан бўйин эгишдан ўзга нарсага эришиб бўлмайди.

\* \* \*

Марк Аврелий ҳаётининг сўнгги кунларида: «Тез орада сен ҳамма нарсани унутасан ва ўз навбатида сени ҳам ҳамма ёдидан чиқаради», – деб ёзиб қолдирган.

## ТЕРТУЛЛИАН КВИНТ СЕПТИМИЙ ФЛОРЕНС

(Тахминан 160–220 йиллар)

Қадимий лотин файласуфи Тертуллиан Квинт Септимий Флоренс кудратли Рим империясининг Шимолий Африкадаги Карфаген деб номланувчи вилоятида дунёга келди.

Тертуллиан дунёқарашининг шаклланишида Цицерон ва Сенеканинг асарлари катта ўрин тутди. (Дарвоқе, Сенекага мурожаат қилган ҳар бир одам ундан нимадир олади. Сенека таълимотини қизиқиш билан чуқур ўрганган киши эса унинг услуби ва дунёқарашини беихтиёр қалбига чуқур сингдириб олади. У – инсоннинг кўнглига киргач, ундан қайтиб чиқмайдиган ягона файласуфдир. Сенеканинг инсон қалби ва тафаккурини тарк этолмаслиги унинг ўз истаги билан рўй бермайди. Аксинча, одамларнинг ўзлари ундан ажралишни истамайдилар. Чунки Сенеканинг фикрлари фаройиб ва фавқулодда гўзал ҳамда теран маъноли. Масалан, унинг мана бу сўзларига эътибор беринг-а: «Ўлимдан сўнг ҳамма нарса барҳам топади. Ҳатто, ўлимнинг ўзи ҳам»). Тертуллиан фалсафага Сенекани ўқиш орқали кириб келган. У Римдаги суд идорасида нотиклик вазифасида хизмат қилган.

\* \* \*

Ҳақиқат энг бошданок мавжуд бўлган. Хатолар ва янглишишлар эса ундан сўнг туғилган.

\* \* \*

Тил – панжаралари тишдан ишланган, лаб қафаси ичидаги ҳайвон.

\* \* \*

Ёмон одамларнинг руҳи ўлимидан сўнг иблисга айланади.

\* \* \*

Ким жаннатга киришни истаса, жаннатга хос бўлмаган нарсаларнинг барчасидан воз кечиши лозим.

## АВГУСТИН АВРЕЛИЙ (САОДАТЛИ)

(354–430)



Августин Аврелий Шимолий Африкадаги Тагаста (ҳозирги Жазоир давлатининг Сук-Арас) шаҳрида туғилди. Августин улғайгач, Карфагендаги нотиқлик мактабида уч йил давомида таҳсил олди. Ана шу вақт ичида у Цицероннинг фалсафий қарашларини катта қизиқиш билан ўрганди.

Августин 375 йилдан бошлаб 8 йил давомида нотиқлик санъати бўйича талабаларга сабоқ берди.

384 йилда у Италияга йўл олди ва Милан шаҳридаги нотиқлик мактабида муаллимлик қилди. Бу ерда насронийлик динига кириб, уни чуқур ўрганишга киришди. 388 йили Августин Африкага қайтиб, орадан уч йил ўтгач, ўзини буткул диний илмларни ўрганишга бағишлади. Ва кўп вақт ўтмай Гиппон шаҳрининг епископи Валерий ҳомийлиги остида руҳонийликни қабул қилди.

395 йил епископ Валерийнинг ўлиmidан сўнг Августин Гиппондаги епископлик кафедрасига етакчилик қилиб, 34 йил – умрининг сўнгги дамларигача шу ерда ишлади. У тинмай мутолаа қилар ва шунга яраша ўта маърифатли, билимдон эди.

Августин ўзидан жуда бой маънавий мерос қолдирди. Файласуф 75 ёшига қадар умумий ҳажми 232 та китобга жо бўлган 90 та трактат ёзиб улгурди. Булардан атиги ўнтасигина бизга қадар етиб

келган. Машхур қомусий олим Исидор Севилский (570–638) Августин ҳақида шундай деб ёзган эди: «Августин тафаккури ва билими жиҳатидан ҳаммадан устундир.

Чунки ҳатто кечасию кундузи ҳаракат қилган тақдирда ҳам ҳеч ким унингдек кўп ёзолмайди ва ўқиёлмайди».

\* \* \*

Августиндан сўрадилар:

– Мўъжиза бор нарсами?

– Бор нарса, – деб жавоб берди файласуф. – Қуёшнинг чиқиши ҳақиқий мўъжизадир.

\* \* \*

– Мен Худони ва руҳни англашни истайман, – деди Августин.

– Яна нимани хоҳлайсан? – деб сўрадилар.

– Бошқа ҳеч нарсани, – деди донишманд.

\* \* \*

Кулфатлар билан келувчи айни бир куч яхши одамларни синайди, тозалайди ва саралайди, ёвуз кимсаларни эса элақдан ўтказиб, хароб этади.

\* \* \*

Оловнинг ғаройиб сифатларини ким тушунтириб бера олади? Нега энди у ўзи ёруғ бўла туриб, домига тушган нарсаларни қорайтириб юборади? Ёки гулханда тобланган тошларнинг оқариш сабабини қандай изоҳлаш мумкин?

\* \* \*

Эй Тангри, сен инсон жисмига уни ҳаракатга келтирувчи ва бошқарувчи жонли руҳ ато этдинг.

\* \* \*

Биз ҳаётни яшаётганимиз учун эмас, уни англай олганимиз учун севамиз.

\* \* \*

Тафаккур – қалбдир ёки у қалбда макон топган.

\* \* \*

Ҳақиқат ва ёлғонни ажратиш жуда мушкул иш. Шу боис адашган одамлардан ранжиш ярамайди.

\* \* \*

Менимча, ҳақиқат ёлғиз Худога аён. Инсон руҳи ҳам ҳақиқатни билишга қодир. Аммо бунинг учун у зимистон танадан чиқмоғи лозим.

\* \* \*

Адолат тарк этган салтанатнинг қароқчилар ўрдасидан фарқи қоладими?

\* \* \*

Инсон туғилган ониданоқ ўлим сари юз тутади, аниқроғи, у бир вақтнинг ўзида ҳам яшайди, ҳам ўла бошлайди...

\* \* \*

Мен буйруқбозларга эмас, ўргатувчиларга кўпроқ ишониш кераклигини англаб етдим.

\* \* \*

Бўйин эгиб тавба-тазарру қилган руҳ юксакларга кўтарилади.

\* \* \*

Сўзларимга ишониш учун уларнинг мағзини чақ. Худони англамоқ учун эса Унинг сўзларига ишон.



\* \* \*

Худонинг ўзи ўзгармайди-ю, аммо ўзгарувчан нарсаларни яратади. Ўзи вақтдан ташқарида-ю, аммо вақтинчалик нарсаларни бунёд этади.

\* \* \*

Олам яралмасидан илгари вақт ҳам бўлмаган. Унинг яралиши ҳаракатни юзага келтирган. Ана шу ҳаракат онлари ва оламдаги ўзгаришлар – вақт деб аталади.

\* \* \*

Вақт фақат бизнинг руҳимиздагина мавжуд. Ўтмиш – хотирамизда, келажак эса орзу-умидларимизда яшайди. Келажакни ҳозирги вақтдаги баъзи белгилар воситасида кўра олишимиз мумкин. Демак, ҳозирги вақтнинг моҳияти кузатиш, мушоҳада юритишдан иборатдир.

\* \* \*

Биз барча мўъжизаларни табиатга зид ҳодисалар деб атаймиз. Лекин аслида бундай эмас. Ахир Яратгувчининг иродаси билан яратилган нарсалар қандай қилиб табиатга зид бўлиши мумкин.

\* \* \*

Сукунат – шовқиннинг, яланғочлик – либоснинг, хасталик – саломатликнинг, зулмат – ёруғликнинг йўқлигидан дарак берганидек, ёвузлик эзгуликнинг йўқлигини билдиради.

\* \* \*

Биз нимадан ташкил топганмиз? Руҳ ва жисмдан. Уларнинг қай бири аъло? Албатта, руҳ яхшироқ.

\* \* \*

Мукаммаллик инсоннинг ўзидаги номукаммалликни англамоғи демакдир.

\* \* \*

Вақтинчалик нарсаларга бўлган иштиёқни мангу нарсаларнинг мазасини татиб кўриш ёрдамида сўндириш мумкин.

\* \* \*

Кейинроқ тушуниб етиш мумкин бўлган нарсаларга аввалдан ишонмайдиган одам ҳеч қачон Худога етиша олмайди.

\* \* \*

Тушунмоқ учун ишонмоқ даркор.

\* \* \*

Зулм инсон томонидан содир этиладиган ва у бошидан кечирадиган нарсадир. Содир этиладигани – гуноҳ, бошдан кечирадигани – жазо... Инсон ўзи истаган ҳолда зулмни содир этади, истамаган ҳолда уни ўз бошидан кечиради.

\* \* \*

Ўзгалар сени олқишлаганда, сен ўзингдан нафратлан. Сени сен орқали ҳаракат қилмоқчи бўлганлар олқишлайди.

## БОЭЦИЙ

(Тахминан 480–524 йиллар)

Римлик файласуф, давлат арбоби Боэций гўдаклигидаёқ отасидан етим қолди. Уни Рим шаҳрининг ҳокими Квинт Аврелий Меммий Симмах ўз тарбиясига олди. Симмах ўша даврдаги энг маърифатли ва олижаноб мансабдорлардан бири бўлган.

Боэций Арастунинг мантикий асарлари ва Порфирийнинг «Арасту тоифасига кириш» деб аталган қўлёзмасини таржима қилди ҳамда шарҳлаб берди.

Боэций VI асрнинг бошидаёқ Афлотун ва Арасту асарларини лотин тилида тўлиқ нашр этишни ният қилганди. У Арастунинг бир нечта асарини таржима қилиб улгурди. Аммо Афлотуннинг ижодига қўл уришига бевақт ажал халақит берди...

Боэций қирқ ёшга яқинлашиб қолганда ҳукмдор Теодорих салтанатидаги энг олий мартабалардан бирини эгаллаб, қайнотаси Симмах билан биргаликда сенатдаги энг нуфузли шахсга айланди.

Унинг фалсафага бўлган қизиқиши, юксак сўзлаш ва эшитиш қобилияти ҳамда кенг кўламли маданий ва сиёсий билимлари кўпчиликда ҳавас уйғотарди. Боэций «фалсафа дўстлари»нинг тўгарагини очди. Бу тўгаракка Симмах ва папа Иоанн I ҳам аъзо бўлиб киришди. Уларни фалсафага бўлган қизиқишларидан ташқари, Византияга кўҳна маданий қадриятлар ўчоғи ва Рим турмуш тарзининг



юксак намунаси деб қарашдек муштарақ фикрлар бирлаштириб турарди.

Хукмдор Теодорих салтанатида шуҳрат чўққисига эришган Боэцийнинг саодатли кунлари узоққа чўзилмади. Сарой аъёнларидан бири Киприан Теодорихга сенатор Албин гўёки Византия императорига яширинча мактуб жўнатиб туриши ҳақида хабар етказди. Сенат мажлисига зудлик билан етиб келган Боэций бу чақувни қатъий рад этиб, нутқ сўзлади. Пировардида айбдорлик сояси сенатор Албинга тушгудек бўлса, унинг дўсти – сенат раиси Боэций ҳам четда қолмасди.

Боэцийнинг сенатда сўзлаган матонатли нутқи унинг душманларига яхши дастак бўлди. Ҳасадгўйлар хукмдор Теодорихнинг ҳузурига бориб, Боэцийни ёлғон гувоҳлик берганликда ва... фалсафа билан машғуликда(!) айбладилар.

Боэций маърузасининг сенат томонидан сукут билан қўлаб-қувватланиши сершубҳа Теодорихни хавотирга солиб қўйди. Устига-устак, саройдаги адоватчи ва фитначи кимсалар Теодорихнинг шубҳаларини янада алангалатиб, Боэций ва унинг тўғарақдош дўстларига қарши турли туҳматлар, ифво-бўхтонлар тарқатишди.

Туҳматчи ва ғаламис мансабдорларнинг бўхтонлари хукмдор Теодорихни талвасага солиб қўйди. У юзидаги маърифатпарвар хукмдор ниқобини ечиб ташлашга мажбур бўлди. У аслига – қонхўр, жоҳил подшоҳга айланди. Унинг буйруғига мувофиқ, Албин ва Боэций хиёнаткорликда айбландилар. Сенаторлар қўрқув остида бу айбловни тасдиқлаб, қўлаб-қувватлашди. Боэций ва Албин ҳибсга олиндилар. Албин тез орада қатл этилди. Боэцийни эса бир неча ой зиндонда сақлаб, сўнг дорга осишди. Орадан икки йил ўтгач, хукмдор Теодорих ҳам ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, оламдан ўтди.

Боэций зиндонда ҳукм ижросини кутиб, «Фалсафа тасаллиси ҳақида» асарини ёзиб тугатди.

\* \* \*

Тухматчилар менга бўҳтон қиладилар. Мен бу бўҳтонга бўйсунаманми? Йўқ. Чунки итоатгўйлик тухматчилар билан курашмоқдан воз кечиш демакдир.

\* \* \*

Не сабабдан тақдир мени – айбсиз бир кимсани қуруқ тухматга дучор этиб, тухматчиларнинг пасткашлигига йўл очиб беришдан уялмади?

\* \* \*

Яқин кишиларимизга ёмонлик тилаш, шубҳасиз, бизнинг қусуримиз. Лекин ёвуз кимса томонидан айбсиз одамга қарши фитнанинг амалга оширилиши Тангри наздида ҳам энг катта қабиҳлик бўлиб кўриниши керак. Чунончи, қуйидаги машҳур саволларга қайтиш адолатдандир: «Агар Тангри мавжуд бўлса, ёвузлик қаердан пайдо бўлади? Агар Тангри йўқ бўлса, эзгулик қайдан келади?»

\* \* \*

Ёмонлик жазосиз қолмайди. Ҳолбуки, бу иллатга эга бўлишнинг ўзиёқ – энг биринчи жазо.

\* \* \*

Имкон туғилган ерда ишонч ва тафаккурни бирлаштиринг.

## ФОРОБИЙ

*(Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон  
ибн Ўзлуғ ал Форобий ат-Туркий)*

(870–950)



Буюк аждодимиз Форобий Арис дарёси сувининг Сирдарёга қўйилиш ерига жойлашган Фороб қишлоғида туғилиб ўсди.

Форобийнинг ёшлиги араб халифалиги пойтахти Бағдод шаҳрида кечди. У бу ердаги маданий муҳитдан нафас олиб, олимлар билан яқиндан танишди. Шунингдек, фалсафа илмидан сабоқ олди. Форобий Арастунинг ҳамма асарларини битта ҳам қолдирмай ўқиб чиқди. Натижада Форобийда Арастунинг ғояларини енгиллик билан тушуниб, унинг ўз олдига қўйган вазифалари ва ўйлантирган муаммолари кўламини ҳис этиш кўникмалари пайдо бўлди. Айтишларича, Форобий Арастунинг «Жон ҳақида» деб номланган асарига ўз қўли билан: «Мен бу асарни 200 марта ўқидим», – деб ёзиб қўйган экан.

Манбаларда ёзилишича, Форобий дастлаб қозилик қилган. Лекин кейинчалик ҳақиқатни излаб топиш умидида давлат ишлари ва қисман мударрислик билан машғул бўлади. Бир куни яқин кишиларидан бири Форобийга бир қанча китобни омонатга топшириб кетади. Бу китобларнинг ичида Арастунинг бир қанча асарлари ҳам бор эди. Форобий бўш вақтларида ана шу асарларни бир чеккадан ўқишга киришади. Айнан ана шу мутолаа унинг қозиликни ташлашига сабаб бўлади. Бу

тасодиф Форобийнинг тақдирида муҳим ўрин тутди ва у буюк олимлик мақомига етишади. Баъзи маълумотларга қараганда, Форобий Арастунинг «Табийий уйғунлик» асарини 40 марта, «Риторика» асарини 200 марта ўқиб чиққан.

Форобийга Арастудан кейинги «Иккинчи устоз» деб ном берилган. Чунки у худди Арасту каби илм оламининг деярли барча жабҳаларига оид қарашларини мунтазам равишда баён этиб борган. У буюк шоир ҳам эди.

Форобий 950 йилда ҳаётдан кўз юмди ва Дамашқ шаҳрида дафн этилди.

\* \* \*

Форобий шундай ёзади: «Агар салтанат ҳар қандай талабга жавоб берса-ю, аммо уни донишмандлик тарк этса, мамлакат ҳукуматсиз қолди, деяверинг. Бу мамлакатни бошқарувчи ҳукмдор ҳам ўз мавқеини буткул йўқотади. Мамлакат эса ҳалокатга юз тутди».

\* \* \*

Агар ҳукмдор одамларни ўзига бўйсундириш, итоат эттириш, уларни буткул ўз измига солиб, нима истаса, нимани буюрса, шуни сўзсиз бажо келтиришлари учун жанг қилса, бу адолатсиз курашдир. Агар ҳукмдор кимдандир устун туриш мақсадида жанг қилса, бу ҳам адолатсиз уруш ҳисоблангусидир. Борди-ю, ҳукмдор кимнидир ёки кимларнидир ўз ғазабини қондириш ёхуд шунчаки ҳузурланиш учун ўлдирса, бу ҳаракат ҳам адолатсизлик саналади.

\* \* \*

Фуқаролар билан мулоқот усуллари ва уларга таъсир ўтказиш йўллари содда ва тушунарли бўлмоғи лозим. Акс ҳолда одамлар ҳукмдорни тушунмайди-

лар ёки унинг талабини бажаролмайдилар. Ҳукмдорлар дорини беморнинг севимли ва кўп тановул қиладиган таомига қўшиб ичирадиган маҳоратли табибга ўхшамоқлари лозим. Зеро, меҳру муҳаббат ва рағбатлантиришлар фуқаролар билан муомаланинг энг асосий усулидир.

\* \* \*

Ҳукумат раҳбаридида қуйидаги 12 та туғма сифатлар жам бўлмоғи жоиз: хушбичимлик, фаҳм-фаросатлилик, ўткир хотира, идроклилик, сўзга чечанлик, илмга чанқоқлик, ҳар бир ишда меъёрни сақлай билиш, ҳалолликка муҳаббат ва ёлғонга нафрат, олижаноблик, бойликка нафрат, адолат-парварлик, қатъийлик.

\* \* \*

Бир куни Форобийдан сўрадилар:

– Кимнинг билими кучлироқ: сеникими ё Арастуникими?

Форобий шундай жавоб қайтарди:

– Мен ўша замонда яшаб, у билан учрашганимда ва унинг қўлида таҳсил олганимда эди, унинг энг яхши шогирдлари сафидан жой олган бўлардим.



## АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ

(Тахминан 934–1024 йиллар)

Буюк шоир Абулқосим Фирдавсий Хуросон вилоятининг Тус шаҳрида камбағал оилада дунёга келди.

Фирдавсий кенг қамровли ва чуқур илм эгаси бўлиб етишди. Шу боис уни «ҳаким», «донишманд» деб улуғлаганлар. Шоир ижодининг айна гуллаган даврида Фазна шаҳрида (ҳозирги Афғонистон ҳудуди) – турк султони Маҳмуд Фазнавий саройида яшаб, ижод қилди.



Фирдавсий Маҳмуд Фазнавийга бағишлаб машҳур «Шоҳнома» асарини ёзди. Лекин бу асар Маҳмуд Фазнавий томонидан етарли қадрланмади.

Ривоят қилишларича, султон Фазнавий Фирдавсийнинг ёзилажак «Шоҳнома» асарининг ҳар бир байти учун биттадан олтин танга беришни ваъда қилади. 60 минг байтдан иборат асар тайёр бўлгандан кейин эса Фазнавий ваъдасидан қайтади. Фирдавсийга Фазнавий карвон орқали бериб юборган тангаларнинг ҳаммаси кумуш бўлиб чиқади. Бундан қаттиқ ранжиган шоир тангаларнинг бир қисмини карвондагиларга, бошқа қисмини ҳаммолларга улашади. Тангаларнинг қолган ҳаммасига эса яхна ичимликлар сотиб олади. Унинг бу ҳаракатлари ҳукмдорга қарши норозиликнинг яққол ифодаси эди. Султон Фазнавий шоирни филнинг оёқлари остига ташлаб, жазолаш ҳақида фармон беради. Фирдавсий туғилган ерини ташлаб, мусофирликда ҳаёт кечиришга мажбур бўлади.

\* \* \*

Ғам-қайғу ҳам, ҳузур-ҳаловат ҳам ақлдандир.  
Улуғворлик ва бузилиш ҳам ақлдандир.

\* \* \*

Сен донишманднинг мана бу сўзларини тинглаганмисан? У ҳақиқатсеварларга шундай таълим беради: «Ўйламасдан қадам босиб, хатога йўл қўйган кас пушаймон бўлади. У донолар наздида аҳмоққа, яқинлари наздида бегонага айланади».

\* \* \*

Оламда энг аввал инсон ақли яралган. Ақл қалб посбонидир. Ақл яна уч қўриқчи: тил, кўз, қулоқнинг устидан ҳам посбонлик қилгувчидир. Зеро, эзгулик ва ёвузлик айнан ана шу уч аъзо орқали қалбга кириб боради.

\* \* \*

Не сабабдан узоқ умр кўрмоқ тилайсан? Биласан-ку, барибир олам сирларини ҳеч қачон англаб ета олмайсан.

\* \* \*

Ёвузлик ҳукмрон бўлган саройнинг қонуни шундай: ё сен эгарда ўлтирурсан, ё сенга эгар ўрнатурлар.

\* \* \*

Кўҳна олам удуми шундай: сирлар денгизида сузаверамиз-у, лекин ҳеч қачон қирғоқни кўролмаймиз.

\* \* \*

Донишманд деди: «Очкўзлик ва муҳтожлик – мангу бедор икки иблис».

\* \* \*

Парвоз қанчалар юксак бўлса, қулаш шунчалик даҳшатлидир.

\* \* \*

Ақлли сўз дур-жавоҳирлару тож-тахтдан ҳам қимматлироқдир.

\* \* \*

Эй ҳукмдор, идрокли, сахий, адолатли бўл. Элнинг бахти ҳукмдорнинг бахтидир.

Эй ҳукмдор, ёлғонни тож-тахтга яқинлаштирма. Доимо ҳақиқат йўлини тут.

Эй ҳукмдор, эзгу ишлар учун маблағни аяма. Юрагингга бир лаҳза ҳам қўрқувни йўлатма. Акс ҳолда қўшни шоҳ дадилланиб, бош кўтаргай. Бу серкулфат ҳаётда доно ва бардам бўл. Юз берган ҳар бир ҳодисага муносиб баҳо бера бил. Яна шуни билгилки, ким осмон қадар бағри кенг, сахий бўлса, ўша султонликка лойиқдир. Нодон маслаҳатчилардан сақлан. Тубан кишиларнинг сўзларига қулоқ осма: уларнинг юрагида ҳасад мужассам. Сирингни ҳатто энг яқин одамингга ҳам айтма, акс ҳолда кулфатларнинг кети кўринмай қолур. Ўзини ҳаммадан устун кўювчиларни машваратга яқинлаштирма.

## АЛ-МААРРИЙ АБУЛ АЛА

(979–1057)



Ал-Мааррийнинг асл исми Аҳмад бўлиб, Суриянинг Маарра шаҳрида туғилиб ўсган. Аҳмаднинг отаси қозилик вазифасида хизмат қилган. Аҳмадда гўдаклик чоғиданоқ ноёб қобилиятлар намоён бўла бошлаган. У уч ёшида ўқишни ўрганиб, шеърлар ёд олган, тўрт ёшида чечак касалига чалиниб, кўзлари кўрмай қолган. Ал-Мааррий 20 ёшга етганда деярли барча фанларни пухта эгаллаган, бир

нечта фалсафий ҳамда шеърый асарлар тўпламини яратиб улгурган. Аҳмаддаги истеъдод ва ҳақиқатсеварлик уни пойтахтга – Бағдод шаҳрига етаклайди. Мааррий бир дўстига ёзган мактубида шундай деганди: «Қасам ичиб айтаманки, Бағдодга мен бойлик орттириш ва машҳур кишилар билан учрашиш учун келмадим. Мен бу илм меҳварига келиб, унинг ўзим учун номаълум дурдоналаридан баҳраманд бўлишни орзу қилгандим». Аҳмад тез орада ўз ижоди билан Бағдодда шуҳрат қозонди.

Унинг асарларини одамлар қўлма-қўл қилиб ўқий бошладилар. Қисқа фурсатда истеъдодини муносиб кадрловчи дўстлар орттирди. Шоир 79 ёшида вафот этди. Унинг ўлимидан чуқур қайғуга ботган 84 нафар шоирлар марсиялар, ғазаллар битишди. Ҳозирги кунда Ал-Мааррийнинг қабри устида мақбара бунёд этилган. Ҳануз бу ердан одамларнинг қадами узилмайди.

\* \* \*

Кўпчиликка мавжудликнинг маъносини қабр  
англатади. Мени эса ҳаётсеварлик хароб қилди.

\* \* \*

Эҳтиросларни ким жиловлай билар,  
Давру даврон оша бизни етаклар.

\* \* \*

Баъзан яқинларинг ҳам бегоналар каби қалбингни  
яралайди. Шундай дамларда Аллоҳдан мадад кут.

\* \* \*

Хотиржамлик ёр бўлган кишиларга ҳеч қачон  
ҳавас қилма. Зеро, уларнинг умри ҳам чегараланган  
ва биз ҳаммамиз тасодифларга бўйсунамиз.

\* \* \*

Яхшилик қилиш қанчалик қийин бўлса, тубан-  
ликка юз тутиш шунчалар осон.

\* \* \*

Бир пайтлар қалбимга олтиндан тамга қўйдим,  
Бугун сукут сақлашни мен олтинга йўйдим.

\* \* \*

Ақлига умидсизлик соя ташлаган одам ўткинчи  
нарсадан имкон излайди.

\* \* \*

Тиланганга сўнгги тангангни бергил,  
Берганинг оламини айланар, кўргил.

\* \* \*

Бизга не аталган айтиб бўлмағай,  
Токи тақдир юки устун келмағай.

\* \* \*

Фарзанд кўрдим деб, уни ўлимга юзлатар,  
Фарзанд ноқобил бўлиб, бир умр бўзлатар.

\* \* \*

Лаганбардор, хушомадгўй бўлса ким,  
Дўстликни товоқда келтирурлар жим...

\* \* \*

Тақдир, менга дўст бўлақол, деб бўлмас,  
У сенга ҳеч қачон ўтрилиб кулмас.

\* \* \*

Эй муқаддас замин, йиғла, йиғи келганда,  
Қашшоқлар ҳақорат... бой шарманда қилганда.

\* \* \*

Тилини тийса ким безгакликда ҳам,  
Бахт унга тез кунда бўлғуси ҳамдам.

\* \* \*

Хатоларинг оёғинг остида қумдир.  
О, тавба-тазарруга етарми умр...

\* \* \*

Мен инсоний ахлоқнинг асл моҳиятини англаб ет-  
дим. Бу қимматбаҳо неъмат сукут сақламоқликдир.

**ИБН СИНО АБУ АЛИ ҲУСАЙН ИБН**  
(Абдулла ибн Ҳасан ибн Али ибн Сино)

(980–1037)

Буюк ҳаким, олим ва файласуф ибн Сино Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида туғилди. У 19 ёшга тўлганда она шаҳри Бухорони қорахонийлар босиб олдилар. Босқинчилар шаҳарни буткул вайрон қилиб, кўплаб маданий бойликларни йўқотиб юборишди. Бу вақтга келиб, ибн Сино



истеъдодли ҳаким ва файласуф сифатида танилиб улгурганди. Кўп ўтмай Шарқда уни «Шайх ар-раис», яъни «Донишмандлар етакчиси» деб атаётганлар.

Ибн Сино жуда кўп мутолаа қиларди. У илм чўққиларига мустақил ўқиб-ўрганиш йўли билан етиб борди. Бу ҳақда алломанинг ўзи шундай ёзади: «Ўн ёшимда Куръонни ўргандим, бадий адабиётларни ўқиб чиқдим. Кейин мантиқ илмига оид китобларни мутолаа қилиб, мустақил равишда бу илмнинг назик қирраларини ўзлаштира билдим. Шундан сўнг тиббиёт илмига мурожаат қилиб, кўплаб китобларни ўқишга тутиндим. Қисқа вақт ичида менинг тиббиёт соҳасидаги билимларим ва даволаш санъатим шундай сарҳадларга етдики, ўша даврнинг энг ҳурматли ҳакимлари менинг ҳузуримга маслаҳат сўраб кела бошладилар. Мен ҳакимлик амалиёти билан ҳам тинмай шуғулландим ва ниҳоят менга инсонларни даволаш илмининг дарвозалари кенг очилди. Бу вақтда эндигина 16 ёшга тўлгандим. Ана шу ёшимда тунлари

уйқу, кундузлари ҳаловат нелигини билмай фақат илм билан машғул бўлдим, инсон табиати ўз билимларини мустаҳкамлаш ва илм йўлида олға боришга қай даражада қодир бўлса, мен ҳам шу даражада ҳаракат қилиб, тер тўқдим».

\* \* \*

Ибн Синонинг фалсафий жиҳатдан шаклланиши осон кечмади. У бир тасодиф туфайли фалсафа оламига кириб борди. Бу ҳақда ўзи шундай ёзади: «Арастунинг «Метафизика» асарини ўқиб чиқдим. Аммо муаллифнинг мақсади мен учун жумбоқлигича қолаверди. Асарни то ёд бўлгунча қайта-қайта ўқидим. Лекин барибир ҳеч нарсага тушунмадим. Шундан сўнг бу тушунарсиз асар экан деган хулосага келиб, уни ташлаб қўйдим. Бир куни муқовасозлар бозоридан ўтаётиб, бир савдогарнинг ўз китобларини мақтаётганини эшитиб қолдим. Дўконга яқин бордим. Савдогар менга китоблардан бирини кўрсатди. Бу Абу Наср Форобийнинг «Метафизиканинг асосий қоидалари» деб номланган асари эди. Мен жаҳл аралаш бу тушунарсиз илмдан ҳеч қандай фойда йўқлигини айтиб, китобни рад этдим. Сотувчи эса қўярда-қўймай китобни арзон баҳода сотиб олишга ундарди. Ахийри китобни бор-йўғи уч дирҳамга сотиб олдим. Уйга қайтиб, китобни мутолаа қилишга киришдим: у менга ўз сирларини очди ва мен фалсафага оид барча саволларимга жавоб топдим».

\* \* \*

Донишмандлик бизга ҳаёт сўқмоқларида улур саодатни ҳозирлаб инъом этувчи воситадир.

\* \* \*

Барча фанларнинг асосий қонун-қоидалари метафизикага асосланади (метафизика табиатдан ташқа-



ридаги ҳодисалар ҳақидаги фан). Гарчи уни энг кейин ўргансалар-да, аслида у биринчи ўринда туради.

\* \* \*

Руҳ – абадий. У жисм бўлгандан кейин ҳам мавжуд бўлиб қолаверади.

\* \* \*

Руҳ – жисмга боғлиқ бўлмаган равишда мустақил фикрлайди.

\* \* \*

Тириклик жисмнинг идрок ва ҳаракатга эга бўлмоғи демакдир.

\* \* \*

Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир. Шу боис мантиқ илмини ўрганмоқ жуда муҳим.

\* \* \*

Ҳақимнинг уч қуроли бор: сўз, гиёҳ ва тиф.

\* \* \*

Ёлғизлик ҳалокатга олиб келади. Зеро, инсон ўзига керакли нарсаларни фақат жамият ёрдамида қўлга киритиши мумкин.

\* \* \*

Чала билим эгаси бўлишдан кўра, билимсизлик афзалроқдир.

\* \* \*

Руҳ – шамчироққа, билим – ана шу шамчироқдан таралаётган ёғдуга, Аллоҳнинг закоси – мойга ўхшайди. Шамчироқ ёнишдан тўхтамас экан – сен тириксан. Агар у ўчса – сен ҳалок бўласан.

## УМАР ХАЙЁМ

(1048–1131)



Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Хайём Нишопур шаҳрида, бадавлат ҳунарманд оиласида туғилиб, вояга етди. Унинг лақаби Хайём бўлиб, бу сўз «чодир тикувчи» деган маънони англатади. Умар Хайём тили аччиқ, баджаҳл одам бўлган. У ўз шеърларини форс тилида, насрий асарларини эса араб тилида битган. Хайём ўзининг рубойлари билан ном қозонган. Унинг тахминан 400 та рубойси мавжуд бўлиб, шулардан 293 таси Кембриж дорилфунунининг кутубхонасида сақланади.

Умар Хайём, шунингдек, «Евклид китобларига шарҳлар», «Арифметика муаммолари», «Донишмандлик тарозиси», «Маликшоҳнинг фалакиёт жадвали» (Умар Хайём бу жадвални Исфahондаги расадхонада ишлаган вақтида тузиб, уни Эрон шоҳи Маликнинг исми билан атаган), «Борлиқ ва бурч ҳақида қайдлар» каби илмий асарларнинг ҳам муаллифидир.

Умар Хайём қомусий олим эди. Унинг 600 йилдан сўнг аниқланган математик формулалари мавжуд. Хайём, шунингдек, 11 ёшли шаҳзодани даволаган ҳаким, Қуёш ва Ой тутилишини, об-ҳаво қандай бўлишини аввалдан айтиб берувчи мунажжим ҳам эди. Бухоро ҳукмдори Умар Хайём билан суҳбат чоғида юксак ҳурмат-эътиборининг белгиси сифатида уни доимо ўз ёнига – тахтга ўтқазган.

\* \* \*

Аллоҳ барча нарсаларни бир йўла эмас, балки пасайиб борувчи занжирсимон тартибда яратган, – деб ёзади Умар Хайём.

\* \* \*

Инсонлар ва мавжудотлар дунёга келадилар-у, сўнг яна қайтиб кетадилар. Хўш, улар қайдан келадилар ва қайга кетадилар? Ҳокими Мутлақ табиатни яратиб, тартибга солади-ю, сўнг нега унга талафот етказди? Агар сабаб табиатнинг яроқсизлигида бўлса, бунинг учун ким айбдор? Агар табиат яхши бўлса, у ҳолда уни вайрон қилишнинг сабаби нимада?

\* \* \*

Умар Хайём ҳаёти ва тақдири акс эттирилган энг кўҳна қўлёзмаларда унинг ўлими билан боғлиқ қизиқ бир маълумот баён этилган. Бир куни 83 ёшли Хайём ибн Синонинг фалсафага оид асарини мутолаа қила туриб, паймонаси тўлганини, ўлими яқинлигини ҳис этади. Ўша заҳоти мутолаадан тўхтаб, асарнинг ўқиб бўлинган саҳифасига қўлидаги олтин тиш кавлагичини қўйиб китобни ёпади. Сўнг ўрнидан туриб яқинларига васиятларини айтади-да, шу ондан бошлаб ейиш-ичишни тарк этади. Шом намозидан сўнг у саждага бош қўяди-да, Яратганга шундай илтижо қилади: «Аллоҳ! Мен кучим етганча Сени англашга ҳаракат қилдим. Қанчалар англаганим сайин Сенга яқинлаша бордим. Кечир мени!» у шу сўзларни тугатиб, ҳаётдан кўз юмади. Шоир ва олим Умар Хайём Нишопурдан Марвга олиб борадиган йўл бўйига, шафтолизор ва нокзордан иборат боққа дафн этилади. Унинг қабри ҳозиргача сақланиб қолган.

\* \* \*

*Бор эди кулол дўкони, кирдим бир гал,  
Дастгоҳ бошида кўзагар ишларди жадал.  
Кўрдимки, гадо илкую шоҳ калласидан,  
Ул кўзага бежирим бўйин, даста ясар...*

\* \* \*

*Ёшдир-қаридир, жаҳонга юз тутгайлар,  
Бу нуқтани то кўнгилга жо этгайлар.  
Ҳеч кимсага қолмагай абад мулки жаҳон,  
Келдик, кетамиз, боз келиб-кетгайлар...*

\* \* \*

*Кун ўтса кунингдан, сен уни ёд этма,  
Ҳам келмаган ул эртага фарёд этма,  
Бу келмаган-ўтган била бунёд этма,  
Хўп хайр дегил, умрни барбод этма.*

\* \* \*

*Асрори азални сану ман билмасмиз,  
Бу ҳарфи чигални сану ман билмасмиз,  
Ҳар нечаки сўзладик, дедик парда оша,  
Чу пардаки тушди, сану ман билмасмиз...*

\* \* \*

*Авлоди башар бўйида жигарпора эмиш,  
Шодлик била гам кўйида овора эмиш,  
Сен чархга умид боғлама, ул чархи фалак,  
Сендан-да гариб эрмишу бечора эмиш.*

\* \* \*

*Билгаймисан, аё, саҳарларда хўроз,  
Фарёд этарда сенга не сўйлар роз?  
Ул дерки, аён бўлди саҳар кўзгусида  
Тун ўтди умрдан, беҳабардирсан боз...<sup>1</sup>*

---

<sup>1</sup> Рубойларни Жамол Камол таржима қилган.

## АБУ ҲАМИД МУҲАММАД АЛ ҒАЗЗОЛИЙ

(1058–1111)

Файласуф ал Ғаззолий Тус шаҳрида туғилиб ўсди. Жуда ёшлик чоғиданоқ олимлик поғонасига кўтарилди. 1091 йилдан бошлаб у Бағдоддаги машҳур Низомий мадрасасида талабаларга фалсафа ва илоҳиёт илмидан сабоқ берди. У 34 ёшида кучли руҳий инқирозни бошидан кечирди. Шундан сўнг ҳақиқатни файласуфлар белгилаган йўлдан топа олмаслигини тушуниб, мударрисликни ташлади ва мустақил равишда тасаввуф илмини ўрганишга киришди. Орадан 11 йил ўтгач, имом Ғаззолий яна мадрасага қайтиб, талабаларга таҳсил бера бошлайди. У бутун умрини ҳақиқатни одамларга тушунтириш ва адашганларни тўғри йўлга қайтаришга бағишлади.



Ғаззолийнинг фалсафа, тасаввуф илмига оид асарлари жуда ёрқин, равон ва тушунарли услубда битилган. Куйида унинг ана шундай асарларидан баъзиларини санаб ўтамиз: «Файласуфларнинг мақсадлари», «Файласуфларнинг раддияси», «Дин ҳақидаги фаннинг туғилиши», «Олам жавони» ва ҳ.к.

\* \* \*

Имом Ғаззолий жуда кўпни кўрган, ўқиган ва билган зот бўлишига қарамай, уни фақат араб шоири Лабиднинг мана бу мисраси завқлантирган: «Аллоҳдан ўзга ҳаммаси ёлғон эмасми?»

\* \* \*

Ақоид илмининг билимдонларидан бири Суютий Имом ал Ғаззолий ҳақида шундай ёзганди: «Агар Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин яна бир пайғамбар дунёга келиши мумкин бўлганда, бундай саодат шубҳасиз ал Ғаззолийга насиб этарди».

\* \* \*

«Аллоҳни англашдан аввал ўзни англамоқ жоиз», – дейди Ғаззолий.

\* \* \*

Кўрган нарсангнигина қабул эт, эшитганларингни унут: Куёш бош кўтаргач, Зуҳални томоша қилишдан бизни маҳрум қилади.

\* \* \*

Шубҳа ҳақиқатга олиб борувчи йўлдир. Ким шубҳаланмас экан, ҳеч нарсани кўра олмайди. Кўришдан маҳрум одам эса тушунолмайди. Тушунидан маҳрум кимса мисоли сўқир каби йўлдан адашади.

\* \* \*

Авалло шуни тушуниб олиш жоизки, Аллоҳ ҳақидаги бор ҳақиқатни ва Унинг улуғвор моҳиятини фақат Аллоҳнинг Ўзигина билади. Бундан ҳайрон бўлмаслик жоиз: фаришталар ҳақидаги ҳақиқатни фаришта, пайғамбарлар тўғрисидаги ҳақиқатни пайғамбаргина била олади. Ҳатто шогирд то устозининг даражасига етолмас экан, уни чинакамига тушунолмайди. У устозининг даражасига етгандан кейингина ўзини устози каби англай бошлайди...

\* \* \*

Тирик мавжудотларнинг қуйи даражадаги турлари: чумоли ва чивинларни ҳам фақат чумоли ҳамда чивинларгина англай олади. Афсуски, фақат ин-

сонгина ўзи ҳақида ҳақиқий билимга эга эмас. Биз ўзимизни фақат сиртдан – у ёки бу қилмишимиз ва ташқи қиёфамиз орқали биламиз. Руҳий моҳиятимизни билишга уринмаймиз.

\* \* \*

Пайғамбаримиз шундай дегандилар: «Уч нарсадан: шубҳа-гумондан, ёмон хаёллардан ва ҳавасдан ҳеч ким қутулолмайди. Мен сизга улардан халос бўлиш йўлини айтаман. Агар гумонсирасанг текширма, ёмон хаёллар келса, улардан қоч, ҳавасинг келган нарсага эга бўлиш истагидан ўзингни тий».

\* \* \*

Пайғамбардан сўрадилар: «Халқларнинг кулфатига нималар сабаб бўлади?» У зот шундай жавоб қайтардилар: «Манманлик, гердайиш, такаббурлик, рақобат, тарқоқлик ва ҳасад халқларга кулфат келтиради. Ана шулар туфайли аввал халқлар ўртасида ажралиш юз беради, сўнгра тартибсизлик бошланади».

\* \* \*

Учта олам мавжуддир: уларнинг бири зоҳирий, иккинчиси ботиний олам бўлса, ҳар иккисининг орасидан яна бир олам – руҳий олам ўрин олган.

\* \* \*

Буюк ва қудратли Тангри барча бандаларига муурожаат қилиб: «Илми сизларга оз миқдорда бердим», деди.

Дарвоқе, оламдаги барча тафаккур эгалари йиғилишиб бош қотирганда ҳам лоақал Унинг чумоли ва чивинни қай тариқа яратганига оид илми ва законсини англаб етолмайдилар, бу масаланинг ўндан бирини ҳам ечолмайдилар. Инсон фақат Аллоҳ буюрган илмнигина эгаллашга қодир.

## ХҲЖА АҲМАД ЯССАВИЙ

(1103–1166 йиллар)



Хўжа Аҳмад Яссавий – турк тилида ижод қилган энг биринчи сўфий шоир, яссавия тариқатининг асосчиси. У 1103 йилда Туркистоннинг Ясси шаҳрида туғилган. Баъзи тарихий манбаларда ёзилишича, Яссавий Сайрам шаҳрида таваллуд топган.

У гўдаклигидаёқ онасидан, 7 ёшида отасидан ажралган ва буваси Арслон бобо қўлида тарбия олган. Аҳмад Яссавий дастлаб Яссида, кейинчалик Бухорога бориб, мадрасада мутасаввуф Юсуф Ҳамдонийдан таълим олади. Устози вафот этганидан кейин эса, бир оз вақт Бухорода унинг ишини давом эттиради. Сўнг Бухоро шайхлигини Абдулҳолиқ Гиждувонийга топшириб, Ясси шаҳрига қайтади. У ерда хонақоҳ очиб, муридлар тўплайди ва уларга таълим беради. Аини пайтда турк тилида шеърлар ижод қила бошлайди. Бизга қадар алломанинг «Девони ҳикмат» номли шеърый тўплами етиб келган. Мазкур асарда инсоф, адолат, ҳалоллик ва тўғрилиқ тарғиб этилган. У тасаввуф ғояларини биринчилардан бўлиб туркийлар орасига ёйиб, ўз ғояларини оддий халққа жуда яқин ва содда услубда баён этган. Шу сабабли ўтмишда унинг ҳикматлари халқ орасида кенг оммалашиб, инсонларнинг маънавий-маърифий камолоти йўлида хизмат қилган.

Ривоят қилишларича, Аҳмад Яссавий 63 ёшга, яъни Пайғамбар ёшига етгач, ертўлага кириб, умрининг сўнгги йилларини тоат-ибодатда ўтказган. Баъзи ривоятларга кўра у 133 йил умр кўрган.



Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Аҳмад Яссавий қабрига сағана қурдирилган бўлиб, мўғуллар босқини даврида вайрон этилган. Яссавий вафотидан кейин 223 йил ўтиб, шахсан Амир Темур фармони билан аллома қабри узра «Ҳазрат Султон» мақбараси бунёд этилди. Яссавий тариқати мактаби шайхлари эса XIX асрда ҳукмронлик қилган Бухоро амирлари саройида шарафли мартабага эга бўлганлар.

\* \* \*

*Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,  
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб, гумроҳ бўлур.  
Нафсинг сени охир дамда гадо қилгай,  
Дин уйини горат қилиб, адо қилгай,  
Оқил эрсанг нафси баддин бўлгил безор.*

\* \* \*

*Қайда кўрсанг кўнгли синуқ маҳрам бўлгил,  
Андоқ мазлум йўлда қолса, ҳамдам бўлгил.*

\* \* \*

*Нафсдан кечиб, қаноатни пеша қилгон,  
Ҳар ким топса, рози бўлуб, бўйин сунгон.  
Яхшиларга хизмат қилиб, дуо олгон,  
Андоқ ошиқ маҳшар куни армони йўқ.*

\* \* \*

*Банда бўлсанг манманликни зинҳор ташла,  
Саҳарларда жонинг қийнаб тинмай ишла,  
Йўлдан озгон гумроҳларни йўлга бошла,  
Бир назарда дилларини сафо қилдим.*

\* \* \*

*Хайфи одам ўз қадрини ўзи билмас,  
Манманлик қилиб, яхшиликларни кўзга илмас.*

\* \* \*

Хайру сано қилгонлар, етим кўнглин олгонлар,  
Чаҳор ёрлар ҳамроҳи кавсар лабинда кўрдим.  
Омил бўлгон олимлар, йўлга кирган осийлар,  
Андоғ олим жойини доруссаломда кўрдим.

\* \* \*

Муфти бўлгон олимлар, ноҳақ фатво берганлар,  
Андоғ муфти жойини сирот кўфруғда кўрдим.  
Залим бўлиб зулм этган, етим кўнглин оғритган  
Қаро юзлуг маҳшарда қўлин орқада кўрдим.

\* \* \*

Бешак билгил бу дунё барча халқдин ўтаро,  
Инонмагин молинга, бир кун қўлдин кетаро.  
Ота, она, қариндош қаён кетти, фикр қил,  
Тўрт оёғлиг чўбин от бир кун санга етаро.  
Дунё учун гам ема, ҳақдин ўзгани дема,  
Киши молини ема, сирот узра тутаро.  
Аҳли аёл қариндош, ҳеч ким бўлмайдур йўлдош,  
Мардона бўл гариб бош, умринг елдек ўтаро.

\* \* \*

Ҳақиқатнинг маъносига еткан киши,  
Беҳуд бўлиб, куюб-ёнар ичи – тоши.

\* \* \*

Муҳаббатнинг богин кезмай ошиқ бўлмас,  
Хорлик, зорлик тортмагунча нафсинг ўлмас,  
Бир қатрага қонё бўлмай, ул дур бўлмас,  
Қонё бўлуб хос гавҳарин олдим мано.

\* \* \*

Нодон бирла ўткан умринг нори сақар,  
Нодон борса, дўзах андин қилгай ҳазар,

*Нодон бирла дўзах сори қилманг сафар,  
Нодон ичра хазон янглиг сўлдум мано.  
Дуо қилинг, нодонларнинг юзин кўрмай,  
Ҳақ таъоло рафиқ бўлса, бир дам турмай,  
Бемор бўлса, нодонларнинг ҳолин сўрмай,  
Нодонлардан юз минг жафо кўрдим мано.*

*\* \* \**

*Чин ошиқни Аллоҳ суюб, бандам деди,  
Ора йўлда қолмасун деб, гамим еди,  
«Ёлгончилар дийдоримни кўрмас» деди,  
Ишиқ бобида маҳкам бўлуб турдум мано.*

*\* \* \**

*Оқил эрсанг, гўристондин хабар олғил,  
Ман ҳам шундоғ бўлурман, деб ибрат олғил,  
«Муту қабла ан тамуту»га амал қилғил,  
Бу ҳадисни фикр айлабон ўлдим мано.*

*\* \* \**

*Нафс шайтони асир қилди одам ўглин,  
Шутурлайин боғлаб олди икки қўлин,  
На мушкулдур ўнг сўлни, билмай йўлин,  
Во дариго, ҳасрат билан борғум мано.*

*\* \* \**

*Оқил эрсанг гарибларнинг кўнглин овла,  
Мустафодек элни кезиб, етим ковла,  
Дунёпараст, ножинслардан бўйун товла,  
Бўйун товлаб, дарё бўлуб тоштим мано.*

## ЧЖУ СИ

(1130–1200)

Хитойлик файласуф Чжу Си (лақаби Юан хуэй, умрининг сўнгги йилларида Чжу Хуй-ан тахаллу-сини олган) Хуйчжоу вилоятининг Юан туманида туғилиб ўсди. У жуда кўп китоб ўқиш асносида Конфуций ва унинг издошлари томонидан битилган барча мумтоз қонунларни қунт билан ўрганди. Табиийёт илмининг билимдони бўлиб етишди.

Чжу Си ҳаётининг кўп қисмини давлат хизматига бағишлади. Аввал Чжангчжоу вилоятининг ҳоқими, сўнгроқ Цзянлин музофотининг ҳукмдори бўлди. Шунинг билан бир қаторда император фармойишларини ёзиш билан шуғулланди.

1196 йилда Чжу Си ҳасадгўйлик, ифво, тубанлик ва сарой «ўйин»ларининг қурбони бўлди. Натижада ишдан четлатилди ва илм даргоҳларида унинг таълимотини ўрганиш ман этилди.

Ўлимидан бир йил олдин Чжу Си оқланди ва аввалги лавозимига қайтишига ижозат берилди. Лекин файласуф аввалги хизматига қайтишни истамади.

\* \* \*

Аввал билим, сўнгра ҳаракат.

\* \* \*

Фақат икки нарса мавжуд: олий қонидани англамоқ ва уни ҳаётга тадбиқ этмоқ.

\* \* \*

Чжу Си қарашларининг асосини ташкил этувчи умумий тушунчалар: «Ли» – нарсаларнинг пайдо бўлиш асосини белгиловчи, айти вақтда хатти-ҳаракат меъёрлари, асослари ва олий қонун-қонидани мужассам этувчи – қонун-тафаккур.

«Ци» – беш қисмдан иборат борлиқ: дарахт, олов, маъдан, сув, ер.

«Тайцзи» – «буюк сарҳад». Унга фақат савқи табиий (интуиция) орқали етишиш мумкин.

«Жен» – инсонпарварлик.

«И» – бурч.

«Чжи» – донишмандлик.

\* \* \*

Фалак ва замон пайдо бўлмасидан аввал фақат олий қоида ҳукм сурган. Сўнгра зарралар яратилган.

\* \* \*

Олий қоида ва зарралар – бир-бирига ўхшамайдиган икки нарса. Аммо улар ўзаро шундай қоришиб кетганки, бир-биридан асло ажратиб бўлмайди.

\* \* \*

Олий қоида ягона бўлса-да, аммо турли тарзда тарқалади. Масалан, буни шунга қиёслаш мумкин: осмондаги Ой битта. Лекин у қўллар ва дарёларда акс этиши натижасида беҳисоб Ой пайдо бўлади. Шунингдек, сувда кўринган ҳар бир аксда Ойнинг қайсидир бир қисми эмас, балки яхлит шакли намоён бўлади. Шу боис ўн минг – бирга, бир эса ўн мингга тенгдир.

\* \* \*

Бир-бирига қарама-қарши ҳодисаларнинг ҳар бири бир-бирини келтириб чиқаради. Зеро, Шарқ Фарбга қарши, Жануб Шимолга қарши жойлашган. Бирор нарса ёки ҳодиса йўқки, шу қоидага бўйсунмаса.

\* \* \*

Оламда олий қоидага бўйсунмайдиган нарса йўқ. Масалан, буғдой, гуруч, каноп, тарик доимо муайян бир муддатда экилади ва йиғиб-териби олинади.

\* \* \*

Олий қоидалар юракда яшайди. Юрак ўн минглаб олий қоидани қамраб олади ва ана шу ўн минг олий қоида биргина юракда жо бўлади.

\* \* \*

Кўзсиз оёқлар юролмагани ва оёқлар кўзсиз кўролмагани каби билим ва ҳаракат ҳам мудом бир-бирига муҳтож.

\* \* \*

Барча ҳаракатлар олий қоида ўзлаштирилгандан сўнг амалга ошади. Чунки олий қоидани тушунмай туриб бирор ишни амалга ошириб бўлмайди.

\* \* \*

Билиб туриб ҳаракат қилмаслик билимсизлик демакдир.

\* \* \*

Инсон юраги битта. Агар бу юракда олий Самовий қоида сақланиб қолса, инсоний хоҳиш-истаклар ғойиб бўлади. Аксинча, инсоний хоҳиш-истаклар ғолиб келса, олий Самовий қоида ҳалок бўлади. Олиму фузалолар юракдаги инсоний хоҳиш-истакларни буткул йўқотиб, унинг ўрнига олий Самовий қоидани мангу жо этмоқлари жоиз. Энг олий даражадаги комил донишмандларнинг минглаб доно сўзлари инсонларга олий Самовий қоидани тушуниб, тизгинсиз хоҳиш-истакларни бартараф этишни ўргатади.

\* \* \*

Агар инсон: «Пешонамга шундай ёзилган» деса-ю, бориб омонат деворнинг тагига туриб олса ва девор қулаб уни босиб қолса, буни тақдирга тўнкаб бўлмайди. Инсон ҳар бир ишнинг амалга ошиши йўлида кучи етганча, имкони борича ҳаракат қилгандан кейингина тақдир ҳақида гапиришга ҳақли.

## ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

(1207–1273)

Жалололиддин Румий Балх шаҳрида туғилиб ўсди. Уни баъзан Жалололиддин Балхий деб ҳам аташади.

Румий шеърининг барча шаклларида мукамал ижод қилди. У битган ғазаллар, рубоийлар ва маснавийлар шеърининг дурдонасига айланган. Румий асарларида ташбеҳларга ўралган фалсафий, сўфиёна, тегран ғояларга кенг ўрин берилган.



\* \* \*

Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил.

\* \* \*

Ўлимимдан сўнг мени қаро ердан эмас, маърифатли инсонларнинг қалбидан изланг.

\* \* \*

Эзгуликдан бир қалъа барпо айлангким, маҳкамликда анга ҳеч нарса тенг бўлолмас.

\* \* \*

Бу олам бир бору бир йўқ. Аста-аста кетганлар – йўқ, аста-аста келувчилар бор.

\* \* \*

Аё, сарв! Юксакларга интилмоқни бизга ҳам ўргат!

\* \* \*

Ай, ғунча! Ўзликни намоён этмоқни ўргат!

## УЗУМ ҲАҚИДА МАСАЛ

Бир-бирини тушунмаслик дўстни душманга айлантириши ҳақида Румийнинг шундай масали бор.

Турли тилда турлича айтилган бир сўз баъзан ўзаро низога сабаб бўлади. Турк, араб, форс ва юнон миллатидан бўлган тўрт нафар йўловчига бир сахий одам танга ҳады этади. Йўловчилар ўртасида тангани қандай сарфлаш борасида жанжал чиқади. Форсий тилда сўзловчи йўловчи шерикларига:

– Юринглар, бозорга борамиз-да, ангур<sup>1</sup> сотиб оламиз, – дейди.

– Эй фирибгар! – унинг сўзини бўлади араб. – Мен ангур эмас, эйнаб<sup>2</sup> ейишни хоҳлайман!

Туркий йўловчи эса уларнинг ҳар иккисига эътироз билдириб, шундай дейди:

– Биродарлар, нега шовқин кўтарасиз, балки бу пулга узум сотиб олармиз?

Юнонистонлик йўловчи эса:

– Қандай одамсиз ўзи. Келинлар, стафил<sup>3</sup> сотиб оламиз-да, маза қилиб еймиз, – дейди.

Шу тариқа тўрт йўловчи бир-бирини тушунмай, жанжаллашиб қоладилар. Аслида улар айнан бир нарсани иташарди.

Тўрт йўловчи билимсизлик, нодонлик туфайли бир-бирларини роса дўппослашди.

Агар уларнинг орасида юз тилни биладиган одам бўлганда бир сўз билан низога чек қўйиши мумкин эди.

---

<sup>1</sup> Ангур – форсийда узум маъносини англатади.

<sup>2</sup> Эйнаб – араб тилида узум маъносини англатади.

<sup>3</sup> Стафил – юнончада узум маъносини англатади.



## ДЕҲҶОН ВА ШЕР

Бир куни тунда шер деҳқоннинг офилхонасига кириб, сигирини ебди-да, ўша ернинг ўзида дам олгани чўзилибди. Деҳқон эса тунда уйғониб, шамни ҳам ёқмасдан сигиридан хабар олиш учун офилхонага йўл олибди. У офилхонага кирибди-да, пайпасланиб шернинг елкасини силабди. Шунда шернинг хаёлидан шундай сўзлар ўтибди: «Эҳ, икки оёқди нодон-а! У мени сигир деб ўйлади. Кундуз куни бўлганда мени кўриб, танамга қўл теккизиш уёқда турсин, қўрққанидан ўтакаси ёриларди!»

Эй доно одам, сен энг аввало нарсаларнинг моҳиятини бил, уларнинг алдамчи шаклига ишонма!

\* \* \*

Сўз – либос. Маъно шу либос остига яширинган сир.

\* \* \*

Кўзгуда ҳамма нарса тескари кўринади. Аммо биз кўзгусиз ўзимизни ҳеч қачон кўролмаган бўлардик.

Сен менга сўз ожиз, дединг. Агар ўзингни ҳақ деб билсанг, у ҳолда сўзнинг ожизлиги ҳақидаги сўзларинг ҳам ожиздир.

## РОЖЕР БЭКОН

(Тахминан 1214–1292)



Инглиз файласуфи, Париж дорилфунунининг илоҳиётчи олими доктор Рожер Бэкон Англиянинг жануби-ғарбидаги Дорсет графлигида туғилиб ўсди. У Оксфордда таълим олди. 1236–1247 йилларда Париж дорилфунунида дарс берди. 1277 йилда файласуф ибодатхона қамоқхонасига банди этилди ва

14 йил тутқунликда яшади.

Ҳикоя қилишларича, Рожер Бэкон Англия қироли Генрих III (1216–1272)ни олимларнинг душмани, манфур ва шафқатсиз кимса – епископ Пьер де Рошдан эҳтиёт бўлиши кераклиги ҳақида бир неча бор огоҳлантирган. Файласуф Винчестер епископининг исми шарифидан фойдаланиб, сўз ўйини қилади. Пьер де Рош лотинча Петрус де Рупибум, яъни «қоялар ва тик тоғлар» деган маънони англатади. Бундан хабардор Бэкон қирол Генрихга шундай савол билан мурожаат қилади:

– Жаноби олийлари, айтинг-чи, тошқин денгиз оша қирғоққа томон сузаётган кема учун энг хатарли ва қўрқинчли ров нима?

Қирол Генрих файласуфнинг саволига жавобан:

– Буни сайёҳлару сайёрлар яхши биладилар, – дейди.

Қиролнинг бу жавобидан Бэконнинг кўзлари мардона чақнаб, юраги гупиллаб уриб кетади ва қиролга ҳақиқатни айтишга жазм этади:

– Зоти олийлари, денгизда қоялар ва тик тоғлардан хатарлироқ ров йўқдир.

\* \* \*

Маълум бўлишича, телескоп ҳақидаги дастлабки қайдлар Р.Бэкон қўлёзмаларида ўз аксини топган. Араб оптикаси ютуқлари билан яхши таниш бўлган ва қуёш ҳодисасини шахсий тажрибасида кузатиб, «сеҳрли кристалл» (лупа) ёрдамида мутолаа қилган файласуф қуйидаги ҳаяжонли хулосаларини ёзиб қолдирган: «Мен сизга табиат ва санъатнинг ҳар қандай ғайритабиийликдан холи бўлган ҳайратли «ишлари» ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Шаффоф жисмларга ишлов бериш натижасида олисдаги нарсалар жуда яқин кўринади ва аксинча, биз узоқ масофадан митти ҳарфларни ўқиш ва кичик буюмларни илғаш, шунингдек, юлдузларни томоша қилиш имкониятига эга бўламиз».

\* \* \*

Токи жоҳиллик мавжуд экан, инсон ёвузликка қарши бирон чора тополмайди.

\* \* \*

Баён аниқ-равшан бўлмоғи лозим. Амалиётсиз ва тажрибасиз аниқликка эришиб бўлмайди. Қўлимизда билишнинг уч воситаси бор: обрў, фикрлаш ва тажриба. Модомики, тўғри эканлиги исботланмас экан, обрў ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, чунки у билим бермайди, мураса талаб қилади, холос. Биз фикрлаш асносида ҳақиқатни ёлғондан ажратамиз ва хулосамизни тажриба орқали текшираемиз. Тадқиқий фанлар бошқа фанлардан келиб чиқадиган хулосаларни текширади ва синайди ҳамда ўз кучига таяниб, табиат сирларини тадқиқ қилади.

\* \* \*

Инсон қўли билан яратилган ҳеч бир нарса мукамал эмас...

\* \* \*

Худо, фаришталар, у дунёдаги ҳаёт ва осмон жисмлари инсоннинг ақли ожизлик қиладиган, эгаллаши қийин бўлган илм манбаларидир. Улар қанчалик аъло даражада бўлса, биз учун шунчалар номаълумдир.

\* \* \*

Математика фалсафанинг энг аввал кашф этилган бўлагидир. Инсон пайдо бўлгандан сўнг биринчи бўлиб математика кашф этилган.

\* \* \*

Модомики, биз ўзга фанларда аниқликка интилиб, хатолардан холи бўлишга интиларканмиз, математика ҳар қандай илмнинг, фаннинг пойдеворига айланмоғи лозим.

\* \* \*

Бир гуруҳ олимлар тўғри услубга эга бўлмаганлари боис донишмандликнинг муҳим сирлари очилмасдан қолмоқда.

\* \* \*

Гарчи Арасту силлогизм (икки фикрни таққослаб, уларнинг натижаси бўлган учинчи бир фикрни чиқариш)ни билим манбаи сифатида тан олган эсада, шундай ҳолатлар бўладики, оддий тажриба ҳар қандай силлогизмдан кўра яхшироқ натижа беради.

\* \* \*

Инсонларга сезги орқали фикр юритиш асносида билиш лаёқати берилган. Демак, сезгиларсиз илм ҳам бўлмайди.

\* \* \*

Илм-фан илоҳиёт учун ҳам фойдалидир. Нуҳ алайҳиссалом кема ясаб, тўфондан қутулиб қолган. Бу улкан кемага Нуҳ алайҳиссалом ва унинг оиласи, ер юзидаги жамики тирик мавжудотларнинг ҳар биридан бир жуфти жо бўлган. Узунлиги 30 тирсакли кема қуйи, иккинчи ва учинчи ошёнадан иборат эди. Турган гапки, бундай кемани ҳандаса фанини билмай туриб ясаш мумкин эмас.

## АКВИНОЛИК ФОМА

(1225–1274)



Италиялик файласуф ва илоҳиётчи олим Фома Аквино яқинида жойлашган Рокка-секка қалъасида дунёга келди. Унинг отаси граф Ландолф Аквинский қирол Фридрих II саройида рицар бўлган.

Фома Неапол дорилфунунининг тайёрлов куллиётида фалсафа ва мантиқ илмини ўрганди. У 17 ёшида Парижга жўнади ва уч йил давомида ўз даврининг ниҳоятда машҳур олими Буюк Алберт фон Болштедт қўлида таҳсил олди.

Фома 1249–1251 йилларда устози Буюк Албертга эргашиб, Кёлен шаҳрига боради ва у ерда талабаларга илоҳиётдан сабоқ беради. 1252 йилда эса Парижга қайтади ва Париж дорилфунунида йирик илоҳиётчи олим сифатида иш бошлайди. Орадан кўп ўтмай шогирд устоздан ўзиб кетади. Фома Буюк Албертни йўлда қолдириб, ўз илми билан ҳаммани ҳайратга солди. Дунёнинг турли бурчакларидан кўплаб насроний ўспиринлар унинг ҳузурига оқиб кела бошлашади.

Ўта мулойимлиги ва ювошлиги учун Фомага «Фаришта доктор» деб ном беришган.

Фома 1272 йили Италияга жўнайди ва қадрдон Неапол дорилфунунида илоҳиётдан дарс бера бошлайди. Шуниси ҳайратланарлики, бу илоҳиётчи олимнинг илмий асарлари луғати қарийб 13 000 000 атамадан иборат. Бу рақамнинг салмоғини англаб етишингиз учун мана бу далилларга диққат қилинг:

– рус тили илмгоҳининг маълумотларига қараганда, рус тилида жами 440 000 та сўз мавжуд;

– сермахсул ижодкор А.С.Пушкиннинг асарларида жами 60 000 та сўз ишлатилган.

Фоманинг қуйидаги асарлари бизгача етиб келган:

«Тафаккурнинг яхлитлиги хусусида ибн Рушдга қарши мулоҳазалар».

«Оламнинг мангулиги ҳақида вайсақиларга қарши мулоҳазалар».

«Мўъжизалар хусусида».

«Аллоҳнинг қудрати хусусида».

«Фаришталар хусусида».

«Иблислар хусусида».

«Табиатнинг сирли ишлари хусусида».

«Арастунинг «Метафизика» китобига шарҳ» ва ҳоказо.

Фома 1274 йилнинг баҳорида вафот этди.

\* \* \*

Шундай одамлар борки, уларни Аллоҳ ҳам рад этади.

\* \* \*

Рух ҳақида мушоҳада юритиш учун жисм ҳақида фикрлайман. Жисм мушоҳадаси орқали алоҳида бир хилқат ҳақида ўйлайман. Хилқат фикридан мақсад эса Аллоҳнинг зикридир.

\* \* \*

Тафаккур ёрдамида англаш мумкин бўлган Аллоҳ ҳақидаги ҳақиқатларни билиш учун аввалданок қўп-лаб илм сирларидан хабардор бўлиш жуда муҳимдир. Зеро, фалсафа илмига доир барча изланишлар ўз олдига Аллоҳни англашни мақсад қилиб қўйган.

\* \* \*

Илоҳий ҳақиқат бошқа ҳар қандай ҳақиқатнинг мезонидир... Ҳар қандай асосли ҳақиқат Тангри ҳақиқати билан ўлчанмоғи зарур.

\* \* \*

Аллоҳнинг мавжудлигини беш йўл билан исботлаш мумкин.

1. Биринчи ва аниқ йўл – ҳаракат тушунчаси билан белгиланади. Модомики, бирор жисм ҳаракатланар экан, уни бошқа бир жисм ҳаракатга келтиради. Бундай ҳаракат занжирининг ниҳояси йўқ дегувчилар янглишадилар. Бу занжирнинг интиҳоси бор. Акс ҳолда ҳаракатни биринчи бўлиб бошлаб бергувчининг ўзи ҳам ва табиийки, бошқа ҳеч қандай ҳаракатлантирувчи кучлар ҳам бўлмасди. Шу боис ўзи ҳаракатсиз қолувчи ва бошқа нарсаларни ҳаракатга келтирувчи куч сари интилмоқ зарур. Бу куч – Аллоҳ.

2. Иккинчи йўл сабаб тушунчаси билан изоҳланади. Бир нарса иккинчи бир нарсага сабаб бўлади. Бу сабаблар занжирини келтириб чиқарувчи биринчи сабабкорни ҳаммамиз Аллоҳ деб атаймиз.

3. Учинчи йўл имконият ва зарурият тушунчалари билан боғлиқдир. Умумнинг фикрича, барча нарсаларнинг зарурияти сабабини ўзида жо этган ҳам Аллоҳдир.

4. Тўртинчи йўл нарсаларнинг турли даражада эканлиги билан белгиланади. Масалан, барча нарсалар кўпроқ ёки камроқ даражада мукамаллиги, асосли ва самаралилиги билан бир-биридан фарқланади. Бошқа муносабатларда ҳам шундай ҳолатга дуч келамиз. Бирор сифатни ўзида зиёда этган нарса, шу сифатнинг учқунига эга бўлган бошқа барча ҳодисаларнинг сабабчиси бўлади. Масалан,



олов иссиқликнинг тимсоли сифатида ҳар қандай иссиқликнинг сабабчисидир. Худди шунга ўхшаш барчамиз учун эзгулик ва мукамаллик сабабкори бўлган бир Мутлақ Моҳият борким, биз уни Аллоҳ деб атаيمиз.

5. Бешинчи йўл табиатнинг тартиб-қоидалари билан изоҳланади. Ақл-идроқдан холи бўлган табиат жисмлари муайян мақсадга бўйсунитилган хабардордир. Уларнинг ҳаракатлари доимо ёки айтиш мумкинки, аксарият ҳолларда эзгулик билан ниҳояланади. Шундан келиб чиқадики, улар бу эзгу мақсадга тасодифан эмас, балки Онгли Идрокнинг ҳукми билан эришади. Аллақандай Олий Тафаккур идрокдан маҳрум табиатни ўқни нишонга йўналтирган мерган каби бошқаради. Табиатда рўй берадиган барча воқеа-ҳодисаларнинг мақсадини белгиловчи ва йўналтирувчи кучни биз Аллоҳ деб атаимиз.

\* \* \*

Вақт ва мангулик айтилган бир нарса эмас.

\* \* \*

Бозцийнинг фикрича, вақт ва мангулик ўртасидаги фарқ шундаки, мангуликнинг ҳар бир лаҳзаси яхлит воқеликдан иборат. Вақт эса бундай сифатдан маҳрумдир. Мангулик – мавжудлик мезони бўлса, вақт – ҳаракат мезони.

\* \* \*

Вақтнинг чеки йўқ дейдилар. Лекин унинг маълум бир бўлагини олиб бошланиш ва тугаш нуқтасини белгилаш мумкин. Масалан, биз кун ёки йилнинг бошланиши ва охири ҳақида гапирамиз. Аммо мангулик ҳақида бундай деёлмаймиз. У бундай сифатдан холидир.

## УИЛЯМ ОККАМ

(Тахминан 1281–1349)



Инглиз файласуфи Уилям Оккам Лондоннинг жануби-ғарбида жойлашган Оккам шаҳарчасида туғилиб ўсди.

У Оксфорд дорилфунунинг илоҳиётчи олими Дус Скотт (1266–1308) қўлида таълим олди. Уилям 1324 йилга қадар Оксфорд дорилфунунида таҳсил олди ва ўқитувчилик қилди. Бу илм даргоҳида тез-тез илмий мунозаралар, мубоҳаса, җимоялар ўтказиб туриларди. Илмий баҳсларда одатда талабалар ўзларининг муайян фикрларини ўртага ташлашар, бошқа қатнашчилар эса унга эътироз билдиришарди. Талаба ўз фикрини қатъий җимоя қилиб, уларга муносиб жавоб бериши мунозараларнинг асосий шарти ҳисобланарди. Бундай баҳслар одатда кескин, ҳаяжонли бир вазиятда ўтар ва кўпинча... муштлашув билан тугарди.

Уилям илоҳиёт магистри даражасига эришган олим. У фан тарихида янги услубий қоидалар муаллифи сифатида ном қолдирди. Файласуфнинг бу қоидалари кейинчалик «Оккам устараси» деб ном олган. Оккамнинг машҳур «устараси» ўсимликнинг ортиқча навдаларини кесиб ташловчи тоққайчи каби билиш, англаш дараҳтидаги текинхўр аталарни йўқотишга хизмат қилган. Оккам илмий билиш услубида оддийлик, соддалик тамойилларига риоя этишни афзал ҳисоблаган. Оккам 1323 йилда Оксфорд дорилфунуни канцлери билан жанжаллашиб қолади. Канцлер файласуфга қатор

айблар тақаб, папа Иоанн XXII га хабарнома йўлайди. 1324 йилда Оккам папа Иоанн XXII нинг Авинондаги қароргоҳига жўнатилади. У Авинон ибодатхонасининг турмасида тўрт йил суд ҳукмини кутиб ётади ва 1328 йилнинг май ойида олмон императори Людвиг IX Баварский ҳузурига қочиб боради. Файласуф умрининг охиригача Олмонияда яшайди. 1349 йили Уилям Оккам Мюнхен шаҳрида вабо билан оғриб, вафот этади.

\* \* \*

Озгина восита ёрдамида ҳам бажариш мумкин бўлган ишга кўп чора-тадбир қўлламоқлик беҳудадир.

\* \* \*

Худонинг ҳар нарсага қодирлигини мукаммал исботлаш мумкин эмас. Бунга фақат эътиқод ёрдамида эришиш мумкин.

\* \* \*

Ҳаракатдаги жисм ва ҳаракат муштаракдир.

\* \* \*

Ҳокимликни одамларнинг ўзлари ўйлаб топишган, ҳукмронликни ўз истаклари билан майдонга келтиришган.

\* \* \*

Бирламчи моддият яралиш ва бузилишга маҳкум ҳар қандай нарсанинг ягона асосидир.

\* \* \*

Ахир менда ва сенда, одамларда ва эшакда ўша бирламчи моддият айнан бир хил эмас-ку!

\* \* \*

Агар бир моддий нарса иккинчисидан нима-си билан фарқ қилади, деган савол туғилса, улар бир-биридан ўз-ўзича фарқланади, деб жавоб бермоқ жоиз.

\* \* \*

Гарчи ҳар қандай фан алоҳида бир нарсани ўрганиш туфайли келиб чиқса-да, аслида биргина нарсани ўрганувчи фан бўлиши мумкин эмас. Менимча, ана шу алоҳида нарсаларни белгиловчи умумий тушунчалар ҳақидаги фан мавжуддир.

## ПЕТРАРКА ФРАНЧЕСКО

(1304–1374)

Италиялик файласуф ва шоир Петрарка Франческо Ареццо шаҳрида туғилди. Унинг отаси нотариус хизматчиси бўлиб, Флоренциядан шу шаҳарга қувғин қилинганди.



1312 йилда унинг оиласи Авеньон шаҳрига кўчиб ўтади. 9 ёшли Петрарка бу ерда устози Конвеневоле да Прато шарофати билан Цицероннинг мусиқа каби жозибали ва ҳузурбахш нотиклик санъатидан баҳраманд бўлиб, бир умр унинг мафтунига айланади. Бу ҳақда Петрарканинг ўзи шундай деб ёзади: «Цицероннинг сўзларидаги оҳангдорлик ва жарангдорлик мени ўзига шу қадар мафтун этгандики, ундан ўзга ўқиган ва эшитганларимнинг ҳаммаси қўпол ва келишимсиздек туюларди».

1326–1330 йилларда Петрарка Монпелье ва Болон дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиётида сабоқ олади. У Болон дорилфунунида акаси Герардо билан бирга ўқийди.

Петрарка 1326 йилда руҳонийликни қабул қилади.

1330 йилда эса кардинал Жованни Колонн хизматига киради ва 1337 йили илк бор Римга сафар қилади. 1341 йилда у Капитолиянинг биринчи шоири деган унвонга сазовор бўлади.

Петрарка Жованни Боккаччо (1313–1375) ва Колюччо Салютати (1331–1406) каби иқтидорли ижодкорлар билан дўстлашган.

Ўз ўлимини «ибодат ёки ижод дамларида қарши олишни» орзу қилган файласуф 1374 йилнинг 19 июлига ўтар кечаси – 70 йиллик таваллудига бир кун қолганда вафот этади.

Петрарканинг қуйидаги асарлари маълум: «Филология» (комедия, 1326–1336 йилларда ёзилган), «Канцоньере» (шеър ва қўшиқлар, 1336–1358 й), «Машҳур кишилар ҳақида» (1338–1358 й.), «Африка» (1342–1343 й.), «Шеърый номалар» (1350–1352 й.) ва ҳоказо.

\* \* \*

Ҳар бир одамнинг шахсий ташвиши ўзига етиб ортади. Наҳотки сен бошингга тушган кўргуликларга бошқа ҳеч ким дучор бўлмайди, деб ўйласанг. Янглишасан. Деярли ҳеч ким ташвишларни четлаб ўтолмайди. Кимнинг асари ёки жасорати кўзи очиқлигида юзага чиқибди? Инсон ўлимидан сўнг шуҳрат қозонади. Бунинг сабабини биласанми? Чунки ҳасад унинг жисми билан бирга яшайди ва бирга ўлади.

\* \* \*

Сен аввал бир разм солгин-а, ҳамманинг оғзига тушган, мақталган асарлар кимга тегишли? Бундай асарларнинг муаллифлари аллақачон бу дунёни тарк этишган. Сенинг асарларингни ҳам мақташларини истайсанми? Дунёни тарк эт! Зеро, инсоннинг ўлимидан сўнг унга мойиллик уйғонади. Умрнинг интиҳоси шуҳратнинг ибтидосидир. Борди-ю, инсон кўзи очиқлигида шуҳрат қозонса, билгилки, бу ерда қандайдир ғайриодатийлик зоҳирдир. Яна бир гап айтаман: токи оламда сени танигувчи бир шахс қолса ҳам ўз мақсадингга тўла эришолмайсан. Сени билгувчилар ҳам қабрга кириб, уларнинг ўрнига нафрат ва адоватдан холи одамлар келгандан

кейингина адолатли ажрим бўлади. Унгача майли, давр устимиздан истаганча ҳукм чиқараверсин.

\* \* \*

Тан олиб айтишим жоизки, мени айнан бир одамнинг интилишлари орасидаги ўзаро низо ҳайратга солади! Тўғри-да, қай биримиз ёзда ҳам, қишда ҳам айнан бир нарсани истаймиз? Йўқ, фикримни тугал айтолмадим: қай биримизнинг бугунги ва эртанги хоҳишларимиз бир-бирига мос келади, қай биримиз оқшомда ҳам тонгги истаклар билан яшаймиз? Кун соатларга, соатлар эса дақиқаларга бўлинади. Инсоннинг хоҳиш-истаклари ана шу дақиқалардан ҳам кўпдир. Мен ана шу нарсадан жуда ҳайратланаман. Одамларнинг бундан ажабланмаслиги эса мени яна ҳам ҳайратлантиради.

\* \* \*

Мен ўзим ишонч ҳосил қилган бир нарсага сени ҳам ишонтиришга уриниб кўрмоқчиман: сен пок киши қандай ҳаракат қилса, шундай йўл тут. Зеро, ҳатто чиркинлик душмани бўлган покиза жониворлар ҳам уясидан чиққанда атроф булғанганини сезса, дарҳол бошпанасига биқиниб олади. Гар бу замин узра бир фароғат ва юпанч тополмасанг, ўзингга қайт. Ўз-ўзинг билан бўл, ўзинг билан фикрлаш ва ҳамсуҳбат бўл, ёлғизликдан, ўзинг билан танҳо қолишдан сира чўчима. Агар ўзинг билан ўзинг бўлолмасанг, одамлар орасида ҳам ёлғизлигингча қоласан.

\* \* \*

Инсон токи тирик экан, ёшидан қатъи назар, фикрлаш ва ҳукм чиқаришга қодирдир. Унинг умр йўлида эзгулик ва иллатларга ҳам, шон-шуҳрат ва шармандаликка ҳам жой топилади. Одатда куз ойининг ёқимли ва баракали бўлиши учун ёзда

меҳнат қилиб унинг гамини ейиш керак. Худди шунга ўхшаб, умр шоми – кексалик ҳаётнинг туссиз, мевасиз, ҳасратли ва бефойда қисмига айланиб қолмаслиги учун ёшликда тинимсиз меҳнат билан унинг пойдеворини мустаҳкамлаш зарур. Ана шунда кексалик осойишталик, мўл-кўлчилик ва эзгуликдан куч олади, фойдали ва қувончли ўтади.

\* \* \*

Биз тўхтовсиз равишда ўлим томон яқинлашиб борамиз дейлик, мен ушбуни ёзаётганимда, сен ўқиётганингда, ўзгалар тинглаётганда ёки тингламаса ҳам ўлимга қараб бораверади. Сен ушбуни ўқиётганингда мен ҳам ўлим томон кетавераман. Шу йўсинда ҳамма тўхтовсиз равишда ўлимга томон ҳаракатланаверади. Биз бу фоний дунёда яшар эканмиз, ўлим сари тинимсиз қадам ташлайверамиз. Бу ҳаракат эзгу ишларимиз билан чин дунё – ҳеч ким ўлмайдиган, ҳамма мангу яшайдиган, ҳеч қандай ўзгаришлар сезилмайдиган, саодатли онлар тугаб қолишидан чўчимай, ҳаёт кечириш мумкин бўлган олам томон йўл қуриб битиргуниimizча давом этади.

\* \* \*

Ҳаддан ортиқ тиришиш муваффақиятлар йўлини тўсади. Ироданинг ҳаддан ошиқ зўриқиши эса ишга халақит беради.

\* \* \*

Ҳар қандай одам ўзини ўзгалардан осонроқ кечиради ва аксинча, бошқаларни ўзидан кўра тезроқ овутади.

\* \* \*

Инсоннинг кўнгли доимо бир хил таом тусамайди. Бас, шундай экан, ақл ҳам мудом бир тарзда озикданавермаслиги жоиз.



\* \* \*

Одатда ёвузлик эзгуликдан, даҳшатли тўфон чарофон кундан кўра кўпроқ ёдда қолади.

\* \* \*

Табиат бугунги кунга ва келажакка ишонч туғдириш учун ҳаёт интиҳосини номаълумлик пардаси остига яширди.

\* \* \*

Инсон аянчли аҳволдан қутулишни чин дилдан истаса, албатта, мақсадига эришади.

\* \* \*

Инсон руҳий куч-қувват ёрдамида эришолмаган нарсасига баъзан ор-номус кучи кўмагида эришади.

\* \* \*

Калтафаҳм ва жоҳил кимсалар деярли ҳамма ишни яширинча бажарадилар.

\* \* \*

Камёблик ҳар бир нарсанинг қадрини оширади. Агар ҳар бир қарич ерда дур учраса ҳам оёқ остида топталиши турган гап. Камёблик туфайли энг оддий нарсалар ҳам қимматбаҳо хазинага айланган. Масалан, Ливия чўлларида ташналикда азоб чеккан одамлар Рум саркардасининг кафтидаги озгина сувга ҳам ҳасад билан қарашган.

\* \* \*

Мақсадим – қашшоқликка юз тутмай, исрофгарчиликка йўл қўймай, ўзгаларга буйруқ бермай, бировларга тобе бўлмай яшаш.

## БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

(1318–1389)



Сўфийликнинг нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд Шарқ фалсафаси тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк аллома мутасаввуфлардан бирidir. У 1318 йили Бухоро шаҳри яқинидаги Қасри Ҳиндувон (ҳозирги Қасри Орифон) қишлоғида хунарманд оиласида дунёга келган.

Ёшлигидан ўта зийрак ва зукко Баҳоуддин 7 ёшидаёқ «Қуръони карим»ни тўлиқ ёд олган. У дастлаб Муҳаммад Бобойи Самосий қўлида таҳсил олган. Унинг вафотидан кейин эса ўз даврининг машҳур мутасаввуфи Амир Сайид Кулол Баҳоуддинга таълим берган.

Амир Сайид Кулол ёш Баҳоуддинни Қаршига олиб боради. У Қаршида сўфийлик назариясини пухта ўрганиб, кейин Самарқандга бориб, машҳур дарвешлардан илм ўрганади. Сўнг Бухорога қайтади. У ўз ақидасига («даст ба кору дил бу ёр», яъни: «қўлинг меҳнатда, дилинг Аллоҳда бўлсин») амал қилиб деҳқончилик қилади, отаси билан дастгоҳда мато тўқиб, мисга нақш тушириш билан шуғулланиш асносида илм олишдан тўхтамайди.

Тарихий манбаларга кўра у икки марта ҳаж зиёратига борган.

У 1389 йилнинг март ойида Бухоро четидаги Карвонсаройда шогирдлари ва дарвешлар қуршовида оламдан ўтган. Баҳоуддин Нақшбанд ўзигача ўтган барча сўфийларнинг таълимотини

пухта эгаллаган ва кўплаб илмий асарлар ёзиб қолдирган. Лекин унинг илмий мероси бизгача тўлиқ етиб келмаган. Унинг «Ҳаётнома», «Далили ошиқон», «Одоб ал-соликин» (Муридлар одоби), «Насиҳат ул-соликин» («Муридлар учун насихат») номли асарлари маълум.

Баҳоуддин асос солган тариқатнинг негизини «Хуш дар дам» (ҳар нафас огоҳлик билан ўтсин), «Назар бар қадам» (муриднинг нигоҳи доимо оёқ остига қаратилган бўлсин, шариат тақиқлаган нарсаларга нигоҳ тушиб гуноҳга ботмасин), «Сафар дар Ватан» (муриднинг ўз табиатига сафари, яъни ёмонликни тарк этиб, яхшиликка юз тутиш, одамийликдан фаришта сифатига ўтиш), «Хилват дар анжуман» (зоҳиран халқ билан, ботинан Аллоҳни ёд этиб турмак), «Даст ба кору дил ба ёр» (қўлинг меҳнатда, дилинг Аллоҳда бўлсин) каби 13 та дастурий шарт ташкил этади. Аллома ўзининг ана шундай таълимоти орқали сўфийликни турмушга, инсон ҳаётига яқинлаштиришга муваффақ бўлиб, мазкур тариқатда ислоҳий янгилик яратди.

\* \* \*

Шамдай ҳаёт ўтказ, ҳамманинг уйини нурафшон этиб, ўзинг қоронғуда бўл!

\* \* \*

Мен нафсимни элик марта сув тўла ариқ лабига ташна олиб бориб, ташна келтира оламан.

\* \* \*

Ошиқларнинг қўли ишда, қалби ёрда бўлмоғи лозим, улар текинхўрлик, таъмагирликка ўрганмасликлари керак.

\* \* \*

Бирор бир нарсадан ўзгалар ундан нотўғри фойдаланганликлари учун воз кечмоқлик ўтакетган тентакликдир. Сўфийлик ҳақиқатини ақидалар ва низомлар, қоидалар ва урф-одатлар билан тенглаштириш мумкин эмас, бироқ бу ҳақиқат уларнинг барчасида қисман зоҳирдир.

\* \* \*

Агар сен Аллоҳни севсанг, шуни англагинки, қалбинг Унинг жамолини акс эттирувчи кўзгудир. Сенинг Аллоҳнинг жисминг салтанатида зоҳирдир ва сен агар ўз қалбинг заррасида Аллоҳнинг аршини кўрсанг, бундан асло ҳайратланма.

\* \* \*

Устознинг вазифаси – таълим бермоқликдир. У таълим бериш учун ўз шогирдлари меҳр қўйган барча нарсаларни ва уларнинг нотўғри фикрларини эътиборга олмоғи жоиз. Масалан, устоз бухороликлар билан Бухоро тилида, боғдодликлар билан Боғдод тилида сўзлашмоғи керак.

\* \* \*

Шундай озуқа борки, у одатдагисидан фарқ қилади. Мен инсон онгига уни ўраб турган атроф муҳитнинг кўплаб нуқталаридан узлуксиз сингиб боровчи таассуротлар озуқаси ҳақида сўз юритмоқдаман. Фақат айрим танлаб олинган кишиларгина бундай таассуротларнинг нелигини биладилар ва уларни бошқара биладилар. Бунинг моҳияти сўфийлик асрорларидан биридир. Уста изловчининг қўли етадиган «алоҳида» егулик озуқа тайёрлайди ва озуқа изловчининг камолотига кўмаклашади. Бу оддий тасаввурлар доирасига сирмайди.

\* \* \*

Инсон қалби Аллоҳдан ўзга барча нарсалардан покланганлигининг белгиси шуки, у Аллоҳга ишонувчиларнинг барча хатоларини эзгу амаллар сифатида изоҳлай олади.

\* \* \*

Донолардаги турли хатти-ҳаракат меъёрларига сифат белгиси деб эмас, балки шахслардаги тафовут белгиси деб қараш жоиз.

## **АЛИШЕР НАВОЙЙ** **(НИЗОМИДДИН МИР АЛИШЕР)**

*(1441 йил 9 февраль – 1501 йил 3 январь)*



Алишер Навоий – буюк ўзбек шоири, ўзбек адабий тили асосчиси, мутафаккир, давлат арбоби. У 1441 йил 9 февралда Темурийлар давлатининг пойтахти Ҳирот шаҳрида давлат хизматчиси Фиёсиддин кичкина оиласида туғилган. Ўша даврдаги таниқли олимлар ва санъат намояндалари бу оилга тез-тез ташриф буюриб туришган. Алишернинг тоғаси Абусаид шоир эди, иккинчи тоғаси Муҳаммад Али эса созанда ва хаттот сифатида элга танилган. Алишер темурийлар оиласидаги болалар билан бирга тарбияланган. У, айниқса, Хуросон давлатининг валиаҳди, бўлғуси султон Ҳусайн Бойқаро билан яқин дўст бўлган. Ҳусайн Бойқаро ҳам шоир ва санъат ҳомийси эди.

Навоий Ҳиротда, Машҳад ва Самарқандда таҳсил олган. У устозлари ичида Абдурахмон Жомий (1414 – 1492) билан дўст ва ҳамфикр эди. Алишер 15 ёшидаёқ шоир сифатида ном қозониб, ҳам туркий, ҳам форсий тилда ижод қилди.

Алишер Навоий 1466 – 1469 йилларда Самарқандда яшаб, мадрасада таҳсил олди, кўплаб дўстлар орттирди. Дўсти Ҳусайн Бойқаро тахтга ўтиргач, Ҳирот шаҳрига қайтди.

1469 йилда у Ҳусайн Бойқаронинг муҳрдори этиб тайинланди. 1472 йилда эса Алишер Навоий вазир лавозимига ва амирлик рутбасига кўтарилди. 1476

йилда эса у истеъфога чиқди. Лекин шунга қарамай, Султон Ҳусайн Бойқаронинг яқин кишиларидан бири бўлиб қолди. Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротдаги ва кейинчалик ораларига совуқчилик тушгач, Астрободдаги муҳим ишларни амир Алишерга ишониб топширган.

Алишер Навоий олиму мутафаккирларга, мусаввирлар, шоирлар ва хаттотларга ҳомийлик қилган, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Ўша даврда Ҳиротда олимлар ва ижодкорларнинг тўғараги ташкил этилган бўлиб, Алишер Навоий, Жомий, Ҳусайний тахаллуси билан шеърлар ёзган Ҳусайн Бойқаро, муаррихлар Мирхонд, Хондамир, Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий, мусаввир Беҳзод, меъмор Қавмиддин ҳам бу тўгаракнинг аъзолари эди. Навоийнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Ҳиротда Инжил анҳори ёқасида мадраса, хонақо, кутубхона ва касалхона бунёд этилган.

А.Навоийнинг дунёқараши, фалсафаси сўфийлик тариқатига хос эди. У сўфийлик ахлоқ-одоб қоидаларига, этикасига амал қилиб, оила қурмаган ва ҳарамга ҳам эга бўлмаган.

Алишер Навоийнинг ижодий мероси жуда бой ва серқирра бўлиб, у 30 га яқин йирик асарни – девонлар, дostonларни, шунингдек фалсафий ва илмий рисоаларни ўз ичига олади, 3150 га яқин лирик ғазаллари маълум.

Алишер Навоийнинг асосий асарларига қисқача тўхталамиз. «Ҳазойин-ул-маоний» («Маънолар хазинаси») йиғма девони шоир томонидан 1498 – 1499 йилларда тузилган бўлиб, бу асарда унинг бутун ҳаёти давомида ёзган шеърлари хронологик тарзда жамланган.

Алишер Навоийнинг машҳур «Хамса»сини унинг ижодиёти чўққиси деб айтиш мумкин. У 1483–1485

йилларда ёзилган бўлиб, нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти дурдоналаридан бирига айланган.

«Хамса» беш шеърый дostonдан иборат: «Ҳайрат-ул-аброр» (1483), «Лайли ва Мажнун» (1484), «Фарҳод ва Ширин» (1484), «Сабъаи сайёр» (1484) ва «Садди Искандарий» (1485).

«Хамса»нинг биринчи дostonи «Ҳайрат-ул-аброр» фалсафий-дидактик характерга эга. Бу жанрда Навоийга қадар Низомий, Ҳусрав Деҳлавий ижод қилганлар. Ушбу асар 64 бобдан иборат бўлиб, улар маънавият, ахлоқ-одоб ва динга оид масалаларни қамраб олган.

Шоир асарда феодал зулмни, давлат амалдорларининг шафқатсизлигини, талончиликни, жаҳолатни, беклар ва шайхларнинг ярамасликларини фош этган, адолат ғояларини илгари сурган.

«Лайли ва Мажнун» дostonида ёш шоир Қайснинг Лайлига бўлган муҳаббати қаламга олинган. Ушбу дoston Шарқ адабиётига ва ўзбек халқ оғзаки ижодига катта таъсир кўрсатди.

«Фарҳод ва Ширин» – паҳлавон Фарҳоднинг Арманистон гўзали Ширинга бўлган муҳаббати тарихига бағишланган дostonдир. Ушбу сюжет Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сида ҳам мавжуд бўлиб, унда форс ҳукмдори шоҳ Ҳусрав бош қаҳрамонлардан биридир. Навоий эса ўз асарида паҳлавон Фарҳодни бош эпик қаҳрамонга айлантирган.

«Сабъаи сайёр» – етти ҳикоятни ўз ичига олган дostonдир.

«Садди Искандарий» – «Хамса»нинг сўнгги дostonи бўлиб, адолатли идеал ҳукмдорнинг – донишманд Искандарнинг ҳаёти тўғрисидаги ярим фантастик асар.

Умуман олганда, Навоийнинг адабий ва илмий меросини тўрт фаслга бўлиш мумкин: девонлар, дostonлар, форсий тилдаги шеърый асарлар, илмий-филологик, насрий ва тарихий асарлар.



«Лисонут-тайр» («Қушлар тили») достони, «Муҳокаматул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») номли илмий асари ва «Маҳбубул-қулуб» («Қалбларнинг севгани») насрий панднома асари Алишер Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида яратилган буюк асарлари ҳисобланади.

Алишер Навоийнинг инсонпарварлик фаолияти, илғор қарашлари, обрў-эътибори сарой аъёнлари орасида норозилик туғдирган. Улар бош вазир Алишер Навоий билан ҳукмдор Ҳусайн Бойқаро ўртасига нифоқ солиб, 1487 йилда уни лавозимидан бўшатишга муваффақ бўладилар. Ҳусайн Бойқаро Навоийни Астрободга ҳоким этиб тайинлайди. Навоий Астрободда икки йил ҳокимлик қилиб, улкан ободончилик ишларини амалга оширади, қўшни давлатлар билан яхши алоқаларни йўлга қўйиб, савдо-сотиқни ривожлантиради.

Астрободда Навоий билан Ҳусайн Бойқаро муносабатларига путур етказувчи гаплар юзага келгач, Ҳусайн Бойқаро унинг Ҳиротга қайтишига рухсат беради ва шоирга бир нечта олий лавозимларни таклиф этади. Навоий рози бўлмагач, унга «Муқарраби ҳазрати Султоний» («Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси») деган расмий унвон берилади. Алишер Навоий давлатнинг ҳамма ишларига аралашиб ва истаган вақтида подшоҳ билан кўришиш ҳуқуқига эга бўлади. Мамлакатда юзага келган ички нифоқларни бартараф этиш, урушли низоларни бостириш кўпинча Навоийнинг зиммасига тушган.

Бироқ, 1490 йилларнинг ўрталарига келиб мамлакатда ижтимоий-сиёсий танглик кучаяди. Темурийлар хонадонида ҳукмдор ўғиллар ўртасидаги зиддиятлар авж олади. Алишер Навоий уларни муросага келтиришга уринади. Бироқ шунга қарамай, шоҳ Ҳусайн Бойқаро билан унинг ўғли – Астробод

хукмдори Бадиуззамон ўртасида ҳарбий тўқнашув юз беради. Бунинг устига саройда фитна уюштирилиб, Бадиуззамоннинг ўғли, Бойқаронинг энг сеvimли набираси, Алишер Навоийнинг ихлос қўйган шогирди Мўмин Мирзо фожиали ўлдирилади. Буларнинг бари Навоийнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Шунда ҳам у ижоддан тўхтамайди.

1500 йил декабрь ойининг сўнггида Ҳусайн Бойқаро исён кўтарган ўғли Муҳаммад Ҳусайн билан сулҳ тузиб Ҳиротга йўл олади.

Алишер Навоий 1501 йил 3 январь куни ҳукмдорни кутиб олиш учун унга пешвоз чиқади ва Ҳусайн Бойқаро билан кўришаётганда ўзини ёмон ҳис этиб ҳушидан кетади-ю, қайтиб ўзига келмайди ва ҳаётдан кўз юмади.

### **«ҲАЙРАТУЛ-АБРОР» ДОСТОНИДАН**

Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин,  
Тортмағил Ҳотами Той миннатин.

Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж  
Яхшироқ андинки, биров берса ганж.

\* \* \*

Кулгуки ўз ҳаддидин ўлди йироқ,  
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

Равшан этиб шамъни ҳар тун йиғи,  
Елга бериб ғунчани хандонлиғи.

Қилди булут ашки била дур нисор,  
Бўлди чоқин кулгусидин хоксор.

Мастки йиғлай юруй ўздин кетиб,  
Ашки ниёзи гунаҳин пок этиб.

Кимда адаб – қулгута очмас оғиз,  
Лек ҳаё абри эмас қатрасиз.

Қаҳқаҳақим ҳазл анинг ёридур,  
Қурбақа савти била рафторидур.

\* \* \*

Бошни фидо айла, ато қошиға,  
Жисмни қил садқа ано бошиға.

Икки жаҳонингга тиларсен фазо –  
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.  
Тун кунунгга айлагали нур фош,  
Бирини ой англа, бирисин қуёш.

Сўзларидин чекма қалам ташқари,  
Хатларидин қўйма қадам ташқари.

Бўлсун адаб бирла бори хидматинг,  
Хам қил адаб «дол»и киби қоматинг.

\* \* \*

Кимки улуғроқ анга хидмат керак,  
Улки кичикроқ анга шафқат керак.

Кимники қилсанг мутавассит хаёл,  
Асра анинг ҳурматида эътидол.

Хидмат ила айлама тавқир ҳам,  
Шанъат ила айлама таҳқир ҳам.

\* \* \*

Топсанг шаҳ хидматиға интисоб,  
Тўрт иш этгил ўзунгга иртиқоб:

Ният анинг бирла бурун рост қил,  
Файрин анинг кўнгулунгга бехост қил.

Яна будурким, тони хидмат чоғин,  
Айла, вале айламагандек соғин.

Яна буким, яхши-ямон дема сўз,  
Эл ямону яхшисиға солма кўз.

Яна буким, ранж етар, гар тааб,  
Асра ямон-яхшиға шарти адаб.

\* \* \*

Тошқилиғингнинг бу сифат ҳоли бор,  
Бўлса тақарруб анинг ашколи бор.

Бу неча иш бўлса муяссар санға,  
Давлат ила ёруғай ахтар санға.

\* \* \*

Айш, Навоий, неча дилкаш дурур,  
Лек адаб бирла ҳаё хуш дурур.

\* \* \*

Кимки иши бўлди қаноат фани,  
Билки, ани қилди қаноат гани.

Ганжу тажаммулни ғино билмагил,  
Балки ғино ганжи қаноатни бил.

Нақди қаноатқа чу йўқтур фано,  
Жаҳд эт-у бу нақд ила топғил ғино.

Кулбада дарвешки, қонёь дурур,  
Фойиқ эрур шаҳғаки, томеъ дурур.

Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,  
Билки гадодур тамаъ этган киши.

Шаҳ чу тамаъ қилди эрур луқмахоҳ,  
Қонеи дарвеш эрур подшоҳ.

Шоҳ ул эмаским, бошиға қўйди тож,  
Шоҳ ани билким, йўқ анга эҳтиёж.

\* \* \*

Шоҳ бошининг шарафи тож эмас,  
Англа ани шоҳки, муҳтож эмас.

\* \* \*

Бўлмаса қам шукр ила қонёь бўлур,  
Базл ишидин нафсға монёь бўлур.

Кимки қаноатдин эрур ҳужжати,  
Яхши-ямонға йўқ анинг ҳожати.

Топса қаноат сори ҳар кимса йўл,  
Шоҳ бу тақдир ила ул бўлғай, ул.

Мулк ила ўзни демагил аржуманд,  
Мулки қаноат била бўл сарбаланд.

\* \* \*

Чунки офизнинг емак ўлди иши,  
Ҳарби учун чекти ики саф тиши.

Кимса неча зебу тамаъдин йироқ,  
Зимнида осойиш эрур яхшироқ.

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,  
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.

\* \* \*

Икки қаро пул чекибон даст ранж,  
Яхшироқ андинки, шаҳ инъоми ганж.

Тинч кўнгул бирла қатиқсиз умоч,  
Беҳки биров миннати бирла кулоч.

\* \* \*

Қилма, Навоий, тамаъ элдин дирам,  
Бор эса берсанг худ эрур ул карам.

\* \* \*

Бас кишига умр хуши ёр эмиш,  
Умр деган ёри вафодор эмиш.

Ёрки, ойини вафо йўқ анга,  
Шамъ кибидурки, зиё йўқ анга.

\* \* \*

Ёрки, бор анда вафо ёр бил,  
Умр деган ёри вафодор бил.

Ҳар киши оламда эрур ёрсиз,  
Бир садафедур дури шаҳворсиз.

Йўқ ҳунари ёлғуз эса, ўз киши,  
Қайда киши сониди ёлғуз киши.

\* \* \*

Шоҳки, йўқ ҳамдаму ёри анинг,  
Кўнглида кўп бўлғуси бори анинг.

Қилса биров ҳамнафасу ёрлиқ,  
Бўлғуси кўп ғамға сабукборлиқ.

Ёр эрур андоқ гуҳари бебаҳо.  
Ким анга муҳтож не шаҳ, не гадо.

\* \* \*

Ростдур ул ким, назари тўғридур,  
Ким илиги эGRIDур, ул ўғридур.

Бўлса илик эгрилик ичра самар,  
Эл ани кесмақда туз этгай магар.

Кўзки эрур эгри анинг хилқати,  
Бирни ики кўрмақ эрур санъати.

\* \* \*

Олим агар қатъи амал айласа,  
Илмига шойиста амал айласа.

Солмаса кўз жифаи дунйи сари,  
Боқмаса туз дунийи фоний сари.

Они шараф гавҳарининг кони бил,  
Гавҳару кон, ҳар не десанг они бил.

\* \* \*

Нафъинг агар халққа бешак дурур,  
Билки бу нафъ ўзунгга кўпрак дурур.

\* \* \*

Ўнгача ғафлат била побастлиқ,  
Жаҳд йигирмигача у мастлиқ.

Ўттузу қирқ ичра эрур айшу ком,  
Ваҳки, манга ул доғи эрди ҳаром.

Қилмади эликда тараққий киши,  
Олтмишу борча таназзул иши.

Етмиш аро вожиб эрур турмофинг,  
Саксон аро фарздур ўлтурмофинг.

Тўқсон агар бўлди йиқилмоқ керак,  
Юз аро жон таркани қилмоқ керак.

\* \* \*

Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,  
Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл.

\* \* \*

Яхшилиғи айламасанг иш чоғи,  
Айламагил бори ямонлиқ доғи.

Бўлмаса тарёк ила жонингга баҳр,  
Солмағил аччиғ била жомингга захр.

\* \* \*

Қилма улус ирзу аёлиға қасд,  
Айлама эл жонию молиға қасд.

\* \* \*

То бани Одам била олам эрур,  
Олам ичинда бани Одам эрур,

Адл ила олам юзин обод қил,  
Хулқ ила олам элини шод қил.

\* \* \*

Бармоқ учи бирла чу чиқмас тикан,  
Игна била қутулур андин бадан.

\* \* \*

Поядин ортуқ киши урса қадам,  
Бийми йиқилмоқдуру ранжу алам.

\* \* \*

Кимники, айлай дер эсанг маҳраминг,  
Қўп синамай айламагил ҳамдаминг.



Ғафлат аро хуш кўрубон хуш дема,  
Воқиф ўлуб сўнгра пушаймон ема.

\* \* \*

Оз иш учун тунд итоб айлама,  
Қатлу сиёсатда шитоб айлама.

Бок йўқ, ар кечрак ўлур қатл иши,  
Ўлса сўзунг бирла тирилмас киши.

\* \* \*

Яхши эса афв сиёсат чоғи,  
Лек керак ишда фаросат доғи.

\* \* \*

Тун била то субҳ мувофиқ дурур,  
Аввали козиб, сўнги содиқ дурур.

Тутма тузуб кину адоват фани,  
Ўзга киши журми била ўзгани.

Гарчи таваккулсиз эрур азм суст,  
Машварасиз қилма таваккул дуруст.

### **«САБЪАИ САЙЁР» ДОСТОНИДАН**

Ҳаққи инсонни қилди маҳрами роз,  
Ҳайвондин ул айлади мумтоз.

\* \* \*

Ошиқ ўлғонки кечмагай жондин,  
Ишқ беҳад йироқдурур ондин.

\* \* \*

Нимаким хотирингға дилкаш эмас,  
Санга қилмоқ ружуъ ани хуш эмас.

## ҚИТЪАЛАР

Камол эт касбким, олам уйидин  
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

\* \* \*

Кулоқда асра гаронмоя сўзнию фикр эт,  
Ки, дурсиз ўлса, не бўлғусидур садаф ҳоли.

Сўзунгни дағи кўнгул ичра асрағилким, ҳайф,  
Ким, уйла дуржни гуҳардин эткасен холий.

Бу дуржу икки садафни тўла дур этканга,  
Зиҳе улувви гуҳар, балки гавҳари олий.

\* \* \*

Чу душман ўлди қадимий зиёнидин ҳазар эт,  
Агарчи нутқи равонбахши жонға роҳат эрур.

Су бирла ўт аро зиддият ўлди чун азалий,  
Агар ҳаёт суйидурки, ўтқа офат эрур.

\* \* \*

Қарилар хотири нозукдур, эй тифл,  
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густоҳ:

Унуттунгмуки, атфол ўйнағанда,  
Синар оз майл кўргандин қуруқ шоҳ.

\* \* \*

Кийиб самур ила киш қилма асру раънолиқ,  
Ипак либос ила тутма гурур жоми тўла.

Тийиннинг ўз туки ўқ бўлди жонига офат,  
Фарисанинг паридин келди ўз бошига бало.

\* \* \*

Ҳикмат аҳли оллида совуқ сифат йўқ кимсада,  
Субҳи козибдек маҳалсиз айлагон кулгу кеби.

Лек мундин кўп совуқдур ашк тўкмас зўр ила,  
Дай елида қатра-қатра муз томизган су кеби.

\* \* \*

Қаноат гўшасин тутқилки, чун анқо бу даъб этти,  
Анга қушлар ичинда қурб қофида нишимандур.

Чу парворий товуғнинг оғзи тинмас туъмадин  
гарчи,  
Ўлар охир анга аввал катак зиндони маскандур.

## **РУБОЙЛАР**

Гар ошиқ эсанг зебу такалуфни унут,  
Яхшию ёмон ишда тахалуфни унут.  
Ўткан гар эрур ёмон таассуфни унут,  
Келган гар эрур яхши тасарруфни унут.

\* \* \*

Фурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш.

\* \* \*

Ким истаса салтанат, саҳодур анга шарт,  
Ҳар ваъдаки айласа вафодур анга шарт.  
Ким фақр талаб қилса, фанодур анга шарт,  
Олиға неким келса, ризодур анга шарт.

\* \* \*

Ким кўрди экин жаҳонда оё хушлуқ,  
То бир киши айлагай таманно хушлуқ.  
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,  
Омодадурур ёнида юз нохушлуқ.

\* \* \*

Умринг қуёшиға бермасун чарх завол,  
Жонинг қамарини қилмасун давр ҳилол.  
Тун-кун бўлғил маҳравишу меҳр хисол,  
Даҳр аҳлиға нурбахшу фархундажамол.

\* \* \*

То даҳрдурур, даҳр уза султон бўлғил,  
То олам эрур, олам уза хон бўлғил.  
Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,  
Ҳам жонлариға мойи дармон бўлғил.

\* \* \*

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлиға зам,  
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам.  
Кўзларни олишмоққа чекиб тийғи ситам,  
Эл кўзини ҳам ўйгаю ўз кўзини ҳам.

## НИККОЛО ДИ БЕРНАРДО МАКИАВЕЛЛИ

(1469–1527)

Италиялик файласуф Макиавелли Флоренциядаги аслзода, аммо унча бой бўлмаган оилада ўсди. Унинг таржимаи ҳолида кўпгина ноаниқликлар мавжуд.

Макиавелли 1498 йилдан давлат хизматчиси бўлиб ишлай бошлади. Макиавелли гарчи юқори мансабларда ишламаса-да, катта сиёсатнинг сир-асрорларини яхши биларди. 1512 йил ҳукумат тепасига Медичи келиши билан Макиавелли Флоренциядан қувиб чиқарилди. У кейинчалик ҳибсга олиниб, қийноққа солингани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Макиавелли ҳам барча кашфиётчи ижодкорлар каби таъқиб ва тазйиқларга дучор бўлган. Жан Боден ва Томмазо Кампанелла биринчи бўлиб Макиавелли қарашларини қоралашган.

Макиавелли анъанавий равишда сиёсат оламининг файласуфи ҳисобланиб келган.

Унинг қуйидаги асарлари маълум: «Ҳукмдор» (1513), «Тит Ливийнинг биринчи 10 та китобига доир мулоҳазалар» (1516–1517), «Мандрагора» (1518), «Ҳарбий санъат тўғрисида» (1519–1520), «Андрия» (1519), «Катруччо Кастракани ҳаёти» (1520), «Флоренция тарихи», «Тил ҳақида сўзлашув».

Буларнинг орасида энг машҳури «Ҳукмдор» асаридир. 1559 йилда Макиавеллининг ҳамма асарлари илк «Тақиқланган китоблар рўйхати»га киритилган.



\* \* \*

Мақсад воситани оқлайди.

\* \* \*

Фақирлигим – ҳалоллигим ва содиқлигим исботи.

\* \* \*

Ҳар қандай вазиятда ҳам марҳаматли бўлишни истовчи одамга кўплаб марҳаматсиз кишилар орасида ҳалок бўлишдан ўзга йўл қолмайди.

\* \* \*

Ҳокимиятни сақлаб қолишни истовчи одам зolimликка таяниши керак.

\* \* \*

Ҳар бир ишни у қандай воситалар билан амалга оширилганига қараб эмас, балки мақсадга эришилган-эришилмаганига кўра баҳолайдилар.

\* \* \*

Замон ва ахлоқий мезонлар ўзгарувчандир. Шунинг учун замонга пешвоз чиққан кимсанинг ҳамма орзуси ушалади ва у бахтиёр бўлади. Замондан ва вазиятдан юз ўтирган одам бахтсизликка маҳкум.

\* \* \*

Хушомадни йўқотишга уринган ҳукмдор ўзига нисбатан нафрат уйғотиб қўйиши мумкин. Бунинг сабаби шундай изоҳланади: табиблар дейдиларки, сил касаллигини бошланғич даврда аниқлаш қийин, ammo даволаш осон. Агар хасталик ўтказиб юборилган бўлса, аксинча, уни аниқлаш осон-у, даволаш мушкул. Давлат ишларида ҳам шундай: эндигина пайдо бўлаётган илат ўз вақтида аниқланса, уни йўқотиш қийин эмас. Бунга фақат доно ҳукмдор-

ларгина қодирдирлар. Агар иллат ҳар кимга яққол кўринадиган даражада авж олган бўлса, ҳеч қандай дори-дармон кор қилмайди.

\* \* \*

Мамлакат ичидаги фавқуллодда фармонлар ҳам ҳукмдорларга улуғворлик бағишлайди... Бошқачароқ айтганда, фуқаролардан бири диққатга лойиқ ишга қўл урганда ҳукмдор уни имкон қадар узоқроқ ёдда сақланиб қоладиган тарзда тақдирлаши ёки жазолаши фойдалидир. Ҳукмдор учун энг асосийси барча амаллари билан юксак ақл-идроққа эга бўлган буюк инсон шуҳратига эришишга интилишдир.

\* \* \*

Инсоннинг излагани ва топгани ўртасидаги доимий номувофиқликдан ким беҳабар?

\* \* \*

Фақат тўғри қарор қабул қилишга умид боғлаш ярамайди. Ҳар қандай қарорнинг шубҳали эканига тан бериш керак. Чунки одатда бир кўнгилсизликка чап бериб, иккинчисига рўпара бўламиз. Аммо барча кўнгилсизликларни тарозига солиб, энг оз даражадагисини эзгулик деб қадрлаш ақллиқдир.

\* \* \*

Яхшилик ҳам худди ёмонлик каби нафрат уйғотиши мумкин.

\* \* \*

Гарчи янги тартиблар одамлар онгини ўзгартирса-да, эскисини имкон қадар кўпроқ сақлаб қолиш керак.

\* \* \*

Ҳеч бир иш йўқки, унинг амалга ошиши эски тартибларни янгилари билан алмаштиришга нисбатан оғирроқ, кечиши хавфлироқ, муваффақияти шубҳалироқ бўлсин. Янги тартибларни жорий этишни бошлаган ҳар бир одамни эски тартиб тарафдорларининг адовати, янгиларидан манфаатдорларнинг бепарволиги кутади. Бепарволикни қисман қонун ҳимоясидаги рақибдан чўчиш, қисман амалиётда ижобий баҳо олмагунча янгиликка ишонмайдиган одамларнинг ишончсизлиги билан изоҳлаш мумкин. Эскилик тарафдорлари имконият туғилиши ҳаманоқ шиддат билан хуруж қилганда, янгилик тарафдорлари сусткашлик билан мудофаага ўтадилар.

\* \* \*

Фақат ўзингга ва жасоратингга асосланган ҳимоядан яхшироғи, ишончлироғи, пишиқроғи йўқ.



**ВАН ШОУЖЕН**  
(тахаллуси ЯНМИН)

(1472–1529)

Хитойлик файласуф, сиёсатдон ва ҳарб илми билимдони Ван Шоужен Юйяо музофотида туғилиб ўсди. Унинг отаси Ван Хуа зиёли оиладан бўлиб, хизмат поғоналаридан тез юқорилаб борган. Ван Шоужен тўрт ёшигача гапиролмаган. Бир будда роҳиби болакайни кўриб: «Яхши бола экан. Фақат, афсуски, унинг тақдири зоҳирида шундоққина аён бўлиб турибди», – дейди. Роҳиб афтидан файласуф Лао-цзининг: «Билгувчи гапирмайди», – деган машҳур нақлига ишора қилганди. Бу сўзни эшитган бобоси боланинг исмини Шоужен (инсонпарварлик ҳимоячиси) деб ўзгартиради. Ажабки, шундан сўнг Шоужен гапира бошлайди.

Шоужен ўн ёшидан бошлаб шеърлар ёзган. Бу шеърлар фақатгина адабий нуқтаи назардан эмас, балки фалсафий мазмуни билан ҳам диққатни жалб этарди.

Шоужен 12 ёшида онасидан етим қолади. 16 ёшида уйланади. 1489 йилда Ван Шоужен файласуф Чуж Си издоши Лоу Лян (1422–1491) билан танишади ва ундан таҳсил олади.

1493–1499 йиллар орасида Ван Шоужен даоизм, буддавийлик ва Конфуцийнинг мумтоз фалсафасини қунт билан ўрганади. Айни пайтда бадий ижод ва ҳарб илми сирларини ўрганишга ҳам вақт ажратади.

1499 йилда Ван Шоужен цзин ши даражаси учун имтиҳон топшириб, император саройи мансабдорлари орасидан ўрин олади. Хизмат вазифаларининг кетма-кет ўзгариши туфайли мамлакат

бўйлаб тинимсиз кезишлар ёш Шоуженнинг саломатлигига салбий таъсир ўтказди. 1502 йилда у императорнинг рухсати билан даволаниш учун турилган гўшасига қайтиб келади. У Чжэцзян музофоти ҳудудида жойлашган тоғ бағрига – Янмин юри яқинига бошпана қуриб яшай бошлайди. Шу боис уни Янмин-цзи деб атай бошлайдилар (яъни, файласуф Янмин). «Янмин» сўзи «қуёш нури» деган маънони англатади. Шунингдек, инсон жисмидаги муҳим қувват ришталаридан бири ҳам ана шу ном билан аталади.

1504 йилда Ван Янмин Пекинга қайтади ва Шандун музофотига ҳоким қилиб тайинланади.

1505 йилда Хитой тахтига 15 ёшли Хоучжао ўтиргач, бир гуруҳ сарой аъёнлари қатори Ван Янмин ҳам қувфинга учрайди. Қувфин йиллари файласуф учун жуда катта ҳаётий мактаб вазифасини ўтайди. У руҳан камолга етиб, дунёвий илмларнинг ўткир билимдонига айланади. Файласуф айти шу кезларда «билим ва ҳаракатнинг бирлиги» ҳақидаги ғоят муҳим тамойилни ишлаб чиқади.

1509 йилда Ван Янмин қувфиндан қайтади ва Гуйчжоу музофотининг пойтахти Гуйянда фалсафадан дарс бера бошлайди.

Буюк файласуф 1529 йилнинг 9 январиди бетобликдан вафот этади.

\* \* \*

Билим ҳаракатдадир.

\* \* \*

Табиий билим нима? У ҳақиқат ва ёлғонни ажратувчи, ўйламасдан, ўрганмасдан билгувчи қалбдир.

\* \* \*

Қалб – табиат, табиат эса қоида.

\* \* \*

Ҳақиқий қувонч доноликда камолга етган зотлар ва оддий одамларга хосдир. Бироқ бу неъматга эга бўлган оддий одамларнинг ўзлари бундан беҳабар бўладилар.

\* \* \*

Билим – ҳаракатни бошқарувчи асосий фикр. Ҳаракат эса илмнинг амалий манбаи. Билим – ҳаракат ибтидоси, ҳаракат – билим интиҳосидир.

\* \* \*

Билим ҳаракатдадир. Бунинг исботини қуйидаги ҳолатлар занжири орқали кўриш мумкин.

Таомнинг таъми яхши ёки ёмонлигини билиш учун уни оғизга солиб, чайнаб кўрмоқ зарур. Таомдан татиб кўрмай туриб, унга баҳо бериб бўладими? Йўлнинг равон ёки норавонлигини аниқлаш учун ўша йўлни босиб ўтишингиз керак. Йўлни бориб кўрмасдан унинг қандайлигини айтиш мумкинми? Камондан ўқ отиш учун найзани жойлаб, ёйни тараг тортиш ва нишонга олиб, қўйиб юбориш талаб этилади. Китоб ўқиб илм олмоқ учун эса қўлга қалам тутиб, ёзмоқ жоиз. Оламда ҳеч бир илм йўқки, у ҳаракатсиз ўрганилса. Шу боис илмга ва олий қоидаларга ҳаракатсиз етишиб бўлмайди.

\* \* \*

Фикр ва сўз амалиётга йўналтирилганда уларнинг ҳар иккиси ҳам моддиятга – нарсага айланади.

\* \* \*

Буюмлар, воқеалар, қоидалар, адолат ва эзгулик дилдан ташқарида қололмайди.

\* \* \*

Бир куни Ван Янмин шаҳар кўчаларида айланиб юрганда дўстларидан бири қояларда барқ урган гулларга ишора қилиб, ундан сўради:

– Оламда ҳеч нарса дилдан ташқарида мавжуд бўлолмайди, дейсан. Аммо мана бу қоя бағридаги гуллар ўзидан ўзи ўсади ва қурийди. Қани айт-чи, бу гул билан менинг қалбим ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин?

Ван Янмин дўстига шундай жавоб қайтарди:

– Гулларга қарамасингдан аввал улар ҳам, сенинг қалбинг ҳам осойишта эди. Гулларга кўзинг тушган они эса сен уларнинг рангини қалбинг ила англадинг. Шундан кўриниб турибдики, гуллар сенинг қалбингдан ташқарида қололмайди.

\* \* \*

Нарсаларнинг моҳиятини англаш қалбдаги, фикрдаги ва илмдаги нарсаларнинг моҳиятини англаш демакдир.

\* \* \*

Шогирдларидан бири Ван Янминдан сўради:

– Баъзи одамлар тунда руҳлар, шайтон ва ажинадан кўрқишади. Шундай пайтларда нима қилиш керак?

Ван Янмин деди:

– Кундуз куни адолат захирасини яратолмаган одамнинг қалбида қоникмаслик ҳисси пайдо бўлади. Бу туйғу ўз навбатида кўрқувни етаклаб келади. Кундалик амаллар ақл чироғи билан ёритилар экан, ҳеч қандай кўрқувга ўрин қолмайди.

Шунда шогирдларидан яна бири савол берди:

– Безарар инс-жинслардан кўрқмаса ҳам бўлади. Аммо маккорлари ким яхши, ким ёмонлигини

ажратиб ўтирмайди. Шу боис одамлар қўрқувдан қутулолмайдилар.

Файласуф бу саволга шундай жавоб қайтарди:

– Яхши одамларга қутқу солишга қурби етадиган битта ҳам ёвуз куч йўқдир. Энг қўрқинчлиси – қалбнинг маккорлик илатига мубтало бўлиши. Ана шунинг ўзиёқ инсонга қутқу солади. Агар инсон аёл гўзаллигига ўч бўлса, ишқивозлик васвасасини пайдо қилувчи кучлар, агар бойликка ружу қўйса, манфаатпарастлик ва таъмагирлик васвасасини уйғотувчи кучлар, агар у бўлар-бўлмасга ғазабланаверса, дарғазаблик васвасасини ҳосил қилгучи кучлар, агар арзимаган нарсадан ҳам қўрқувга тушаверса, қўрқоқлик васвасасининг уйғотувчи кучлар таъсири остида бўлади.

\* \* \*

Ван Янминдан дўсти сўради:

– Китоб ўқигандан сўнг ҳеч нарса ёдда қолмаса нима қилмоқ керак?

Ван Янмин деди:

– Уни тушунмоқ керак, ёдлаш шарт эмас. Тушунмоқ зарурияти ҳам иккинчи даражали нарса. Энг аввалло китобнинг асосий моҳиятини англамоқ жоиз.

\* \* \*

Қарамоқлик ва кўрмаслик, тингламоқлик ва эшитмаслик, емоқлик ва таъм билмаслик... Таъмни билиш учун инсон юрагида ейиш истаги бўлиши жоиз. Тановулни истаган юрак бу – фикр, бошқача айтганда, ҳаракат ибтидосидир.

\* \* \*

Инсон қалби – осмон каби тубсиз.

\* \* \*

Комил инсон ҳар бир одамнинг комил бўлиши учун қайғуради.

\* \* \*

Инсон табиати аслида олий фазилатлар мажмуасидир. Унинг табиати ўз ибтидосида заррача ёвузликдан ҳам холи бўлган.

\* \* \*

Биз бирор илмни имкониятимиз ва мавқеимиз даражасида ўрганиб, ниҳоясига етказамиз.

\* \* \*

Олий эзгулик – қалбнинг асл моҳияти. Зеро, ҳатто учига чиққан қароқчи ҳам талончилик қилмаслик кераклигини яхши англайди. У ўзини ўғри деб аташларидан орланади.

## МОНТЕН

(Мишел Эйкем)

(1533–1592)

Фаранг файласуфи Монтен XV асрга келиб дворянлик даражасига эришган савдогар Эйкемлар сулоласига мансуб.

Ёш Монтен Тулуза дорилфунунида таҳсил олди. У, айниса, файласуфлар Сенека ва Плутарх таълимотини қунт билан ўрганди. Файласуф ўзининг жуда бой шахсий кутубхонаси билан ном қозонган.



Монтен ўзининг бор қобилиятини энг кўҳна ва мустаҳкам илм – ўзини ўзи англаш илмига бағишлади. Файласуфнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Мен ўзимни ўрганаман. Ана шу тадқиқотим мен учун ҳам физика, ҳам метафизикадир».

Монтен – инсон қалбининг хилват кенгликларини, феъл-атворининг ўзига хос қирраларини, унинг фавқулудда вазиятдаги хатти-ҳаракатларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Уни олам унсурлари эмас, «шахс унсури», «хатти-ҳаракат узвлари мажмуаси», заковат тухфаларию юрак сирлари қизиқтирарди.

Монтеннинг бизга қадар 3 китобдан иборат «Эссе» («Тадқиқотлар», 1580–1588 й.) асари етиб келган.

«Эссе» – лотинча сўз бўлиб, «ўз устида тажриба ўтказиш» деган маънони англатади. Монтеннинг бу асари турли мавзулардаги фалсафий тадқиқотлар мажмуидан иборат. Бу асарда 3000 та иқтибос келтирилган: авлиё Павел насихатларидан 14 та, «Кўҳна Аҳд»дан 12 та, Инжилдан 4 та. Шунингдек, алломалар Эклезиаст.

Вергилий, Гораций, Афлотун, Эпикур, Лукреций, Плу-тарх ва Сенека каби алломалардан олинган бир неча юзлаб иқтибослар ҳам ушбу асарда акс этган. Монтен асарларида қайси мавзуга мурожаат қилмасин, аввал ўз шахсий ёндашувини, кейин эса мисолларни баён этади. Баъзан эса аксинча йўл тутади.

Монтен Бордо парламентининг маслаҳатчиси, кейинроқ эса Бордо шаҳрининг ҳокими бўлиб хиз-мат қилган.

\* \* \*

Монтен дунёқарашининг ифодаси: «Мен нимани биламан?»

\* \* \*

Монтен «Эссе» ҳақида шундай деб ёзади: «Китобимнинг мундарижаси – мен ўзимман». Волтер унинг бу фикрини шарҳлаб, шундай деганди: «Монтеннинг соддадилларча ўзини-ўзи таърифла-ши ўзига хос гўзаллик касб этади. У шу йўл билан охир-оқибат инсоннинг умумий тимсолини яратди».

\* \* \*

Гюстав Флобер (1821–1880) Монтен ҳақида шундай ёзади: «Қандай китоб ўқиш кераклиги билан қизиқа-япсизми? Монтенни ўқинг. Ўқиганда ҳам шошмасдан, оҳиста ўқинг! Қалбингиз буюк донолар фикри билан тўйинган закийлик муҳитидан баҳра олсин. Шу боис мен сизга дастлаб Монтенни ўқишингизни маслаҳат бераман. Уни бошидан охиригача ўқиб тугатгандан кейин, яна қайта мутолаа қилишга киришинг».

\* \* \*

Бу оламнинг жамики доноликлари ва фикр-му-лоҳазалари одамларни ўлимдан қўрқмасликка ўр-гатишга бориб тақалади.



\* \* \*

Жоҳилликдан қутулмоқни истасанг, аввал унга иқрор бўл... Ҳар қандай фалсафанинг ибтидосида ҳайрат ётади, тадқиқот унинг ривожини, билимсизлик эса интиҳосидир.

\* \* \*

Табиатда ҳеч нарса фойдасиз эмас. Ҳатто фойдасизликнинг ўзи ҳам фойдалидир.

\* \* \*

Инсон қолган барча тирик мавжудотлардан баланд ҳам, тубан ҳам эмас.

\* \* \*

Мўъжиза бизнинг табиат борасидаги билимларимиз етарли эмаслиги туфайли келиб чиқади. У табиатга хос сифат эмас.

\* \* \*

Ҳақиқат ҳақида ўзганинг шоҳидлиги ёки бошқа бир одамнинг нуфузига қараб фикрлаш ножоиздир.

\* \* \*

Мен ўзимга қарши чиқишим мумкин, лекин ҳеч қачон ҳақиқатга қарши боролмайман.

\* \* \*

Ҳар қандай билим туйғуларимиз орқали эгалланади. Биз туйғулар измидамиз. Илм туйғудан бошланади ва у билан тугайди.

\* \* \*

Инсон аслида ким бўлса ўшадир: у ўз тажрибаси доирасидагина фикр юрита олади; ҳарчанд уринмасин, фақат ўз қалбинигина била олади.

\* \* \*

Илмга мойилликдан кўра табиийроқ интилиш бўлмайди. Идрок ожизлик қилгач, ундан кўра кучсизроқ восита – тажрибага суянамиз. Лекин ҳақиқат шундай улуғ нарсаки, унга етишиш йўлида ҳеч қандай воситага суянмаслик жоиз.

\* \* \*

Биз отни эгар-жабдуғи эмас, кучи ва чопқирлиги учун мақтаймиз. Нима учун бир одамга баҳо беришда ҳам шундай йўл тутмаймиз? У бой-бадавлат бўлиши, ҳашаматли уйда яшаши, катта даромад ва обрў-эътибор соҳиби бўлиши мумкин. Лекин буларнинг барчаси унинг зоҳиринигина ўраб олган нарсалардир. Унинг ботинида нима бор? Мушукни қопи билан сотиб олмайсиз, тўғрими? Ёки от сотиб олаётганингизда, албатта, унинг устидаги аслаҳа-анжомни олиб ташлаб, табиий ҳолатига назар ташлайсиз. Нима учун одамга баҳо беришда уни ўраб турувчи ташқи зийнатларни мустасно этмайсиз?

\* \* \*

...Ўзини ўзи англаёлмаган бу одамларнинг Нил дарёсидаги кўтарилиш ва қайтиш сабаблари ҳақидаги фикрларига қандай қилиб ишонай?

\* \* \*

Агар менга иккинчи бор яшаш имконияти берилса, аввал қандай яшаган бўлсам, яна шундай яшаган бўлардим. Мен ўтган умримга ачинмайман ва келажакдан қўрқмайман.

\* \* \*

Донишмандликнинг энг муҳим белгиси – доимий хотиржамлик.

\* \* \*

Ихтиёрни ўзда сақлаб қолмоқлик – дунёдаги энг улуғ неъмат.

\* \* \*

Одамлар ўзлари яхши билмайдиган нарсаларга бошқа нарсалардан кўра кўпроқ ишонадилар.

\* \* \*

Ким нима деса десин-у, аммо ҳатто эзгуликнинг замирида ҳам ҳузурланиш ётади.

\* \* \*

Ҳаёт эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам эмас. У эзгулик ва ёвузликни ичига олувчи бир омбордир. Уни ё эзгулик, ё ёвузлик омборига айлантирадилар.

\* \* \*

Кўрқоқлик – шафқатсизликнинг онаси.

\* \* \*

Ноўрин гўзаллик ўз қадрини йўқотади.

\* \* \*

Кимнидир тасвирлашга ҳар қанча уринмайлик, барибир, доимо ўз-ўзимизни акс эттирамиз.

\* \* \*

Ўзини ўз табиий моҳиятида муносиб намоён қилмоқ комиллик белгиси ва деярли илоҳий сифат белгисидир. Биз одатда ўзлгимиздан қочиб, бошқача одам бўлишга интиламиз ва аслида нималарга қодирлигимизни билолмай ўтиб кетамиз.

\* \* \*

Ҳеч ким бор пулини ўзгаларга улашиб бермайди. Лекин ҳар бир одам вақти ва ҳаётини атрофидагиларга бўлишиб беради.

Биз шу қадар исроф қиладиган, бироқ хасислик қилсак шунчалар фойдали ва мақтовга муносиб бўлган бошқа ҳеч нарса йўқ.

Йўлларнинг мингтаси мақсаддан узоқлаштиради, фақат биттаси мақсадга етказди.

## ФИЛИППО ЖОРДАНО БРУНО

(1548–1600)



Италиялик файласуф Жордано Бруно Неаполнинг шарқида жойлашган Нола шаҳрида майда дворян оиласида туғилиб ўсди. У 11 ёшида Неаполдаги мактабга ўқишга борди. 14 ёшида эса Неапол дорилфунунининг бошланғич куллиёти талабаси бўлди ва фалсафа, мантиқ ҳамда диалектикадан таҳсил ола бошлади. 1565 йилда у роҳиблик мактабига ўқишга кириб, фалсафа фанлари доктори ва роҳиблик даражасига эришди. Ёш Брунодаги туғма истеъдод, ибодатхонадаги китоблар ҳамда феъл-атворидаги мағрурлик ва мустақиллик ҳаммаси бир бўлиб ўз ишини қилди. Бруно ибодатхонадаги дин пешволари билан келишолмай аввал ибодатхонани, кейин Италияни тарк этди. У Швейцария, Фарангистон, Англия шаҳарлари бўйлаб кезиб, Тулуза, Париж, Оксфорд дорилфунунларида маърузалар қилди, муҳим илмий баҳсларда қатнашди.

1584–1585 йиллари Бруно Лондонда яшади. Бу ерда унинг дунёқарашлари тизимини акс эттирувчи 6 та суҳбатни ўз ичига олган китоблари босмадан чиқди: «Коинот ва оламларнинг чексизлиги ҳақида» (1584), «Сабаб, ибтидо ва умумийлик ҳақида» (1584), «Замонамизнинг риёзиётчи ва файласуфларига қарши 160 та асосий қоидалар» (1588 й), «Қаҳрамонона ташаббускорлик ҳақида» (1585), «Қиёматдаги базм», «Ўттиз ҳайкал чироғи» (1587).

Бруно 1591 йилнинг кузагида Италияга қайтади ва 1592 йилнинг май ойида шаккокликда айбланиб,

ҳибсга олинади. Бруно тўққиз йил давомида турмада аёвсиз қийноқлар, хўрликлар исканжасида азоб чекади. Католик черкови суди бир сўзли файласуфнинг иродасини синдириш ва ўз қарашларидан воз кечишга мажбурлаш учун барча қийноқларни ишга соладилар. Лекин Бруно ўз эътиқодига содиқ қолади. Жасур донишмандни ўтда куйдириб, қатл этишга ҳукм қиладилар.

1600 йилнинг 17 февралида Италиянинг буюк фарзанди Брунони гулханда ёндирадилар. «Ўтда ёқмоқлик – инкор этмоқлик эмас!» Бу сўзлар аланга исканжасида қолган Брунонинг сўнгги нидоси эди.

\* \* \*

Бруно шундай деб ёзганди: «Менга кўпинча сен ўз қарашларинг билан оламни тўнтармоқчисан, дейишади. Аммо аслида тўнкарилган оламни ўз ҳолига қайтаришнинг нимаси ёмон?»

\* \* \*

Худо – чексизлик ичра чексиз. У ҳар нарсада ва ҳар ерда зоҳирдир.

\* \* \*

Оламлар ҳам туғилади ва ўлади. Улар мангу эмас ва доимо ўзгаришда. Чунки улар ўзгаришга маҳкум қисмлардан тузилган.

\* \* \*

Биз тўхтовсиз равишда ўзгариб борамиз. Чунки биздаги эски атомлар ўрнини янгиси эгаллайди.

\* \* \*

Руҳ ҳар бир нарсада мавжуд ва жонли нарсага айланиш имкониятидан маҳрум биронта заррача йўқ.

\* \* \*

Ҳар қандай давомийлик интиҳосиз ибтидо, иб-  
тидосиз интиҳодир. Демак, ҳар қандай давомийлик  
чексиз лаҳза, ибтидо ва интиҳонинг бир хиллиги  
инъикосидир.

\* \* \*

Табиётшуносларнинг айтишича, энг катта ва  
буюк тезликнинг ҳаракатсизликдан фарқи йўқ.  
Ҳаракатсизлик энг катта, ҳадсиз тезликдаги ҳара-  
катдир.

\* \* \*

Сезги тасаввурга, тасаввур – тафаккурга, тафак-  
кур – ақл-идрокка, ақл-идрок фикрга эврилади.

\* \* \*

Сезги чексизликни кўролмайдди. Шу боис сезги-  
лардан буни талаб қилмаслик керак. Сезги восита-  
сида чексизликни илғашни хоҳловчилар кўз билан  
Худони ва моҳиятни кўришга интилувчиларга  
ўхшайдилар.

\* \* \*

Файласуфлик қилишни истовчи аввало ҳамма  
нарсага шубҳа билан қарамоғи жоиз.

\* \* \*

Инсоннинг Ердаги ҳаёти – уруш ҳолатидан ўзга  
нарса эмас. Чунки у дангасаларнинг ночорлигини  
енгиши, юзсизликни жиловлаши, душман зарбаси-  
дан огоҳ бўлиши лозим.

**ФРЭНСИС БЭКОН**  
(Лорд Веруламский)

(1561–1626)

Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон 1561 йилнинг 21 январда Лондонда туғилди. У Англиянинг сиёсий ҳаётида кўзга кўринарли ўрин эгаллаган дворян оиласига мансуб бўлиб, отаси Николас Бэкон қиролича Елизаветанинг биринчи вазири ва муҳрдори эди.

Бэконнинг онаси – Анна Кук қирол Эдуард VI нинг тарбиячиси бўлиб хизмат қилган.

1573 йилнинг баҳорида 12 ёшли Бэконни Кембриждаги Тринити коллежига таҳсил олиш учун жўнатадилар.

Фрэнсис Бэкон 16 ёшдан бошлаб инглиз дипломатлари таркибида бир неча йил Фарангистонда хизмат қилади. У ерда Фарангистон маданияти, илм-фанининг таниқли намояндалари билан танишади.

Бэкон 18 ёшида отасидан айрилади. 23 ёшида қиролича Елизаветанинг нуфузли аъёнларидан саналган амакиси лорд Берли кўмагида мамлакат парламентиغا сайланади.

Ф.Бэкон Англияга қайтгач, ҳуқуқ илмини ўрганишга киришади.

У ҳуқуқшунослик уюшмасининг раҳбари лавозимига тайинланади. Бэкон кенг миқёсдаги суд амалиётларини олиб боради ва ҳуқуқшунослик масалаларига доир асарлар ёзади. Бэконнинг суд

жараёнидаги юксак маҳорати ҳамда суд ҳакамлари йиғилишидаги сўзамоллиги ва ақл-фаросати барчани ҳайратга солган. Ҳеч ким унингчалик аниқ, қисқа, залворли, айна дамда ўта маънодор гапиролмаган. У сўзлаётганда тингловчилар ҳар бир сўзни жон қулоқлари билан тинглаб, киприк қоқмай ўтиришган.

Бэкон 52 ёшида Англиянинг бош прокурори этиб сайланади.

1617 йилдан эса қирол Яков I нинг муҳрдори бўлиб хизмат қилади. Кейинроқ лорд-канцлерлик мартабасига кўтарилади.

1621 йилда Бэкон парламент томонидан фитначилик ва порахўрликда айбланиб суд қилинади. Суд Бэконга 40 минг фунт-стерлинг жарима солиш ва Тауэр қалъасига банди этиш ҳақида ҳукм чиқаради. Тўғри, икки кундан сўнг бу ҳукмнинг айрим бандлари бекор қилинган бўлса-да, аммо Бэконнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти буткул барҳам топади. Лордлар палатасининг ҳукмига мувофиқ у қирол саройига яқинлашмаслик ва 12 мил узоқликда яшашга маҳкум этилади.

Файласуф ҳаётининг сўнгги йилларини бетоблик ва қашшоқликда ўтказди. 1626 йилнинг баҳорида у товук гўшти қор остида қандай сақланишини синаб кўриш учун уни қўллари билан қорга кўмади ва шу баҳона бўлиб, қаттиқ шамоллайди. Бир неча ҳафта хасталаниб ётгач, вафот этади.

\* \* \*

Юзаки файласуфлик инсон ақлини худосизлик сари етаклайди. Фалсафани чуқур ўрганиш эса одамлар идрокини динга йўналтиради.



\* \* \*

Мен одамларни илм-фаннинг асл мақсадини ёдда сақлашга чақираман. Токи улар илм-фан билан ўз мансаблари, илмий баҳслар, ўзгаларни менсимаслик, шон-шухрат, шахсий манфаатлари ёки бошқа тубан мақсадлар учун эмас, балки бу билимлардан ҳаётга фойда ва манфаат етиши учун шуғулансинлар.

\* \* \*

Худони инкор этувчи одам инсон зотидаги эзгуликни ҳам инкор этади.

\* \* \*

Гарчи биз ерда яшаб, самога кўз тиксак-да, руҳимиз жисм кўргонига бандидир. Шу боис банди руҳ ҳисобсиз алдамчи ва ёлғон тимсолларни қабул қилишга маҳкум.

\* \* \*

Эмпириклар (ҳиссий идрокни, тажрибани билимнинг бирдан-бир манбаи деб биладиган фалсафий таълимот намояндалари) чумолига ўхшаб фақат манба тўплаш билан овора бўладилар ва шу тўпламлардан фойдаланадилар. Ақидапарастларнинг (моҳияти текширилмай-нетмай қабул қилинаверадиган қоидаларга кўр-кўрона ишонувчиларнинг) ҳаракати эса ўргимчакни эслатади. Улар ўзлари учун тўр ясайдилар. Асалари эса бошқача йўл танлайди. У боғ ва далалардаги гуллардан бол йиғади. Тўплаган болини у уқуви ва мақсадига мослаб қайта ишлайди. Ҳақиқий фалсафанинг моҳияти ҳам шундай бўлмоғи даркор.

\* \* \*

Табиатни фақат унинг қонунларига бўйсунтириш йўли билангина енгил мумкин.

\* \* \*

Бир нарсанинг асл моҳиятини билиш унинг сабабини билиш демакдир.

\* \* \*

Инсон – табиатнинг хизматкори ва шарҳловчиси.

\* \* \*

Моддият тиним билмайди, у мангу ҳаракатдадир.

\* \* \*

Тасодиф баъзан кашфиётларни майдонга келтиради. Аммо шу тасодифнинг юзага чиқиши йилларни эмас, ҳатто асрларни талаб этади.

\* \* \*

Фикр оламнинг чегараси ва ниҳоясини қамраб олишдан ожиз бўлса-да, лекин доимо зарурият туғилганда жуда узоқни кўра олади.

\* \* \*

Оҳанрабонинг сеҳрли хоссаси ёрдамида тафаккурнинг моҳиятини очиб бериш мумкин. Оҳанрабо беҳисоб игналарни ўзига тортиб олади-ю, сира кучи камаймайди.

\* \* \*

Тажриба – ҳақиқат гарови.

\* \* \*

Одатда майда ва арзимас нарсалар катта нарсалар ҳақида кўпроқ билим беради. Йирик нарсалар эса аксинча, кичик нарсалар ҳақида тасаввур беришга ожизлик қилиб қолади.

\* \* \*

Кўнглини ёрувчи дўсти бўлмаган одам ўз юрагининг кушандасидир.

\* \* \*

Фақат нафрат ва кўрқувгина зўравонлик қилишга мажбур этади.

\* \* \*

Кўрқувнинг ўзидан кўра кўрқинчлироқ нарса йўқ.

\* \* \*

Табиат устидан ҳукмронликни мўъжиза деб атаймиз. Аммо бу «мўъжиза» одатда бошимизга фақат кулфат ёғдиради.

\* \* \*

Инсон тафаккурига қанот эмас, балки уни қалтис сакраш ва парвоздан асровчи кўрғошин боғламоқ жоиз.

\* \* \*

Маккор одамлар илмни назар-писанд этмайдилар, соддадил одамлар ундан ҳайратга тушадилар, донолар эса илмдан фойдалана биладилар.

\* \* \*

Билимсизлик кучайгани сайин шубҳа-гумон орта боради.

\* \* \*

Мутолаа инсонни билимдонлик сари, суҳбат топқирлик сари етаклайди. Ёзиш эса аниқликни таъминлайди.

\* \* \*

Аввал шахсан ўзи ёвузликнинг барча сир-асрорларини тадқиқ этмаган софдил ва батартиб одам ҳеч қачон виждонсиз ва нодон одамларни қайта тарбиялай олмайди. Чунки тубан ва виждонсиз кишилар софдиллик ва батартибликни одамларнинг тажрибасизлиги ҳамда гўллиги оқибати деб тушунадилар.

\* \* \*

Одамлар бирор янгилик яратишдан аввал вақтдан ўрнак олишса, яхши бўларди. Чунки вақт энг буюк ўзгаришларни ҳам аста-секин, сездирмай амалга оширади. Акс ҳолда, ҳар қандай янгилик кутилмаган тасодифга айланиб қолади. Яна шуни айтиш жоизки, ҳар қандай янгилик доимо кимгадир бахт, кимгадир кулфат келтиради.

\* \* \*

Зўравонлик йўғрилган чоралар замирида ёвузлик ётади.

\* \* \*

Барча эзгу фазилатлар инсонни иллатлар исканжасидан халос этади, лекин фақат жасурлик фазилатигина инсонни тақдир ҳукмидан асраб қолишга қодир.

\* \* \*

Инсоннинг асл табиатини ёлғиз қолганда аниқлаш осон. Чунки айни шу дамларда у ўзидаги ясама хўжакўрсинлик ниқобини олиб ташлайди. Инсонни яна ғазаб отига минганда яхши билиб оласиз. Чунки у бу онларда ўз қоидаларини унутиб қўяди. Инсоннинг аслиятини янги шароитга тушиб қолган-

да билиб олса ҳам бўлади, чунки бундай дамларда унинг одатлари ўз кучини йўқотади.

\* \* \*

Бахтдан лаззатланиш – буюк саодат. Бахтни ўзгаларга туҳфа этиш эса ундан ҳам буюкроқ эзгуликдир.

\* \* \*

Давлати камайишини истамайдиганларнинг харажати даромадининг ярмидан, давлати кўпайишини истовчиларнинг харажати эса даромадининг учдан бир қисмидан ошмаслиги керак.

\* \* \*

Инсон ўзи афзал кўрган нарсаларнинг ҳақиқатлигига кўпроқ ишонади.

## НАЖМИДДИН КУБРО

(1145–1221)

Нажмиддин Кубро (тўлиқ исми-шарифи Аҳмад бинни Умар Абдулжолиб Нажмиддин ал-Ҳевақий ал-Хоразмий) сўфийлик тариқатининг етук намояндаси, кўплаб шеърӣ-фалсафӣ асарлар муаллифи, шайхлик мақомига эришган мутафаккир. У 1145 йилда Хивада дунёга келган. Ёшлигидан ҳадис илмини ўзлаштириб, Миср, Табриз ва Ҳамадонда таҳсил олган.

Хоразмга қайтгач, у Урганчда улкан хонақоҳ қуриб, кубравий оқимига асос солди. Бир қанча шогирдларга сўфийлик тариқатидан сабоқ берди. Унинг шогирдлари мистик шоир Нажмиддин Доя Розий (вафоти 1256 йил), Саъдиддин Ҳаммуя (вафоти 1252 йил), Сайфиддин Баҳарзий (вафоти 1261 йил) ҳам сўфийлик тариқатига бағишлаб мумтоз асарлар ёзган.

Нажмиддин Кубро форс ва араб тилларида ижод қилиб, кўплаб илмий ва бадий асарлар ёзиб қолдирган. Улардан энг таниқлиси «Одоб-ус-суфия» асари бўлиб, унда сўфийлик одоб-ахлоқи борасида қимматли тавсиялар, ақидалар, фикр-мулоҳазалар баён этилган. Бизгача шайхнинг яна «Фавойиҳул жамол ва фавотиҳул-жалол», «Фақирлик ҳақида рисола», «Ҳидоят-ут-толибин», «Минҳож-ус-солиҳин» каби асарлари етиб келган.

Буюк мутафаккир 1221 йилда Гурганч шаҳрини Чингизхон бошлиқ мўғул қўшинларидан Ҳимоя қилиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Тарихий манбаларда ёзилишича, 76 ёшли шайх Нажмиддин Кубро мўғул босқинчилари томонидан қамал қилинган Гурганчни Ҳимоя қилишга бош бўлиш вазифасини

Ўз зиммасига олган. Душман қамални ёриб шаҳарга бостириб киргач, тенгсиз жангларда душманга қарши мардонавор жанг қилган. Кубро ганим байроғидан бирини қўлга киритиб, жон таслим қилган. Мўғуллар унинг қўлидан байроқни ололмай, бармоқларини кесишга мажбур бўлишган.

Нажмиддин Кубро тариқатининг бош ғояси маърифатни ташвиқ этиш, инсонни шарафлаш, ҳақиқий ишқни тарғиб қилишдан иборатдир.

\* \* \*

Сўфий то жамоат таом ейишни тугатмагунча таомдан қўл тортмаслиги ва бошқаларни кўпроқ ейишга ундаши лозим. Мабодо нафл рўзаси бўлса, уни очиш лозим, зеро, жамоанинг манфаати биринчи ўринда бўлиши керак.

\* \* \*

Дунё-ю охират яхшилигини қаноатда, дунё-ю охират ёмонлигини таъмада кўрдим.

\* \* \*

Умр ва ризқнинг баракали бўлишини Аллоҳ таолога итоат қилишда кўрдим.

\* \* \*

Энг гўзал безак тавозеълик, энг хунук нарса бахиллик.

\* \* \*

Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва қаҳрамонлик, энг катта оғриқ эса ёмон ва мунофиқ дўстлар экан.

\* \* \*

Тўғрисўзликдан кўра гўзалроқ зийнатни кўрмадим.

\* \* \*

Ибодатларнинг энг афзали фарзларни адо қилиш, одатларнинг энг маъқули ва чиройлиги эса гуноҳлардан, одамларга озор беришдан тийилиш экан.

\* \* \*

Вақтни «эссиз», «қанийди», «кошкийди»лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа умр экан.

\* \* \*

Муваффақиятни саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса лоқайдлик ва дангасалиқда, балони тилда, ҳаловатни эса сукутда кўрдим.

\* \* \*

Очкўзни маҳрум, дунёпарастни ғамгин кўрдим. Энг яхши савол-жавобни кишининг ўз нафси билан ҳисоблашишида, оқилни охиратга, жоҳилни дунёга интилишда кўрдим.

\* \* \*

Нафсни шармандалиқ ва дўзах сари одамларни ҳайдашда кўрдим.

\* \* \*

Кўрдимки, инсонга келадиган барча офатлар тилда экан.

\* \* \*

Кўрдимки, экмаган ўрмайди. Шафқат қилмаганга шафқат қилинмайди.

\* \* \*

Кўрдимки, ўзини ўзи тарбиялай олган ва шаҳватлардан тийила олган киши энг кучли шахс экан.



\* \* \*

Жаннатга киришни ҳалол ейиш ва амримаҳол ишни тарк қилишда кўрдим.

\* \* \*

Кўрдимки, умр ва дунёдан кўра тез, шошилиб йўқ бўлиб кетадиган, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узоқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан.

\* \* \*

*Огоҳ бўл ҳамиша, бу жаҳондир бор-йўқ,  
Ҳеч нарса йўқ унда кемтиги зинҳор йўқ.  
Йўқ десалар, бор деб уни қил исбот,  
Бор десалар, айла дадил инкор «йўқ».*

## ГАЛИЛЕО ГАЛИЛЕЙ

(1564–1642)



Италиялик қомусий олим: риёзиётчи, фалакиётшунос, файласуф, табиётшунос аллома Галилео Галилей Пиза шаҳрида дунёга келди.

У обрўли, бироқ камбағаллашган аслзода оилага мансуб эди. Отаси Галилейнинг ҳақим бўлишини орзу қиларди. Шу боис у Пиза дорилфунунининг тиббиёт куллиётига ўқишга кирди. Лекин Галилейдаги риёзиётга бўлган қизиқиш устунлик қилди.

Галилей аввал ибодатхона мактабида, кейин дорилфунунда ўқиди. У Архимедни ўзига устоз деб билган.

1589 йилда Галилей Пиза дорилфунунида профессор илмий унвонини олди. У дорилфунунда дарс бериш билан бир вақтда механика ва фалакиётшуносликка оид қатор тадқиқот ишларини олиб бориб, жисмларнинг тушиши, уларнинг қиялик сиртдаги ҳаракати қонунларини ўрганди. Шунингдек, осмон жисмларининг ҳаракатини кузатди.

Галилео Галилей ўз тадқиқотларига таянган ҳолда Арастунинг Коинот тузилиши ва механик ҳолатига доир таълимоти хато эканини маълум қилди. Дорилфунун ўқитувчилари ва дин пешволари унинг бу фикрига қарши чиқишди. Оқибатда олим Пизани тарк этишга мажбур бўлди.

Галилей 1592–1610 йилларда Падуан дорилфунунининг риёзиёт кафедрасида ишлади.

Олим 1609 йилда телескопни ихтиро қилди. Бу илк телескоп орқали осмон жисмларини 30 баравар катталиқда кўриш мумкин эди.

Олим 1610 йилдан Флоренция герцоги саройида хизмат қила бошлади.

Галилей Ойдаги кратерлар ва тоғ тизмаларини аниқлади. Муштарийнинг йўлдоши, Қуёшдаги доғлар, Зухра сайёраси фазалари, Зухалнинг ҳалқаларини кашф этди.

1633 йилда руҳонийлар Галилейнинг «Оламнинг икки тизими ҳақидаги суҳбатлар» номли асарини муҳокама қилиб, унда илгари сурилган илмий фикрларни (Ернинг Қуёш атрофида айланиши, Қуёшнинг эса тинч туриши) рад этдилар. Рим папаси Галилей устидан суд олиб бориш тўғрисида кўрсатма берди. Ёши 70 ни қоралаб қолган хаста Галилейни Римга келтириб, зўрлик билан сайёралар оламига оид фикрларидан воз кечишга мажбур қилдилар.

Суд тугагандан кейин Галилей Флоренцияга қайтади ва реакцион руҳонийларнинг таъқибига қарамай, илмий тадқиқотларини давом эттиради.

Олим 1642 йили шогирдлари Вивиани ва Торричели қўлида жон беради. Католик черкови 1971 йилга келибгина Галилей устидан чиқарилган айблов ҳукмини бекор қилди.

\* \* \*

Коинотнинг чегараси бор-йўқлиги масаласи ҳа-  
нузгача ечилмай қолаяпти. Менимча, инсоният ҳеч  
қачон бунинг тагига етолмайди.

\* \* \*

Мен катта масалалар хусусида узоқ баҳслашиб,  
ҳеч нарсага эришолмагандан кўра, арзимас нар-  
саларга оид кичик бир ҳақиқатни кашф этишни  
афзал кўраман.

## ЯКОВ БЁМЕ

(1575–1624)



Олмон файласуфи Яков Бёме Саксонияда камбағал деҳқон оиласида туғилди. Бёме улғайгач, отаси уни этикдўзга шогирдликка беради. У буюк файласуфлар асарларини мустақил равишда мутолаа қилади.

Яков Бёме болалигида бир сирли ҳодисага дуч келган... Бир куни у бирга пода боқадиган ўртоқларидан қочиб, тоққа чиқиб кетади ва унинг чўққисида жойлашган ғорга олиб кирадиган йўлакка рўпара бўлади. Бёме қизиқсиниб, ғор ичига киради ва у ерда олтин билан лиммо-лим катта идишга кўзи тушади. Болакай эсанкираб қолади ва қўрққанидан орқасига қарамай ғордан қочиб чиқади. Шундан сўнг Бёме бу ғорнинг оғзи очилганини қайтиб кўрмайди...

Бёменинг бутун ҳаёти қашшоқликда ўтган. У бир неча фалсафий асарлар муаллифи: «Аврора» (1612), «Уч ибтидо ҳақида» (1619), «Илоҳий мушоҳадаларга чорловчи бебаҳо дарвозалар» (1622), «Илоҳий муждалар», «Заминий ва осмоний сирлар ҳақида» ва бошқалар.

Яков Бёме 1624 йилда саёҳатга чиқади ва безгак касалига учраб, қишлоғига қайтишга мажбур бўлади. Орадан кўп ўтмай вафот этади. У ўлиmidан бир неча соат аввал ўғлини ҳузурига чорлайди ва ундан: «Сенга ҳам ажойиб мусиқа эшитилаяптими?» – деб сўрайди. «Йўқ», – деган жавобдан сўнг эшикни очиб қўйишни буюради-да, соат неча бўлганини суриштиради. Соат иккига яқинлашиб қолганини эшитиб: «Йўқ, ҳали менинг вақтим келгани йўқ, яна уч соатлик умрим бор», – дейди. Соат миллари бешга бонг урганда эса

файласуф яқинларига: «Энди мен жаннатга йўл оламан», – деган сўнгги сўзларини айтади-ю, жон беради.

\* \* \*

Ёвузликнинг эзгуликка айланиши қанчалар осон бўлса, эзгуликнинг ёвузликка айланиши ҳам шунчалар осон.

\* \* \*

Сирлар китобида инсоннинг ўзи ҳам бор. Инсон барча моҳиятлар жо бўлган бир китобдир. У буюк сирларни ўзида пинҳон айлаган илоҳий мавжудотдир.

\* \* \*

Қарама-қаршиликсиз ҳеч нарса юзага чиқмайди. Зеро, кўзгунинг бир томони қора бўлмас экан, унда ҳеч нарсанинг акси кўринмаслиги кундек равшан. Бас, шундай экан, айтиш мумкинки, қарама-қаршилик тенгликнинг бир кўринишидир.

\* \* \*

Ёвузлик – ўз-ўзига душманлик, тўхтовсиз равишда ўзликдан қочишга ундовчи безовталиқ ибтидоси.

\* \* \*

Яратувчини табиатдан айри ҳолда мавжуд деб тушунмаслик керак. Табиат ва Яратувчи тан ва руҳ кабидир.

\* \* \*

Олов ёқилганда биз икки моҳиятни англаймиз. Уларнинг бири – оловнинг ўзи, бошқаси эса унинг ёғдусидир. Биз Парвардигорни ҳам шу йўсинда англашимиз жоиз.

\* \* \*

Мен оламнинг кўз илғамас теранликларини таҳлил қилдим. Қуёшни, юлдузларни, булутлар, ёмғир ва қорни кузатдим. Фикран бу оламнинг яралишини тасаввур қилдим. Шу тариқа эзгулик ва ёвузлик нафақат инсонлар ва жониворларга, балки онгсиз моддиятга ҳам хослигини англаб етдим.

## ТОМАС ГОББС

(1588–1679)



Инглиз файласуфи Томас Гоббс Англиянинг жанубидаги Веспорт қишлоғида туғилиб ўсди. Унинг онаси содда деҳқон аёли, отаси руҳоний эди.

Томас 15 ёшида Оксфорд до-рилфунунига ўқишга кирди ва икки йилдан сўнг уни битириб, мантиқ илмидан маъруза қила бошлади. 1608 йилда у Уилям Кавендишнинг ўғлига мураб-бийлик қилади. Гоббс 1610 йилдан бошлаб уч йил давомида Фарангистон ва Италияда яшайди. 1613 йилда у сиёсатчи ва файласуф Фрэнсис Бэконга котиблик қилади. 1636 йилда файласуф Италияга жўнайди ва у ерда Галилей билан учрашади. Томас Гоббс ҳандаса илмини жуда катта қизиқиш билан ўрганган.

Унинг қуйидаги асарлари маълум: «Фалсафа асос-лари» (1640-1658), «Фуқаро ҳақида» (1642), «Жисм ҳақида» (1655), «Инсон ҳақида» (1658), «Левиафан» (1658).

1646 йилда Гоббс Карл I нинг ўғли шаҳзода Уэлсскийга (бўлғуси Карл II) риёзиётдан сабоқ бера бошлайди.

Файласуфнинг атрофида уни кўролмайдиганлар кўп эди. Шу боис Томас Гоббсни кексайган чоғида даҳрийликда айблайдилар. Унинг «Фуқаро ҳақида» ва «Левиафан» номли китоблари руҳонийлар томо-нидан тақиқланган адабиётлар рўйхатига кирити-лади. Гоббс сўққабошликда ҳаёт кечирган.

\* \* \*

Мен тақдирнинг офир зарбасига дош бераман ва нолимайман. Ўзим танлаган йўлдан олға бориш воситасида ҳасадгўйлардан ўч оламан.

\* \* \*

Ҳар қандай ўзгариш ҳаракат демакдир.

\* \* \*

Ҳақиқат ва ёлғон аслида нарсаларнинг эмас, сўзнинг моҳиятига хос хусусиятдир. Сўз йўқ жойда ҳақиқат ҳам, ёлғон ҳам бўлмайди.

\* \* \*

Инсоннинг табиатида урушқоқликнинг учта сабаби муҳрланган: рақобат, ишончсизлик, шуҳрат-парастлик.

\* \* \*

Эзгулик ва иллатларни ўлчовчи умумий мезон фақат давлатда мавжуд бўлади. Ҳар бир давлатнинг қонунлари ана шу мезон вазифасини ўтайди.

\* \* \*

Давлатнинг қандайлиги ҳақида хулоса чиқариш учун аввало одамларнинг ахлоқи, қизиқишлари ва феъл-атворини ўрганиш жоиздир.

\* \* \*

Табиий қонунлар ўзгармас ва мангудир. Инсон табиатига хос табиий қонунларнинг сони 12 та:

1. Шукроналик. 2. Адолатлилик. 3. Ўзаро ён босиш ва илтифот. 4. Кечиримлилик. 5. Эзгу келажак ҳақида ўйлар. 6. Ҳақоратга дош беролмаслик, мағрурлик. 7. Холислик. 8. Буюмлардан фойдаланишдаги тенглик. 9. Қуръага ишониш. 10. Эгалик

хуқуқи. 11. Ҳакамга итоат этиш. 12. Ўзига ўзи ҳакамлик қилолмаслик.

\* \* \*

Нарсалар ҳақидаги эсдалик ва хотиралар йиғиндиси тажриба деб аталади.

\* \* \*

Сезги «нима?» деган сўроққа жавоб беради.

\* \* \*

Ҳайратга мойил одамлар ёки жуда кам биладилар, ёки ўзгалардан кўра ақллироқдирлар.

\* \* \*

Ўз жонини сақлашга тиришиш – энг буюк эзгулик. Табиат инъомини қарангки, ҳамма ўзига фақат яхшилик истайди.

\* \* \*

Муҳтожлик аҳмоқликдан афзалроқдир.

\* \* \*

Эркинлик ва зарурият доимо биргаликда мавжуддир. Масалан, дарё суви эркин оқади. Лекин у ўзандан чиқмаслик заруриятига бўйсунди. Шунга кўра, айтиш мумкинки, барча ихтиёрий ҳаракатлар аслида мажбурийдир.

\* \* \*

Хатога йўл қўйиш уят эмас. Янглишиш ҳамма одамларга хос хусусият. Лекин олимлар имкон қадар хато қилмасликлари жоиз. Адашиш уларнинг вазифасига зид ишдир.



## РЕНЕ ДЕКАРТ

(1596–1650)

Фарангистонлик файласуф, риёзатчи, тиббиётшунос олим ва услубий назариётчи Рене Декарт Турен музофотининг Лаэ шаҳарчасида дворян оиласида дунёга келди.

1606 йилнинг баҳорида отаси Декартни Ла-Флешдаги диний коллежга ўқишга жўнатади.

1618 йилда Декарт Голландияга жўнайди ва ўз хоҳиши билан армияга ёлланиб, испан-австрия қўшинларига қарши курашда иштирок этади.

1619 йилдан бошлаб Декарт фалсафа билан жиддий шуғулланишга киришади.

1625 йилда Декарт Парижга келади ва олимлар билан танишади. Файласуф бу ерда тарихда «одам журнал» деб ном қолдирган Мерсен Марен билан яқин дўст тутинади.

Рене Декарт табиатан қизиққон бўлса-да, баҳс ва тортишувлар чоғида доимо ўзини муносиб тута билган. У биринчи бўлиб «Эфир» атамасини ва у ҳақидаги ғояни фан оламига олиб кирди. «Фикр-лаяпман, демак мавжудман», – деган нақлни ҳам Декарт ўйлаб топган. Шунингдек, у биринчи бўлиб, камалакнинг пайдо бўлиш сабаблари ва унинг табиатини тушунтириб берди.

Декарт 1650 йилнинг 11 феввалида етти кун давом этган аёвсиз безгак хуружидан сўнг вафот этади.

Бизгача Рене Декартнинг қуйидаги асарлари етиб келган: «Ақлни бошқариш қоидалари», «Ко-



инот ёки олам ҳақида мушоҳадалар», «Фалсафа ибтидоси», «Услуб ҳақида мушоҳадалар», «Ҳандаса» ва бошқалар.

\* \* \*

Ҳурлик ва бўш вақт... Бу икки нарсага мен шунчалар тўлақонли эгалик қиламан ва уни шу даражада қадрлайманки, бундай имтиёз ва ҳузурни сотиб олишга оламдаги энг бадавлат подшоҳнинг ҳам қурби етмайди.

\* \* \*

Табиат менга шундай заковат ато этганки, илмий фаолиятимда ўзгаларнинг фикрини эшитишдан эмас, балки доимо ўз шахсий қарашларимни шакллантиришга интилишдан завқ оламан.

\* \* \*

Барча фанлар бир-бири билан шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, уларни битта-битталаб ўрганишдан кўра, бирваракайига ўзлаштириш осонроқдир.

\* \* \*

Умид – кўнгилдаги истакнинг рўёбга чиқишига ўзни ишонтирмақ, демак. Қўрқув эса орзу-истаклар рўёбга чиқмаслигига ишонтирувчи руҳий мойилликдир.

\* \* \*

Ўзликни англашдан кўра сермаҳсулроқ машғулот йўқдир.

\* \* \*

Қадр-қимматини билган одам бошқаларнинг ўзидан кўра ақллироқ, илмлироқ ва гўзалроқ бўли-

шидан чўчимайди. У аслида бошқалардан устунроқ бўлса ҳам ҳеч қачон ўзини юқори тутмайди.

\* \* \*

Кучли ва олижаноб одамларнинг кайфияти хотиржамлик онларида ҳам, кулфатга рўпара бўлганда ҳам ўзгармайди.

\* \* \*

Уят инсоннинг ўзини ўзи яхши кўришига асосланган ва танбеҳ эшитишдан чўчиши туфайли пайдо бўладиган қайғунинг бир кўринишидир.

\* \* \*

Ақли бўлишнинг ўзи етарли эмас. Энг асосийси ақлни амалда қўллай билишдадир.

\* \* \*

Донишмандлик нафақат амалий мулоҳазакорлик, балки инсон англашга қодир бўлган илмларни мукамал эгаллаш демакдир.

\* \* \*

Сен тақдири азални эмас, аввало ўзингни енгишга ҳаракат қил. Дунёни тартибга солишга уринма, энг аввал ўз истаklarингни бошқара бил.

\* \* \*

Қўлингдан келмайдиган ва ўзгалар кўмагисиз эришишга кўзинг етмайдиган нарсаларни орзу қилма. Сенинг энг катта бойлигинг – ҳурлигинг. Ҳурлик сенга гўзаллик, давлат, обрў-эътибор, куч-қувват бағишлай олмайди, лекин у сени нарсаларга эмас, ўзингга хон, ўзингга бек бўлишингни таъминлайди.

## БАЛТАСАР ГРАСИАН

(1601–1658)



Балтасар Грасиан Испаниянинг Блемонте қишлоғида эътиборли шифокор оиласида туғилиб ўсди. У болалигиданоқ ўз истеъдоди билан бошқалардан ажралиб турган.

Балтасар 1619 йилда диний мактабга ўқишга боради. 1619-1623 йилларда фалсафадан сабоқ олади. 1623 йилда эса Сарагосда илоҳиёт илмини ўрганади.

Файласуфнинг «Қаҳрамон» (ахлоқий-илмий асар, 1637 й.), «Сиёсатчи» (1640 й.), «Зукколик ёки Ўткир Ақл санъати» (1642 й.), «Критикон» (инсоннинг жамиятдаги йўли ҳақидаги ушбу фалсафий романнинг I қисми 1651 йилда, II қисми 1653 йилда, III қисми 1657 йилда ёзиб тугатилган) каби асарлари маълум.

Файласуф 1657 йилда тухматга учраб, вазифасидан четлаштирилади (у Сарагос коллегиясида дарс берган) ва чекка Граус мавзесига сургун қилинади.

Грасиан ҳаётининг сўнгги йилларида сургуннинг оғир машаққатларини бошидан кечиради, муҳтожликда, таҳқир ва таъқиблар остида яшайди. Унга ҳатто кулбасида қороз ва қалам сақлашни ҳам тақиқлаб қўядилар. Балтасар қанча уринмасин, ўзининг сеvimли муаллимлик ва ваъзгўйлик фаолиятига қайтолмайди... бундан қаттиқ тушкунликка тушиб, эрта қарийди ва хасталикка чалинади.

\*\*\*

Балтасар Грасиан донолик илмидан сабоқ бериб, оқилу доно бўлишни истовчи ҳар бир одам учун қўйидагиларни фарз деб билади:

Ўзгалар сенга муҳтожлик сезишсин ва бу қоида сенинг энг биринчи қуролинг бўлсин.

\* \* \*

Ўзингдан юқори мавқедагилар устидан ғалаба қозонишдан тийил. Зафар қучмоқлик адоват туғдиради. Ўз соҳибининг устидан ғалабага эришмоқлик ҳам ақлсизлик, ҳам хавфлидир. Инсон ўз гўзаллигини палапартиш кийиниш воситасида кўздан яшира олгани каби, агар ҳаракат қилса, ўз устунлигини ҳам пардалай олиши мумкин.

\* \* \*

Ғанимнинг диққатини чалғитишга урин. Ҳаракатларингни мунтазам ўзгартириб тур. Зеро, тўғри учиб бораётган қушни уриб тушириш, айланма ҳаракат билан чарх ураётган қушни нишонга олишдан кўра осонроқдир. Бир хиллик – сирингни очади, режани фoш этади.

\* \* \*

Меъёридан ортиқ умидланма. Одатда ҳаддан ортиқ мақталган нарса ишончни оқламайди. Воқелик ҳеч қачон хаёлот ортидан эргашмайди. Зеро, орзу қилмоқ осон, аммо унга эришмоқ ғоят мушкул.

\* \* \*

Ўзидаги нуқсонни фазилатга айлантира олиш санъати, айниқса, қадрлидир. Тепакал Цезарь бошига доимо дафна дарахти япроғидан ясалган тож кийиб юрган.

\* \* \*

Ҳар бир одамнинг қалбига йўл топа бил. Одамларни бошқара билиш санъати ана шундадир. Бунинг учун довиюрак бўлиш шарт эмас. Ҳар бир одам табиатан турли нарсаларга майл қўяди. Кимдир обрў-эътиборга ўч бўлса, бошқа бировни фақат ўз манфаати қизиқтиради. Кўпчилик роҳат-фароғатни афзал билади. Сен

аввал одамларнинг шу нарсалардан қай бирига мойиллигини бил-да, кейин уларнинг кўнглига йўл топиш учун керакли воситани қўлла.

\* \* \*

Зарурият туғилганда ўзингни четга олишни ҳам бил. Оламда беҳуда машғулотлар кўп... Лекин ҳеч иш қилмагандан кўра, беҳуда иш билан машғул бўлган ҳам яхшироқ. Ақлли одам ҳеч кимнинг кўнглига урмайди. Шунингдек, у ўзгалардан безор бўлмасликнинг гамини ҳам емоғи жоиз. Ҳаммага тегишли одамнинг ихтиёри ўзида бўлмайди. Ўзингни ҳатто дўстлардан ҳам чегаралай бил. Улардан имкониятидан ортиқ ҳеч нарса талаб қилма. Ҳаддан ошмоқлик, айниқса, одамлар билан муомалада меъёрни сақлай билмаслик ҳеч қачон яхшилиқка олиб келмайди.

\* \* \*

Муносиб равишда чекина билиш мардонавор ҳужум қилиш каби муҳимдир. Мақсадинга эришгандан сўнг ўзингни тўхтата бил. Омад устига омад келавериши шубҳалидир. Омаднинг кетидан қувиш оқибатида аввал эришган ҳамма нарсангни бой бериб қўйишинг ҳеч гап эмас. Баъзан шундай бўладики, омад сенга қисқа фурсатли, аммо буюк марҳамат кўрсатади. Лекин бахти чопган одамни доимо кафтида кўтариб юриш бир кун келиб омаднинг ҳам жонига тегади.

\* \* \*

Кутишнинг ҳадисини ол. Ақлингга бўйсуниб, сабр билан иш тутсанг, омад сенга пешвоз чиқади.

\* \* \*

Ўзлигингни бирваракайига намойиш этма. Акс ҳолда, эртага ҳеч кимни ҳайратга сололмайсан. Шу боис одамларга ҳар куни бирор янгилик ҳады этиш учун ниманидир ўзингда олиб қол. Атрофдагилар бундай одамдан кўп нарса кутадилар ва ҳеч қачон унинг хазинаси тагига етолмайдилар.

\* \* \*

Устунлик – биринчиликда. Иккинчи бўлган қанчалик тер тўкмасин, ҳеч қачон тақлидчи деган тамгадан қутулолмайди. Донолар янгилик яратиб, қаҳрамонлар рўйхатидан ўрин оладилар. Баъзилар биринчи қаторда иккинчи бўлгандан кўра, иккинчи қаторда биринчи ўринни эгаллашни афзал кўришади.

\* \* \*

Рад этишни бил. Ҳеч қачон кескин рад жавобини берма – бу садоқат узвларини кесмоқ билан баробар. Озгина умид қилишга имкон қолдир. Бу умид раддия аламини камайтиради. Илтифот кемтик мурувватнинг, яхши сўз бажарилмай қолган ишнинг ўрнини тўлдиради.

\* \* \*

Қатъиятли бўл. Инсон бахт юлдузига ишониб, қатъият билан ишга киришмоғи лозим. Билгилки, кўлмак сув тез айнийди, оқар сув эса доим зилол ва беғубордир.

\* \* \*

Чап бермоқни ўрган. Йўл топа билиш ақлли кишиларнинг ишидир. Улар ўринли ва ажойиб бир ҳазил билан ҳар қандай қийин ва ноқулай вазиятдан чиқиб кета оладилар. Бир табассум билан мақсадга етиб, аёвсиз баҳсдан омон чиқадилар. Баъзан эса ўзини тушунмаганликка солишдан кўра ақллироқ йўл қолмайди.

\* \* \*

Доимо янгиланиш сари одимла! Энг аъло нарса ҳам эскиради, шу билан бир қаторда шон-шухрат ҳам. Одат – ҳайратнинг кушандаси. Бас, шундай экан, ҳар жабҳада – имконият, ғалаба, мардлик бобида ўзингни янгидан кўрсат. Худди қуёш янглиф янги-янги бетакрор жилва қилиб, ўзингни намоён қил.

\* \* \*

Ортиқча қайсарликдан ўзингни тий! Зотан, пўрта-  
холни тўхтовсиз эзсанг, тахири чиқади. Истеъдодни  
беҳуда сарфламоқ эса унинг тез сўнишига олиб келади.

\* \* \*

Ҳеч қачон ўз ҳақингда гапирма! Чунки ё ўзингни  
мақташга, ёхуд ёмонлашга тўғри келади. Ўзи ҳақида  
сўзламоқлик ақлга қарши иш тутмоқликдир. Бундан  
ташқари сен тингловчини ҳам зериктириб қўясан.

\* \* \*

Давр билан ҳамнафас яша. Жуда билимдон бўлган  
тақдирингда ҳам замонга қараб иш тут. Йиллар ўтиб  
борар экан, қарашлар ҳам, урфлар ҳам ўзгаради.  
Эскича фикрлашдан қоч. Замона зайлига мослаш.

\* \* \*

Ҳаёт – ўйин.

\* \* \*

Якка қолиб, доно бўлгандан кўра, кўпга қўшилиб  
аҳмоқ бўлган афзалроқ.

\* \* \*

Доно киши ҳаммани қадрлайди. Чунки у ҳар бир  
одамнинг яхши томонини кўра олади.

\* \* \*

Қилмиш – фикрлар меваси. Яхши фикр яхши амал  
демакдир.

\* \* \*

Нутқ – амалнинг сояси.

\* \* \*

Қасос олишнинг энг яхши йўли – унутиш. Уну-  
тишдан душман ўзининг ночор, арзимас бир кимса  
эканлигини англаб, куйиб кул бўлади.



\* \* \*

Икки нарса инсонни тез адо қилади: бири – аҳмоқлик, иккинчиси – ахлоқсизлик. Баъзилар умрни асрашни билмагани боис, айримлар эса буни истамаганлари учун ҳалокатга юз тутадилар.

\* \* \*

Йўлинг ойдин бўлмаса, доно ва эҳтиёткор одамларнинг этагидан тут. Улар эртами-кечми сени тўғри йўлга олиб чиқадилар.

\* \* \*

Инсонга йигирма ёшида туйғулар, ўттизида истеъдод, қирқида ақл-заковат ҳукмронлик қилади.

\* \* \*

Гап киришингда сени оломон олқиш билан қарши олишида эмас, балки кетишингдан қайғуга тушишидадир.

\* \* \*

Файрат билан омихта ўртачалик ҳафсаласизлик билан йўғрилган истеъдоддан кўра кўпроқ наф келтиради.

\* \* \*

Ишонч беғамликка айланмаслиги учун енгил ишга ҳам оғир иш деб қара. Ишончсизлик кўрқоқликка айланмаслиги учун эса мушкул ишга енгил иш деб қара.

\* \* \*

Эҳтироснинг кўзи кўр. У нимага тегинмасин, ҳамма нарсани ўз рангига бўяйди. Таассурот уйғотиш – унинг учун энг асосий нарса.

\* \* \*

Томошабин ўйинчидан кўпроқ нарсани кўра олади.

\* \* \*

Ҳар қандай давомийлик тараққиёт бўлолмайди.

## ФРАНСУА ДЕ ЛАРОШФУКО

(1613–1680)



Фарангистонлик файласуф герцог Франсуа де Ларошфуко қирол хонадонига қариндошлик ришталари билан боғланган киборлар оиласида туғилиб ўсди.

Ларошфуконинг болалик йиллари Анумуа музофотининг Вертей қалъасида жойлашган ота мулкида ўтган. Оиланинг тўнғич фарзанди (фарзандлар жами 12 нафар эди) бўлгани учун уни отасининг исми билан, яъни шаҳзода Марсийяк деб аташган. Франсуа 15 ёшида уйланган ва 8 та фарзанд кўрган.

Ларошфуко 27 ёшида Парижга келади ва қиролича Анна Австрийская томонида туриб, унинг ганими кардинал Ришельега қарши сарой фитналарида қатнашади.

1648–1652 йилларда Ларошфуко фаранг асладалари (Фронда)нинг қирол ҳукуматига қарши исёнига бошчилик қилади. Бу ғалаёндаги иштироки Ларошфукога одамзотга доир янги ҳақиқатларни англаб олишига ёрдам беради. 1664 йилда унинг «Максималар ёки ахлоқий мушоҳадалар» («максима» лотинча асосий қоида, деган маънони англади) номли машҳур китоби нашр этилади. Бундан ташқари унинг қуйидаги асарлари маълум: «Шаҳзода де Марсийяк мадҳияси» (1649 й), «Ларошфуконинг ўз портрети» (1658 й), «Эсдаликлар» (1662 й).

Ларошфуконинг ўзи тан олишича, у аксарият ҳикматли сўзларни ғазаб отига миниб, бекор ўтирган чоғларида ёзган.

Файласуфнинг феъл-атвори шу қадар тушқунликка мойил бўлганки, унинг кулганини йил давомида атиги бир ёки икки марта кўришган.

Лев Толстой Ларошфуконинг ҳикматли сўзлар тўплами билан танишгач, шундай деб ёзганди: «... Гарчи бу китобда биргина ҳақиқат – иззатталаблик инсон хатти-ҳаракатининг ҳаракатлантирувчи куч деган гоя илгари сурилган бўлса-да, муаллифнинг турлича ёндашуви туфайли бу фикр ҳар гал янги-ча ва ҳайратланарли бир тарзда талқин этилган. Ушбу китобни зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим. У одамларни нафақат ўйлашга, балки ўз фикрини аниқ, жонли, лўнда ва нафис тарзда ифодалашга ўргатади. Уйғониш давридан буён Ларошфукодан бошқа ҳеч ким бунинг уддасидан чиқолмаган».

\* \* \*

Оламга тақдир ва инжиқлик ҳукмронлик қилади.

\* \* \*

Фалсафа ўтмиш ва келажак ғам-ташвишлари устидан ғалаба нашидасини суради. Ҳозирдаги қайғу-кулфатлар эса фалсафа устидан зафар қозонади.

\* \* \*

На Қуёшга, на ўлимга тик қараб бўлмас.

\* \* \*

Саломатлик тана учун қанчалар муҳим бўлса, руҳ учун донолик шунчалар зарурдир.

\* \* \*

Баъзан ақл бизга дадиллик билан нодонликка қўл уриш учун хизмат қилади.

\* \* \*

Асл нотиклик барча керакли нарсаларни меъёри билан айта олиш санъатидир.

\* \* \*

Гуноҳ ишга қўл урган кишига насиҳат қилишга ундовчи нарса биздаги эзгулик эмас, манманликдир. Биз айбдорни тўғри йўлга солиш учун эмас, балки ўзимизнинг гуноҳсизлигимизга бошқаларни ишонтириш учун ваъзхонлик қиламиз.

\* \* \*

Шодланиш ва қайғуриш даражаси содир бўлган воқеанинг кўламига эмас, балки бизнинг таъсирчанлигимизга боғлиқдир.

\* \* \*

Майда ишларни ўта тиришқоқлик билан амалга оширувчилар кўпинча буюк ишларга қодир бўлолмайдилар.

\* \* \*

Ҳамма хотирасидан нолийди-ю, лекин ҳеч ким ақлидан нолимайди.

\* \* \*

Севгига аниқ таъриф бериб бўлмайди. Севги қалб учун ҳокимлик қилиш истаги, ақл учун ички ўхшашликка интилиш истаги, тана учун эса эгаликка интилувчи нозик ва пинҳоний истакдир.

\* \* \*

Кексалиқда ташқи қиёфадаги қусурлар билиниб қолгани каби ақлий ноқислик ҳам ошкор бўлади.

\* \* \*

Одамлар кўпинча гуноҳларини жазосиз қолдириш имкониятига эга бўлиш учун яхшилик қиладилар.

\* \* \*

Мевааларнинг етилиш вақти бўлгани каби, инсоний фазилатларнинг ҳам камолга етиш фурсати мавжуд.

\* \* \*

Дорилар таркибида заҳар бўлгани каби, эзгуликка ҳам қусур аралashi мумкин.

\* \* \*

Кўпгина одамлардаги адолатсеварлик адолатсизликка рўпара бўлишдан чўчиш белгиси ҳисобланади.

\* \* \*

Буюк одамларнинг узоқ муддатли мусибатларга дош беролмай букилиб қолиши, уларга руҳий куч-қудрат эмас, балки иззат-нафс таянч бўлганидан дарак беради.

\* \* \*

Қаҳрамонлар ўзларининг ўта шуҳратпарастлиги билан оддий одамлардан фарқ қилади.

\* \* \*

Ҳар қандай одамга ва амалларга муайян масофадан туриб назар солмоқ жоиз. Чунки баъзи одамларни яқиндан қараб тушуниш мумкин бўлса, бошқаларни фақат узоқроқдан разм ташлаб англаш мумкин.

\* \* \*

Ақлли ва ёқимли суҳбатдошларнинг танқислиги сабабларидан бири кўпчилик одамларнинг ўзгалар фикрига эмас, ўз шахсий мулоҳазаларига жавоб излашларидадир.

\* \* \*

Буюк одамларнинг шуҳрати доимо уларнинг бу мақомга эришишда қандай воситани қўлагани билан ўлчанмоғи лозим.

\* \* \*

Буюк одамларнинг нуқсонлари ҳам буюқдир.

\* \* \*

Бошқаларсиз яшай оламан дегувчилар катта хатога йўл қўядилар. Лекин менсиз ҳеч ким ҳеч нарса қилолмайди дегувчилар ундан ҳам кўпроқ адашадилар.

\* \* \*

Ўзгаларнинг ишига аралашиб донолик кўрсатмоқ, шахсий муаммоларни донолик билан ҳал этишдан кўра осонроқдир.

\* \* \*

Алданишнинг энг осон йўли ўзни бошқалардан айёроқ деб ҳисоблашдадир.

\* \* \*

Кўпинча сотқинликка атайин қўл урилмайди. У ожизлик туфайли содир этилади.

\* \* \*

Одамларнинг устимиздан ҳукмронлик қилишига қаршилиқ кўрсатишдан кўра, уларнинг устидан ҳукм юритиш осонроқдир.

\* \* \*

Ёлғиз ўзимизгагина аён хатоларимизни тез унутамиз.

\* \* \*

Баъзи одамлар қўшиққа ўхшайди: улар тезда эътибордан қолишади.

\* \* \*

Доимо ҳаммадан ақллироқ бўлиш истагидан кўра аҳмоқона хоҳиш йўқ.

\* \* \*

Чаққонлигини ўзгалар назаридан яширишга қодир одамларни ҳақиқий эпчил деб аташ мумкин.

\* \* \*

Сахийлик замирида кўпинча инъом этилаётган нарсадан ҳам қадрлироқ шуҳратпарастлик ётади.

\* \* \*

Кўнглимиз қолган одамни қайта севолмаймиз.

\* \* \*

Ҳукмдорларни ўзларида йўқ фазилатлар билан мақташ уларни ҳақоратлаш билан тенгдир. Одатда бундай ҳақорат жазосиз қолади.

\* \* \*

Инсоннинг қалби ва ақли ҳам худди она тили каби Ватан тимсолидир.

\* \* \*

Муваффақиятсизликка учраган ҳар қандай мақсад ўз жозибасини йўқотади.

\* \* \*

Биз ўзимизни қанчалик оғир шармандаликка дучор этмайлик, шаънимизни оқлаш имконияти деярли ҳар доим сақланиб қолади.

\* \* \*

Бир одамни англашдан кўра, кўпчиликни тушуниш осонроқдир.

\* \* \*

Душманларимизнинг биз ҳақимиздаги фикрлари ўзимизнинг бу ҳақдаги мулоҳазаларимизга нисбатан ҳақиқатга яқинроқдир.

\* \* \*

Агар томонлардан фақат биттаси айбдор бўлганда, одамлар ўртасидаги низо бунчалар узоқ чўзилмасди.

\* \* \*

Ўзимиз сақлай олмаган сирни очмасликни бошқалардан қандай талаб қилиш мумкин?

\* \* \*

Биз аслида нима истаётганимизни ҳеч қачон охиригача тушуна олмаймиз.



## БЛЕЗ ПАСКАЛ

(1623–1662)

Фарангистонлик риёзатчи, табиётшунос олим ва файласуф Блез Паскал Клеромонда истиқомат қилувчи оқсуяк оилада туғилиб ўсди. Унинг Жилберта исмли опаси ва Жаклин исмли синглиси бўлган.

Кичкинтой Блез эндигина юришни бошлаган кезлари ногоҳон касалликка чалинади. Кундан-кунга аҳволи оғирлашиб, озиб-тўзиб кетади. Бундан ташвишга тушган ота-она афсунгар аёлга мурожаат қилиб, болани даволашини сўрашади. Афсунгарнинг дуосидан сўнг бола оёққа туради.

У болалигида ҳам, улғайгандан кейин ҳам нимжон бўлиб, тез-тез касалга чалинади.

1626 йилда Блез ҳали 3 ёшга тўлиб улгурмасидан касалманд онаси Антуанетта Бегон 30 ёшида вафот этади.

Опаси Жилбертанинг хотирлашича, Блез Паскалдаги ноёб истеъдод, ақл-заковат жуда ёшлигиданоқ намоён бўла бошлаган. У тили чиқиши биланоқ нарсаларнинг табиатига оид ақлли саволлар билан катталарга мурожаат қилар, ўзига берилган саволларга эса қисқа, аниқ ва ўринли жавоб қайтарарди. Касалмандлиги туфайли ёш Блезни тарбиялаш ва ўқитишни отаси ўз зиммасига олди. У Блезга риёзиёт ва табиёт илми асосларидан сабоқ бериб, замонавий илм-фан янгиликларидан воқиф этди.

Паскал 16 ёшида конус кесишмаси ҳақидаги илмий асари билан жаҳон олимларининг эътибори ва эътирофига сазовор бўлди.



1654 йилда 30 ёшли Паскал руҳий тушкунликка учраб, таркидунё қилади ва янсенитларнинг Пор-Роял ибодатхонасида яшай бошлайди. Табиатан жаззак ва сержаҳл Блез бу ерда итоаткор, мўмин одамга айланади. У риёзиётни унутиб, Инжилни қўлидан қўймайди. Паскал ўзининг «Мушоҳадалар» номли асарида: «Худони ақл эмас, юрак англайди», – деб ёзганди.

Блез Паскал файласуфлар Эпиктет ва Монтен асарларини севиб мутолаа қилган.

Буюк мутафаккирнинг қуйидаги асарлари маълум:

«Бўшлиққа доир янги тажрибалар» (1647), «Суюқлик мувозанати ва ҳавонинг вазни хусусида илмий мушоҳадалар» (1649-1654), «Арифметик учбурчак ҳақида илмий мушоҳадалар» (1654), «Ҳандасавий ақл ҳақида» (1655), «Ишонтириш санъати ҳақида» (1655-1657), «Мушоҳадалар» ва бошқалар.

Паскални «инсон файласуфи» деб аталувчи файласуфлар гуруҳига киритиш мумкин. Чунки у инсоннинг оламда тутган ўрни ва моҳиятига доир фалсафий қарашларни баён этган.

Блез Паскал жуда қийналиб жон таслим қилган. Унинг нимжон танасига азоб бераётган оғриқлар 1662 йил август ойининг ўрталарида барҳам топди. «Парвардигор ҳеч қачон мени тарк этмайди!» Донишманд сўнгги нафасида шу сўзларни айтиб улгурди.

\* \* \*

Инсон ўзининг аянчли аҳволини англаши билан улуғвордир. Зеро, муҳтожлик ўзининг мушкул аҳволини англаш демакдир. Бундай англаш улуғворлик белгисидир.

\* \* \*

Бизнинг бор-йўқ фазилатларимиз фикрларимизда мужассамдир. Шу боис биз фазо ва вақт билан эмас, балки фикрларимиз билан юксалмоғимиз лозим. Зотан, биз ҳеч қачон фазо ва вақтни тўлдиrolмаймиз. Жўяли фикрлаш ахлоқийлик ибтидоси.

\* \* \*

Доимо олға интилиш – инсон табиатининг асоси.

\* \* \*

Оламдаги барча нарсалар бир-бирига шу даражада чамбарчас боғланиб кетганки, улардан бирини бошқаларисиз ва яхлит ҳолда олмай туриб англаб бўлмайди.

\* \* \*

Инсон учун жисмнинг руҳ билан бирлашиш сирини билишдан ўзга етиб бўлмас синоат йўқдир.

\* \* \*

Мени янги сўз айтмаганликда айбламасинлар. Зеро, янгилик моддиятнинг қандай жойлашишидадир. Копток ўйини (лапта) чоғида биттагина тўпдан фойдалансалар-да, ўйинчилардан бири уни бошқалардан кўра яхшироқ ирғитади.

\* \* \*

Барча жисмлар: осмон, юлдузлар, ер ақл деб аталмиш энг оддий воқелик олдида ҳеч нарсадир. Чунки ақл ана шу нарсаларни ҳам, шунинг баробарида ўзини ҳам англай олади. Жисм эса англаш қобилиятидан маҳрумдир.

\* \* \*

Биз ҳақиқатни нафақат ақлимиз, балки юрагимиз билан ҳам англаймиз. Юракнинг ақл тиши ўтмайдиган ўз қонунлари бор.

## ЖОН ЛОКК

(1632–1704)



Инглиз файласуфи Жон Локк Англиянинг жануби-ғарбидаги Сомерсет графлигига қарашли Рингтон шаҳарчасида туғилди.

Локкнинг отаси адвокат бўлиб, Кромвел армиясининг отлиқ эскадронига кўмондонлик қилган.

Жон Локк Оксфорд дорилфунуни қошидаги диний коллежда таълим олди. Кейинчалик тиббиёт илмини ўрганди. 1656 йилда у Оксфорд дорилфунунининг бакалаврлик, 1658 йилда эса магистрлик илмий даражасига сазовор бўлади. У кимёгар Роберт Бойл билан дўстлашади. Бу дўстлик унда файласуфлар Декарт ва Гассенди таълимотига қизиқиш уйғотади.

Жон Локк олий ҳукумат идораларида хизмат қилиб, мансаб поғоналаридан тез юқорилаб боради ва Англия ҳукуматининг лорд канцлери лавозимига эришади.

Жон Локк 39 ёшидан бошлаб фалсафа илмини иштиёқ билан ўрганишга киришади. 1682 йилда олим ҳукуматда юз берган сиёсий танглик туфайли Англияни ташлаб Нидерландияда яшайди. 1689 йилда у ватанига қайтади ва бирин-кетин хорижда ёзган асарларини чоп этади. Унинг куйидаги асарлари маълум: «Табиат қонунларига доир тажрибалар» (1662–1664 й.), «Дин эркинлигини эътироф этишга доир тажриба» (1667 й.), «Тиббиёт санъати ҳақида» (1669 й.), «Инсон тафаккурига доир тажри-

балар» (1689 йил, олим бу асар устида 20 йилдан зиёд меҳнат қилган), «Тарбияга оид баъзи фикрлар» (1693 й.) ва ҳоказо.

\* \* \*

Билимларимиз барча мушкулотларни қамраб олиш ва ҳамма саволларга жавоб топиш қудратидан маҳрумдир.

\* \* \*

Бирон бир ҳақиқат йўқки, уни бутун инсоният бирдек қабул қилса.

\* \* \*

Менимча, руҳнинг моддий ёки номоддийлигига доир муаммонинг ечими бизнинг билим доирамиздан ташқарида ётади.

\* \* \*

Илм олмоқлик яхши руҳий сифат эгаларида эзгу фазилатларнинг янада равнақ топишига хизмат қилади. Яхши руҳий сифатлардан маҳрум одамлар эса қанча кўп илм олсалар, шунча аҳмоқроқ ва бемаънироқ бўлиб борадилар.

\* \* \*

Ҳасад – ўзимиз истаган эзгуликка ўзгаларнинг эришгани туфайли юзага келадиган руҳий безовталик.

\* \* \*

Ҳеч шубҳа йўқки, бемаъни хатти-ҳаракатлар яхши қоидалардан кўра кучлироқ таъсир кўрсатади.

\* \* \*

Кулги ўзгалардаги қусурни намойиш этишнинг нозик воситасидир.

\* \* \*

Инсон хатги-ҳаракатлари унинг фикрлари таржимонидир.

\* \* \*

Жасорат қолган барча эзгу фазилатларнинг побони ва таянчидир. Кимки бу сифатдан маҳрум экан, ўз бурчини қатъийлик билан бажариш ҳамда чин инсонга хос барча яхши фазилатларни намоёйиш этишдан ожиз қолади.

\* \* \*

Инсондаги ёвузлик ва эзгулик ҳам, зараркунандлик ва ҳожатбарорлик ҳам тарбиянинг мевасидир.

\* \* \*

Ёмон тарбия кўрган одамдаги жасорат – дағалликка, билимдонлик – майдакашликка, заковат – масхарабозликка, очиқ кўнгиллик – мунофиқликка айланади.

\* \* \*

Эҳтимоллик билимдаги кемтикларни тўлдиради.

\* \* \*

Тафаккур худди кўз каби атрофдаги нарсаларни кўриш ва таҳлил қилиш имконини яратади-ю, лекин ўзимиз ҳақимизда ҳеч қандай билим бермайди. Тафаккур ёрдамида маълум масофадан туриб ўзимизга назар ташлаш учун биздан юксак санъат ва меҳнат талаб этилади.

## БАРУХ СПИНОЗА

(1632–1677)

Голландиялик файласуф Барух Спиноза Амстердамда савдогар оиласида дунёга келди. У яҳудийларнинг Амстердамдаги 7 йиллик мактабига ўқишга борди. Аммо ўқишни тамомлашга улгурмади. Чунки отасига савдо



ишларини юритиш учун ёрдамчи керак эди. Отасининг ўлиmidан кейин Спиноза бир неча йил савдогарлик билан машғул бўлди. Лекин у жуда ёшлигиданоқ фалсафа илмига меҳр қўйганди, латин тилини жуда яхши биларди. Шу туфайли орадан кўп ўтмай Спиноза Амстердамда кичик фалсафа тўғарагини очди. Илм-фан оламига чуқур кириб, дунёқараши кенгайган ёш Спиноза яҳудий дини пешволарини виждон эркинлигига риоя этмасликда айблади. Спиноза шу тахлит илм-фан оламига қанча яқинлашгани сайин яҳудий руҳонийларидан шунчалик узоқлаша борди. Натижада 1656 йилда дин пешволари Спинозани муртадликда айблаб, унга бир умрлик лаънат тамғасини ёпиштирдилар. Шундан сўнг Спиноза яҳудийлар билан алоқани буткул узиб, ўзини фалсафага бағишлади. У бир умр ўпка хасталигидан азоб чекиб яшади. Спиноза ўз ўлимини тор, фақирона хонага ўрнатилган қуп-қуруқ ёғоч чорпояда қарши олди. Сингилларининг ташмачилиги туфайли бор будидан айрилиб, қашшоқликка маҳкум бўлган донишманд ажали етганини сезиб, қўшни аёлдан ёнига битта ҳам руҳонийни қўймасликни илтимос қилади. Чунки у жон талвасасида

рақибларига ён босиб, ўз қарашларидан воз кечиши мумкинлигидан чўчиганди. Спинозанинг қуйидаги асарлари маълум: «Парвардигор, инсон ва бахт ҳақида қисқача илмий мушоҳадалар» (1658-1660 й.), «Рене Декарт фалсафаси асослари» (1663 й.), «Тафаккур такомили ҳақида илмий мушоҳадалар» (1661 й.) ва бошқалар.

\* \* \*

Ҳар бир нарсага мангулик нуқтаи назари билан боқинг.

\* \* \*

Инсон донишмандлик ва ҳақиқатни англаш йўли билангина ҳақиқий бахт ва роҳат-фароғатга эришмоғи мумкин.

\* \* \*

Жамики нарсалар Аллоҳ томонидан бошқача бир кўринишда ва тартибда яратилиши мумкин эмас эди.

\* \* \*

Ақл-идрок қанчалар чексиз бўлмасин, у табиатига кўра яратувчилик эмас, яралувчилик сифатига эгадир.

\* \* \*

Ёруғлик ўзини ҳам, зулматни ҳам аниқлаб беролгани каби, ҳақиқат ўзига ҳам, ёлғонга ҳам мезондир.

\* \* \*

Тажрибалар тил одамларнинг ҳукмига энг кам итоат этадиган нарса эканлигини кўрсатди. Одамлар эса ҳаммадан ҳам ўз эҳтиросларини чеклашга ноқобилдирлар.



\* \* \*

Аллоҳ бизга ўлчовли ақл-идрок ва чексиз ирода инъом этган. Аммо У бизни не мақсадда яратганидан беҳабармиз.

\* \* \*

Қалбларни қурол билан эмас, меҳр-муҳаббат ва олижаноблик воситасида забт этиш мумкин.

\* \* \*

Ҳеч ким ўзини ўзи хўрловчи одамчалик ҳасадга мойил бўлмайди.

\* \* \*

Кўрқув қалб ожизлигининг мевасидир.

\* \* \*

Инсонга инсондан яхшироқ наф етказувчи йўқ.

\* \* \*

Ҳар қандай аниқлик чеклаш демақдир.

\* \* \*

Биз билимларимиз етишмаслиги важдан нарсаларни тасодиф деб атаймиз.

\* \* \*

Табиатда қусурли нарсанинг ўзи йўқ.

\* \* \*

Кўзёшга ҳам, кулгига ҳам, нафратга ҳам ўрин йўқ, тушунмоқ керак!

## ШЕФСТБЕРИ АНТОНИ ЭШЛИ КУПЕР

(1671–1713)



Инглиз файласуфи граф Шефстбери отасининг ўлимидан сўнг лордлик ёрлиғига эга бўлди. Замондошларининг гувоҳлик беришича, у зукко, топқир ва жуда эҳтиёткор одам бўлган ва умр бўйи зикнафас (астма) хасталигидан азоб чеккан.

Шефстбери фалсафага биринчи бўлиб «соғлом фикрлаш» атамасини олиб кирган. Унинг қуйидаги асарлари маълум: «Яхшилик ёки хизмат тадқиқи» (1699 й.), «Ташаббускорлик ҳақида мактуб» (1708 й.), «Теран ақл ва хушкайфият эркинлигига доир тажриба» (1709 й.), «Одамлар, халқлар, фикрлар ҳамда давр тавсифи» (1711 й.), «Ахлоқшунослар» (1709 й.), «Фалсафий ҳаёт тарзи».

\* \* \*

Мен ҳамма нарсани парда остида ёки ўз устимдан усталик билан кулиш йўли орқали ва ёхуд «ҳар турли нарсаларга оид фикр» тарзида сўзлашни асосий қоида сифатида қабул қилдим.

\* \* \*

Бугун ишларим юришди. Бундан бошим кўкка етди: «Олам қандай яхши! Ҳамма нарса гўзал! Одамлар, сўзлар, атрофдаги муҳит шунчалар ёқимли ва мафтункорки, бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас!» Эртанги кун омадсизлик, умидсизлик, қайғу келтириши мумкин. Шунда хаёлимдан: «Эҳ, ожиз инсон! Қанчалар ахлоқсизсан! Одамлар орасида яшашдан

не наф? Ким учун ёзаман? Ким учун ижод қиламан!»  
– деган сўзлар ўтади.

\* \* \*

Эй, кўҳна Бирламчи Сабабкор! Сен вақтдан ҳам  
қадимийроқ бўлсанг-да, мангу навқиронсан ва аба-  
дул-абад барқ ураверасан!

\* \* \*

Доноларнинг айтишича, табиат интиҳоларни  
бир-бирига шу қадар чамбарчас боғлаганки, уларнинг  
бири иккинчисини давом эттиради ва бир-биридан  
ажралмайди.

\* \* \*

Одамларнинг ўз нуқсонларига доир сўзларни сабр  
билан тинглаши уларнинг бу нуқсонлардан қутилиш  
сари юз тутганидан далолатдир.

\* \* \*

Инсондаги соғлом фикрни ва ақлий мувофиқликни  
сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли теран ақл-идроқка  
эрк беришдир. Лекин ҳажв қилиш тақиқланган ерда  
ҳеч қачон тафаккур эркинлигига етишиб бўлмайди.

\* \* \*

Агар одамларга бирор нарса ҳақида жиддий сўзлаш  
тақиқланса, улар бу нарсалар тўғрисида ҳазил парда-  
си воситасида сўзлаш йўлини тутадилар. Борди-ю,  
бирор нарса ҳақида сўзлаш буткул тақиқлаб қўйилса  
ёки одамлар у тўғрисида фикр юритиш ҳақиқатан  
хавфли эканини ўзлари англасалар, у ҳолда икки  
карра пардалаш ва сирли йўсинда сўзлашиш йўлига  
ўтадилар. Бундай суҳбатни тушуниш, мағзини чақиш  
мушкуллашади. Шу тариқа мазах, масхаралаш урф-  
га айланади. Демак, тақиқ, киноя, истехзо, ҳазилни  
келтириб чиқаради. Эркисизлик ахлоқнинг барҳам  
топишига масъулдир.

\* \* \*

Зулм қанчалар кучли бўлса, ҳажв шунчалар ўткир бўлади.

\* \* \*

Эҳтирос ақл-идрокка хавф туғдирувчи ягона оғу-дир. Зеро, эҳтирос барҳам топгач, алдамчи фикрлар ҳам йўқолади.

\* \* \*

Унчалар мукамал бўлмаган инсон ва унинг ҳаётий шарт-шароитидан ташқари ҳамма нарса гўзал ҳамда меҳр-муҳаббатга, қувонч ва шодликка лойиқдир.

\* \* \*

Худбинлик ва пасткашлик биздаги қўрқувнинг доимий йўлдошидир.

\* \* \*

Қаҳрамонлик ва инсонпарварлик – аини бир нарса. Лекин бу туйғулар салгина йўлдан тойса ҳам инсоният суйган қаҳрамон ваҳший телбага, эл севган халоскор ва посбон эса бузғунчи ва золимга айланади.

\* \* \*

Фақат бир нарсага қатъий ишонмоғимиз мумкин: бизда Ақл бор ҳамда истак-хоҳиш ва туйғулар бизга ҳамиша ҳамроҳ. Биз хоҳ жамоа орасида бўлишимиз, хоҳ ёлғиз қолишимиздан қатъи назар, ҳар турли пуч хаёллар ва инжиқликлар ҳаракатдан тўхтамай, бор кучи билан фаолият кўрсатади. Ва ҳар қандай ҳолатда ҳам улар фаолият майдонига эга бўладилар.

\* \* \*

Майдакашлик (педантизм) ва мунофиқлик ўзида заррача мантиқни жамлаган ҳар қандай китобни тегирмон тоши каби сувга чўктиришга қодир.

## ЖАН ДЕ ЛАБРЮЙЕР

(1645–1696)

Франгистонлик мутафаккир, ёзувчи Жан де Лабрюйер ўртаҳол шаҳарлик оилада дунёга келди. У аввалига коллежда, кейин Орлеан дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиётида таҳсил олди.

1673 йилда Лабрюйер Кан музофотининг бош молиявий хазиначиси лавозимини эгаллади.

Лабрюйер ўз замондоши бўлмиш машҳур нотик, йирик дин арбоби ва ёзувчи Боссюэ тавсияси билан 1684 йилдан шаҳзода Конденинг набирасига мураббийлик қила бошлади. Бола катта бўлгач, Лабрюйерга 1000 экю миқдорида нафақа тайинланди ва у умрининг охиригача шаҳзода хонадонидида котиблик ва кутубхоначилик вазифасини бажарди.

Файласуф 1693 йилда Франгистон академиясига аъзо қилиб сайланди.

\* \* \*

Худонинг йўқлигини исботлаш имкони мавжуд эмаслигининг ўзиёқ менда Унинг борлигига ишонч уйғотади.

\* \* \*

Эй, мақтанчоқ ва ўзбилармон одамзот! Лоақал оёғинг остида топталувчи оддий чувалчангни яратиб кўр-чи!

\* \* \*

Яқинларимиз бизга қанчалар кўп ўхшасалар, уларни шунчалик яхши кўрамиз. Худди шунга ўхшаш биз ўзимизга тенг кўрадиган одамларни ҳурмат қиламиз.



\* \* \*

Мен энг буюк сиёсатчидан фақат биргина одамни юқори қўяман. У ҳам бўлса, сиёсатга куч-қувват сарфлаш беҳуда эканлигини тушуниб етган кишидир.

\* \* \*

Инсон қанча кам сўзласа, шунча кўп ютади. Чунки одамлар сукутдаги аҳмоқни ақлли деб ўйлашлари мумкин. Агар сукутдаги киши чинданда заковат эгаси бўлса, атрофдагилар унинг жуда ақлли одам эканлигига тўла ишонч ҳосил қиладилар.

\* \* \*

Нотиқларни ҳарбийларга қиёс қилиш мумкин. Чунки улар ҳам бошқа касб эгаларига нисбатан кўпроқ хавф-хатарга рўпара бўладилар-у, аммо нисбатан тезроқ мартабага эришадилар.

\* \* \*

Бир нарсани айтиш қийин: қатъиятсизлик кўпроқ раҳм-шафқатга лойиқми ёки нафратгами? Нотўғри қарор қабул қилиш хавфлими ёки умуман ҳеч қандай қарорга келмасликими?

\* \* \*

Жиззаки, беқарор, тунд, инжиқ, уришқоқ одамга нисбатан: «Унинг бўлгани шу ўзи», – деган баҳонинг берилиши кўпчилик ўйлаганидек кечириш аломати эмас. Бу тилга олинган сифатларнинг тузатиб бўлмас қусур эканлигини беихтиёр эълон қилиш демакдир.

\* \* \*

Биз умр бўйи муқаррар ўлимни кутиб яшаймиз. Ўлим қаршисидаги қўрқув ажалдан кўра ҳам азоблироқдир.

\* \* \*

Халқ жунбушга келганда уни қандай тинчлан-тиришни ҳеч ким айтиб беролмайди, айнаи вақтда осойишта ва хотиржам халқнинг тинчлигини нима бузишини ҳам ҳеч ким билмайди.

\* \* \*

Кўпинча одамлар қандай нуқсонлар туфайли юксакликка кўтарилган бўлсалар, айнан ўша нуқсонлар сабабли пастга қулайдилар.

\* \* \*

Ўз сирларининг ошкор бўлишидан чўчиб яшаш ҳукмдорнинг бахтсизлигидир. Ёнида бу сирларни елкасида кўтара олишга қобил содиқ одамнинг борлиги эса ҳукмдорнинг бахтидир.

\* \* \*

Яқин кишисининг ёмон феъл-атворига сабр этолмайдиган одамни намунали хулқ эгаси деб бўлмайди. Чунки олтин ҳам, оддий темир танга ҳам муомала учун бирдек зарурдир.

\* \* \*

Сирнинг очилишига уни ўзгаларга ишонган одамнинг ўзи айбдордир.

\* \* \*

Инсон фақат икки йўл билан юқори мартабага эришиши мумкин: эпчилик ва ёки бошқаларнинг нодонлиги ёрдамида.

\* \* \*

Сахийлик инъом этилган нарсаларнинг миқдори билан эмас, балки ўз вақтида берилиши билан ўлчанади.

\* \* \*

Ҳижрон азоби ўзинг нафратланадиган одам билан яшашдан кўра енгилроқдир.

## МОНТЕСКЬЁ

(Шарль-Луи Секонда)

(1689–1755)



Фарангистонлик файласуф Шарль-Луи Секонда Монтеस्कьё обрўли оқсуяклар хонадонида дунёга келди. Унинг отаси аслида унчалик бадавлат бўлма-са-да, омади чопис, тагли-тугли, давлатманд хонадоннинг қизига уйланганди. Монтеस्कьёнинг онаси асли инглиз миллатига мансуб бўлиб, жуда ақлли, тақводор ва мистикага мойил аёл эди. У Шарль-Луи 7 ёшга тўлганда вафот этади.

Шарль-Луи 10 ёшидан бошлаб Жюльи шаҳридаги ибодатхонада очилган коллежда ўқий бошлайди. Монтеस्कьё бу ерда мумтоз адабиёт, фалсафадан таҳсил олади. Ўқишни тугатгач, отаси яшайдиган Ла-Бру қалъасига қайтади ва мустақил равишда ҳуқуқ илмини ўрганишга киришади.

Шарль-Луи Секондага бефарзанд амакисидан катта мерос қолади. Шундан сўнг олим амакисининг фамилиясини қабул қилади ва уни Монтеस्कьё деб атай бошлашади.

Унинг жаҳон ҳуқуқшунослик ва қонуншунослик илмига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. У ўзининг машҳур «Қонунлар руҳи ҳақида» номли илмий-тадқиқий асари учун манбалар йиғиш мақсадида бутун Оврўпо ва Англияни кезиб чиқади. У Англия парламентининг қарийб 12 соатга чўзилган йиғилишида қатнашиб, ҳукумат билан унга мухолифат бўлган гуруҳ ўртасидаги мунозараларнинг гувоҳи бўлади. Англия сафари Монтеस्कьёда ҳоки-



миятнинг бўлиниши ҳақидаги назариянинг шаклланишига олиб келади. Монтескьё қаттиқ шамоллаб, 1755 йилнинг 10 февралда вафот этди.

Шарл-Луи Монтескьёнинг қуйидаги асарлари маълум: «Сулла ва Эвкрат», «Римликларнинг улғурлиги ва тушкунлиги сабаблари тўғрисида мулоҳазалар» (1734 й.), «Қонунлар руҳи ҳақида», «Инсоннинг вазифалари ҳақида умумий мулоҳазалар», «Ғоялар тизими ҳақида мулоҳазалар» ва бошқалар.

\* \* \*

Муҳтожлик қанчалик оғир бўлса, қонунлар ёрдамида давлатмандликни ҳам шундай оғир юкка айлантормоқ жоиз.

\* \* \*

Мустабид тузумни идора этувчи ҳукмдор бир вақтнинг ўзида қул ҳамдир.

\* \* \*

Асрий тарихий тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳокимиятга эга бўлган ҳар қандай одам мансабини суиистеъмол қилишга мойил бўлади ва у то мақсадига эришмагунча шу йўлдан кетаверади.

\* \* \*

Сиёсий эркинлик хоҳлаганча иш тутиш дегани эмас. Эркинлик қонун йўл қўйган ҳар қандай ишни бажариш ҳуқуқи билан белгиланади. Агар фуқаро қонунда тақиқланган ишга қўл урса, эркинликдан маҳрум бўлади.

\* \* \*

Оролда яшовчи одамлар қитъада истиқомат қилувчиларга нисбатан кўпроқ эркинликка мойил бўладилар.

\* \* \*

Ҳар бир давлатда учта ҳокимият мавжуддир: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти.

\* \* \*

Борди-ю, суд ҳокимияти қонун чиқариш билан машғул бўлса, фуқароларнинг ҳуқуқлари топталади.

\* \* \*

Агар суд ҳокимияти ижро ҳокимияти билан бирлашса, у ҳолда суд ҳаками ситамгарга айланишига имконият туғилади.

\* \* \*

Агар ижро ҳокимияти қонун чиқарувчи йиғини тарқатиш ҳуқуқига эга бўлмаса, у ҳолда қонун чиқарувчи ҳокимият ҳокими мутлаққа айланиб, қолган барча ҳокимиятларни йўқ қилади.

\* \* \*

Қонун чиқарувчи ҳокимият ижро ҳокимиятининг фаолиятини чеклаш ҳуқуқига эга бўлмаслиги мумкин. Чунки ўз табиатига кўра чекланган нарсани яна чеклашдан не ҳожат? Бундан ташқари, ижро ҳокимиятининг фаолияти тез ҳал қилиниши керак бўлган ишларга қаратилган бўлади.

\* \* \*

Шахс ва фуқаро эркинлиги ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келавермайди.

\* \* \*

Ҳар қандай улувворлик, куч-қудрат ва ҳокимият нисбийдир.

\* \* \*

Меъеридан ортиқ тафаккур ҳар қачон ҳам қўл келавермайди. Чунки одамлар деярли ҳамма вақт ўртамиёналикка тезроқ мослашадилар.

\* \* \*

Диннинг қудрати унга бўлган ишонч билан белгиланса, қонуннинг кучи унга нисбатан юзага келадиган қўрқув билан белгиланади. Қадимийлик дин учун қулайлик туғдиради. Чунки эътиқоднинг даражаси унинг манбаи биздан қанчалик узоқ эканлигига боғлиқ. Бизнинг ақлимиз эътиқодимизга қарши турувчи узоқ ўтмишдаги турли қарашлар таъсиридан озоддир. Қонунлар эса аксинча: қанча янги бўлса, шунча устундир. Янги қонун, қонун чиқарувчининг унинг ижросига қаратилган алоҳида, жонли эътиборини ифодалайди.

\* \* \*

Луизиана ёввойилари аввал дарахтни кесиб, сўнг унинг мевасини териб ейдилар. Мустабид тужумнинг моҳиятини ҳам шунга ўхшатиш мумкин.

\* \* \*

Бургундия қироли Гундобад ўғрининг хотини ёки фарзанди унинг қилмишлари ҳақида ҳукуматга хабар қилиши шартлиги, акс ҳолда, ҳар иккиси ҳам қулликка маҳкум этилиши тўғрисида қонун чиқарди. Лекин бу қонун табиатга зид эди. Хотин ўз эрининг қораловчиси бўлиши мумкинми? Ўғил отасини қандай қилиб сотади? Қирол шу тариқа бир жинойи ҳаракатни жазолаш учун ундан ҳам оғирроқ иккинчи бир жиноятга йўл очиб берди.

\* \* \*

Болаларда Ватанга муҳаббат уйғотишнинг энг яхши воситаси оталарнинг Ватанни севишларидир.

\* \* \*

Муаллифлар актёрлардир.

\* \* \*

Қонунларнинг шафқатсизлиги уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилади.

\* \* \*

Шундай ҳақиқатлар борки, уларга ишонч уйғотишнинг ўзи камлик қилади, уларни ҳис этишга шароит ва имкон яратмоқ керак. Ахлоққа доир ҳақиқатлар шулар жумласидандир.

\* \* \*

Инсондаги баъзи иллатлар ўзини ўзи етарли даражада ҳурматлай олмаслигидан келиб чиқса, айрим нуқсонлар бу ҳурматнинг меъёрдан ошиши туфайли пайдо бўлади.

\* \* \*

Инсоннинг табиати шундайки, у ўзига яхшилик қилган одамдан кўра, ўзининг яхшилигидан баҳраманд бўлган одамга кўпроқ боғланиб қолади.

\* \* \*

Одатда фикр саёзлигини уни узайтириш воситасида қоplashга уринадилар.

\* \* \*

Бирор одамнинг қайсарлиги мени лоқайд қолдириши мумкин. Лекин одамлардаги қўполликка бефарқ қаролмайман. Қайсар одам ўз қарашларини – демакки, шаънини ҳимоя қилади. Иккинчи тоифа одамлар эса ўзгаларнинг фикрига, яъни умумнинг шаънига тажовуз қиладилар.

\* \* \*

Биз шунчалар сўқирмизки, қачон қайғуриш ва қачон шодланишни билмаймиз. Деярли ҳамма вақт сохта қайғу ва сохта шодликни бошимиздан кечирамиз.

\* \* \*

Ҳаёт эзгулик қилиш учун инъом этилган. Мен эзгуликдан тўхтаган куним ҳаётимни «қайтариб бераман». Чунки сабаб тўхтаганда ҳаракат ҳам тинмоғи жоиз.

\* \* \*

Битта одамни бахтли қилиш учун қанчалар тер тўкмоқ кераг-а!

\* \* \*

Менинг дардим шундаки, китоб ёзишга киришаман-у, у ниҳоясига етгач, ёзганларимдан уяламан.

## ВОЛЬТЕР

(Франсуа-Мари Аруэ)

(1694–1778)



Франциялик файласуф Франсуа-Мари Аруэ (Вольтер – унинг тахаллуси) нотариус Франсуа Аруэ оиласида дунёга келди.

У 5 ёшидан бошлаб шеърлар машқ қилди. Коллежда ўқиб юрган чоғларида яхши ўзлаштиргани учун мукофотлар билан тақдирланди. Ёш Вольтер қайси даврага кирмасин, ҳамманинг диққатини ўзига

тортар, зукколиги, топқирлиги, шўхлиги билан бошқалардан ажралиб турарди.

Жўшқин табиатли Вольтер ўзининг ҳукмрон доираларга ҳам тегиб кетадиган заҳархандалик йўғрилган тийиқсиз ижоди туфайли кўпинча киборларнинг жанжалига аралашиб қоларди. 1717 йилда шундай жанжаллар туфайли Вольтер Бастилия қалъасида 11 ой тутқунликда сақланди. У қамоқхонада ҳам ижод қилишдан тўхтамай, ўзининг машҳур «Эдип» трагедияси ва «Генриада» достонини ёзиб тутатди.

Вольтер бадий ижоднинг ҳамма соҳаларида ажойиб асарлар ёзган. Унинг фалсафий изланишлари ранг-баранг ва кенг қамровли, ўзига хос, янги, кутилмаган назарий ёндашувларга бой эди. Кўплаб давлатларнинг тождорлари Вольтерга хушомад қилганлар. Франция қироли Людовик XV у билан эҳтиёткорона муносабатда бўлган. Рим папаси Бендикт XIV буюк файласуфга мақтовли мактублар битган.

Россия маликаси Екатерина II Вольтер билан узоқ муддат хат ёзишиб турган. Айниқса, Пруссия қироли Фридрих II Вольтерни жуда эъзозлаган.

1758 йилда Вольтер Швейцария чегараси яқинида жойлашган Ферне қалъасини сотиб олади. У ҳаётининг сўнгги 20 йилини шу ерда ўтказди.

Вольтернинг қуйидаги асарлари маълум: «Фалсафий мактублар», «Орлеанлик бокира қиз», «Ньютон фалсафаси асослари», «Мемнон ёки инсоний Донолик», «Суқрот», «Кандид ёки некбинлик», «Скифлар» (трагедия), «Табиат мўъжизалари ҳақида», «Руҳ ҳақида», «Тарих фалсафаси» (биринчи бўлиб «тарих фалсафаси» деган атамани Вольтер қўлаган) ва ҳоказо.

1778 йилда Вольтер дўстининг қистови билан Парижга келади. Париж аҳолиси Вольтерни жуда катта тантана билан кутиб олади. Шу куни Вольтернинг дафна (лавр) япроғидан ясалган чамбар кийдирилган бюсти ўрнатилган Париж театри саҳнасида унинг сўнгги «Ирина» (1778 й.) деб номланган фожиавий асари намойиш этилади. Бироқ бу тантаналар, сершовқин Париж Вольтерни ҳолдан тойдириб қўяди.

У 1778 йилнинг 30 майи оқшомида ҳаётдан кўз юмади.

\* \* \*

Аъло нарса – яхши нарсанинг душмани.

\* \* \*

Танграм, мени дўстлардан паноҳингда сақла – душманларни ўзим эплайман.

\* \* \*

«Вольтер: «Одамлар қанчалик маърифатли бўлсалар, шунчалик эркиндирлар», – деб таълим бер-

ганди. Унинг издошлари эса халққа: «Сиз қанчалик эркин бўлсангиз, шунчалик маърифатлидирсиз», – деб уқтирдилар. Ҳалокатнинг сири ана шунда», – деб ёзганди француз маърифатпарвари Антуан Ривароль (1753-1801 й.).

\* \* \*

Мен фақат шубҳаланишнигина биламан.

\* \* \*

Мен ҳақиқат деб аталувчи фалсафа тошини излаб 40 йил дунёнинг турли бурчакларида бўлдим, антик дунё намояндалари Эпикур ва Августин, Афлотун ва Мальбранше билан кенгашдим. Аммо излаганимни тополмай, қашшоқдигимча қолдим.

\* \* \*

Ҳар қандай ижод намунаси ижодкор тўғрисида гувоҳлик беради. Ҳеч нарса мени бу оддий аксиомадан қайтаролмайди.

\* \* \*

Тасодиф йўқ нарса. Биз сабабини изоҳлашга чоғимиз келмаган ҳаракатларни тасодиф деб атаймиз. Сабабсиз ҳаракат ва моҳиятсиз мавжудлик бўлмайди.

Бу фикр барча файласуфларнинг бош қоидасидир.

\* \* \*

Улкан бинонинг митти қавакларида яшайдиган сичқонлар бино яна қанча туриши ва уни ким қурганидан беҳабар умр кечирадилар. Улар фақат узоқ яшаш ва инларини бузғунчи жониворлардан омон сақлашга ҳаракат қиладилар. Биз ҳам сичқонлар казимиз ва Коинотни бунёд этган Олий меъмор ҳеч биримизга ўз сирини ошкор этмайди.



\* \* \*

Ижтимоий адолат – ҳам табиий, ҳам хаёлий гоя. Бизнинг шўрпешона сайёрамизда жамоа-жамоа бўлиб яшовчи одамлар учун буйруқ берувчи бадавлатлар ва уларга хизмат қилувчи камбағаллардан иборат иккита синфга бўлинишдан ўзга чора йўқ.

\* \* \*

Ҳузур-ҳаловат бағишловчи ишни бажариш – озодлик белгиси.

\* \* \*

Ҳалол одамни таъқиб қилиш мумкин, аммо уни шарманда қилиб бўлмайди.

\* \* \*

Ўлим энг катта жисмоний ёвузлик бўлса, уруш энг катта ахлоқий ёвузликдир.

\* \* \*

Ёвузлик имкони кунда юз бор, яхшилик имкони йилда бир бор намоён бўлади.

\* \* \*

Биз бу ёруғ жаҳонда икки лаҳза яшаймиз ва унинг бирини мулоҳазаларга бағишлаймиз.

\* \* \*

Аслик ва гўзаллик мезонлари ҳамма замонларда ва ҳамма халқларда бир хил бўлиб келган.

\* \* \*

Бугунги кундаги ҳар қандай воқелик ўтган куннинг ҳосиласи ва келажакнинг отасидир... Сабабнинг бечигал, мустаҳкам занжири мангудир. Тақдири азал табиатнинг яхлит қонунидир.

\* \* \*

Бидъат – инсониятнинг энг мудҳиш ғаними.

\* \* \*

Мутаассибликдан нафратланувчи янги авлод етилмоқда. Ҳадемай шундай кун келадики, файласуфлар раҳбарликни ўз қўлларига оладилар. Ақл-идрок салтанати қад ростлайди.

\* \* \*

Инсон юқорига ўрлаган аланга ва пастга шўнғиган тош каби туғилиши биланоқ ҳаракатга интилади.

\* \* \*

Бидъатни масхаралашдан чўчиманг, дўстларим. Менимча, бидъатни маҳв этиш учун уни кулгили қилиб кўрсатишдан яхшироқ восита йўқ. Кулгили нарса эса хавфли бўлолмайди.

\* \* \*

Доимий ҳузур-ҳаловатни йўқ деб ҳисобласа ҳам бўлади.

\* \* \*

Бизга доимо борига шукр қилишни, орзу-истаклару қизиқувчанликни жиловлашни, нотинч кўнгилни итоатда тутишни маслаҳат берадилар. Бу жуда яхши. Аммо бундай панд-насиҳатларга доим амал қилганимизда ҳозир ҳам дуб ёнғоғини тановул қилиб, очиқ осмон остида ухлаётган бўлардик.

\* \* \*

Одатий бўлиб қолган нарсалар кам қадрланади.

\* \* \*

Эҳтирос кема елканларини шиширувчи шамолдир. Шамол баъзан кемани чўктириб юборса-да,

лекин усиз сузиб бўлмайди. Бу дунёда ҳамма нарса хавфли ва айни дамда муҳимдир.

\* \* \*

Ноўрин гўзаллик ўлимга маҳкум.

\* \* \*

Фақат табиий нарсаларгина гўзалдир.

\* \* \*

Табиатан инъом этилмаган қобилиятни ҳеч қайси ёшда қўлга киритиб бўлмайди. Аммо йўл қўйилган хатони исталган вақтда тузатиш мумкин.

\* \* \*

Мен доим ўз метафизикамни ахлоққа яқинлаштиришга ҳаракат қиламан.

\* \* \*

Сизнинг фикрингизга қўшимаслигим мумкин, аммо фикрингизни айтиш ҳуқуқингиз учун ҳаётимни бераман.

\* \* \*

Фалсафа бизга олам тушунарсиз мангу борлиқ эканлигини ўргатади. Аммо у оламнинг сифатлари ва таркиби ҳақида аниқ сўз айтолмайди. Борлиқнинг табиати биз учун мутлақо англаб бўлмасдир.

\* \* \*

Кимдаки, ўз ёшининг руҳи бўлмаса, у шу ёшнинг барча ғам-аламларини тортишга маҳкумдир.

## БЕНЖАМИН ФРАНКЛИН

(1706–1790)



Америкалик файласуф олим, сиёсатчи, дипломат ва ихтирочи Бенжамин Франклин инглиз муҳожир Жозеф Франклин оиласидаги 17 фарзанднинг саккизинчиси эди. Унинг отаси ҳунарманд бўлиб, совун ва шам ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Ёш Бенжамин ўзи мустақил таҳсил олган. У биринчи

бўлиб тебранма ўриндиқни ихтиро қилган эди.

1746 йилда Бенжамин тасодифан доктор Спеннинг «физика хонаси мўъжизалари» сеансига борди. У ерда илк бор электр машинаси билан танишди ва электр тажрибаларига қизиқиб қолади.

1776 йилда у Фарангистонга элчи сифатида жўнатилади. Бенжамин Франклин Америка Конституциясининг муаллифларидан бири ҳамдир.

Шуни айтиш жоизки, инсоният тарихидаги энг ажойиб ва буюк ихтиролардан бири ҳисобланмиш яшин қайтаргични ҳам Бенжамин Франклин ўйлаб топган. У электр соҳасидаги кашфиётлари ва бошқа кўплаб амалий янгиликлари билан жаҳонга донг таратди. Файласуф сифатида эса инсоний муносабатлар муаммосини тадқиқ этиб, кўплаб фойдали амалий тавсияномалар ёзиб қолдирди. «Вақт – пул», – деган машҳур ҳикматнинг муаллифи ҳам Бенжамин Франклиндир («Ёш савдогар учун маслаҳатлар» асарида). Унинг энг машҳур асарлари қуйидагилар: «Озодлик ва зарурият, ҳузур-ҳаловат ва изтиробга доир мулоҳазалар» (1725), «Бой бўлишни истовчилар

учун муҳим маслаҳатлар», «Мўл-қўлчиликка йўл» (1758), «Хуштак», мактуб-ҳикоя, (1779).

XVIII аср Америкаси Бенжамин Франклин каби ҳар томонлама қобилиятли ва сермаҳсул одамни кўрмаган. Ёзувчи ва ношир, олим ва жамоат арбоби, дипломат ва файласуф Бенжамин Франклинга ватандошлари «Энг илғор америкаликлар орасидаги биринчи шахс» деб баҳо берганлар. Бенжамин Франклин 84 ёшида вафот этди ва бутун Америка халқи 30 кун мотам тутди. Унинг номи инсоният кўрки, илм, озодлик ва Ватан учун беқиёс хизмат кўрсатган даҳо сифатида «Инсониятнинг энг буюк намояндалари» рўйхатига киритилган.

\* \* \*

Дейл Карнеги шундай ёзганди: «Агар сиз одамлар билан қандай муомалада бўлиш, ўзингизни қандай бошқариш ва қайси йўл билан фазилатларингизни камолга етказиш ҳақида аъло маслаҳатлар олишни истасангиз, Бенжамин Франклиннинг таржимаи ҳолини ўқинг... Бенжамин ўз хотираларида ўзидаги энг катта қусур – баҳслашиш одатини қандай қилиб йўқотгани ва Америка тарихидаги энг билимдон, адабли, фаросатли одамга айлангани ҳақида ҳикоя қилади...»

\* \* \*

Маънавиятдан маҳрум сиёсатда қонунлар нима ҳам қила оларди?

\* \* \*

Ўйлайманки, фикрлар ҳақида уларнинг таъсири ва натижасига қараб ҳукм чиқармоқ керак.

\* \* \*

Ҳамма билан хушмуомала, кўпчилик билан дилкаш, айримлар билан эса бетакаллуф бўл.

\* \* \*

Сиз баҳсга киришиб, қизиққонлик билан суҳбатдошингизнинг фикрларини рад этишингиз ва ғолиб чиқишингиз мумкин. Лекин бу ғалаба ҳеч қандай наф келтирмайди. Чунки ҳеч қачон сиз билан баҳслашган мухолифингизнинг хайрихоҳлигига эришолмайсиз.

\* \* \*

Уч кўчиш бир ёнғин билан тенг.

\* \* \*

Дангасалик зангга ўхшайди. Нарсалар кўп ишлаш оқибатида эмас, зангдан тезроқ емирилади.

\* \* \*

Мен аста-секинлик билан шунга ишонч ҳосил қилдимки, инсонлараро муносабатдаги самимийлик, ҳақиқатгўйлик ва ҳаққонийлик ҳаётий бахтга эришишда катта аҳамиятга эга.

\* \* \*

Тажриба – қимматли мактаб. Лекин аҳмоқлар учун шундан ўзга мактаб бўлмаса нима қилиш керак?

\* \* \*

Агар сен ақл-заковатга кулоқ тутмасанг, у албатта қасос олади.

\* \* \*

Навбатдаги истакларни қондиришдан кўра, биринчисини енгиш осонроқдир.

\* \* \*

Ишлатиладиган калит доимо ялтиллаб туради.

\* \* \*

Шундай одамлар борки, диний эътиқодга эга бўла туриб, жуда нотавонлар. Улар бу эътиқоддан ҳам маҳрум бўлсалар, нима қиларкинлар?

\* \* \*

Биз учун табиат ўз қонунларини қандай қилиб амалга оширишини эмас, балки шу қонунларнинг ўзини билиш муҳимдир. Яъни, ҳавога ирғитилган чинни идишнинг ерга тушиб синишини билиш фойдали. Лекин: «У қандай қилиб ерга тушади ва нима учун синади?» – деган савол аҳмоқонадир. Албатта, бу саволга жавоб топиш ёқимли. Аммо биз шусиз ҳам чинни идишни бутун сақлаб қола оламиз-ку!

## ҲУШТАК

*(Б. Франклиннинг Бритон хонимга мактуби.*

*1779 йил 10 ноябрь)*

Азиз дўстим, чоршанба ва шанба куни йўллаган бир жуфт мактубингизни олдим. Бугун яна чоршанба. Аввалгисига жавоб ёзмаганим учун мактуб олишдан маҳрум бўлдим. Бироқ, гарчи ялқов бўлсам-да ва мактуб битишни хуш кўрмасам-да, агар ўзим жавоб ёзмасам, бошқа ҳеч қачон Сизнинг дилкаш битигингизни ўқий олмаслигим юзасидан чексиз хавотир кўлимга қалам тутишга мажбур этди. Шу боис жаноб Б. эртага Сизни йўқлаб бориш ниятида эканлиги тўғрисида илтифот ила маълум қилганда ҳам бу чоршанбани аввалгилари каби Сизнинг дилкаш даврангизда эмас, Сиз ҳақингизда ўй суриб ўтказишга: Сизга мактуб битиш, номаларингизни қайта-қайта ўқиб чиқишга аҳд қилдим.

Сизнинг жаннат ва у ердаги ҳаёт тўғрисидаги таърифингиз мени мафтун этди. Жаннатга бу оламдан имкон қадар ҳамма яхши нарсаларни олиб ўтишимиз кераклиги тўғрисидаги хулосангизни бағоят маъқуллайман.

Фикримча, агар ҳуштаклар учун ҳаддан ортиқ ҳақ тўламаганимизда эди, ҳозиргидан кўра кўпроқ нарсаларга эга бўлишимиз, ёвузликдан камроқ азоб чекишимиз мумкин эди. Чунки биз дуч келадиган бахтсиз одамлар, менимча, ана шу эҳтиётсизлик туфайли саодатни бой берганлар.

Нимани назарда тутаяпти, деб сўрарсиз? Сиз ҳикояларни ёқтирасиз. Шу боис ўзим тўғримдаги бир ҳикояни сўзлаб бермоқчиман. Ва бунинг учун мени маъзур тутгайсиз.

Ёшим еттида эди. Байрамларнинг бирида ўртоқларим менга бир ҳовуч чақа совға қилишди.



Мен ўша заҳоти ўйинчоқлар дўконига равона бўлдим. Йўлда кетаётганимда бир боланинг қўлидаги ҳуштакнинг садоси ҳушимни ўғирлади ва дўконга кириб бор пулимга ҳуштак сотиб олдим. Кейин уйга қайтдим-да, севинчим ичимга сиғмай қулоқни қоматга келтириб ҳуштак чала бошладим.

Бундан уйдагиларнинг аччиғи чиқса-да, мен жуда сармаст эдим. Акаларим, опаларим, амаки-ваччаларим ҳуштакнинг баҳосини суриштириб билгач, уни ўз нархидан тўрт баравар қимматга сотиб олганимни, қолган пулга қандай яхши нарсалар сотиб олишим мумкинлигини айтиб, устимдан роса кулишди. Хўрлигим келиб йиғлаб юбордим. Ҳуштак туфайли чеккан бу изтиробим, у келтирган қувонч ва лаззатдан зиёдроқ эди.

Хотирамга муҳрланиб қолган бу воқеа кейинчалик менга асқотди. Бирор бир нокерак буюмни сотиб олиш васвасасига учраганимда, ўзимга: «Ҳуштак учун ҳаддан ортиқ ҳақ тўлама», – дейман-у, пулимни тежаб қоламан.

Вояга етиб катта ҳаёт йўлига қадам қўйганимдан кейин одамларнинг хатти-ҳаракатларини кузата бошладим. Шунда ҳуштаги жуда қимматга тушаётган кўплаб одамларни учратдим.

Ўзининг қимматли вақтини, фароғатини, эркини, марҳаматини ва эҳтимол, ёр-дўстларини қирол саройидаги қабулда иштирок этиш шарафига нойил бўлиш йўлида қурбон қилаётган ўта иззатгалаб одамни кўрганимда ўз-ўзимга: «Бу кишининг ҳуштаги жуда қимматга тушди-да», – деб қўярдим.

Шон-шуҳратга ортиқ даражада муккасидан кетган, доимий равишда сиёсий югур-югурлар билан овора бўлган ва эътиборсизлиги оқибатида касб-корини ўлда-жўлда қолдирган кимсани кўрганимда эса: «Чиндан ҳам унинг ҳуштаги жуда қимматга тушди», – деб қўяр эдим.

Ҳар қандай ҳузур-ҳаловатдан, ўзгаларга яхшилик қилишдан, ҳамсоя ҳурмат-иззати, эътиборидан ва чин дўстлик қувончларидан воз кечиб, пул тўплашни ихтиёр қилган ўтакетган хасис одамни кўрганимда: «Эй, бахтиқаро! Сенинг ҳуштагинг нақадар қимматга тушди-я», – дердим.

Ҳиссий лаззат, кайфу сафо йўлида ақлини қурбон қилган ва саломатлигига путур етказган шаҳватпарастни учратганимда, дердим: «Сен адашяпсан, наздингда лаззатдек туюлаётган нарса аслида бир дарддир. Ҳуштагинг жуда қимматга тушяпти!»

Ўзига оро бериб, гўзал либосларга, чиройли уйлари жуҳозларга, фойтунларга меҳр қўйган, аммо уларга эришиш учун қўли калталиқ қилиши оқибатида қарзга ботган ва умрини турмада ниҳоялаганларни кўрганимда: «У ҳуштак учун катта, жуда катта тўлов тўлади», – дердим.

Хулласи калом, мен инсон бошига ёфилгувчи кулфатларнинг кўп қисми одамлар нарсаларнинг қимматини тўғри баҳолай олмасликларидан келиб чиқади ва уларнинг ҳуштаги жуда қимматга тушади деб ҳисоблайман.

Аммо ҳар ҳолда бундай бахтиқароларга шафқатли бўлишимиз лозим. Ҳолбуки, бундай ўйлаб қарасам, ғурурланишга арзигулик ақл-фаросатим борлигига қарамай, мен учун ҳам қирол Жоннинг олмалари каби йўлдан оздирувчи нарсалар бор. Хайриятки, уларни сотиб олиб бўлмайди. Борди-ю, улар кимошди савдосига қўйилганда мен бир лаҳзада бор-йўғимдан айрилишим ва яна бир марта ҳуштак учун ҳаддан зиёд тўлаб юборганимни пайқамай қолишим мумкин бўлур эди.

Кўришгунча хайр, менинг азиз дўстим.

Камоли эҳтиром ила содиқ қулингиздан деб билурсиз.

## ДАВИД ЮМ

(1711–1776)

Инглиз файласуфи, психолог олим ва муаррих Давид Юм Шотландия пойтахти Эдинбург шаҳрида, унча бой бўлмаган дворян оиласида дунёга келди. Унинг отаси ҳуқуқшунос бўлган. Давид Юм Эдинбург университети ва Ля-Флеш номли фаранг коллежида таҳсил олди. У коллежда илк марта Рене Декартнинг илмий қарашлари билан танишди.



Давид Юм биринчи бўлиб «сабаб»нинг моҳиятини ҳодиса ва тушунча сифатида жиддий ўрганишга киришди. Унинг бу борадаги мулоҳаза ва хулосалари фалсафа фанининг асосий ютуқларидан бирига айланди.

Файласуфнинг қуйидаги асарлари маълум: «Инсон табиатига доир мулоҳазалар» (1739), «Таъб меъёри ҳақида» (1739–1740), «Ахлоқий ва сиёсий очерклар» (1741–1742), «Руҳнинг барҳаётлиги хусусида», «Табиий дин ҳақида сўзлашув (диалог)» (1751).

\* \* \*

Ўз хулосалари учун доимо узр сўраш ва ҳар бир алоҳида санъат, ҳар бир алоҳида фан олдида ўзини ҳадеб оқлайвериш зарурияти фалсафа учун маълум даражада ҳақоратдир. Бу ҳол подшоҳнинг ўз фуқаролари томонидан давлатга хиёнатда айбланишига ўхшайди.

\* \* \*

Шу нарса ҳақиқатки, одамлар инсоният тафаккуридан мутлақо четдаги муаммолар, масалан,

оламларнинг яралиши, ақлий оламнинг ёки руҳлар салтанатининг тузилиши хусусидаги муаммоларни муҳокама қилиш асносида бекорга баҳслашадилар ва ҳеч қачон аниқ хулосага келолмайдилар.

\* \* \*

Ақлга уқув, таассурот ва ғоялардан ўзга ҳеч нарса берилмаган.

\* \* \*

Ҳар бир ҳодиса бир-биридан узоқ ва холис. Бир ҳодисанинг кетидан иккинчиси юз беради. Лекин биз ҳеч қачон уларнинг орасидаги боғлиқликни сеза олмаймиз. Бу уларнинг бир-бирига қўшилиб кетгани, лекин ҳеч қачон ўзаро боғлиқ бўлмаслигини англайди.

\* \* \*

Сабаб учун битта энг зарур нарса бор. Бу – оқибатга эга бўлмоқлик.

\* \* \*

Биз жасорат деб атайдиган руҳий кўтаринкилик ва улуғворлик белгиси сифатида қабул қилиб, завқланадиган нарса хотиржамлик ва қатъийликка асосланган ғурур ҳамда ўзини ҳурмат қилиш демакдир.

\* \* \*

Ўзи ҳақида узоқ гапирадиган одамнинг мақтанчоқликка чап бериши мушкул.

\* \* \*

Олижанобликдан маҳрум ботирлик ва иззатталаблик инсонни фақат золимга ёки қароқчига айлантириши мумкин.

\* \* \*

Раҳмдилликка муҳаббат ва нафислик, ичиқораликка эса душманлик ва ғазаб омехта бўлади.

\* \* \*

Худбинлик адолат қоидаларини туғдиради ва бу қоидаларга амал қилишнинг энг биринчи сабаби ҳисобланади.

\* \* \*

Гарчи табиий қобилият ва ахлоқий сифатларнинг даражаси бир хил бўлса-да, улар ўртасида бир фарқ бор. Табиий қобилиятни сунъий таъсир этиш йўли билан деярли ўзгартириб бўлмайди. Ахлоқий сифатлар ёки унинг оқибати натижасида юзага келадиган амалларни эса мукофот ва жазо, рағбат ёки инкор воситасида ўзгартириш мумкин.

\* \* \*

Севги – ўзга одамга бахт тилашдан ўзга нарса эмас.

\* \* \*

Ҳаётни ақл эмас, одат бошқаради.

\* \* \*

Инсоннинг ҳаёти тасодифларга қанчалик бой бўлса, у хурофотга шунчалик чуқур берилади.

\* \* \*

Одамларда атрофдагиларни ўзига ўхшатиш ҳамда бошқаларда ўзига яқин ва таниш бўлган, ўзи бевосита англайдиган сифатларни кўришга мойиллик мавжуддир.

## МИХАИЛ ВАСИЛЬЕВИЧ ЛОМОНОСОВ

(1711–1765)



Рус файласуфи Михаил Ломоносов ўзига тўқ хонадонда дунёга келди. Ломоносов келиб чиқишига кўра майда савдогарлардан бўлган.

У Москва шаҳридаги славян-юнон-лотин академиясида, кейин Киевдаги диний академияда таҳсил олди. Шундан сўнг Петербург Фанлар академияси қошидаги университетда ўқиди. 1736–1741 йилларда эса

Германияда билим олди. Уч йил олмон файласуфи Христиан Вольф қўлида фалсафа илмини ўрганди.

Михаил Ломоносов табиатан мағрур, мустақил фикрловчи шахс эди. У ҳар доим ватанига бирор фойда келтиришга интилиб яшаган.

Ломоносов модда ва ҳаракатнинг сақланиш қонунини кашф этган.

Файласуфнинг қуйидаги асарлари маълум: «Исиқ ва совуқнинг сабаблари ҳақида мулоҳазалар» (1749), «Журналистларнинг фалсафа эркинлигини қўллаб-қувватловчи мақолаларни ёзиш чоғидаги вазифалари тўғрисида мулоҳаза» (1755), «Ернинг қатламлари ҳақида» (1763).

1753 йилнинг 1 мартида Ломоносовга император Елизаветанинг фармойиши билан дворянлик мартабаси берилади. Шунингдек, Копорск уездидан 9 минг ботмон ер ва 212 нафар крепостной деҳқон ажратилди.

Ломоносов 1765 йилнинг 4 апрелида вафот этди. Орадан бир йил ўтгач, рафиқаси Елизавета Андре-

евна ҳам ҳаётдан кўз юмди. Файласуфнинг ёлғиз фарзанди Елена эса киевлик руҳоний билан турмуш курди ва 22 ёшида оламдан ўтди.

\* \* \*

Ривоятларга қараганда, М. Ломоносов Россия ҳукмдори Пётр I нинг (1672–1725 йиллари) никоҳсиз фарзанди бўлган. Маълумки, Пётр I нинг нимжон, бемехр шаҳзода Алексейдан бўлак меросхўри йўқ эди. Шу сабабли бир куни Пётр I мастликда: «Қайси соҳибжамол менга ўғил туғиб берса, ким бўлишидан қатъи назар, уни малика деб эълон қиламан» деб юборади. Бундан фойдаланган Архангельскдаги руҳоний бойваччалар 1711 йилнинг 17 январида Усть Тоснога дам олгани келган Пётр I га холмогорлик соҳибжамол етим қиз Еленани «туҳфа» этадилар. Орадан кўп ўтмай, Елена шахсан Пётр I нинг фармойиши билан Двинск қишлоқ оқсоқоли Лука Ломоносовнинг жияни Василий Дорофеевга унаштирилади. Пётр I қўшмачи бойваччаларга: «Агар ўғил фарзанд туғилса, унга бувасининг хотираси учун Михайло деб исм қўйинг. Ўғлим ҳамда унга оталик қилмиш кимса Ломоносов фамилиясини қабул этсинлар. Бу оила Лука Ломоносов қарамоғида, унинг назорати остида яшасин. Бу сир ниҳоятда махфий сақланиши зарурлигини унутманг. Боланинг моддий, молиявий таъминотини ўз зиммамга оламан», – дея амр этган.

\* \* \*

Ҳақиқат ва ишонч моҳиятан икки туғишган опа-сингил, илоҳий ота-она фарзандларидир; улар ҳеч қачон ўзаро сен-менга бормайдилар, фақат баъзи бировлар шуҳратпарастлик орқасидан ўзбилармонликларини кўз-кўз қилиш мақсадида уларнинг ўртасига низо соладилар.

\* \* \*

Худонинг иродасини паргар (циркуль) ёрдамида ўлчашга жазм этган риёзиётчи хато қилади. Аммо Инжил орқали фалакиёт ёки кимё илмини ўрганиш мумкин деб ўйловчи илоҳиётчи ҳам ноҳақдир.

\* \* \*

Амалиёт қонунини фалсафий билимлар билан тўлдирмоқ керак.

\* \* \*

Табиат таҳлили қийин, аммо ёқимли, фойдали ва олижаноб иш.

\* \* \*

Жисмларнинг хусусий сифатларини механика қонунлари билан тушунтириш мумкин.

\* \* \*

Жисмларнинг моҳияти тортишиш ва инерция кучида мужассамдир.

\* \* \*

Кўпчиликда атомларга таянувчи фалсафий метод ё нарсаларнинг келиб чиқишини тушунтириб беролмайди, ёки Яратувчини инкор этади, деган қатъий ишонч мавжуд. Бу хулосаларнинг ҳар иккиси ҳам хато. Зеро, ҳеч бир табиий асос материя ва умумий ҳаракатнинг моҳиятини аниқ-равшан ҳамда тўлиқ изоҳлаб беролмайди, қолаверса, бирор-бир табиий асос йўқки, у қудратли ҳаракатлантирувчи кучнинг мавжудлигини зўр бериб тақозо этса.



## ДЕНИ ДИДРО

(1713–1784)

Француз файласуфи Дени Дидро Франциянинг шимол-шарқий қисмидаги Лангр шаҳрида хунарманд оиласида дунёга келди. Дастлабки таълимни 8-9 ёшида Лангрдаги диний коллежда олди.

12 ёшида Париждаги д'Аркур номидаги диний коллежга ўқишга юборилди. Коллежни тамомлагач, санъат магистри деган унвонга сазовор бўлди.



Отаси Дидро илоҳиёт илмининг шуҳратли намояндаси бўлишини орзу қилган. Аммо Дидро отасининг бу орзусини амалга оширолмади. У ҳаётда ўз ўрнини топиш учун узоқ изланди. Дастлаб прокурор ёрдамчиси, кейин ўқитувчи, таржимон бўлиб ишлади, оч-юпун ҳолда ҳаёт кечирди. Отаси эса «бекорчи» ўғлига ёрдам беришдан буткул воз кечди. Дени кўпинча тунлари Париж кўчалари ва хиёбонларининг дуч келган жойида тунаб қоларди. 1743 йилда Дидро савдогарнинг беваси, Шамьпоннинг қизига яширинча уйланади. Бир нечта фарзанд кўради. Уларнинг орасида кейинчалик биринчи бўлиб отасининг таржимаи ҳолини ёзган Мария-Анжелика ҳам бор эди.

1767 йилда рус императори Екатерина II Дидрони Россияга таклиф этади. У Дидронинг шахсий кутубхонасини сотиб олади ҳамда файласуфни кутубхоначи этиб тайинлайди. Дидрога катта маош тайинлаб, 50 йиллик миқдордаги маошни аввалдан тўлайди. Аммо шунга қарамай, Дидро фақат 6 йилдан кейин-

гина – 1773 йилда Голландия орқали Россияга ўтиб, Петербургда келади. 1774 йилда Россиядан ўз ватанига қайтади. Файласуф шеърлар ҳам машқ қилган. Дени Дидро 1784 йилда вафот этди. Унинг қуйидаги асарлари маълум: «Фалсафий фикрлар» (1746 йилда яширинча босиб чиқарилган бу китоб Париж парламентининг қарорига мувофиқ ёқиб юборилган), «Кўзи очиқларга насиҳат сифатида ёзилган сўқирлар ҳақида мактуб» (1750 йил), «Табиатни изоҳлашга доир фикрлар» (1754 йил), «Шаккокнинг сайру сайёҳатлари ёки хиёбонлар» (1747 йил), «Роҳиба» (асар 1760 йилда ёзилган бўлса-да, илк марта 1796 йилда чоп этилган), «Д' Аламбер ва Дидро суҳбати. – Д' Аламбернинг туши – Суҳбатнинг давоми» (1769 йил) «Материя ва ҳаракатнинг фалсафий асослари» (1770 йил), «Актёр ҳақидаги парадокслар» (1773 йил), «Физиология унсурлари» (1782–1783 йиллар).

\* \* \*

Ишончсизлик – фалсафа томон қўйилган биринчи қадам.

\* \* \*

Жисмларни миямдагидек эмас, балки табиатда қандай бўлса, шундайлигича қабул қиламан: улар мен учун ўз хоссаси ва фаолиятига эга бўлган хилма-хил жисмлардир. Улар портлаш содир бўлмаслиги учун силитра, кўмир ва олтингурутнинг учта яхлит молекуласи, учқундан нари сақланадиган тажрибахонадагидек, табиат қўйнида ҳаракат қиладилар.

\* \* \*

Ўқувчим, мени ўқиётганингда туйғулар биздаги барча билимларнинг асосини ташкил этишини албатта ёдда тут. Табиат – Худо эмас, инсон – машина эмас, фараз – далил эмас. Агар китобларимнинг исталган ерида ушбу қоидаларга зид келувчи бирор

фикрга дуч келсанг, билки сен бу ердаги фикрларни умуман тушунмагансан.

\* \* \*

Сизни тухум олдин пайдо бўлганми ёки товукми, деган савол ҳаяжонга соладими, демак, сиз жониворлар аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича – ўзгаришсиз қолган, деб ўйлайсиз. Қандай бемаънилик.

\* \* \*

Ҳамма нарса кузатишга қурбимиз етмай қолган ерда тугайди.

\* \* \*

Агар ер юзида ҳамма нарса аъло бўлганда, аъло нарсанинг ўзи бўлмасди.

\* \* \*

Тун чоғи қалин ўрмонда адашиб қолдим. Қўлимдаги ожизгина пирпираган шам – менинг ягона йўл кўрсатувчим эди. Ногоҳон рўпарамда нотаниш кимса пайдо бўлди ва шундай деди: «Дўстим, тўғри йўлни топиш учун қўлингдаги шамни ўчир». Бу нотаниш кимса – илоҳиётчи олим эди.

\* \* \*

Истеъдод авлоддан-авлодга ўтадиган зодагонлик унвони эмас.

\* \* \*

Яхшиларни мукофотлаш билан ёмонларни жазолаган бўламиз.

\* \* \*

Эҳтиросларни енгишни мақсад қилиб қўйиш – ақлсизликнинг энг юқори чўққиси.

\* \* \*

Ҳамма нарса фойдалилигига қараб белгиланади.

## ВОВЕНАРГ ЛЮК ДЕ КЛАПЬЕ

(1715–1747)



Фарангистонлик файласуф Люк де Клапье Вовенарг Экс шаҳрида дворян оиласида туфилган.

У француз армиясида капитан унвонида хизмат қилган. 1741 йилги ҳарбий ҳаракатларнинг бирида оёғини совуққа олдириб қўйган. 1744 йилда эса чечак билан оғриб, кўзлари деярли кўрмай қолган.

Вовенарг ёзувчи Вольтер билан хат ёзишиб турган... Унинг қуйидаги асарлари маълум: «Озодлик ҳақида мулоҳазалар» (1737 йил), «Бойликларнинг тенгсизлиги ҳақида мулоҳазалар», «Мантиққа зид фикрлар: янги мулоҳазалар ва максималар»<sup>1</sup> (1746 йил).

Файласуф зукко ва бир-бирини инкор қиладиган, янги, хилма-хил фикрларга жуда ўч бўлган. У эътиборга лойиқ қуйидаги воқеани ҳикоя қилади: «Менинг ёшгина хизматкорим бор эди. Бир куни саёҳат чоғида нотаниш одам билан тушлик қилдим. Хизматкор ҳамсуҳбатим жуда ақлли одам эканлигини айтди. Мен бу одамнинг ақлли эканлигини қаердан билгани билан қизиқдим.

- Ақлли одам ҳар доим тўғри гапиради.
- Яъни, ҳеч кимни алдамайдими?
- Йўқ, жаноб, ўзини ўзи алдамайди.

Бу жавобни эшитганимдан кейин ҳеч бир зукко одам бундан яхшироқ жавоб топиб бера олмасди, деган хулосага келдим».

<sup>1</sup> Максима – лотинча асосий қоида, мантиқий ва ахлоқий тамойил деган маънони англатади.

\* \* \*

Инсонда кучли, аммо бир-бирига қарама-қарши эҳтирослар қанчалик кўп бўлса, у қай соҳада бўлмасин, биринчиликка эришишга шунчалар ноқобиллик қилади.

\* \* \*

Иллатлар туфайли қўлга киритилган фойда доимо улкан зарар билан қоришиқ бўлади.

\* \* \*

Одамлар баъзан ўзлари ишонмайдиган мақтовларни ҳам ёқтирадилар.

\* \* \*

Тимсоллар тафаккурни безайди, туйғулар эса уни ишонтиради.

\* \* \*

Аҳмоқлар биз ўйлаганчалик кўп эмас. Одамлар бир-бирларини тушунмайдилар, холос.

\* \* \*

Шуҳратпараст одамлар ёмон дипломатлардир: улар сукут сақлашни билишмайди.

\* \* \*

Қўрқоқ одам иззатталаб одамга нисбатан камроқ ҳақорат аламини тортади.

\* \* \*

Келгуси авлодлар балки биздан кўра кўпроқ билишар ва ўзларини ақллироқ ҳисоблашар. Аммо улар биздан-да бахтлироқ ва донороқ бўла оладиларми? Ўзимиз ҳам оталаримиздан кўп билсак-да, улардан яхшироқ эмасмиз-ку!

\* \* \*

Тўғрисиани айтишга журъат этаман: инсонни ақл файласуфга, шуҳратсеварлик қаҳрамонга, эзгулик эса донишмандга айлантиради.

\* \* \*

Ақл бизни кайфият таъсирида кўл уриладиган аҳмоқона ишлардан халос этолмайди.

\* \* \*

Ожиз одамларнинг дўстлиги уларнинг нафратидан кўра хавфлироқдир.

\* \* \*

Инсон қанчалар ақлли бўлса, тушунарсиз мулоҳазасизликка шунчалар мойиллашиб боради.

\* \* \*

Умид ҳаётий неъматларнинг энг фойдалиси ҳамда энг ҳалокатлисидир.

\* \* \*

Севги иззатталабликни ҳам енгади. Зеро, аёлни у ҳатто сиздан нафратланганда ҳам севиш мумкин.

\* \* \*

Агар ҳикматли сўзда изоҳга муҳтожлик сезилса, демак бу сўз тобига етмаган.

\* \* \*

Бирор янгиликнинг яшаб кетишида мушкуллик туғилиши унга зарурият йўқлигидан далолатдир.

\* \* \*

Инсон устидан ҳокимлик қиладиган ҳар қандай эҳтирос атрофдагиларга у томон йўл очади.

## ЛЕЖЕ-МАРИ ДЕШАН

(1716–1774)

Фаранг файласуфи Дешан Франциянинг Ренн (Бретань) шаҳрида кичик амалдор оила-сида дунёга келди. У 17 ёшидан бошлаб ҳаётини Монтрай-Белле ибодатхонасида ўтказган.

Дешан ўта кузатувчанли-ги, ўткир ақли ва бениҳоя ҳурфикрлиги билан бошқалар-дан ажралиб турган. У «Ҳамма нарса», «Бир бутун», «Ҳеч нарса» деган тушунчалар устида бош қотирган биринчи файласуф эди.

Дешаннинг айниқса, «Ҳеч нарса» ҳақидаги қара-рашлари кўп баҳсларга сабаб бўлган. «Ҳеч нарса» нима эканлиги ҳақида ҳатто оддий тушунчанинг ўзи йўқ», – деган эътирозга жавобан Дешан комил ишонч билан шундай дейди: «Агар биз бу сўз ҳақида тушунчага эга бўлмаганимизда ундан фойдаланмас эдик. «Ҳеч нарса» доимо у ёки бу буюм, идишда суyoқлик, ҳамёнда пул, хонада жиҳозларнинг йўқ-лигини билдиради».

Дешан ўзининг тарихий вазифасини яхши англ-лар ва буни яширмасди. «Хулосаларимнинг айрим қисмини, – деб ёзганди у, – ҳамма ердан, бошқа қис-мини фақат баъзи файласуфлардан топиш мумкин. Учинчи қисмини эса ҳеч қаердан топиб бўлмайди».

Монтрей-Белле ибодатхонасидан узоқ бўлмаган жойда эътиборли аслзодалардан маркиз Марк-Рене де Вуайе д' Арженсоннинг ер-мулки жойлашган бў-



либ, унинг саройда катта нуфузга эга отаси қомусий олимларга ҳомийлик қиларди.

Фалсафага меҳр қўйган маркиз де Вуайе кўпчилик телба деб ҳисоблайдиган роҳиб Дешаннинг фикрлари билан қизиқиб қолади ва уни ўз ҳомийлигига олади. Де Вуайе ўз кўрғонида Дешан таълимоти билан таништирувчи тўғарак ташкил этади. Дешаннинг қуйидаги асарлари маълум: «Аср руҳи ҳақида мактуб» (1769 йил), «Тафаккур овози: саволлар ва жавоблар» (1770 йил), «Ҳақиқат ёки ҳақиқий тизим».

\* \* \*

Шуниси аниқки, Ҳамма нарса ва Ҳеч нарсанинг моҳияти аслида бир эканлиги ҳақида менгача ҳеч ким ўйлаб кўрмаган, ёзмаган, гапирмаган.

\* \* \*

Ҳақиқат – аслида дунёдаги энг оддий нарса. Аммо жамиятдаги тартиб-қоидалар ноҳўя йўналишда ривожланаётгани сабабли ҳақиқатдан жуда узоқ бўлган ҳақиқатни очиш учун кўп йиллар давомида фикрлаш, бош қотиришга тўғри келди...

\* \* \*

Узоқ вақт давомида мен мавжуд Бутунликни, Интиҳони ўрганибман-у, аммо Ҳамма нарса ва Чексизлик ҳам мавжудлигини сезмай қолибман.

\* \* \*

Табиатда ҳеч нарса аввалдан белгиланмаган ва кўрилмаган бўлса, унда амалга ошмай турган ҳамма нарса тасодиф, амалга ошгани эса зарурият мевасидир (Дешанга қадар ҳеч ким бундай нуқтаи назарни илгари сурган эмас).



\* \* \*

Ҳамма нарса бири иккинчисидан келиб чиқади, бири-иккинчисига қайтади...

\* \* \*

Ақл-идрок туйғуларсиз мавжуд бўлолмайди. Аммо туйғулар алоҳида ҳолда ақл-идрокни ташкил этолмайди. Ақл-идрок туйғулар бирлиги ва уйғунлигидир. Шу боис ҳар бир алоҳида олинган туйғулардан келиб чиқиб хулоса чиқариш умумий нарсалар ҳақида қисмлар асосида бир тўхтамага келиш демақдир. Бундай хулоса бемаъни хулосадир. Чунки бу қисмлар барча қисмлар биргаликда олинганда келиб чиқадиган умумий хулосага нисбатан бутунлай бошқача табиатга эга бўлиши мумкин.

\* \* \*

Ижодкор ва ижод айнаи бир нарсанинг ўзидир. Бир бутун нарса ўз қисмлари ёрдамида мавжуд бўлганидек, қисмлар ҳам ана шу бир бутунлик асосида яшайди.

\* \* \*

Қарама-қарши томоннинг бири иккинчисининг инкори эмас, балки энг кичик тасдиғидир.

\* \* \*

Сабаб ва оқибат – мазмуни бошқа тушунча билан муносабатдагина очиладиган, фақат бири бошқасидан келиб чиқиб мавжуд бўла оладиган икки тушунча. Ўғилнинг сабабчиси – ота, ўғли туфайлигина «ота» деган номга эришган. Агар ўғли бўлмаганда у ҳам ота бўлмасди. Ўғил шунинг учун ўғилки, унинг отаси бор. Ота шунинг учун отаки, унинг ўғли бор.

## ГРИГОРИЙ САВВИЧ СКОВОРОДА

(1722–1794)



Г.С.Сковорода Украинанинг Полтава губерниясидаги оддий казак оиласида дунёга келди. 16 ёшида Киев Академиясига ўқишга кирди. У Европанинг Венгрия, Германия, Италия каби давлатларида бўлган. Қайси давлатга боришидан қатъи назар, аввало ўша ердаги университетларда маъруза тинглашга шошилган. У шу тариқа уч йил хорижда ҳаёт кечирган. Файласуф латин, юнон, немис ва яҳудий тилини билган.

Мустақил фикр эгаси Сковорода жангари табияти, кескин ҳамда тўғри фикр юритиши туфайли ҳамма ерда қувғин ва тухматга учраган.

Сковорода 1759 йилда Харьков Коллегиумига ўқитувчиликка таклиф этилади. 10 йил шу даргоҳда дарс беради. Бу муддат ичида икки марта ишдан четлаштирилади ва яна жойига тикланади. Аммо учинчи мартасида олим Коллегиумни бутунлай тарк этади. 1769 йилдан бошлаб Сковорода дарбадарликда ҳаёт кечиради. «Модомики, севимли Ватанимни ҳеч нарса билан рози қилолмас эканман, лоақал ҳеч кимсага зарарим тегмаслиги учун бор кучимни ишга соламан...», – деб ёзган эди файласуф. Сковорода 25 йиллик дарбадарлик даврида фоят унумли ижод қилди.

Файласуфнинг қуйидаги асарлари маълум: «Наргис», «Илоҳий кеча ёхуд мангулик ҳақида», «Олам алифбоси», «Эзоп масаллари», «Илоҳий қўшиқлар

боғи», «Беш йўловчининг чинакам ҳаётий бахт ҳақидаги суҳбати», «Узук».

Сковорода ўз қўлёзмаларини йўлхалтасида олиб юрган. Афсуски, ҳаётлик чоғида унинг битта ҳам қўлёзмаси чоп этилмаган. У ўлимидан икки ой аввал Орлов губерниясига боради ва шогирди Ковалинский билан учрашиб, ҳамма қўлёзмаларини сақлаб қўйиш учун унга топширади.

Сковороданинг қабри устига унинг васиятига кўра қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган: «Олам мени кушдек овлашга уринди, аммо тутолмади».

\* \* \*

Табиий нарсаларнинг ҳаммаси осонлик билан қўлга киритилади, пуч ва ортиқча нарсаларга эришиш эса мушкулдир.

\* \* \*

Бутун олам икки воқеликдан иборат. Уларнинг бири зоҳирий, иккинчиси ботинийдир. Зоҳирийси махлуқот, ботиний воқелик эса Тангридир.

\* \* \*

Жамики нарсалар ўзаро боғлиқ ҳолда, режа асосида яратилган. Ҳеч бир нарса бу асоссиз мавжуд бўлолмайди.

\* \* \*

Билиш қийин эмас, кўникиш қийин.

\* \* \*

Қалб гўзалликни кўрмай туриб сева олмайди.

\* \* \*

Чоҳга ёки тубсиз сувга қулаган кимса қийинчилик ҳақида эмас, қутилиш ҳақида ўйлаши керак.

\* \* \*

Ҳамма фанларнинг уруғи инсон ботинида яширинган. Инсон ботини уларнинг махфий манбаидир.

\* \* \*

Ташвишни ёқтирмайдиган кимсалар оддий ва фақирона яшашни ўрганмоқлари даркор.

\* \* \*

Кўпчилик қўлидан келмайдиган ишнинг амалга ошишига ишонмайди.

\* \* \*

Сен фақат бир нарсага: ўзингни англашга интил. Тангрининг боқий овозини тингламай туриб, унга қалбингдан жой бера оласанми? Тангрини танимай туриб, унинг овозини тинглай оласанми? Тангрини топмай туриб, уни таний оласанми? Ўзингни англамай, топмай туриб, Тангрини топа оласанми?

\* \* \*

Жисмимиз ўз-ўзича ҳеч қандай ҳаракат қилмайди. У буткул фикрларимиз қулига айланган. Унинг соҳиби бўлган фикр эртаю кеч тўхтовсиз ҳаракатда, ҳаяжонда. У гоҳ мулоҳаза юритади, гоҳ маслаҳат беради. Нималарнидир аниқлайди, нималаргадир мажбурлайди. Жисмимиз эса бошвоқ солинган ҳўкиз каби беихтиёр унинг измига бўйсунди. Шундай қилиб, жисмимиз эмас, балки аввало фикримиз инсонлигимизни белгилайди.

## ПОЛ-АНРИ ГОЛЬБАХ

(Паул Генрих Дитрих)

(1723–1798)

Француз файласуфи Пол-Анри Гольбах Германиянинг Гейдельштейм шаҳрида савдогар оиласида туғилди. У баронлик насабига мансуб эди. Гольбах Лейден дорилфунунини тугатиб, Францияга йўл олди ва Париж шаҳрида муқим яшаб қолди. Унинг Париждаги Сен-Рош кўчасида жойлашган уйи машҳур француз маърифат-парварларининг қароргоҳи бўлган.



Гольбахнинг қуйидаги асарлари маълум: «Насронийликнинг фош этилиши» (1761), «Ижтимоий тизим» (1713), «Табиий сиёсат» (1773), «Табиий ахлоқ» (1770), «Табиат тизими ёхуд фикрий олам ва руҳий олам қонунлари ҳақида» (1770), «Табаррук мараз» (1768), «Этократия ёки ахлоққа асосланган ҳукумат» (1776).

Гольбах «Табиат тизими» асарини дўстлари даврасида васиятнома деб атаган.

Олим ўзи асарлар ёзибгина қолмай, ўзи севган китобларни тўплаган, авайлаб сақлаган. Унинг шахсий кутубхонасида 2777 жилд китоб бўлган. 1770 йилда Гольбахнинг «Табиат тизими», «Насронийликнинг фош этилиши» ва «Табаррук мараз» асарлари Париж парламенти томонидан ёқишга ҳукм қилинди, чунки уларда даҳрийлик руҳидаги фикрлар бор эди. Олимнинг эътиқодига кўра, инсон табиатнинг бир бўлаги, шунинг учун ҳам фаолияти

табиат қонунларига бўйсунди. Файласуф шунга кўра инсоннинг бири иккинчисига қарама-қарши турган, икки хил моҳиятга эга бўлган диний қарашларини танқид қилади.

\* \* \*

Инсон – табиат маҳсули.

\* \* \*

Инсон ўзини табиатнинг имтиёзли мавжудоти деб билиши учун ҳеч қандай асос йўқ. Зотан, у ҳам табиатнинг бошқа маҳсуллари каби беқарорликка маҳкум этилган. Унинг сохта устунлиги замирида фақат адашиш ётади. Инсон ўзи макон этган ер курраси узра фикран юксакликка кўтарилиб кўрсин-чи. Шунда у одамзотга худди бошқа ҳамма мавжудотларга қарагандек қарайди. Ҳар бир дарахт ўзига хос мева бергани каби ҳар бир инсон ҳам ўзининг алоҳида қувватига хос равишдаги ҳаракатлари ёки қилмишлари мевасини бераётганини кўради. Ҳамда ўзининг ўрнини қайта баҳолашга ундаётган пуч хаёлигини инсон бир вақтнинг ўзида ҳам Коинот кузатувчиси, ҳам Коинотнинг бир бўлаги эканлиги туфайли пайдо бўлганини англайди.

\* \* \*

Биз сабаби ўзимизга номаълум бўлган, билимсизлигимиз ҳамда тажрибасизлигимиз туфайли аввалдан кўриб бўлмайдиган нарсаларни тасодифий ҳодисалар деб атаймиз.

\* \* \*

Жамиятлар ҳам тирик организмлар каби инқирозлар, ақлсизлик лаҳзалари, инқилоблар, ҳаётий ўзгаришларни бошидан кечиради, улар ҳам туғилади, ўсади, ўлади, соғломликдан беморлик сари, бемор-

ликдан саломатлик сари юз тутади ва ниҳоят, барча инсон зоти каби болалик, ёшлик, етуклик, кексалик босқичларидан ўтиб, ўлимга рўбарў бўлади.

\* \* \*

Мустабид ҳукмдор ҳокимияти доимо халқ вакиллари ҳукмига итоат этиши ҳамда ўзларига ишонч билдирган одамларга доимо тобе бўлиши зарур. Вакиллар бу одамларга нисбатан хўжайин эмас, балки ижро этувчи, ишончли шахслардир.

\* \* \*

Инқилоблар ва ижтимоий бўҳронлар жамият учун кулфат, албатта. Шу боис жамият уларни мустақиллик ва бардавом фаровонликка эришиш йўлидаги муқаррар, лекин муваққат босқич сифатидагина қўллаши мумкин.

\* \* \*

Куч билан ўрнатилган ҳукумат куч билан сақлаб турилади.

\* \* \*

Бахтли бўлмоқ учун давлатмандликнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг учун бойликдан фойдаланишни ҳам уддалаш керак.

\* \* \*

Бу оламда рўй берган энг йирик воқеалар асосида ётувчи истаклар ақл кўзи билан қараганда арзимас бўлиб туюлади. Кўпинча ахлоқ хусусидаги баҳслар, болаларча инжиқликлар, ихтилофлар, қандайдир вазир ёки хонимнинг ёмон кайфияти, элчининг сурбетлиги, қароқчининг қўполлиги, нотўғри қабул қилинган сўз – мамлакатда уруш оловини ёқиш учун кифоя қилади.

\* \* \*

Эришилган нарсалар уларга сарф этилган қувват ва харажатларни қоплаганини камдан-кам ҳолларда кўриш мумкин. Ҳукмдорларнинг сиёсати одатда катта сарф-харажатлар эвазига майда нарсаларга эришиш билан чегараланади.

\* \* \*

Болалигиданоқ ўзининг нотўғри фикрлари измида бўлган, мутаассибликка муккасидан кетган одамлар кўзларидаги жаҳолат пардасини сақлаб қолишни муҳим деб ҳисоблашади ва уларнинг кўзини очишга уринган кишилар билан курашишади. Агар зулматга ўрганиб қолган кўзлари бир лаҳза ёруғликни кўргудек бўлса, бундан азоб чекишади ва ғазаб билан машъал тутган кишиларга ташланишади.

\* \* \*

Инсон бахти унинг орзу-истаклари ташқи муҳитга қанчалик мос тушиши билан белгиланади.



## КАНТ ИММАНУИЛ

(1724–1804)

Германиялик мутафаккир Иммануил Кант Кёнигсберг шаҳрида хунарманд уста оила-сида туғилиб ўсди. У оиладаги 9 нафар фарзанднинг тўртинчиси бўлган. Кант болалик ва ўсмирлик чоғларида тез-тез касалга чалингани сабабли нимжон, жиззаки ҳамда ваҳимачи эди.



1745 йилда у Кёнигсберг университетининг илоҳиёт факультетини тамомлаган. 1755 йилдан то 1797 йилгача шу ерда метафизика, мантиқ, ахлоқий фалсафа, физика, риёзиётдан дарс берган. Умрининг охиригача бўйдоқ ўтган. 57 ёшида «Соф тафаккур танқиди» деб номланган асосий асарини ёзиб тугаллаган.

Унинг қуйидаги асарлари маълум: «Осмоннинг умумий табиий тарихи ва назарияси» (1755), «Мантиқ» (1800), «Амалий мантиқ танқиди» (1788), «Антропология» (1798). Булар Кантнинг энг йирик ва машҳур асарлари сирасига киради.

Олим шахсий ҳаётида фалсафий масалалар хусусида суҳбатлашишни хуш кўрмаган. Афтидан, у ўзининг тинглашга эмас, фақат ўқитишга қобилиятли эканини яхши англаган.

Ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси муайян тартибга солинган файласуф ҳар кеч роппа-роса соат 10 да уйкуга ётган, тонгги соат 5 да уйғонган. У 30 йил давомида бир марта ҳам бу тартибни бузмаган. Роппа-роса кечки соат 7 да сайрга чиққан. Кёнигсбергда яшовчилар Кантга қараб соатларини текширишган.

\* \* \*

Фалсафа соҳасини қуйидаги саволлар билан чегаралаш мумкин:

1. Мен нимани била оламан? 2. Мен нима қилоғим керак? 3. Мен нимага ишонишим мумкин? 4. Инсон нима?

Биринчи саволга метафизика фани, иккинчисига ахлоқ, учинчисига дин ва тўртинчисига антропология жавоб беради. Юқоридаги уч савол охиргисига келиб тақалади.

\* \* \*

Рад этилишдан чўчимаслик керак. Бошқа нарсадан – сени тушунмасликларидан эҳтиёт бўл.

\* \* \*

Ҳар бир фан фақат риёзиёт билан иноқлашгандагина мукаммалликка эришади.

\* \* \*

Жилла курса, илоҳиёт факультетининг: «Фалсафа факультети – илоҳиёт факультетининг оқсочи», – деган мағрурона даъвосига қўшилса бўлади. (Бу ўринда: «Оқсоч бекасининг олдида машъала тутиб йўл бошлайдими ёхуд унинг ортидан этакларини кўтариб юрадими?» – деган савол очиқ қолади). Ишқилиб фалсафа факультетини ёпиб, оғзини юмиб қўйишмаса бўлгани.

\* \* \*

Ташқи хотиржамлик фақат зоҳиран мавжуддир. Инсон табиатидаги пинҳоний шубҳалар уруғини таг-томири билан бартараф этмоқ жоиз. Бироқ бунинг учун биз аввало бу куртакка эркинлик ва ҳатто озуқа беришимиз керак. Шундагина у ниш уриб, кўзга кўринади ва уни илдизи билан йўқотиш мумкин бўлади.

\* \* \*

Эътиқодга жой бериш учун билимларимни сиқиштиришимга тўғри келди.

\* \* \*

Оғзимиздан чиқаётган ҳамма сўзлар ҳаққоний бўлмоғи керак. Аммо бу, биз ҳар қандай ҳақиқатни очиқ айтишга мажбурмиз, дегани эмас.

\* \* \*

Этика – эътиқод фалсафаси.

\* \* \*

Даҳолик – ўргатиб ҳам, ўрганиб ҳам бўлмайдиган истеъдод маҳсули.

\* \* \*

Изтироб фаолият истагини уйғотади.

\* \* \*

Саломатлик ҳолатидаги меҳнатдан кейинги ҳордиқ ҳар қандай жирканчлик аралашмасидан холи бўлган энг буюк ҳиссий лаззатдир.

\* \* \*

Инсондаги қулайликка мойимлик ҳисси ҳаётда мавжуд бўлган ҳар қандай ёвузликдан ҳам ёмонроқдир.

\* \* \*

Фикрларни эмас, фикрлашни ўргатмоқ керак.

\* \* \*

Чеҳрамизнинг ранги ёлғон сўзлаётганимизни фош этади. Аммо у ҳамма вақт ҳам ёлғоннинг исботи бўлиб хизмат қилавермайди. Кўпинча бизни айблаётган кимсанинг андишасизлигидан ҳам қизарамиз.

## РОБИНЕ ЖАН БАТИСТ РЕНЕ

(1735–1820)



Француз файласуфи Робине Ренне шаҳрида камбағаллашган дворян оиласида туғилиб ўсди. Унинг отаси парламент матбаачиси бўлган. Робине 1760 йили Голландияга кўчиб ўтади.

1761-1766 йилларда «Табиат ҳақида» номли асари устида ишлаб, унинг тўрт жилдини нашрга тайёрлайди.

Робине 1820 йилда Ренне шаҳрида вафот этади. У ўлими олдидан черковнинг қистови билан ўз қарашларидан воз кечиш ҳақидаги қоғозга имзо чекади. Унда қуйидаги сўзлар бор эди: «Ҳазратим М.Леонга ишониб топширилган мазкур инкорнома ўлимимдан сўнг зудлик билан эълон қилинсин. Тангрига ўз фикрларим, сўзларим ва ҳаракатларим тўғрисида ҳисоб беришга тайёр ҳолда ёшлик чоғимда билимсизлигим, ақлсизлигим ва эътиборсизлигим туфайли, шунингдек, инқилоб даврида маълум сабабларга кўра ёзилган бир қанча китобларимдаги нотўғри, инкорга лойиқ фикрларнинг ҳаммасидан чин кўнгилдан, ошкора воз кечаман. Ҳамда Тангридан ва одамлардан бош эгиб кечирим сўрайман».

\* \* \*

Интиҳо билан чексизлик ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ.

\* \* \*

Чексизлик биз учун англаб бўлмас нарсадир. Биз унинг хаёлий тимсолини яратишга, унга доир жўяли роя ишлаб чиқишга беҳуда уринамиз. Чексизликни

тасаввур қилишга кўмаклашувчи на бир сезги, на бир рақам, на бир ўлчов мавжуд эмас. Моҳиятига кўра чекланган инсон онги уни англашга ожиз.

\* \* \*

Ҳис этмоқ англамоқ демакдир.

\* \* \*

Оламда эзгулик ва ёвузликнинг нисбати тенг. Бундан келиб чиқадики, табиатда эзгулик ва ёвузлик мутаносиблиги муҳимдир. Бу мутаносиблик табиат уйғунлигининг шартидир.

\* \* \*

Ҳамма нарса бир-бирига ўзаро емиш бўлиб хизмат қилади.

\* \* \*

Агар душманингиз бўлса-ю, сиз ундан нафратлансангиз, у ҳолда унга роҳат-фароғат, улуғворлик, кўплаб ёш ва гўзал маъшуқалар, тутанмас бойлик, чексиз ҳокимият тиланг. Ана шунда унинг кулфатларга кўмилиб қандай ҳалок бўлишини кўрасиз.

\* \* \*

Тана руҳга, руҳ эса танага таъсир кўрсатади.

\* \* \*

Табиатшунос «нима учун?» деган саволдан воз кечиб, «қандай қилиб?» деган савол устида бош қотириши керак. «Қандай қилиб?» деган савол кузатишлар натижасида пайдо бўлади. «Нима учун?» деган савол эса тафаккуримиздан келиб чиқади ва билимларимизнинг тадрижига боғлиқ бўлади.

\* \* \*

Ҳамма нарса фақат зоҳиран ҳалокатга маҳкум. Аслида эса фақат шакл ўзгаради, холос.

## ШАМФОР НИКОЛА СЕБАСТИАН РОК

(1741–1794)



Француз файласуфи Шамфор клермонлик руҳонийнинг фарзанди бўлиб, коллежда тарбия олаётган чоғидаёқ зукколиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Шамфор коллежни битиргач, аббатлик мартабасига эга бўлган, аммо бу уни заррача қувонтирмаган.

Файласуф муҳтожлик нима-лигини жуда эрта англаб етди.

У 1761 йилдан бошлаб Кельнда, кейинроқ Парижда аслзода хонадонларда ўқитувчилик қилган. Гарчи бошлаган иши катта руҳонийлик мартабасига эришиш учун муносиб бўлса-да, Шамфор ёзувчиликни маъқул кўрган.

У битган қасидалар, қувноқ қиссалар, фожиа асарлар аслзодалар жамиятига йўл очди: Франция қироли ва қироличасининг илтифотига кўра, унга маош тайинланди. Шаҳзода эса Шамфорга котиблик лавозимини таклиф этди. 1781 йилда Шамфор Франция академиясига аъзо бўлди. Бора-бора киборлар жамиятининг чин вакилига айланди. Саройнинг эътиборли кишилари файласуфга ҳурмат билан қарашган.

Шамфорнинг бахтли, ғам-ташвишсиз ҳаёти узоқ чўзилмайди. Франция инқилобининг таъсири уни ҳам четлаб ўтмади.

На муайян тартибга эга жамият, на ўз қарашлари ва юмушига эга бўлган одамлар ўткир ақл соҳиби Шамфорни инқироздан асрай олишди.

Хурфикрлиги ва теран киноялари Шамфорнинг ишсиз қолишига сабаб бўлиб, турма остонасига етак-

лаб келди. У оғир яраланиб ҳалок бўлгани туфайлигина иккинчи марта қамалишдан қутулиб қолди. Шамфорнинг асосий асари «Ҳикматлар ва фикрлар, доно иборалар ва латифалар» деб номланади.

\* \* \*

Агар одамлар ўзларида эзгуликка муҳаббат ва мақтовга лоқайдлик, меҳнатга ташналик ва шуҳратга бепарволик каби қарама-қарши сифатларни жамлай олганларида жуда яхши бўларди.

\* \* \*

Жиддий ишлар чоғида одамлар ўзларини қандай лозим бўлса, шундай тутадилар. Майда ишларда эса уларнинг асл қиёфаси кўриниб қолади.

\* \* \*

Тарбия икки нарсага: ахлоққа ва мулоҳазакорликка таянмоғи керак. Ахлоқ эзгуликка тиргак бўлса, мулоҳазакорлик ёмонликдан асрайди. Агар сиз фақат ахлоққа суянсангиз, анқов ва жафокашларни, фақат мулоҳазакорликка таянсангиз, ўзига пишиқ худбинларни тарбиялаб етиштирасиз.

\* \* \*

Эзгу ишимиз учун мукофотлаш асносида савобни биздан тортиб олишади.

\* \* \*

Биз кўпчилик орасида эмас, ёлғизликда бахтиёр-роқмиз. Бунинг боиси танҳоликда жонсиз нарсалар ҳақида, одамлар орасида эса улар тўғрисида ўйлаганимиздадир, балки?

\* \* \*

Ҳаддан ортиқ юксак фазилатлар ҳам баъзан инсонни жамият учун яроқсиз ҳолга келтириб қўяди. Зотан, бозорга ҳам катта олтин ёмби билан бормайдилар. У ерда танга, айниқса, майда чақалар керак бўлади.

\* \* \*

Ёмонлиги билан жамиятни бездирган одамни тузатиш арзирли ишми? Бунинг ўрнига унга дуч келган одамлардаги кўнгил синиқлигини даволаш осонроқ эмасми?

\* \* \*

Олижаноблик – олийҳиммат қалбнинг ҳамдардидан ўзга нарса эмас.

\* \* \*

Донишмандларга нисбатан тентаклар кўп. Ва ҳатто донишмандларнинг ўзида ҳам доноликка нисбатан тентаклик мўлроқдир.

\* \* \*

Ўз душманларидан нафратланиш учун инсоннинг ақли етарли бўлиши керак.

\* \* \*

Табиат шундай йўл тутганки, хомхаёлик нафақат телбаларга, балки донишмандларга ҳам хосдир. Акс ҳолда, донишмандлар ўз донолигидан қаттиқ азият чеккан бўлишарди.

\* \* \*

Биз атрофдагиларга кулгили кўринмаслигимиз учун қанча ақл кераклигини ҳатто тасаввур ҳам этолмаймиз.

\* \* \*

Ақлли, аммо кучли феъл-атворга эга бўлмаган одамга қийин.

\* \* \*

Камбағал, аммо эркин одам ўз эҳтиёжи учун фақат ўзига-ўзи югурдаклик қилади. Бадавлат, аммо қарам одам эса ўзга одамга ва ҳатто бир йўла бир неча кишига югурдак бўлади.



## ЛИХТЕНБЕРГ ГЕОРГ КРИСТОФ

(1742–1799)

Немис файласуфи, табиёт-шунос олим, санъат билимдони Лихтенберг руҳоний оиласида 17-фарзанд бўлиб дунёга келди. Ўшанда унинг атиги 4 нафар опаси ҳаёт бўлган, холос. 9 ёшида Георг отасидан жудо бўлди.

Ўзи кетма-кет рахит хасталиги туфайли букир бўлиб қолган.

У дастлаб Дариштадт гимназиясида ўқиди. Кейин янги очилган Гёттинген университетида физика, риёзиёт ва фалакиётшуносликдан таҳсил олди.

Лихтенберг кўплаб фалсафий ҳикматлар муаллифи. Унинг қуйидаги асарлари маълум: «Физиогномика ҳақида» (1778 йил), «8» рақамли нутқ...», «Ҳикматлар».



\* \* \*

Шуниси жуда ачинарлики, одамларнинг ёвузликни камайтиришга бўлган интилиши жуда кўп ёвузликларни келтириб чиқаради.

\* \* \*

Ҳар куни кўкка илтижо қилиб шундай олий бахт тилайман: фақат ақлли ҳамда олижаноб одамларгина билим ва қудратда мендан ўзиб кетсинлар.

\* \* \*

Афтидан, ҳеч кимнинг бахти тўқис эмаслигини етарлича яққол тасаввур этишнинг ўзи ҳам тўқис бахтга етишмоқнинг яқин йўлидир.

\* \* \*

Инсоннинг ўз иродасига қарши яшаши аянчли. Истакка қарши равишда барҳаёт қолиш эса ундан ҳам даҳшатлироқдир.

\* \* \*

Ҳамдардлик аҳамиятсиз садоқатдир.

\* \* \*

Инсон феъл-атворини тўғрироқ тушуниш учун бошқа воситалар бўлмаганда уни ранжитадиган ҳазилдан фойдаланиш мумкин.

\* \* \*

Кўпчилик хатолардан қочишни эмас, улардан афсусланишни эзгулик деб ҳисоблайди.

\* \* \*

Ўзига бино қўйган одамнинг устунлиги шундаки, унинг рақиблари оз бўлади.

\* \* \*

Қулларча хатти-ҳаракат фақат қулларнинг ўзигагина хос эмас.

\* \* \*

Инсон ҳақида ўта мураккаб тасаввурда бўлма, балки оддийгина мулоҳаза юрит. Уни ўта яхши ёки ўта ёмон деб ҳисоблама.

\* \* \*

Бировни қоралашдан олдин доимо уни оқлаш имкони бор-йўқлигини ўйлаш керак.

\* \* \*

Албатта, мен: «Ҳамма нарса ўзгача бўлса яхшироқ бўлади», – дея олмайман. Аммо шуни тасдиқлайманки, ҳамма нарса яхшироқ бўлиши учун ҳаммаси ўзгача бўлмоғи жоиз.

\* \* \*

Аҳмоқни донога айлантириш кўрғошинни олтинга айлантириш сингари мушкул ишдир.

\* \* \*

«Олим» сўзи замирида баъзан фақат бир нарса – кўп нарсага ўргатилган, аммо ўзи ҳеч нарса уқмаган одам тўғрисидаги тушунча ётади.

\* \* \*

Ҳамма нарсадан камида бир марта шубҳалан. Ҳатто «икки карра икки – тўрт» деган оддий ҳақиқат ҳам бундан холи бўлмаслиги мумкин.

\* \* \*

Бахтсизлигимизнинг умумий манбаи шундаки, биз нарсаларни қандай қабул қилсак, улар ҳақиқатан ҳам шундайлигига ишонамиз.

\* \* \*

Биз шундай оламда яшаймизки, битта аҳмоқ кўплаб аҳмоқларни, битта донишманд эса жуда оз доноларни яратади.

\* \* \*

Шубҳа ҳушёрликка тенг бўлмоғи жоиз. Акс ҳолда у хатарли тус олади.

\* \* \*

Одамлар кўпинча дин йўлида уруш бошлашлари, аммо диний қондаларга камдан-кам ҳолларда амал қилишлари ҳайратланарли эмасми?

\* \* \*

Ўзимизга маълум заифликларимиз бизга зарар етказмайди.

\* \* \*

Одамлардан ўз истагимиз даражасида эмас, балки уларнинг имкониятлари даражасида ёрдам сўрашимиз жоиз.

\* \* \*

Доноликка илк қадам – ҳамма нарсага ҳужум қилишдан, сўнгги қадам эса – ҳамма нарсани бошдан кечиришдан иборат.

\* \* \*

Янги нарсани кўриш учун қандайдир янги нарса яратиш зарур.

\* \* \*

Нима бўлганда ҳам, барибир, қабр тақдир зарбаларига қарши энг аъло қалъадир.

## ЙОХАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ

(1749–1832)

Немис файласуфи Йоханн Вольфганг Гёте Франкфурт шаҳрида туғилиб ўсди. У 17 ёшида ҳуқуқни ўрганиш мақсадида Лейпциг шаҳрига жўнайди. Кейин Стасбургда таҳсил олади. 21 ёшида Иоганн Готфрид Гердер (1744–1803) билан учрашади.

1775 йилнинг 7 ноябрида ёш даҳо Гёте герцог Карл Август таклифига биноан Веймарга келади. У герцогнинг махфий маслаҳатчиси лавозимини адо этиб, маъмурий бошқарув санъатига доир мўъжизаларни намоиш этишга муваффақ бўлади. Қисқа вақт ичида мукамал тартиб-интизом ўрнатиб, давлат хазинасини бойитади.

Гёте башоратчилик қобилиятига ҳам эга эди. У кўп воқеаларни олдиндан айтиб берган ва ҳеч қачон адашмаган. Гётенинг табиатида беқарорлик, жиззакилик, енгилтаклик каби хусусиятлар ҳам бўлганидан атрофдагилар уни бадфёъл одам деб ҳисоблашган.

Гёте 3000 дан зиёд шеърлар муаллифи. Унинг Веймарда чоп этилган асарлар тўплами 143 жилддан иборат. Қуйида уларнинг энг асосийларини санаб ўтамиз:

«Таврида ифигенияси» (1787), «Рим элегиялари» (1788), «Торквато Тассо» (1796), «Наботот эврилиши» (1790), «Фауст» (1808), «Сеҳрли сибизға», «Ранг ҳақида таълимот».

1797–1817 йилларда Гёте Веймар театрини бошқарган. 1794 йили Йоханн Фридрих Шиллер



(1759–1805) билан танишган. 1808 йилда Наполеон билан учрашган. Гёте оғир сил хасталиги билан оғриган. Шундай вақтлар бўлганки, томоғидан қон қуюлиб келган, аммо шунга қарамай, у 83 йиллик умрини мутлақо соғлом одамдек яшаб ўтган. Саломатлигини мустаҳкамлаш ва табиатидаги нуқсонларни енгишда юксак иродасини, сабот-матонатини намоёиш этиб, замондошларини ҳайратга солган.

Гёте ҳақидаги маълумотларнинг бизга тўлалигича этиб келишида унинг хонадонида ёрдамчи-котиб бўлиб ишлаган ёш адабиётшунос Йоханн Петер Эккерманнинг хизматлари катта.

Манбаларга кўра, Гёте қўл урмаган касб бўлмаган: у портретнавис, манзаранавис рассом, ҳайкалтарош, меъмор, танқидчи, хотиранавис, публицист, актёр, режиссёр, театр директори, муқовачи, заргар, кимёгар, анатом, ботаник, физик, геолог, оптик, файласуф, фалакшунос, муаррих, санъатшунос, давлат арбоби, молиячи, кутубхона мудирини ҳам бўлган.

\* \* \*

Инсоннинг тавба-тазарруга бўлган эҳтиёжи ҳеч қачон йўқолмайди.

\* \* \*

Майда одамлар орасида майдалашасан. Катта одамлар орасида эса ўзинг ҳам ўсасан.

\* \* \*

Инсон курашчи демакдир.

\* \* \*

Яшашга ва эркинликка ҳар куни улар учун курашувчи одамгина лойиқдир.

\* \* \*

Ўзим тўғримдаги билимсизлигим лаҳза сайин  
ошиб бормоқда.

\* \* \*

Айтишларича, икки қарама-қарши фикр орасида  
ҳақиқат ётар эмиш. Асло бундай эмас, уларнинг  
орасида муаммо ётади.

\* \* \*

Нафрат фаол норозилик туйғуси, ҳасад эса, ак-  
синча, суст норозилик ҳиссидир. Шу боис ҳасаднинг  
қисқа фурсатда нафратга айланишидан ҳайрат-  
ланмаслик керак.

\* \* \*

Ҳаммага бирдек ёқиш истаги энг кулгили ис-  
такдир.

\* \* \*

Чорак соат давомида товланиб турган камалакни  
пайқамай қўядилар.

\* \* \*

Ақл билан муҳаббат ўртасида ҳеч қандай уму-  
мийлик йўқ!

\* \* \*

Яхшиликни йўқотиш – кам йўқотиш, номусни  
йўқотиш – кўп йўқотиш, мардликни йўқотиш –  
ҳамма нарсани бой бериш демакдир.

\* \* \*

Яшаш учун ғалаба қозонишни ўрган.

\* \* \*

Дадил фикрлар шашка ўйинидаги олдинги қатор доналари вазифасини бажаради: улар ҳалок бўлса-да, ғалабани таъминлайди.

\* \* \*

Вақт нафақат одамлар, балки ёдгорликлар устидан ҳам ҳукмронлик қилади.

\* \* \*

Инсон учун фақат биргина бахтсизлик мавжуд. У ҳам бўлса, ҳаётга ҳеч бир фойдаси тегмайдиган ёки меҳнатдан чалғитадиган ғоя билан банд бўлиш.

\* \* \*

Ҳамма нарсани зудлик билан қайтадан бошлаш истаги инсоннинг ўзига хос хусусиятидир.

\* \* \*

Ҳар бир фаолиятни у узоқ давом этиши ва ҳатто орзуга, ҳаёт тарзига айланиши керак бўлган тақдирда ҳам байрам билан бошламаслик жоиз. Фақат эсон-омон ниҳоясига етказилган ишнинггина байрам қилинг. Ишни тантана билан бошлаш иштиёқимизни оширувчи ва кейинги саъй-ҳаракатларимизда йўлдош бўлувчи ғайрат ҳамда куч-қувватимизни сўндиради.

\* \* \*

Энг қийин нарса нима? Бу сиз учун энг осон туюладиган иш: яъни шундоққина кўз олдингизда турган нарсаларни кўришдир.



## ЙОХАНН ГОТТЛИБ ФИХТЕ

(1762–1814)

Фихте Германиянинг Рамменау шаҳрида истиқомат қилувчи камбағал ҳунарманд оиласида дунёга келган. У тасодиф туфайлигина савод чиқариш имкониятига эга бўлган. Мильтиц исми барон ундаги қобилиятни сезиб, ҳомийлик қилган.



1774 йилда Фихте Шульпфортдаги мактабга боради. Бироқ бахтга қарши шу йили унинг ҳомийси ҳаётдан кўз юмади. Фихте муҳтожлик туфайли ўқишни ташлашга мажбур бўлади ва хонадонларда муаллимлик қила бошлайди. Шу билан бирга Лейпциг, Йен, Виттенберг шаҳрида илоҳиёт ва ҳуқуқдан маърузалар тинглайди.

1790 йилда бир талабага Кант фалсафасидан таълим бериш асносида кутилмаганда ўзининг ҳам фикри тиниқлашиб, қарашлари ўзгаради. Тақдирни қарангки, кўп фурсат ўтмай, Фихте Кант билан учрашиб унга ўзининг «Янгиликнинг атрофлича танқиди» деб номланган илк асарини тақдим этишга муваффақ бўлади. Кант эса кутилмаганда ёш мухлисига хайрихоҳлик кўрсатиб, бу асарни нашр этиш учун тавсиянома беради ҳамда Данцигда хонадон ўқитувчиси бўлиб ишга жойлашишида ёрдам кўрсатади.

Кантнинг тавсияси билан чоп этилган асари Фихтега катта шуҳрат келтиради. 1794 йилда у Йен университетининг профессори бўлади. Бу лавозимга

Фихте ўша вақтда Саксон Веймар герцоглигида вазир бўлиб ишлаётган Гётенинг тавсиясига кўра ўтказилган эди. 1798 йилда Фихте ўзини асоссиз равишда гоаявий ўзбошимчалиқда айблаганларга норозилик сифатида университетни тарк этади. 1810 йилда у Берлинда янги ташкил этилган Олий мактабнинг биринчи ректори этиб сайланади.

Фихте 1814 йили ичтерлама хасталиги туфайли вафот этди. Унинг қабрига ўрнатилган ёдгорликка инжилдан олинган қуйидаги гўзал сўзлар битилган: «Устозлар само ёритгичи каби ёғду сочаверадилар, эзгулик йўлини кўрсатувчилар юлдузларга ўхшаб мудом ва мангу чарақлаб тураверадилар».

Файласуфнинг ҳаёти ҳақида унинг ўғли Иммануил Герман Фихте ўз хотираларида ёзиб қолдирган.

Фихтенинг тўла асарлари тўплами 8 жилддан иборат бўлиб, ундан қуйидаги асарлар ўрин олган: «Ахлоқийлик ҳақидаги таълимот тизими» (1794), «Олимнинг вазифалари тўғрисида маърузалар» (1794), «Умумий илми дониш асослари» (1794–1795), «Илми дониш ёки фалсафа деб аталувчи тушунча тўғрисида», «Тилга қобилият ва тилнинг келиб чиқиши тўғрисида» (1795), «Табий ҳуқуқнинг илми дониш тамойилларига мувофиқ асослари» (1797), «Кенг оммага энг янги фалсафанинг асл моҳияти ҳақидаги куёш каби ёрқин хабар» (1800), «Ёпиқ савдо давлати» (1800), «Янги фалсафий тамойилларнинг илми дониш нуқтаи назаридан тарихи ва танқиди» (1830).

Фихтенинг қарашлари ўзига хос ва фавқулодда сермаҳсулдир. Унинг фикрича, Аллоҳ яратган олам ичра яна бир олам – инсон олами мавжуд. Уни инсон яратган. Аслини олганда бизни ўраб турган оламда одамлар қўли билан яратилган нарсалар бисёр. Улар замондошларимиз, аждодларимиз маҳ-

сулидир. Биз бу маҳсулларни сўзда ифода этамиз, фикрлар воситасида ўйлаймиз. Аждодлардан мерос қолган муаммоларни муҳокама қиламиз. Улар ном кўйган ва ойдинлаштирган нарсаларни кўрамиз. Улар қолдирган турмуш тарзи асосида яшаймиз. Инсон оёғи етмаган гўшаси йўқ табиатнинг кўйнида кун кечирамиз. Ҳамма нарсанинг тархи бузилган, ҳамма нарсага таъсир ўтказилган, ҳамма нарса ўзгартирилган. Фихте ана шундай хулосалар билан оламни ўрганиш ва англашдаги янгича, дадил ташаббусларга йўл очиб берди.

\* \* \*

Инсон ўзи бурчли бўлган ҳамма ишни бажаришга қодир.

\* \* \*

Ўзимдан ташқаридаги нарсаларни ўзгартиролмаганим учун ўзимдагиларни ўзгартиришга қарор қилдим. Фалсафага, айнан Кант фалсафасига ўзимни урдим.

\* \* \*

Ҳаракат қилмоқ! Ҳаракат қилмоқ! Биз шунинг учун мавжудмиз.

\* \* \*

Ўз-ўзингни идрок эт, атрофингни ўраб турган ҳамма нарсадан нигоҳингни уз ва ботинингга боқ. Бу фалсафанинг ўз шогирдига кўядиган биринчи талабидир. Бунда гап сендан ташқаридаги эмас, балки фақат сендаги нарсалар ҳақида боряпти.

\* \* \*

Ҳар қандай воқелик таъсирчанликдир, ҳамма таъсирчанлик воқеликдир.

\* \* \*

Табиат одамларни эркинлик, яъни фаолият учун яратди.

\* \* \*

Биз билганимиз учун ҳаракат қилмаймиз, балки ҳаракат учун яратилганимиз туфайли биламиз.

\* \* \*

Инсон зотига мансуб одамлар бир-бирларига ўхшамайдилар. Уларнинг ўхшаш томони битта. У ҳам бўлса, барчанинг пировард мақсади – мукамаллик.

\* \* \*

...Ва мана, вақт оқимида қачонлардир мавжуд бўлган илмнинг синиқ парчалари сузиб юрибди. Сиз уларнинг бебаҳо эканини эшитгансиз. Қурбингиз етганича илм синиқларини бу оқимдан тугиб оласиз-да, қизиқувчиларга кўрсатасиз. Сиз бу бўлақларни синдириб, эзиб ёки бехосдан шаклини бузиб юбормаслик учун ва бешикаст ҳолда авлодларингизга, авлодларингиз эса ўз авлодларига қолдириши учун, улар эса ўз навбатида қизиқувчан насларга кўрсатиши учун асраб-авайлайсиз. Гоҳо уларни силаб-сийпаб тозалайсиз.

Мен сизнинг ҳузурингизда пайдо бўлдим. Ва сиз лутф кўрсатиб, мени ўзингизга дўст санадингиз. Сиз менга дўстларча ёрдам кўрсатишга уриндингиз. Қўнглингиз мени ром этишни, огоҳлантиришни, маслаҳат беришни тиларди... Сиз аввалига мен баён этган нарсаларни тарих, Кант оқимидаги бўлақлар деб ҳисобладингиз. Ва уларни ўзингиздаги коллекциялар билан таққослашга жазм этдингиз. Бундан ҳеч бир иш чиқмагач, уларни ҳаётий тажриба оқи-

мидаги парчалар деб ҳисобладингиз. Мен не демай, қандай далиллар билан ишонтиришга уринмай ва қанчалар тантанавор таъкидламай, қай йўсинда қаршилиқ кўрсатмай, барибир, сиз менинг илмий қоидаларимни тажрибавий қоидаларга, мушоҳадаларимни идрок маҳсулига, фалсафамни психологияга тенглаштиришдан воз кечмадингиз...

...Шундай қилиб, сиз коллекциянгиздаги ҳар бири ўзича мавжуд бўлган бўлакларни бир бутун деб ҳисобладингиз. Ҳар бирини алоҳида ҳолда хотирада сақлаш мумкин деб ўйладингиз. Бироқ бу алоҳида парчалар сиз қамраб олган ҳолатда бири иккинчисига тўғри келмас, ёпишмасди. Шунда шовқин кўтардингиз: «Зиддият!» Бундай ҳолат сизда изчил сунъий баён тўғрисида ҳеч қандай тушунчанинг йўқлиги, сизга фақат донолар ҳикматларини жамлашгина маълумлиги туфайли рўй берди.

## ГЕОРГ ВИЛЬГЕЛЬМ ФРИДРИХ ГЕГЕЛЬ

(1770–1831)



Немис файласуфи Гегель Вюртемберг князлигининг пойтахти Штутгарт шаҳрида туғилган. Унинг отаси хазинахона котиби бўлиб хизмат қилган.

Гегель тўлиқ университет таълимини олган.

Илоҳиётшунослик фанлари номзоди ва фалсафа магистри даражасига эга бўлган. 1793 йилдан 1800 йилгача хонадонларда муаллимлик ва тарбиячилик қилган. 1801 йилда Йен шаҳрига келади ва маҳаллий университетда фалсафадан дарс беради.

Гегель Арасту замонидан буён яшаб келаётган мантиқ илми анъаналарини биринчилардан бўлиб қайта кўриб чиқди ҳамда фалсафа тарихидаги энг дадил тамойилни илгари сурди. Унинг мазмуни шундай: «Қарама-қаршилик – ҳақиқат мезони. Қарама-қаршиликнинг йўқлиги эса – хатолар мезони».

Гегель 61 ёшида тўсатдан вабога чалиниб ҳаётдан кўз юмди.

Гегелнинг қуйидаги асарлари маълум: «Халқ дини ва насронийлик» (1793), «Фихте ва Шеллинг тизимлари ўртасидаги тафовут» (1801), «Мантиқ илми» (1812–1816), «Фалсафий илмлар қомуси» (1817), «Хуқуқ фалсафаси асослари» (1821), «Хуқуқ фалсафаси» (1826).

Гегелнинг шогирдлари томонидан унинг маърузалари, режалари, қораламалари ҳамда чизгилари орасидан танлаб олинган асарлари қуйидагича ном-

ланади: «Фалсафа тарихига оид маърузалар», «Тарих фалсафасига доир маърузалар», «Эстетикага оид маърузалар», «Диний фалсафага доир маърузалар».

\* \* \*

Фалсафа ва дин умумий мазмун, эҳтиёж ва манфаатларга эгадир.

\* \* \*

Дин умуман инсон онгининг энг юксак ва сўнгги соҳасидир. У шундай соҳаки, инсон унга мутлақ ҳақиқат оламига кирган каби қадам қўяди.

\* \* \*

Теран ақл ва ажойиб фикрлаш қобилиятига эга бўлган одамлар кўпинча ёмон ўйинчи бўлиб чиқадилар. Бу уларни ўйинлар қизиқтирмаслиги билан эмас, балки уларнинг фикрлаш қобилияти ҳаётнинг қоидаларини қўллаш ҳадисини яхши эгалламагани билан изоҳланади.

\* \* \*

Ўқиб билмоқ бошқаларнинг фикри тўғри эканлигини тушунмоқдир.

\* \* \*

Ҳаракат инсон қиёфасини очиб берувчи энг аниқ воситадир. Инсон қандай ҳаракат қилса, ўшандайдир.

\* \* \*

Дунёга ақл кўзи билан боққан одамга дунё ҳам оқилона қарайди.

\* \* \*

Нутқ ҳайратланарли даражада қудратли воситадир. Аммо ундан фойдаланиш учун ақл соҳиби бўлиш лозим.

\* \* \*

Эркин одам ҳасадгўйлик қилмайди, у буюклик ва юксакликни сидқидилдан тан олади ҳамда уларнинг мавжудлигидан қувонади.

\* \* \*

Чин хушмуомалаликка айнан бурч сифатида қарамоқ жоиз. Умуман, биз ўзгаларга илтифотли бўлмоғимиз керак.

\* \* \*

Инсоннинг бурчлари тўрт турга бўлинади.

1) Ўз олдидаги бурчи. 2) Оиласи олдидаги бурчи. 3) Давлат олдидаги бурчи. 4) Ўзга одамлар олдидаги бурчи.

\* \* \*

Ор-номус тамойилларининг асосий қоидаларидан бири шундан иборатки, ҳар бир одам ким бўлишидан қатъи назар, ўз хатти-ҳаракати билан ўзгалар ундан устун бўлишига йўл қўймаслиги жоиз.

\* \* \*

Инсон ўзига хўжайин бўлмас экан, табиатга ҳам эгалик қилолмайди.

\* \* \*

Инсон билим туфайлигина барҳаётдир. Билим, тафаккур инсон ҳаёти, барҳаётлиги негизидир.

\* \* \*

Шиддат билан таназзулга яқинлашиб бораётган халқнинг тақдирини фақат даҳогина сақлаб қолиши мумкин.



\* \* \*

Ҳақиқатга қалб кўзи билан боқмоқ жоиз. Тандаги кўз билан уни кўриб бўлмайди.

\* \* \*

Ўрни келганда ҳақиқатни айтмаслик яхши эмас. Бу нарса ўзингни ҳам, ўзгаларни ҳам таҳқирлаш демакдир. Бироқ лаёқат ёки ҳуқуқ бўлмаганда ҳақиқатни айтмаган маъқул.

\* \* \*

Оқилона мақсадга эришиш учун интилувчи тиришқоқ одамга иродавий қудрат қанчалар зарур бўлса, қайсарлик шунчалар номақбулдир.

\* \* \*

Мен кўплаб ажойиб фанларни биламан, аммо фалсафадан ажойиброғини тополмадим.

## СТЕНДАЛЬ

(1783–1842)



Француз адиби, файласуф ва инсоний эҳтирослар назариётчиси Стендаль Франциянинг Гренби шаҳрида туғилиб ўсди. Унинг ҳақиқий исми Анри-Мари Бейль эди. Стендаль 1800–1812 йилларда Бонапарт қўшинида хизмат қилган. Бородино жангларининг гувоҳи бўлган.

Бонапарт инқирозга учрагандан кейин Италияга жўнаб кетади. 1821 йилда эса яна Фран-

цияга қайтади.

1831 йилда Франция консули сифатида Италиянинг Чивитавеккья шаҳрига кўчиб ўтади. Унинг биринчи асари «Рим, Неаполь ва Франция» (1817) деб номланган.

Замондош одамларнинг севишга қодир эмаслиги – Стендаль романларининг етакчи мавзуси эди.

Унинг қуйидаги асарлари маълум: «Италия тасвирий санъати тарихи» (1817), «Севги ҳақида» (1822), «Арманс ёки 1827 йилдаги Париж салонидан лавҳалар» (1827) (Стендалнинг мазкур биринчи романи эътиборсиз қолган), «Қизил ва қора» (1831), «Люсьен Левен» («Қизил ва оқ») (1836), «Парма ибодатхонаси».

Стендаль 1842 йилда «Ламель» номли сўнгги романини ёзиб тугатолмай миясига қон қуйилиши оқибатида вафот этди.

Стендалнинг «Севги ҳақида» номли асари етарли муваффақият қозонмаган бўлса-да, муаллиф томонидан узоқ йиллар мобайнида йирилган севгининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги фикрлар ҳамон ўз қимматини йўқотмаган.

\* \* \*

Бой берилган нарса тўғрисидаги хотира келажакдан кутишимиз мумкин бўлган нарсадан доим устун туради.

\* \* \*

Аскар касалхона тўғрисида ўйламагани каби ёзувчи ҳам танқид ҳақида ўйламаслиги керак.

\* \* \*

Сабр-тоқат ҳамда ғазабни жиловлай олиш қобилиятидан маҳрум кишини сиёсатчи деб бўлмайди.

\* \* \*

Туйғулар оламида фақат биргина қонун – ўзинг учун сеvimли одамга бахт ато этмоқ қонуни ҳукмрондир.

\* \* \*

Дўст учун ўзни ҳар куни ва пинҳона қурбон қилмоқ муайян бир вазиятда унинг учун жон фидо этмоқликдан аълороқдир.

\* \* \*

Дунёда икки бахтсизлик бор: эҳтироснинг қондирилмай қолиши ва ҳаддан ортиқ ғам-андуҳ чекиш.

\* \* \*

Гўзаллик – бахт ҳақидаги бир ваъда, холос.

\* \* \*

Ҳусн севгининг пайдо бўлишида пешлавҳа каби зарурдир.

\* \* \*

Санъат учун бироз ғамгин ва етарли даражада бахтсиз одамлар керак.

\* \* \*

Умри давомида фақат бир марта севганларни енгил-елпи одамлар деб ҳисоблайман. Уларнинг садоқати, доимийлиги – шунчаки одат ёки тасаввурнинг йўқлиги белгиси, холос.

## СЕВГИ ТАЖРИБАСИ ТЎҒРИСИДА

...Мен юксак эҳтиросдан холис бўлишга ва совуққон файласуф сифатида эркин фикр юритишга ҳаракат қиламан. Қуйида севги деб аталмиш дард босқичлари виждонан ва аниқ тасвир этилган:

1) севги-эҳтирос;

2) севги-майл.

Севги-эҳтирос бизни манфаатларимизни қурбон қилишга мажбурлаган бир пайтда, севги-майл бунга мослашишга ундайди;

3) жисмоний севги;

Инсоннинг феъл-атвори қанчалик совуқ ва қуруқ бўлмасин, у 16 ёшида шу йўлга қадам қўяди;

4) севги шуҳратпарастлик.

Тарк этилган ошиқ манманлик ва ғамгинлик аламини тортади, романларда тасвирланган тимсоллар уни ҳаяжонга солади ва у ўзини соғинч ўртаётган ошиқ деб билади. Чунки шуҳратпарастлик доимо юксак эҳтирос бўлиб кўринишга иштиёқманддир.

\* \* \*

Севги! Сен бизни бу дунёдаги қандай телбаликлардан завқланишга мажбур этасан-а?!

\* \* \*

Замин бўйлаб ёйилган ҳар қандай севги айна бир қонуниятга амал қилган ҳолда туғилади, яшайди ва ўлади.

\* \* \*

Ишқ безгакка ўхшайди, у иродага боғлиқ бўлмаган тарзда пайдо бўлади ва сўнади.

\* \* \*

Мен қалб тубида рўй бераётган нарсалар тўғрисида сўзлашни истайман.

## АРТУР ШОПЕНГАУЭР

(1788–1860)

Олмон файласуфи Артур Шопенгауэр ўзига тўқ савдогар оиласида дунёга келди. У аввал тижорат, тиббиётдан сабоқ олиб, кейин фалсафани ўргана бошлади. 1809 йилдан бошлаб Германиядаги энг машҳур Геттинген дорилфунунида ўқиди. Тиббиёт, физика, зоология, фалакиётшунослик, табиий тарих, психология, мантиқ, инсон мияси анатомияси фанларини ўрганди. 1811 йилдан эса Берлин дорилфунунида Фихте ҳамда Шлейермахер маърузаларини тинглаб, фалсафадан сабоқ олди.



Шопенгауэрда ёшлигиданоқ тушкунлик кайфияти шакллана бошлаган. «Ҳаёт – жуда шубҳали нарса ва мен умримни у ҳақда фикрлаш учун бағишлашга қарор қилдим», – деб ёзганди файласуф ўзининг ҳаётий маслағи тўғрисида. Шопенгауэрнинг ўзига ишончи жуда юксак бўлган.

У кексайган чоғида ҳам хасислиги, сўзларининг кескинлиги ва сабрсизлиги билан шуҳрат қозонган.

Ҳамкасбларининг таъкидлашича, Шопенгауэр ўта сершубҳа одам бўлган. Доимо атрофидагилар гўёки ундан ниманидир яшириб, унга қарши фитна уюштираётганидан гумонсираб юрган.

Шопенгауэрнинг Берлин дорилфунунидаги доцентлик фаолияти узоқ давом этмаган. Чунки у ўз маърузаларида бошқа файласуфларни таҳқирлаб ёдга олар ёки уларни умуман тилга олмасди.

1825 йилда Шопенгауэр ўқитувчиликни ташлаб, Франкфурт-Майн шаҳрига кўчиб боради ва ҳаёти-

нинг қўп қисмини шу ерда ўтказди. У инглиз, француз, италян ва испан тилларини мукамал билган.

Шопенгауэр 30 ёшида «Олам ирода ва тасаввур сифатида» деб номланган энг машҳур асарини ёзган.

У биринчи бўлиб «руҳий ҳаловат» атамасини қўллаган. «Энг олий даражадаги турфа ва давомий ҳузур-ҳаловат руҳий ҳаловатдир...» деб ёзганди файласуф.

Шопенгауэр куннинг асосий қисмини икки хонали уйидаги иш бўлмасида ўтказган. Мутолаа – унинг энг сеvimли машғулоти эди.

Файласуф бир умр бўйдоқ ўтган. У юқумли касаллик туфайли вафот этишдан ўлгудек қўрққан. Шундай хавфни сезиши билан дарҳол турар жойини алмаштирган.

Шопенгауэрнинг қуйидаги асарлари маълум:

«Кўз ва гуллар тўғрисида» (1816), «Олам ирода ва тасаввур сифатида» (1819), «Ахлоқнинг асоси» (1841), «Этиканинг икки асосий муаммоси» (1841), «Дин ҳақида» (1851), «Парерга ва Парамипоменон» (1851), «Севги метафизикаси». Бу асар икки жилдан иборат бўлиб, «Парерга» – лотинча «Қўшимча асарлар» деган маънони англатади. Шопенгауэрнинг машҳур «Турмуш ҳикматлари» тўплами ҳам ана шу китобга киритилган.

Артур Шопенгауэр 1860 йилда вафот этди. Ўлим тўшагида ётган файласуфдан дўстлари қаерга дафн этиш тўғрисида сўраганларида, у: «Менга барибир. Улар мени излаб топишади», деб жавоб берган экан.

\* \* \*

Фалсафа менга ҳеч нима бермади, бироқ у жуда қўп нарсаларни сақлаб қола олди.

\* \* \*

Фалсафанинг бошланиши ҳайронликдан эмас, балки ҳайрат ва қайғудандир.

\* \* \*

Агар тафаккур йўқ қилинса ёки барча бошча-ноқлардаги мия олиб ташланса, бутун олам барҳам топади. Буни ҳазил деб қабул қилмаслигингизни илтимос қиламан. Мен жиддий гапираяпман. Чунки олам фақатгина бизнинг (барча жониворларнинг) тасаввуримиз сифатида мавжуддир, холос. Бу тасаввурлардан ташқари олам йўқ.

\* \* \*

Эътиқод ва билим – тарозининг икки палласи: бири қанча баланд бўлса, иккинчиси шунча пастдир.

\* \* \*

Фалсафанинг шу топгача муваффақиятсизликка учраб келаётганининг сабаби шундаки, уни санъат йўлидан эмас, илм йўлидан излайдилар. Файласуф фалсафа илм эмас, санъат эканлигини ҳеч қачон унутмаслиги керак.

\* \* \*

Мукамал давлатга асос солиш учун энг аввало шундай мавжудотларни яратиш керакки, токи улар ҳамма ерда ва ҳар доим ўз манфаатларини жамият фаровонлиги йўлида қурбон қилишга қодир бўлсинлар.

\* \* \*

Мен ва менинг вақтим: бир-бирига сира тўғри келмайди.

\* \* \*

Ҳар бир чеклаш бахтга йўллайди. Яъни, бизнинг нигоҳларимиз, ҳаракатларимиз ва шубҳа-гумонла-

римиз доираси қанчалик тор бўлса, шунчалик бахтиёрмиз. Улар қанчалар кенг бўлса, биз шунчалар кўп азобланамиз ва хавотирга тушамиз. Чунки улар билан бирга бизнинг ташвишларимиз, истакларимиз ҳамда хавотирларимиз ҳам ўсиб, кўпайиб боради.

\* \* \*

Агар кимнингдир тўғри сўзлаётганига шубҳа қилсанг, ўзингни унга ишонаётгандек тут: шунда у ёлғонни янада бўрттириб, сирни очиб қўяди. Борди-ю, унинг сўзларида яширишга уринаётган ҳақиқат оҳангини пайқаб қолсанг, ўзингни унга ишонмаётгандек кўрсат: шунда у ҳақиқатнинг қолган қисмини ҳам айтиб беради.

\* \* \*

Ҳар бир одам ўзга бир одам учун бир кўзгудирки, у орқали барча камчиликларни яққол кўриш мумкин. Бироқ айрим одамлар бошқа бир ит деб кўзгудаги аксига қараб ҳураётган кўппак каби ҳаракат қиладилар.

\* \* \*

Бирор кимсага тириклигида ҳайкал қўйиш – келгуси авлодлар уни унутмаслигига умид йўқлигини эълон қилиш билан тенг.

\* \* \*

Уйланиш ҳуқуқларнинг ярмини камайтириш, мажбуриятларни эса икки баравар ошириш демакдир.

\* \* \*

Инсоннинг ҳақиқий феъл-атвори майда-чуйдаларда: улар инсон ўзини назорат қилишдан тўхтаганда юзага чиқади.



\* \* \*

Мутолаа калланг ўрнига бошқанинг калласи билан ўйламоқ демакдир.

\* \* \*

Маълумки, кўпчилик бўлиб кулфатларга дош бериш осонроқ. Афтидан, одамлар бекорчиликни ҳам кулфатлар қаторига киритишади. Ва биргаликда бекорчилик қилиш мақсадида мажлислар уюштиришади.

\* \* \*

Умр қисқа. Ҳақиқат эса узоқ яшайди. Келинг, ҳақиқатни сўзлайлик!

\* \* \*

Агар чиндан ҳам кимдир биз учун жуда қадрли бўлса, буни унинг ўзига айтишни жиноятга қўл уриш билан баробар деб билмоқ керак. Бу унча ёқимли бўлмаса-да, тўғри маслаҳат. Чунки ортиқча эркалаш одамлар уёқда турсин, ҳатто итларни ҳам бузади.

\* \* \*

Ёлғиз қолиш бизни доимо одамлар кўз ўнгида яшаш заруриятидан ва шунинг баробарида уларнинг фикри билан ҳисоблашишдан фориғ этади.

\* \* \*

Ёлғизликни севмайдиган одам – эркинликни севмайди. Чунки фақат ёлғизликдагина эркин бўлиш мумкин.

\* \* \*

Шундай авлодлар келадики, улар менинг ҳар бир сатримни қувонч билан қўллаб-қувватлайдилар.

## ПЕТР ЯКОВЛЕВИЧ ЧААДАЕВ

(1794–1856)



Рус мутафаккири П.Я.Чаадаев дворян оиласида дунёга келди. Болалигиданоқ тўғри ва қатъий феъл-атвор эгаси бўлган Чаадаевда ўз қадрини билиш ҳисси кучли эди.

П.Чаадаев Москва университети тамомлаган. Университетда ўқиб юрган кезлари А.Грибоедев, Н.Тургенев, И.Якушин каби ёзувчилар билан дўстлашган.

Ҳарбий хизматга кирган Чаадаев 1812 йили Бородино жангида иштирок этиб, кўрсатган жасорати учун IV даражали Анна ордени ҳамда Темир крест билан мукофотланган.

Тарихчиларнинг ёзишича, уруш тугагач Чаадаевни катта давлат лавозимига (шоҳ Александр I нинг адъютанти вазифасига) таклиф этишган. Бироқ Чаадаев ҳеч бир иккиланишсиз бу мансабни тарк этган ва истеъфога чиққан.

Чаадаевнинг бундай терс, кутилмаган қарори тезда ҳамманинг оғзига тушган ҳамда шоҳ Александр I томонидан салбий баҳоланган.

Чаадаев декабристлар билан яқин муносабатда бўлган, лекин уларнинг орасида руҳий эҳтиёжларини қондиролмаган.

Файласуф оила қурмай бўйдоқ яшаган. Бунинг сабаби ҳамон номаълум.

Чаадаев ижтимоий тараққиёт назариётчиси бўлган. У жаҳондаги сиёсий жараёнларга таъсир ўтказа оладиган ва ўтказаётган йирик давлатлардаги ҳаётни ўзгартириш йўллари, йўналишлари ҳамда воситалари ҳақида фикр юритган.

Чаадаевнинг қуйидаги асарлари маълум: «Фалсафий мактублар», «Телбанинг мадҳияси» (1837 йилда ёзилган, 1862 йилда эълон қилинган), «Ҳикматлар», «Сарлавҳасиз мақола» (1843), «Қишлоқ руҳонийсининг якшанба суҳбати» (1848).

Чаадаев ёшлигиданоқ Пушкин билан дўст бўлган. Пушкин ўзининг энг яхши шеърларидан бирини Чаадаевга бағишлаган.

Чаадаев 1856 йил 14 апрель куни Москва шаҳрида вафот этди.

\* \* \*

Ватанга муҳаббат – ажойиб туйғу. Лекин унданда теранроқ бир туйғу борки, у ҳақиқатга бўлган муҳаббатдир. Ватан ишқи қаҳрамонларни дунёга келтиради. Ҳақиқатга бўлган муҳаббат эса инсониятга донишмандларни, муруватпешаларни тухфа этади. Ватан муҳаббати халқларни бир-биридан ажратади, миллий адоватни юзага келтиради ва гоҳо ерни мотам либосига буркайди. Ҳақиқат ишқи эса оламга илм нурларини сочади.

\* \* \*

Суюкли одамларни севишдан осон иш йўқ. Аммо сеvimли бўлмаган одамларни ҳам бир оз яхши кўрмоқ керак.

\* \* \*

Мен Ватанимни танқид қилишим, камситишим ва унга озор беришим мумкин, лекин ҳеч қачон уни алдамайман.

\* \* \*

Зайф душман энг яхши дўст, ҳасадгўй дўст эса энг ёвуз душмандир.

\* \* \*

Бизнинг эркинлигимиз – тобелигимизни англамаслигимиздан ўзга нарса эмас.

\* \* \*

Ишонинг, мен ўз Ватанимни ҳар бирингиздан кўра кўпроқ яхши кўраман. Унга шон-шухрат тилайман, халқимнинг юксак фазилатларини қадрлайман... Бироқ мен Ватанни кўзни юмиб севишга ўрганмаганман.

\* \* \*

Инсоният анъаналарининг буюк хазинаси бўлмиш Шарқни ўрганинг.

\* \* \*

Бошқаларнинг ортидан қувишимизга ҳожат йўқ. Биз ўзимизни ошкора баҳолаб, кимлигимизни тушуниб олмоғимиз, ёлғондан воз кечиб, ҳақиқат йўлини маҳкам тутмоғимиз керак. Шунда олға босамиз ва бошқалардан кўра илдамроқ қадам ташлаймиз. Чунки биз ўзгалардан ортда қолиш асносида илгари ўтганларнинг бутун тажрибаси ҳамда асрий заҳматларидан бохабар бўламиз.

\* \* \*

Қуликдан оранмайдиган халқнинг толеи пастдир. Бундай халқ қулик учун яратилган.

\* \* \*

Мукаммалликка яқинлашишни ягона мақсад қилиб олганларгина унга эриша оладилар.

\* \* \*

Сўз фақат шафқатли қалбдагина жаранглайди.

\* \* \*

Сиз бахтли бўлишни истайсиз-ку, ахир. Бас, шундай экан, шахсий фароғатингизни имкон қадар озроқ ўйланг-да, ўзгалар учун қайғуринг. Биттага мингта қарши чиққан ҳолда гаров ўйнаб айтишим мумкин-ки, шунда сиз бу оламда мавжуд бўлган энг юксак даражадаги саодат лаззатидан баҳраманд бўласиз.

## ФРИДРИХ ВИЛЬГЕЛЬМ НИЦШЕ

(1844–1900)

Немис файласуфи Фридрих Ницше Пруссиянинг Рёккен музофотидаги протестант руҳонийси оиласида дунёга келди. Ницшелар сулоласининг учинчи авлоди поляк дворянларига мансуб бўлган.

Ницше тақводорлик муҳитида ўсган. Гимназиядаги дўстлари уни «ибодатхонадаги 12 ёшли Исо»га ўхшатиб «Митти пастор» деб аташган. Ницше Инжил сураларини ва черков қўшиқларини шу даражада таъсирчан ижро этганки, тингловчилар беихтиёр кўзларига ёш олишган.

Ницше Бонн ва Лейпциг шаҳарларида таълим олган. Мутахассислигига кўра филолог бўлган Ницше тенгқур талабалар орасида ўзининг кучли қобилияти билан ажралиб турган. У 22 ёшида Марказий адабий газетада хизмат қилган.

25 ёшида Базель университетининг профессори бўлган.

Ницше 1869–1879 йиллар оралигида Базелда яшаган ҳамда файласуф Рихард Вагнер билан танишган. Ницшенинг ўзи бу ҳақда шундай деб ёзади: «Биз бир неча йил Вагнер билан ҳамма катта-кичик нарсаларни тенг баҳам кўрдик; ўртамиздаги ишончнинг чеки йўқ эди».

Ницше бош оғриғи ва қандайдир номаълум касаллик хуружидан умр бўйи азоб чеккан.

Ницше Артур Шопенгауэрнинг ёввойилар тўдаси тўғрисидаги масалини ўқигач, жамиятнинг ички



моҳияти нимадан иборатлигини англаб олди. Шундан кейин у Шопенгауэрнинг ашаддий мухлисига айланди. Чунки Шопенгауэрнинг кўплаб фикрлари Ницшега жуда яқин эди.

1876 йилнинг кузида Ницше саломатлиги ёмонлашгани туфайли университетдаги маърузаларини тўхтатиб, бир йиллик таътилга чиқади ва Саррентога кўчиб ўтади. Ана шу ерда унинг дунёқарашида кескин бурилиш рўй беради.

«Ўша даврда мен нафақат Вагнер билан алоқани узиш тўғрисида бир қарорга келдим, балки умуман янглишганимни англаб етдим...» деб ёзади Ницше.

1880 йилда Ницше Евгений Дюринг қаламига мансуб «Фалсафа курси» асарини ўқиб чиқади. Бу асар унинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатади. Ницшега, айниқса, файласуфнинг коинотдаги барча жараёнларнинг даврий хусусиятга эга эканлиги, уларнинг доимо такрорланиб туриши тўғрисидаги фикрлари маъқул келади. Шу асосда ўзининг бу борадаги шахсий фикрларини ривожлантиради ва «Мангу қайтарилиш» ҳақидаги қарашлар тизимини ишлаб чиқади: «Ҳамма нарса мангу қайтарилишга маъқум. Биз қачонлардир яна айни вазиятда учрашамиз. Мен яна хасталикда яшайман, сиз эса яна менинг нутқимдан ҳайратга тушасиз... Менинг ўлиш-ўлмаслигим барибир эмасми, чунки ҳеч нарса мени бу ҳаётдан узоқлаштирмайди ҳам, яқинлаштирмайди ҳам. Чунки ҳар бир лаҳза яна қайтарилади, ҳар бир дақиқа мангудир».

Ницшенинг қуйидаги асарлари маълум:

«Тарихнинг ҳаёт учун фойдаси ва зарари тўғрисида» (1874), «Шопенгауэр мураббий сифатида» (1874), «Рихард Вагнер Байрейтда» (1875–1876), «Эркин тафаккур соҳиблари учун қўлланма» (1876–1878), «Тонг ялиғи» (1881), «Зардушт таваллоси: «Ҳар бир

киши ва ҳамма учун китоб» (1881–1885), «Қувноқ билим» (1882), «Ёвуз донишмандлик: ҳикматлар ва доно сўзлар» (1882–1885), «Ахлоқнинг моҳияти» (1887), «Ҳокимиятга интилиш» (Мазкур асар 1906 йилда чоп этилган). Ницше 1889 йилнинг бошида ақдан озади ва орадан бир йил ўтгач, вафот этади.

Ницше фалсафага ҳозир ҳам қўлланиб келаётган қуйидаги илмий тушунчаларни киритди: «Ҳокимиятга интилиш», «Барча қадриятларни қайта баҳолаш», «Одамларнинг янги насли», «Малларанг доғулилар», «Олий инсон».

Ницше ҳаётни бошқаларга қараганда теранроқ ҳис этган. У ўз аниқ-равшанлиги билан сирли, тушунарсиз даражада тушунарли бўлган ягона файласуф эди.

\* \* \*

Кимдир биздан узр сўрамоқчи бўлса, бу ишни ўта моҳирона бажармоғи керак. Акс ҳолда, биз ўзимизни айбдордек ноқулай ҳис этамиз.

\* \* \*

Ҳар қандай ҳақиқат – эгри. Чунки вақтнинг ўзи ҳам бир доирадир.

\* \* \*

Мен китобларимни доим бутун жисми жоним ва ҳаётим ила ёздим. Соф руҳий муаммолар нелигини эса билмайман.

\* \* \*

Инсон ҳам худди дарахтга ўхшайди. Дарахтлар юксаклик, ёруғлик сари қанчалик кўп интилсалар, илдизлари ер қаърига, қоронғуликка – тубанлик томон шунчалар чуқурроқ кириб бораверади.

\* \* \*

Мангуликка дахдор бўлиш учун баъзан ҳаётни қурбон қилишга тўғри келади.

\* \* \*

Ахлоқийлик мажбуриятни келтириб чиқаради. Кейинчалик у одатга айланади, ундан сўнграқ эса у ихтиёрий итоаткорликка ва ниҳоят, табиий майлга айланади.

\* \* \*

Инсон ўзга киши олдида айбларига иқрор бўлгач, уларни дарҳол унутади. Аммо ўзга киши унинг айбларини ёдида сақлаб қолади.

\* \* \*

Мукамал аёл одамзотнинг комил эркакдан кўра олийроқ туридир. Аммо уларнинг сони комил эркакларга нисбатан камроқ.

\* \* \*

Шундай қоида мавжудки, биз унинг воситасида инсоннинг ҳаётини тортиб олишимиз мумкин. Бироқ инсондан унинг ўлимини тортиб олишга имкон берувчи қоида мавжуд эмас.

\* \* \*

Шухратпараст одам учун ўзгаларнинг фикри эмас, балки ўзининг бошқалар фикри тўғрисидаги мулоҳазаси муҳимроқдир.

\* \* \*

Олижаноблик хушфезъллик ва ҳаддан ортиқ ишонувчанлик омиктасидир.

\* \* \*

Ҳамдардлик дард чекишдан кўра азоблироқдир.

\* \* \*

Исён – қул учун шон-шавкат.



\* \* \*

Сен уни ўз тарафинга оғдирмоқчимисан? У ҳолда унинг ҳузурида ўзингни довдираётгандек тут.

\* \* \*

Ҳар қандай жиддий меҳнат ахлоқимизга таъсир ўтказади. Диққатимизни топширилган ишни бажариш учун жамлашга бўлган уринишимизни руҳий оламимизга ташланган тошга ўхшатиш мумкин. Тош келиб тушгач, биринчи доира кичик бўлади, кейингилари эса ўз-ўзидан катталашиб боради.

\* \* \*

Изтироб ҳақиқатга эришишнинг энг тезкор усулидир.

\* \* \*

Бу оламда фақат уч нарса менга юпанч бўла олади: менинг Шопенгауэрим, Шуман ва ёлғизликдаги сайрлар.

\* \* \*

Биз нимани излаймиз? Хотиржамлик, бахтими? Биз қанчалар даҳшатли ва жирканч бўлмасин, ҳақиқатни излаймиз.

\* \* \*

Қачонлардир ҳамма нарса ўз ниҳоясига етади. Шунда – менга кўриш nasib этмайдиган олис кунларнинг бирида – китобларимни қўлга олиб очишади ва ўз ўқувчиларим пайдо бўлади. Мен ана шу мухлисларим учун ёзишим, шулар учун асосий ғояларимни ниҳоясига етказишим керак. Ҳозир курашолмайман – менинг ҳатто душманам ҳам йўқ.

\* \* \*

Мени яхши ўқишни ўрганинг!

## ВАСИЛИЙ ВАСИЛЬЕВИЧ РОЗАНОВ

(1856–1919)



Василий Розанов Россиянинг Ветлуга вилоятида камбағал, серфарзанд оилада дунёга келди. У уч ёшида отадан етим қолиб, бувиси билан яшай бошлади.

Розановлар оиласи офир жисмоний меҳнат билан ғарибона, машаққатли ҳаёт кечиришган. Василий Розанов гимназиянинг иккинчи синфида ўқиётганда онаси вафот этади ва фарзандлар тарбияси тўнғич ўғил Николайнинг қўлига ўтади.

Василий Розанов 1882 йилда Москва университетининг тарих-филология факультетини тамомлайди.

Кейин 13 йил давомида Брянск, Ельц шаҳарчаларидаги гимназияларда тарих ва географиядан дарс беради.

Фикрлаш тарзидаги аччиқ танқидий услуб туфайли Розановнинг дўстлари унча кўп бўлмаган. Бундан ташқари унинг ўзи ҳам ёлғизликка мойил бўлган.

В.Розанов ҳар бир нарса юзасидан қарама-қарши, парадоксал шахсий нуқтаи назарга эга бўлган.

Офир ва ночор ўтган болалик Розановни яшаш учун жуда муҳим бўлган фикрий мослашув, эгилувчанликдан маҳрум этганди. Шу туфайли севиш унинг учун танқид қилмоқ ва курашмоқ билан тенг эди.

1893 йилда Розанов Давлат назорати (акциз) идорасига ишга ўтади ва Петербургга кўчиб келади.

1899 йили эса истеъфога чиқади ҳамда «Новое время» газетасида ижодий ходим бўлиб ишлай бошлайди ва ўзини буткул адабий фаолиятга бағишлайди.

Октябрь инқилобидан сўнг у файласуф ва илоҳиётчи Павел Флоренский билан Авлиё Сергей ибодатхонасида яшайди.

1918 йили Розановнинг миясига қон қуйилади, уч ойдан кейин эса вафот этади.

Унинг қуйидаги асарлари маълум: «Англаш тўғрисидаги фаннинг табиати, чегаралари ва ички тузилмасини яхлит илм сифатида тадқиқ қилиш тажрибаси» (1886), «Маърифатнинг мубҳам онлари», «Зулмат ва мавҳумлик салтанатида» (1904), «Черков деворлари теграсида» (1906), «Ёлғизлик» (1912), «Мавҳум қиёфа: насронийлик метафизикаси» (1911).

\* \* \*

Йўллар – некбинлар қисмати.

\* \* \*

Табиат дўстдир, аммо уни еб бўлмайди.

\* \* \*

Ҳар қандай метафизика табиатни чуқур англаш демакдир.

\* \* \*

Мен таълимотим кенг ёйилишини истайманми? Йўқ. Чунки бу жуда катта ҳаяжонларга сабаб бўлади, мен эса хотиржамликни севаман...

\* \* \*

Фақат мусибатгина бизга буюклик ва илоҳийлик эшикларини очади.

\* \* \*

Дағаллик ва зўравонлик 2 фоиз муваффақият келтирса, мулойимлик ва ҳожатбарорлик 20 фоиз муваффақиятни таъминлайди. Яҳудийлар бу ҳақиқатни ҳаммадан аввал англаб етдилар.

\* \* \*

Таҳқир бир неча кун ўтгандан сўнг шундай руҳий ёғдуга айланадики, унга ҳеч нарса тенг келолмайди. Онгининг олий даражадаги тиниқлашувига таҳқирсиз эришиб бўлмайди, деган фикрни айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Зеро, комиллик таҳқир, мағлублик нималигини билмай доимо ғалаба нашидасини суриб, юксақда юрганларга бир умр насиб этмаган.

\* \* \*

Шон-шуҳрат нафақат буюклик, балки буюклик инқирозининг ибтидосидир.

\* \* \*

Инқилоб икки ўлчамга эга: узунлик ва кенглик. Аммо у учинчи ўлчам – теранликдан маҳрумдир. Ана шу сифат туфайли у ҳеч қачон бўлиқ ва мазали мева бермайди, ҳеч қачон «тугамайди».

Инқилоб ўсиб бориб асабийликка айланади. Ва инсон ҳеч қачон: «Бас! Етарли! Мен бахтиёрман. Бугунги куним шундай яхшики, менга эрта керакмас...» деёлмайди. Инқилоб доимо азобни етаклаб юради ва фақат «эртанги» кундан умид қилади...

Ҳар бир эртанги кун уни дорда қолдириб, индинга айланади. Бу узлуксизликдан ҳеч қаерга қочиб қутулиб бўлмайди.

Инқилобда қувонч йўқ. Бўлмайди ҳам.

Социализм худди номутаносиблик каби ўтиб кетади. Ҳар қандай номутаносиблик ўткинчидир. Социализм – бўрон, ёмғир, шамол...

Бир куни қуёш порлайди ва ҳамма нарсани қуритади. Одамлар социализм тўғрисида қовжираган майса ҳақида гапираётгандек: «Наҳотки у (социализм) бўлган эди?» «Ва дераза ойналарига «биродарлик», «тенглик», «озодлик» дўллари келиб урилганди?» – деб сўрайдилар.

– Эҳ, ҳа! Бу дўл қанча одамларга шикаст етказган!!!

– Вожаб. Ғалати ҳодиса. Ишонгинг келмайди. У тўғрида қаерда ўқиш мумкин?»

## МУНДАРИЖА

Донишмандлик дурдоналари .....	5
Ҳазрат Сулаймон .....	7
Милетлик Фалес .....	9
Эзоп .....	12
Приеналик Биант .....	15
Критлик Эпименид .....	17
Милетлик Анаксимен .....	19
Лао Цзи .....	20
Пифагор .....	24
Будда Шакья Муни .....	27
Конфуций .....	33
Парменид .....	39
Эфеслик Буқрот (Гераклит) .....	41
Мелисс .....	44
Клазоменлик Анаксагор .....	46
Элеялик Зенон .....	49
Акрагантлик Эмпедокл .....	52
Ҳоргий (Горгий) .....	54
Протагор .....	55
Мо-цзи (Мо Ди) .....	58
Сукрот .....	61
Демокрит .....	68
Антисфен .....	74
Ҳиреналик Аристипп .....	76
Афлотун (Платон) .....	80
Диоҳен (Диоген) .....	87
Шан Ян .....	94
Арасту (Аристотель) .....	99
Мэн-цзи .....	109
Чжуан-цзи .....	116
Гиррон .....	124
Эпикур .....	129
Ҳитийлик Зенон .....	134
Сюн-цзи .....	138

Хан Фэй .....	145
Карнеад .....	151
Цицерон Марк Туллий .....	152
Лукреций Тит Кар .....	157
Исо Алайҳиссалом (Ешуа Машиах) .....	158
Сенека кичик Луций Анней .....	161
Херонеялик Плутарх .....	174
Эпиктет .....	178
Нагаржуна .....	182
Марк Аврелий Антонин .....	184
Тертуллиан Квинт Септимий Флоренс .....	187
Августин Аврелий (Саодатли) .....	188
Бозций .....	193
Форобий .....	196
Абулқосим Фирдавсий .....	199
Ал-Мааррий Абул Ала .....	202
Ибн Сино .....	205
Умар Хайём .....	208
Абу Ҳамид Муҳаммад Ал Ғаззолий .....	211
Хўжа Аҳмад Яссавий .....	214
Чжу Си .....	218
Жалолиддин Румий .....	221
Рожер Бэкон .....	224
Аквинолик Фома .....	228
Уилям Оккам .....	232
Петрарка Франческо .....	235
Баҳроуддин Нақшбанд .....	240
Алишер Навоий (Низомиддин Мир Алишер) .....	244
Никколо Ди Бернардо Макиавелли .....	259
Ван Шоужен .....	263
Монтен .....	269
Филиппо Жордано Бруно .....	274
Фрэнсис Бэкон (Лорд Веруламский) .....	277
Нажмиддин Кубро .....	284
Галилео Галилей .....	288
Яков Бёме .....	290
Томас Гоббс .....	292
Рене Декарт .....	295
Балтасар Грасиан .....	298

Франсуа Де Ларошфуко.....	304
Блез Паскал .....	311
Жон Локк.....	314
Барух Спиноза.....	317
Шефтсбери Антони Эшли Купер .....	320
Жан Де Лабрюйер.....	323
Монтескьё (Шарль-луи Секонда).....	326
Вольтер (Франсуа-мари Аруэ).....	332
Бенжамин Франклин.....	338
Давид Юм.....	345
Михаил Васильевич Ломоносов .....	348
Дени Дидро .....	351
Вовенарг Люк Де Клапье .....	354
Леже-мари Дешан .....	357
Григорий Саввич Сковорода.....	360
Пол-анри Гольбах (Паул Генрих Дитрих) .....	363
Кант Иммануил .....	367
Робине Жан Батист Рене .....	370
Шамфор Никола Себастиан Рок .....	372
Лихтенберг Георг Кристоф .....	375
Йоҳанн Вольфганг Гёте .....	379
Йоҳанн Готтлиб Фихте .....	383
Георг Вильгельм Фридрих Гегель.....	388
Стендаль.....	392
Артур Шопенгауэр .....	395
Петр Яковлевич Чаадаев .....	400
Фридрих Вильгельм Ницше .....	403
Василий Васильевич Розанов.....	408



*Адабий-бадший нашр*

**ҲАҚИҚАТ МАНЗАРАЛАРИ  
100 МУМТОЗ ФАЙЛАСУФ**

Муҳаррир  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусахҳиҳ  
Мадина МАҲМУДОВА

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Компьютерда саҳифаловчи  
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир  
Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2015 йил 20.11.да рухсат этилади.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 13,0. Шартли босма табағи 21,84.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 74.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриётида тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-71;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;

Факс – 273-00-14.

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

# 100 МУМТОЗ ФАЙЛАСУФ

ЗАКОРАТ  
ДУРДОГАЛАРИ



МАДАРИ

10.1/18/1/4/27 943



789943 273665